



ИНҚИЛОБ ЖАНГЧИПАРИ





ИНҚИЛОБ ЖАНГЧИЛАРИ

ТОШКЕНТ
«УЗБЕКИСТОН»
1990

66.61 (2) 2
И 57

Масъул муҳаррир: М. М. Маҳмудов
Тузувчи: Т. П. Ежова
Муҳаррир — З. Ҳақимова

Инқилоб жангчилари // Масъул муҳаррир
И 57 М. М. Маҳмудов/. — Т.: Ўзбекистон, 1990. — 183 с.
ISBN 5-640-00360-X.

Мазкур китобда Урта Осиёда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақамлаш, социалистик жамият асосларини яратиш учун курашларда фидойилик кўрсатган инсонларнинг ҳаёти ва серқирра фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллифлар инқилоб ишига ўзини бахшида этган азиз инсонлар сиймоларини халқимиз хотирасида абадийлаштиришга интилаганлар.

Солдаты революции.

ББК 66.61 (2) 2

№ 790—90
Навой номли ЎзССР
давлат кутубхонаси.

ISBN 5-640-00360-X

И 0503020900—201 90
— М 351 (04) 90

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1990 й.

СУЗ БОШИ

Қутлуғ Октябрь кунлари биздан қанчалик узоқлашса, унинг тарихий аҳамияти, қадр-қиммати кўз ўнгимизда шунчалик яққоллашиб боради. Унинг оламшумул тарихий аҳамияти ўткинчи эмас, балки у замон билан, давр билан, янгидан-янги авлодлар билан ҳамоҳанг бўлиб, олға қараб магрурона қадам ташлайверади.

Октябрнинг ўн кунни дунёни титратди, 70 йили уни тамомила ўзгартириб юборди. В. И. Ленин Октябрь революцияси бутун дунёга социализм йўлини кўрсатиб берди, деган эди.

Октябрь чор Россиясининг чекка ўлкаси, доҳий Ленин ибораси билан айтганда «соф типдаги мустамлака» бўлган Туркистонга «мустамлакага ўхшаш» Бухоро ва Хоразмга, умуман Урта Осиёга ҳам озодлик, тараққиёт, тенглик, тинчлик, қардошлик ва социализмни олиб келди. Бу қадимий ўлкада ҳам улуг рус пролетариати, большевиклар партияси раҳномалигида, ерли меҳнаткаш оммининг революцион кураши билан Советларнинг зафарли, муқаддас байроғи ўрнатилди.

Утмишда социал-иқтисодий, маданий-маърифий тараққиётдан орқада қолиб кетган Урта Осиё халқлари Октябрь ва социализм шарофати билан, Ленин даҳоси ва Коммунистик партия раҳнамолигида буюк дўстлик қудрати билан янги ҳаётга эришининг катта ойдин йўлига чиқиб олди, асрий қолоқликка, зулм ва эксплуатацияга хотима берди. Мана энди СССР халқларининг буюк ва мустаҳкам қардошлик оиласида туриб бу халқлар сталинизм ва турғунлик йилларида юз берган нохуш ҳолатларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши астойдил курашиб, жонажон партиямиз илгари сурган қайта қуриш номи билан аталган буюк инқилобий ўзгаришларда, яъни жамиятимизнинг янгиланишида, пок-ланишида, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини де-

моқратлаштириши, ошкоралик, социал адолат ўрнатиш борасида фаол қатнашмоқдалар. Октябрь авлоди меҳр ва ишонч билан тутқазган кураш ва ғалаба байроғини қайта қуришининг жонкуяр, шижоатли ҳозирги авлоди баланд кўтарганликлари ҳолда улуғ Ленин, доно Коммунистик партия, социализм ғояларининг тантанасини таъминлашда сабот ва чидам билан меҳнат қилмоқдалар. Улар ўзининг кураш ва бунёдкорлик тарихига ҳамиша фахр билан қараб келдилар ва уни кўз қорачиғидек сақлайдилар. Октябрнинг муқаддас байроғини бепоён Ватанимиз узра баланд кўтарган инқилоб қаҳрамонларининг шонли ҳаёт йўли, унутилмас жасоратлари олдида халқимиз доимо икки кўлини кўксига қўйиб таъзим этади.

Барча совет кишилари, бутун дунё меҳнаткашлари помещик ва капиталистлар ҳокимиятини ағдарган, империализмга қарши, тинчлик, озодлик ва халқлар қардошлиғи учун курашганлар хотирасини ҳурмат ва эҳтиром билан эслайди. Совет халқи доҳий Лениннинг Октябрь курашчиларининг хотираси шарафига шундай қилайликки, уларнинг ёдгорлиғи олдида, сизнинг йўлингиздан борамиз деб, сизлардек кўрқмас, қаҳрамон бўламиз, деб қасамёд қилайлик, деган улуғвор васиятига ҳамиша содиқ қолади. «Биз,— деганди М. С. Горбачев,— 70 йиллик Советлар тарихининг ҳар бир йили қадрига етчимиз керак... Кишилар номлари унутилмаслиғи керак»¹. Айниқса мудҳиш сталинизм йилларида айбсиз айбдор бўлиб репрессия қурбонлари бўлган кўнлаб инқилоб курашчиларининг хотирасини муқаддас билмоғимиз керак. «Неча минглаб партия аъзолари ва партиясизлар,— деб кўрсатди М. С. Горбачев,— оммавий суратда репрессия қилинди. Социализм ишига ва партиянинг обрў-эътиборига жиддий зарар етказилди. Биз бу ҳақда рўй-рост гапиришимиз керак. Буни социализмнинг ленинча идеалини узил-кесил ва қатъиян қарор топтириш учун айтиш керак»².

В. И. Ленин Советларнинг, умуман социализмнинг асосий вазифаси «энг қуйи табақаларни тарихий ижод-

¹ М. С. Горбачев. Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1987, 23-бет.

² Уша жойда.

корликка кўтариш»дан иборатлигини бир неча бор кўрсатиб берганди. Ана шу ленинча орзу собиқ мустамлака Урта Осиёда ҳам рўёбга чиқди. Кечагина сиёсий ва ижтимоий ҳаётга мутлақо жалб этилмаган мазлум халқлар орасидан, энг қуйи табақалардан юзлаб ажойиб омма етакчилари, инқилоб курашчилари партия ва совет ходимлари, ҳарбий қаҳрамон ва саркардалар, фан ва маориф арбоблари етишиб чиқди.

Урта Осиё халқларининг шонли кураш ва бунёдкорлик тарихи солномасига она юртимиз бахт-саодати, социализм иши, улуг Ленин ғоялари тантанаси йўлида ўзининг бутун куч-гайратини, ақл-заковатини сафарбар этган ажойиб революционерлар, ленинчи-большевиклар, омма етакчилари, ҳақиқий курашчиларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан ёзилгандир.

Ушбу тўпلامда Урта Осиёда социализм ғалабасини таъминлашда фаол иштирок этган ва Ленин гвардиясига мансуб бўлган П. А. Кобозов, И. А. Зеленский, Д. С. Урюпин, кўзга кўринган атоқли партия ва давлат ходимлари Т. Рисқулов, Ф. Хўжаев, С. Хўжанов, К. Хакимов, И. Хидиралиев, У. Эшонхўжаев, Р. Раҳимбоев, Х. Хусанбоев, Р. Исломов, Нажиб Хусайновларнинг қисқа, лекин шон-шухратларга, жасоратларга тўла бўлган ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилинади. Уларнинг кўплари айбсиз айбдор сифатида жазоланиб, репрессия қурбони бўлган эдилар.

Мақолаларни имкон борича тарих фанида ҳам амалга оширилаётган қайта қуриш талаблари, бу фаннинг эришган ҳозирги ютуқларини фикрлаш, янгича ёндошиш, ҳар хил фактик ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда, воқеа ва ҳодисаларни объектив баҳолаш, ижобий ва салбий ҳолатларни ҳам қамраб олиш, шахслар фаолиятини адолатли баҳолаш асосида ёзишга тўғри келди.

Бу асар совет кишиларини, айниқса Урта Осиё республикалари меҳнаткашларини, ҳусусан ёш авлодни партия ва халқнинг шонли революцион, жанговар анъаналари руҳида тарбиялашда, шахсга сиғинишининг мудҳиш оқибатлари социализм ишига қанчалик путур етказганлигини билиш, англаш ва унга нисбатан тўғри муносабат уйғотишда маълум даражада аҳамият касб этади.

Шунингдек тўпلامдаги мақолаларда Урта Осиё республикалари тарихига доир янгидан-янги материаллар ҳам борки, улар олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, ўрта мактабларда ўқитилаётган миллий республикалар

тарихини ўзлаштиришда ўқувчи ва студент ёшлар кенг оммасига маълум даражада ёрдам беради. Қолаверса, шахсга сиғиниш даврида асоссиз репрессия қурбони бўлганларни ҳақиқат асосида оқлаш, ноҳақ унутилгач номларни халққа қайтариб бериш, репрессиядан жабрланганлар хотирасини абадийлаштириш борасида олиб борилаётган ибратли ва хайрли ишларда ҳам бу асар муайян роль ўйнайди, деб умид қиламиз.

Р. Т. ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори

ФАЙЗУЛЛА ХҲЖАЕВ

[1896—1938]

Урта Осиёда Совет ҳокимиятининг ғалабаси ва унинг мустақамланиши, Ўзбекистонда социализм қурилиши учун қаҳрамонона курашган кишилар қаторига кўзга кўринган партия ва давлат арбоби Файзулла Хўжаев ҳақли суратда киради.

Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти ва амалий фаолияти буржуазиянинг энг илғор, прогрессив вакиллари (жумладан Шарқ мамлакатларида ҳам) муайян шароитларда иккиланиш ва хатоларни енгиб ўтиб, ишчилар синфи, меҳнаткаш халқ позицияларига ўта олганларига, бутун куч-қуввати, қалб ва ғайрат-шижоатини халқ хизмати-га, унинг бахт-саодати ҳамда фаровонлиги учун, социализм учун фидо қила олганликларига яққол мисол бўла олади.

Файзулла Хўжаев 1896 йил июлда Бухоро шаҳрида савдогар миллионер оиласида дунёга келди. У ёшлик йиллариданоқ революцион курашга қўшилди. Амирликдаги бошқа прогрессив кишилар билан бирга у Бухорони асрлар қолоқлигидан қутқаришга интилди, бундай қолоқликдан халос бўлишга эса амир истибдоди тўсиқ бўлиб келмоқда эди. Бироқ Ф. Хўжаев дастлабки даврда амирликни тор-мор қилишга қодир кучни халқда эмас, балки шаклланаётган миллий буржуазия, аynиқса савдо буржуазияси манфаатларини ифодаловчи жадидларда кўрди. Уша пайтда улар амир истибдодига қарши бош кўтарган ягона оппозицион куч эди. Бу

Ўринда шунини таъкидлаш лозимки, агар жадидларнинг кўпчилиги ўз манфаатлари йўлида, яъни бойлик орттиришлари учун Бухорода зарур шароит яратиш ниятида амир ҳокимиятига қарши курашган бўлсалар, Ф. Хўжаев ўз мамлакатининг иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий қолоқлигига барҳам бериш, халқ оммаси аҳволини яхшилаш йўлларини излаган эди. Гарчи жадидлар революцион курашнинг пиروвард мақсадлари турлича бўлса-да, бироқ улар Бухоронинг тараққиёт йўли масаласида муштарак қарашларга эга эдилар. Барча жадидлар сингари Ф. Хўжаев ҳам дастлаб фақат капиталистик ривожланиш йўлигина Бухоро тараққиёти учун энг яхши шароит ярата олади, деган фикрда эди.

Жадидлар ҳаракати Октябргача бўлган даврда реформистик характерга эга эди. «Буржуазия давлатини революцион тарзда эмас, балки буржуа тарзида, реформистик тарзда ислоҳ қилишга интилиб,— дея қайд қилган эди В. И. Ленин,— монархияни ҳам, помещиклар ер эгаллиги ва ҳоказоларни ҳам мумкин қадар сақлаб қолмоқчи»¹.

Жадидлар олдинга маданий-маърифий фаолият билан шугулланган бўлсалар кейинчалик жузъий демократик эркинликлар ҳам талаб қила бошладилар. Бу талаблар революцион характердан ҳоли эди. Лекин шунга қарамай ўрта асрлар Бухоросининг ўша пайтдаги шароитида жадидлар ҳаракатининг бундай формаси прогрессив аҳамиятга эга эди. Файзулла Хўжаев жадидлар ҳаракатида иштирок этар экан, Россиядаги революцион воқеалар таъсири Бухоро тараққиёти учун баъзи бир туб ўзгартишлар содир этишига қатъий ишонч ҳосил қила борди. У жадидлар орасидан ўз гоъларига тарафдор кишиларни топди ва 1917 йилда ана шулар ва яна бошқа бир қатор илғор кишилардан ёш бухороликлар партиясини тузди. «Ёш бухороликлар»нинг ўша пайтдаги энг олий ниятлари Бухоро амирлигида конституцияни жорий этишдан иборат эди.

Улуғ Октябр социалистик революциясининг ғалабаси, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг Россия халқларини социал ва миллий озодликка чиқариш, мамлакатни хўжалик ва маданий оёққа турғозиш жиҳатдан олиб борган фаолияти Бухоро амирлигидаги халқ оммасига улкан революционлаштирувчи руҳ бағишлади. Қўшни ўлка — Совет Туркистонда юз бера-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 37-том, 355-бет.

ётган тарихий ўзгаришлар ҳам унга жуда катта таъсир кўрсатди. «Буларнинг ҳаммаси «ёш бухороликлар» партиясига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Бу партиянинг Файзулла Хўжаев бошчилигидаги энг илғор қисми ислохотчилик-маданиятчилик фаолиятининг бефойдалигига ишонч ҳосил қилгач, ҳақиқий революцион кураш йўлига ўтди.

Бухоро амирлигида реакция кучайганлиги сабабли Ф. Хўжаев жазоланмай омон қолган бошқа революционерлар билан бирга Туркистонга кўчиб ўтишга мажбур бўлди. Унинг туркистонлик большевиклар билан яқиндан мулоқотда бўлганлиги, сўнгра Москвага қилган сафари, В. И. Ленин сафдошлари — Я. М. Свердлов, М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, Ш. З. Элиава ва бошқалар билан бир неча марта учрашиб, суҳбатлашганлиги, мажбурий эмиграциядалик пайтида Россиядаги социализм қурилишини ўз кўзи билан кўрганлиги Файзулла Хўжаевга жуда катта таъсир кўрсатди.

Файзулла Хўжаев фақат коммунистларгина меҳнаткаш халқ бахти учун ҳақиқий изчил курашчилар эканлиги, фақат ҳамжиҳатлик билан кураш олиб бориш туфайлигина Бухоро реакцияси устидан ғалаба қозониб, халқни амир истибдодидан озод қилиш мумкинлигига қатъий ишонч ҳосил қила боради. 1920 йил август ойи бошида у РКП(б) Программасини эътироф этишини ва 1918 йилда ташкил топган Бухоро Компартияси сафларига киришга тайёр эканлигини эълон қилади. Бу пайтга келиб амирликда революцион кризис пишиб етилган эди. 1920 йил 16 августда Чоржўйда очилган Бухоро Коммунистик партиясини IV съезди амир ҳокимиятига қарши курашда мамлакатдаги барча демократик ва революцион кучларни бирлаштириш учун коммунистлар программасини эътироф этиш негизида ёш бухороликлар ташкилоти билан иттифоқ тузиш ҳамда амирликни тугатгандан сўнг БКП раҳбарлигида иш олиб борадиган халқ ҳокимиятини ўрнатиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Шундай қилиб, БКП умумдемократик характерга эга Бухоро революцияси шароитида мумкин ва мақсадга мувофиқ бўлган ёш бухороликлар билан ягона иттифоқ тактикасини амалга ошириб, шу революцияга раҳбарлик ролини ўзида сақлаб қолди. Съезд Бухоро амирлигида революцион вазият мавжудлигини ҳисобга олиб, амир ҳокимиятини афдариб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бухоро

Компартиясининг IV съезди коммунистларни қуролли қўзғолонга йўналтирди, уни амалга оширишга раҳбарлик маркази ташкил этилиб, унда Файзулла Хўжаев ҳам бор эди.

1920 йил 28 августда Бухорода бошланган халқ революцияси амирнинг тахтдан ағдарилиши билан якунланди. Қизил Армия қисмлари, бухоролик қизил қўшинлар ва қўзғолон кўтарган халқнинг ҳамжиҳат ҳаракатлари натижасида 1920 йил 2 сентябрда амирлик пойтахти — Эски Бухоро ишғол қилинди. Уша кунини М. В. Фрунзе, В. И. Ленинга шундай телеграмма юборган эди: «Бугун қизил бухороликлар ва бизнинг қисмларимизнинг биргаликдаги ҳаракати билан Эски Бухоро қалъаси штурм қилиб олинди. Бухоро жаҳолат-параастлиги ва қорағуруҳчилигининг охириги таянчи ағдарилди»¹.

Бухородаги халқ революцияси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг манتيқий давоми бўлди. Революциянинг биринчи босқичида Бухорода меҳнаткаш халқнинг революцион-демократик диктатураси ўрнатилди, чунки у демократик, халқ революцияси эди. Унда ишчилар, деҳқонлар, шаҳарлик камбағаллар, миллий буржуазиянинг прогрессив элементлари иштирок этди. Объектив шароитлар — амирликнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолақлиги, ишчилар синфининг ғоят камсонлилиги, шаҳар ва қишлоқда майда буржуа элементларининг кўпчилигини ташкил этиши пролетариат диктатурасини ўрнатишга имкон бермади. Бухорода революциянинг дастлабки босқичида ўрта аср қолақлигига қарши кураш масалалари кўндаланг бўлиб турарди.

Революция ғалаба қозонганидан кейин 1920 йил 11 сентябрда Ф. Хўжаев бошчилигидаги ёш бухороликлар революцион партияси Марказий бюроси партия ўз-ўзини тарқатиб юбориши ва ёш бухороликлар Бухоро Компартияси таркибига кириши тўғрисида қарор қабул қилди. Ёш бухороликлардан Ф. Хўжаев биринчи бўлиб БКП сафига кирди. Сўнгра у БКП МК таркибига ҳам киритилди.

«Партияга ва ишчилар синфи ишига хизмат қилишни ўзига вазифа қилиб олган партиянинг ҳар бир аъзоси учун бўлгани каби, мен учун ҳам,— деган эди у,— партиямиз ўтказиб ва ҳимоя қилиб келаётган йўлдан

¹ М. В. Фрунзе на фронтах гражданской войны. Сборник документов. — М.: Воениздат, 1941, 330-бет.

бошқа йўл йўқлигини ва бўлиши мумкин эмаслигини, бошқача ҳақиқат йўқлигини ва бўлиши мумкин эмаслигини, бизнинг Бутуниттифоқ Коммунистик партия-миз ўтказиб келаётган йўлдан бошқача йўл йўқлигини, бутун партия ва унинг олий органлари белгилаб берган сиёсатдан бошқача сиёсат йўқлигини... айтиш... зарур деб ҳисобладим... партия сафларининг бирлигини, жипелигини мустаҳкамлаш менинг учун энг олий қонуидир»¹.

1920 йил октябрида бўлиб ўтган Халқ вакилларининг биринчи Бутунбухоро қурултойи Бухорони Халқ Совет Республикаси деб эълон қилди. Шу съездда Файзулла Хўжаев республика ҳукумати раҳбари — БХСР Халқ Нозирлари Совети раиси қилиб сайланди. 1922 йилда РКП(б) составига кирган Бухоро Коммунистик партияси БХСР меҳнаткашларининг сиёсий раҳбар кучи бўлиб қолди.

Бухорода Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун кураш ўша босқичда халқ республикасидаги коммунистлар ва барча меҳнаткашларининг асосий вазифаси эди. Ф. Хўжаев рус пролетариати билан мустаҳкам иттифоққа ҳамда унинг ёрдамига таянган ҳолда бу вазифани амалга ошириш учун курашувчиларнинг олдинги сафларида борди. У 1922 йил августида БХСР Советларининг III съездида қилган докладда шундай деган эди: «Бухоро капитализмга қарши курашаётган барча совет республикалари билан, биринчи навбатда социализм таянчи бўлган Совет Россияси билан бузилмас дўстона муносабатлар ўрнатишга интилиши керак»².

Миллий буржуазия манфаатларини ифодалаб келган ёш бухороликлар партиясига раҳбарлик қилган Файзулла Хўжаев ўзининг илгариги қарашларидан шундай осонгина юз ўгирганлигини ва бошқа кўпгина ёш бухороликлар Совет ҳокимияти билан мурса қилолмаган бир пайтда унинг халқ ҳокимияти учун бунчалик астойдил курашганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бу фактни биргина Ф. Хўжаевнинг узоқни кўра билиши қобилияти билан изоҳлаб бўлмайди. Унинг бундай ғоявий ўсишининг бош сабаби Ф. Хўжаев Совет халқ ҳокимияти қиёфасида Бухоро тараққиёти учун энг ишончли йўлни кўргайлигидадир. У совет тузуми халқ оммасини сиёсий ҳаётга уйғотаётганлигига ва миллий

¹ *Файзулла Хўжаев. Избранные труды.* — Ташкент: Фан, 1970, 1-том, 58-бет.

² Уша жойда.

буржуазия эмас, балки худди ана шу омма янги ҳаёт ижодкори бўлаётганлигига ишонч ҳосил қилди.

Файзулла Хўжаевнинг халқ ишига, Совет ҳокимиятига, Коммунистик партия ғояларига содиқлиги унинг БХСР Халқ Нозирлари Совети раиси лавозимида кўрсатган жўшқин, толмас фаолиятида яққол намоён бўлди. Бу вазифага у ниҳоятда мураккаб ва оғир сиёсий вазиятда киришган эди. Ағдариб ташланган синфий душманлар билан шиддатли кураш борарди. Бундан ташқари, ёш республикага амирликдан ақл бовар қилмайдиган даражадаги иқтисодий ва маданий қолоқлик мерос бўлиб қолган эди.

Машаққатлар яна шу билан ҳам чуқурлашган эдики, БКП ва ҳукумат раҳбарлари ўртасида Бухоро революциясини ривожлантириш истиқболлари хусусида тўлиқ яқдиллик йўқ эди. Файзулла Хўжаев ниҳоятда мураккаб ўрта асрлар Бухороси шароитида БХСРнинг тўғри мақсадни кўзлай олган ва ишончли ҳаракат программасини белгилай олган раҳбарларидан бири бўлганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Ф. Хўжаев ёш халқ республикаси раҳбари сифатида серқирра фаолият кўрсатди. У босмачиларни тор-мор этишининг ташкилотчиларидан бири бўлди. Айни пайтда Ф. Хўжаев республикани иқтисодий ривожлантириш ва маданий курашиш масалалари билан ҳам шуғулланди. У давлат қурилишининг ҳар қандай жабҳасида жўшқин куч-ғайрат билан Коммунистик партия ғояларини ҳаётга татбиқ этди ва Бухоро революцияси демократик босқичдан социалистик босқичга ўсиб ўтишига алоқадор ишларга улкан ҳисса қўшди. Ф. Хўжаевнинг Қизил Байроқ ордени ва БХСР нинг биринчи даражали давлат ордени билан мукофотланганлиги унинг халқ республикасида халқ демократик тузумини мустақамлаш ва ривожлантиришдаги хизматлари эътироф қилинганлиги ифодасидир.

Шу тариқа марксизм-ленинизм ҳаётбахш ғоялари, Россиядаги Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва амирликдаги революцион-озодлик ҳаракати таъсири остида Файзулла Хўжаевнинг аста-секин буржуазия позициясидан ишчилар синфи, бутун меҳнаткаш халқ позицияси, революцион демократликдан большевизмга, буржуа миллатчилиги ғояларидан пролетар интернационализмига ўтиши амалга ошди. У революцион курашлар оловида тобланиб, марксча-ленинча назарияни, пролетариатнинг синфий кураш тажрибасини қунт

билан ўрганиб, Коммунистик партия таъсири остида революцион демократизм идеологияси билан алоқани узиб, марксизм-ленинизм позициясида собит қолинига муваффақ бўлди. Табиийки, бу жараён дарҳол содир бўлмай, маълум давр давомида амалга ошди.

Тўрт йил БХСР ҳукумати бошлиғи лавозимида ишлаш Файзулла Хўжаев учун давлат фаолияти, хўжалик ва ташкилотчилик иши, интернационал тарбия бобида катта мактаб бўлди.

Бу даврда Бухоро Халқ Совет Республикасидан социалистик республикага айланди. Миллий республикалар ташкил этилишига тор миллий манфаатлар нуқтаназаридан эмас, балки ўлкада социализм қурилиши манфаатлари позициясидан қараган Файзулла Хўжаев Урта Осиё республикалари миллий-давлат чегараланишини тайёрлаш ва ўтказишда гоёта фаол иштирок этди. «Бирдан-бир тўғри йўл» мақоласида Ф. Хўжаев шундай ёзган эди: «Биз Урта Осиё халқларининг кенг ва эркин бунёдкорлик билан шугулланишларига янги йўл очиб бермоқдамиз. Миллий чегараланишдан сўнг вужудга келадиган республикалар бир-бирлари билан тинч ҳамкорлик қилиб, бир-бирларига ёрдамлашдилар. Бу республикалар Коммунистик партия миллий масалани тўғри ҳал қилганлигини кўрсатувчи яна бир яққол, ишончли далил бўлади»¹.

1924 йил 27 октябрда СССР МИК II сессияси Урта Осиё республикалари раҳбар совет органларининг миллий-давлат чегараланиши ҳақидаги ва янги миллий совет социалистик республикалари ҳамда областларини ташкил этиш тўғрисидаги илтимосини қондирди.

1924 йил охирида ТАССР, БССР ва ХССР Советларининг сессиялари қарорлари билан бу республикалардаги бутун ҳокимият миллий республикалар ва областлар Революцион комитетларига берилди. РКП(б) МКнинг 1924 йил 5 ноябрдаги қарорига биноан Ўзбекистон Ревкоми — республика Муваққат революцион ҳукумати ташкил этилди. Унинг раиси қилиб Ф. Хўжаев тасдиқланди. У 1924 йил 30 октябрда Ўзбекистон партия ташкилоти Муваққат ташкилий бюроси аъзолигига сайланди.

1925 йил 13—17 февралда Ўзбекистон Советларининг I Таъсис съезди бўлиб ўтди, унинг ишида Ф. Хўжаев актив иштирок этди. У съездда кириш сўзи сўзлади ва «Ўзбекистон ССР Революцион комитети фаолияти

¹ Файзулла Ходжаев. Избранные труды. 1-том, 364-бет.

ҳақида» доклад қилди. У 1925 йил 14 февралда Ўзбекистон ССР ХКС раиси лавозимига тавсия қилинди.

Ўзбекистон Советлари I съездида съезд коммунистик фракцияси топшириғига биноан А. Икромов Ўзбекистон ССР ҳукумати раҳбарлиғига номзод тўғрисида нутқ сўзлади. Ф. Хўжаевни таърифлаб, у шундай деди: «...Халқ Комиссарлари Советимизнинг бўлғуси раиси аввало шундай одам бўлиши керакки, унга кенг меҳнаткаш халқ оммаси мутлақо ишонадиган бўлсин ва унинг яна бошқа фазилати ишчанлик, ишга лаёқатлилик ҳамда республикамиз олдида кўндаланг бўлаётган оғир вазифаларни тўғри ҳал этишга қобилиятли бўлишидир. Ана шу ҳар иккала фазилатга эга бўлган ягона номзод большевиклар фракцияси томонидан номзоди кўрсатилаётган ўртоқ Файзулла Хўжаевдир»¹. Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ССР ХКС раиси қилиб сайланди. Бу лавозимда у 1937 йил 17 июнгача ишлади.

Файзулла Хўжаев Совет Ўзбекистони ҳукуматининг раҳбарлик лавозимида ишлаган пайтида ўзбек халқи ва республикада яшайдиган бошқа халқлар тарихан қисқа муддат ичида рус ва бошқа турли миллат вакилларининг беғараз ёрдамига таяниб, феодал тузуми ва мустамлакачилик системасидан мерос қолган қоқоқликка барҳам беришлари учун гоят катта фаолият кўрсатди.

Ер-сув ислоҳотининг ўтказилиши Ўзбекистон Компартиясининг социализм қурилиши йўлидаги муҳим тадбирларидан бири бўлди. Бундай ислоҳотни ўтказиш ўтмишдан мерос қолган феодал-бойлар ер эгаллигини баргараф этиш учун зарур эди. 1925 йил ноябрида Ўзбекистон Компартияси II съезди ер-сув ислоҳотини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон партия ва совет органлари бу қарорни амалга оширишда меҳнаткаш деҳқонлар оммасига ва уларнинг синфий ташкилоти — «Кўшчи» иттифоқига таянган ҳолда 1925—1926 йилларда Тошкент, Фарғона ва Самарқанд областларида, 1926—1929 йилларда эса республиканинг нисбатан кам ривожланган Зарафшон, Қашқадарё, Хоразм ва Сурхондарё областларида ер-сув ислоҳотини ўтказдилар.

Ф. Хўжаев бу муҳим тадбирни амалга оширишда фаол қатнашди. Ўзбекистон Компартияси МК қарорига мувофиқ у республикада ер-сув ислоҳотини ўтказиш

¹ Акмаль Икромов. Избранные труды. — Ташкент: Ўзбекистан, 1972. I-том, 13-бет.

Ўзбекистон партия-совет комиссияси аъзоси қилиб тасдиқланди.

Ф. Хўжаев ер-сув ислоҳотини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ барча муҳим масалаларни чуқур тушуниб етар, областларга чиқиб, жойлардаги совет ва жамоат ташкилотларига ислоҳотни амалга оширишда катта амалий ёрдам кўрсатарди. Унинг ташаббусига кўра республика ҳукумати мажлисларида мазкур тадбирни ўтказишнинг бориши мунтазам равишда муҳокама қилиниб туриларди, бу эса ислоҳотни муваффақиятли амалга оширишда катта роль ўйнаган эди.

Ф. Хўжаев бу тадбирнинг жуда катта аҳамиятга эгаллигини таъкидлаб шундай деган эди: «Ер ислоҳоти ўтказилганлиги феодаллик муносабатларини йўқ қилиб ташлаш билангина чекланиб қолмасдан, шу билан бирга, Ўзбекистонда капиталистик системага ҳамда бу системанинг ўсиб ривожланиш имкониятига негиз бўлиб турган пойдеворни ҳам анча заифлаштирди»¹.

Ф. Хўжаев Ўзбекистонни индустриллаштиришда фаол қатнашди. 1926 йилдаёқ Ўзбекистон ҚП(б)МК ва республика ҳукумати раҳбарлари А. Икромов ва Ф. Хўжаев ВКП(б) МК ва Иттифоқ ҳукумати олдига химия саноати гиганти — Чирчиқ электрохимкомбинатини қуриш ҳақидаги масалани қўйган эдилар. Партия ва ҳукумат бу таклифни маъқуллади. Ўзбекистон Компартияси МК секретариати қарорига мувофиқ Ф. Хўжаев мазкур комбинатни қуришга ёрдам кўрсатиш комитетининг раиси қилиб тасдиқланди, у иншоотни бунёд этишда актив иштирок этди. «Менга Халқ Комиссарлари Советининг раиси сифатида кўпроқ Чирчиқстрой қурилиши билан шуғулланишга тўғри келган эди», — деб ёзганди у 1937 йилда.

Ф. Хўжаев ташаббуси билан 1926 йилда Ўзбекистондаги биринчи гидроэлектростанцияси — Бўзсув ГЭСи қурилиши бошлаб юборилди. У олис Хоразм областини Ўзбекистоннинг бошқа областлари ва Туркменистон ССР билан боғлашга имкон берган Чоржўй — Янги Урганч темир йўлини қуриш ташаббускорларидан бири бўлди. Фарғона ва Зарафшон водийларида, Қарши чўлида янги ерларни ўзлаштириш планини ишлаб чиқишда ҳам Ф. Хўжаевнинг хизматлари борки, бу план улкан халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлди. Социализм қурилиши даврида Ўзбекистонда бунёд этилган саноат, қишлоқ

¹ *Файзулла Ходжаев. Избранные труды.* — Ташкент: Фан, 1972, 2-том, 215-бет.

хўжалиги ва маданият объектлари ичида бирои-бир даражада Файзулла Хўжаев хизмати сингмаган объект топилмаса керак.

Файзулла Хўжаев ҳукумат бошлиғи сифатида республика қишлоқ хўжалигини социалистик ривожланиш йўлига ўтказиш ташкилотчиларидан бири бўлган эди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни ўтказишга бевосита ва оператив раҳбарлик қилиш учун колхоз комиссияси тузилган бўлиб, Ф. Хўжаев унинг аъзоси эди. Унинг мислсиз қобилияти коллективлаштириш ва республика колхозларини ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустақамлаш даврида ҳар томонлама намоён бўлди.

Ҳокимиятни қўлга олгандан кейинги энг мушкул вазифа — қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш вазифаси Коммунистик партия раҳбарлигида, ишчилар синфи ёрдамида муваффақиятли ҳал этилди. Бунинг шарофатидан Ўзбекистонда пахта етиштириш йилдан-йилга кўпая борди. 1929 йил 18 июлда ВКП(б) МҚ «Главхлопкомнинг иши тўғрисида» қарор қабул қилди. Совет Иттифоқининг пахта мустақиллигини таъминлаш масаласи илгари сурилган бу ҳужжатни тайёрлашда Ф. Хўжаев фаол иштирок этди. У пахтачиликни ривожлантиришни Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг марказий вазифаси деб ҳисоблар эди, бунинг учун эса республика қишлоқ хўжалигини социалистик жиҳатдан реконструкциялаш талаб қилинарди. Бу вазифа муваффақиятли амалга оширилгач, СССР биринчи беш йиллик охиридаёқ пахта мустақиллигига эришди. Бу тадбирда ва муваффақиятда Ф. Хўжаевнинг хизматлари катта бўлди.

Ҳақиқий ленинчи-интернационалист бўлган Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ССРда социализм қурилишини республика меҳнаткашларининг империализмга қарши курашдаги интернационал бурчи деб билар эди. «Биздаги қурилиш намунаси,— деган эди у,— Шарқнинг миллионлаб ва юз миллионлаб мазлум гражданини империалистик давлатларнинг мустамлакачилик сиёсати зулмидан озод бўлиш соҳасидаги ишга руҳлантириши лозим. Бизнинг ишчилар ва деҳқонлар аҳволини яхшилаш борасидаги ибратимиз бу халқларни ҳар доим, ҳар дақиқада озодлик, тенглик учун, барча халқлар дўстлиги учун курашга даъват этиши керак»¹.

¹ *Файзулла Ходжаев*. Избранные труды. — Ташкент: Фан, 1973, 3-том, 356-бет.

Ф. Хўжаев мамлакатимиз, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашлари социалистик қурилишда эришган барча муваффақиятлар Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида қўлга киритилганлигини доимо таъкидлар эди. У аynи шу ленинчи МК раҳбарлиги остида ишлаб, буюк социалистик бунёдкорлик ишига қўлидан келганича ҳисса қўшиб, Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга хизмат қилганлигини такрорлашдан толмас эди. «Ўйлайманки, менинг партиядаги фаолиятим хусусида алоҳида тўхталиб ўтиришнинг кераги йўқ,— деган эди Ф. Хўжаев,— чунки МКдаги ва Халқ Комиссарлари Советидаги барча ишим партия ишидир, зеро мен хусусий йўлимни эмас, партия йўлини ўтказмоқдаман»¹.

Файзулла Хўжаевнинг Ўзбекистонда социализм қуриш ишидаги катта хизматлари партия ва халқ томонидан юксак баҳоланди. У 1935 йилда Ленин ордени билан тақдирланди. Ф. Хўжаев ҳамда қатор иттифоқдош, автоном республикалар, областлар партия ва совет ташкилотлари раҳбарларининг Ленин ордени билан мукофотланганлиги муносабати билан «Правда» газетасида босилган бош мақолада шундай таъкидланган эди: «Мукофотланган ўртоқлар большевикча саботлиликга намуна бўла оладилар, улар ғалабаларнинг ҳақиқий ташкилотчиларидирлар, бинобарин ҳамма партия ҳамда совет ходимлари шу ўртоқлардан ўрнак олишлари лозим»².

Социализм ғалабаси натижасида Ўзбекистон ССР халқлари қардошлик онласида қолоқ чекка мустамлака ўлкадан маданияти тараққий этган, илғор индустриал-колхоз республикасига айланди. Ф. Хўжаевнинг Ўзбекистонни Шарқдаги намунали совет республикасига айлантириш ҳақидаги эзгу мақсади бутун совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлигидаги қаҳрамонона меҳнати туфайли рўёбга чиқди.

Файзулла Хўжаев Ленин ғояларини, Коммунистик партия қарорларини республика ҳукуматининг раҳбари сифатидаги ташкилотчилик фаолияти билангина эмас, шу билан бирга оташин публицист қалами билан ҳам ҳаётга татбиқ эта олди. Кўп сонли докладлари, нутқлари, асарларида маҳаллий ва марказий матбуотдаги мақолаларида социализм ғояларини тарғиб этди.

¹ МЛИ ЎзФ ПА, 58-фонд, 10-рўйхат, 1638-дело, 45—46-варақлар.

² «Правда», 1934, 21 декабрь.

У Ленин партиясининг XII—XVII съездларига, ССР Иттифоқи Олий Совети III—VIII съездларига делегат бўлди. 1925 йилдан 1937 йилгача СССР Олий Совети Президиуми аъзоси ва унинг раисларидан бири бўлиб сайланиб келди. Ф. Хўжаев 1922—1934 йилларда ВКП(б) МК Урта Оснё бюроси составига кирди, 1922—1924 йилларда эса Бухоро республикаси Меҳнат ва Мудофаа Советининг раиси, шунингдек, Шарқий Бухоро Ҳарбий Революцион Советининг раиси бўлди.

Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти 1938 йил 15 мартда фожияли узилди. У партия ва халқнинг кўплаб бошқа ўғил ва қизлари каби шахсга сифиниш даврининг асоссиз оммавий репрессия қурбони бўлди. Унга Советларга қарши, «ўнг троцкийчилар блоки»нинг фаол иштирокчиси деган бўҳтон айбнома қўйилди, сталинчиларнинг ҳийла-найрангига асосланган қийноқлардан азоблангандан сўнг, у суд қилинди ва отиб ташланди. Мана, эндиликда аслида ана шундай «ўнг троцкийчилар блоки» умуман бўлмаганлиги яхши маълум бўлди. Кейинчалик Ф. Хўжаев ўлиmidан сўнг оқланди ва партияга тикланди.

Файзулла Хўжаевнинг республикада социализм қурилишига қўшган катта хизматларини эътиборга олиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1967 йил февралда «Ф. Хўжаев хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Ленин иши учун, социализм ғалабаси учун, мамлакатимизда социализм ғоялари тантанаси учун мардонавор курашчи Файзулла Хўжаев хотирасини миннатдорлик билан эслайдилар. Бухоро шаҳридаги район, Тошкент ва Бухородаги кўчалар, Самарқанддаги республика касалхонаси, республикадаги қатор мактаблар, колхозлар ва совхозларга Ф. Хўжаев номи берилган. Ўзбекистон Компартияси МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарорига мувофиқ 1970—1973 йилларда унинг уч томлик «Танланган асарлари» нашр этилганлиги Файзулла Хўжаевнинг ёрқин хотирасига билдирилган партия ва совет халқининг чуқур ҳурмати ва эҳтиромининг рамзидир.

Р. А. НУРУЛЛИН,

тарих фанлари доктори, профессор

**ПЁТР АЛЕКСЕЕВИЧ
КОБОЗЕВ**

[1878—1941]

«Азизим Пётр Алексеевич! Сизга бирорта янги гап айтмоқчи эмасман, аммо кекса большевик ўртоқларим орасида «қаттиқ тошлиги» («қаттиқ тош» деган сўз — бизларнинг большевик бўлиб туғилган II съездимиздан кейин қўйилган лақаб) билан сизга тенг келадиган бирортасини топа олмайман. Чунки бу иборада Ленин партиясига чексиз садоқат, қатъиятлилик, ботирлик, курашларда мустаҳкам ирода ва матонатлилик мазмуни мужассамланган»¹,— деб ёзган эди П. А. Кобозевга ўз хатида кекса большевик Пантелеймон Николаевич Лепешинский.

Петр Алексеевич Кобозев 1878 йил 26 августида Рязань губернасидаги Песчанное қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Оилада муҳтожликда кун кечирганлигига қарамасдан уни дастлаб черков мактабига, сўнгра эса Москвадаги дин семинариясига ўқишга берадилар. Орадан сал вақт ўтгач ёш Пётр ҳунармандчилик ўқув юртига кириб ўқий бошлайди.

Чор ҳукуматининг халқни эзувчи сиёсати Кобозевлар оиласини ҳам ночор аҳволга солган эди. Халқнинг катта норозилиги-ю азоб-уқубатли турмушини ёшлигидан кўриб ана шу норозилик руҳини онгига сингдир-

¹ Қ. Ҳ. Ҳасанов. Петр Алексеевич Кобозев.— Тошкент: Узбекистон, 1979, 109-бет.

ган Пётр ҳукуматга қарши гуруҳларнинг таъсирида ўсди. У йиғирма ёшида РСДРП аъзоси бўлди.

Пётр Кобозев Москва Олий техника билим юртида ўқиб юрган вақтида студентларнинг забастовкасида иштирок этганлиги учун 1899 йилнинг апрелида қамоққа олиниб, Владимир шаҳрига сургун қилинади. У аввал темир йўлда ўт ёқувчи, кейинчалик эса машинист ёрдамчиси бўлиб ишлайди. Сургун муддати тугагач Москвага қайтади ва яна тез орада қамоққа олиниб Ригага бадарға қилинади.

Вақтни бекор ўтказмаслик учун катта қийинчиликларни енгиб Рига политехника институтига ўқишга кириб уни 1904 йилда тугатади. Ёш инженернинг Рус-Болтиқ вагон заводи ишчилари билан тезда тил топиши унинг революцион фаолияти профессионал даражага кўтарилишига бевосита таъсир кўрсатди. У тез орада РСДРП Рига комитетининг арбобларидан бири бўлиб ишчилар харакатида танилди.

П. А. Кобозев Биринчи рус революциясининг актив иштирокчиларидан бири эди. 1907 йилда у доимий полиция таъқибларидан қочиб, Шимолий Кавказдаги Майкоп шаҳри яқинидаги овуллардан бирида яшайди. 1908 йилда эса Рига шаҳрига қайтиб шаҳар большевиклар ташкилотларида фаоллик билан иш олиб боради. Унинг ташаббуси билан ташкил этилган ишчилар тўғараклари ва курслари реакция йилларидаги марксизмга қарши қилинаётган ҳар хил ҳужумларнинг асосензлигини ишчиларга тушунтиришда ва уларда сиёсий дунёқарашни шакллантиришда муҳим роль ўйнаганиди. 1910 йилда П. А. Кобозевни Латиш ўлка социал-демократлар партияси Марказий Комитети составига киритадилар.

Янги революцион кўтарилиш йиллари ва биринчи жаҳон урушининг дастлабки даврида ҳам П. А. Кобозев большевиклар партиясининг революцион ғояларини ишчилар синфи ичида кенг тарғиб қилиш ишларига катта эътибор берганиди. Уни ана шу сиёсий-инқилобий ҳаракатлари учун 1915 йилда Оренбургга сургун қилинади. У бу ерга келгач Орск томон қурилаётган темир йўл линиясида ишлайди. Айни кучга тўлган пайтда шаҳардан-шаҳарга бадарға қилинаверганидан Петр Алексеевичда газаб ва нафрат билан биргаликда янги ғайрат ва шижоат ҳам кучайиб боради. У ўзининг инқилобий ғояларини тинмай шакллантиради, марксча-ленинча революцион таълимотни тобора чуқурроқ эгаллай боради.

П. А. Кобозев раҳбарлигида Оренбург большевиклари Февраль буржуа-демократик революциясида актив қатнашадилар. Меньшевик ва эсерларнинг сотқинлик сиёсатиға қарши аёвсизлик билан курашган П. А. Кобозев Оренбург шаҳар ишчи-солдат депутатлари Советига аъзо қилиб сайланади. Шу Совет вакили сифатида у Петроградга келиб Я. М. Свердлов ва Е. Д. Стасова билан учрашади ва улардан кейинги ишлари учун қимматли маслаҳатлар олади.

1917 йил апрелида бўлиб ўтган темирйўлчиларнинг I съездида П. А. Кобозев Оренбург — Тошкент темир йўлининг бошлиғи ва комиссари қилиб сайланади. Унинг ташаббуси билан махсус поезд ташкил қилиниб, унда келаётган пассажирлар ёрдамида асосий станцияларда митинглар уюштирилади. Бу митингларда фақатгина темир йўл ишчилари олдидаги навбатдаги вазифалар ҳақида сўз юритилмасдан, балки Муваққат ҳукумат олиб бораётган халқ манфаатларига зид сиёсатиға қарши тарғибот ишлари авж олдирилади. 15 апрель 1917 йилда бу поезднинг Тошкентга келиши Туркистон ўлкасидаги революцион ҳаракатни янада кучайтириш учун муҳим омил бўлганди.

1917 йил ёзида Оренбургда П. А. Кобозевнинг қўш ҳокимиятчилик даврида партия тактикасиға бағишланган «Жаҳон уруши ва социал-революция» номли брошюраси босмадан чиқди. Шу йилнинг майида эса РСДРП(б) Марказий Комитетининг чақирғи билан Петроградга борган П. А. Кобозев биринчи марта В. И. Ленинни кўриш шарафига муяссар бўлди. Тез орада уни большевиклар фракциясида шаҳар думасига депутат қилиб сайлайдилар.

П. А. Кобозев темир йўллар министрлигида ўқув юртлари бўйича инспектор бўлиб ишлаган вақтида ишчилар орасида сиёсий ва оммавий ишларни янада кучайтиришга интилганди. Муваққат ҳукумат органи бўлган министрлик раҳбарлари бу иши учун уни хуш кўрмасаларда темир йўл хизматчилари ва ишчилар орасида П. А. Кобозевнинг обрўси катта эди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг иштирокчиси бўлган П. А. Кобозев Бутуироссия Советларининг II съездида иштирок этиш шарафига мушарраф бўлибгина қолмасдан, съезд президиумига сайланганди ¹.

¹ УзССР Марказий Давлат архиви. 2252-фонд, 1-рўйхат, 15-дело, 38-варақ.

1917 йил 16 декабрида В. И. Ленин бошчилигидаги Халқ Комиссарлар Совети Оренбург губернасида босқинчилик қилаётган атаман Дутов кўшинларининг исёнини бостиришга мўлжалланган махсус плани тасдиқлади ва уни амалга ошириш ишини Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлар Советининг Урта Осиё ва Фарбий Сибирь районларидаги фавқулодда комиссари қилиб тайинланган П. А. Кобозев зиммасига юкледи. Шаҳарга яширин ҳолда келиб бир ойдан ошиқроқ вақт ичида иш олиб бораётган Пётр Алексеевич партия ташкилоти ва фаол ишчиларнинг қатта ёрдамига таяниб аксинлиқилобчиларни тор-мор келтириш ишларини амалга ошириш учун тайёргарликни кучайтирмоқда эди. Олиб борилган ишларнинг бевосита натижасида 1918 йил 18 январиди Қизил Армия қисмлари билан биргаликда ишчи отрядлари Дутов бандаларини тор-мор келтириб Оренбургда Совет ҳокимиятини ўрнатдилар.

Туркистонда вазият анчагина оғир бўлганлиги учун 1918 йил 19 февралда П. А. Кобозев Тошкентга йўл олади. Бу ерда эса оташин революционер учун барча қийинчиликларни енгиш ва халқ хўжалигини тиклаш энг муҳим вазифа бўлганди. Контрреволюционерларга қарши курашга бошчилик қилган П. А. Кобозев ўлкадаги миллатчиларнинг ҳаракатларидан ва Фарғона водийсида вужудга келаётган босмачилар ҳаракатидан анчагина ташвишга тушганди. Фавқулодда комиссар П. А. Кобозев буйруғи билан шаҳарлардаги барча нефть маҳсулотлари запаслари, пахта хом-ашёлари мусодара қилиниб, бу борада маҳаллий бойлар томонидан олиб борилаётган чайқовчилик ишларига чек қўйиш учун ҳаракат бошланди. Қатор қийинчиликларни бартараф қилиб ўлкада Совет ҳокимиятини бирмунча жонлантирган П. А. Кобозев Закавказьедаги Совет ҳокимиятининг ўчоқларидан бири Боку шаҳрига сафар қилади. Бу дохий илтимоси билан қилинган бўлиб, В. И. Ленин Боку Совети раҳбарларига Закавказьеда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишларини кучайтириш, барча мавжуд нефть запаслари ва конларини аста-секинлик билан национализация қилиш тўғрисида кўрсатма берган ва Марказий ҳукумат томонидан уларга ёрдам тариқасида ажратилган 30 млн. сўм пулни жўнатган эди. Бу масъулиятли топшириқни П. А. Кобозев шараф билан бажаради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Германия билан

сулҳ тузиш зарурлиги моҳиятини ўз вақтида тушуна олмаган П. А. Кобозев мазкур масала ҳал этилаётган дастлабки вақтда «сўл коммунистлар» позициясида бўлади ва В. И. Ленин билан суҳбатлашгандан сўнг ўз хатосини тушунади ва тузатади.

1918 йил 26 февралда Тошкентга келган П. А. Кобозев икки кундан сўнг партия VII фавқулодда съездида иштирок қилиш учун Москвага жўнаб кетади. Бу ерга келгач, ўзининг банд бўлишига қарамасдан уни В. И. Ленин қабул қилади ва Урта Осиё ҳамда Закавказьедаги аҳвол тўғрисида ундан батафсил маълумотлар олади.

1918 йил 17 мартда В. И. Ленин П. А. Кобозевни яна бир марта ўз ҳузурига таклиф қилиб унга Совет ҳукуматиининг Урта Осиёдаги комиссари этиб тайинланганлигини айтади¹. Унга берилган мандатда ўлкада Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун барча тадбирларни қўллаш, зарур бўлган тақдирда жанговар ҳаракатларга ҳам раҳбарлик қилиш ваколатига эга, деган сўзлар ёзилганди.

Апрель ойининг бошларида Тошкентга қайтиб келгач Петр Алексеевич ўлкадаги саноат корхоналари ва темир йўл транспортини национализация қилиш ишларига бошчилик қилади. У Совет ҳокимияти органларини мустаҳкамлаш, уларга маҳаллий халқ вакилларидан муносиб ходимларни жалб қилиш, узоқроқ районларда бошланган бочмачилик ҳаракатларини тугатиш билан аҳолига етказилаётган жабр-зулмга барҳам бериш ишларига алоҳида эътибор берганди.

Ўлкада кечиктириб бўлмайдиган муаммолардан бири маориф соҳасини изга тушириш ва маҳаллий халқлар вакилларидан мутахассислар тайёрлаш вазифаси эди. П. А. Кобозев кўзга кўринган партия ва совет раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар ёрдамида ташкил қилинган Туркистон халқ университети очилиши маросимида 1918 йил 21 апрелида оташин нутқ сўзлайди². Сўнгра эса у университетнинг техника факультетида энергетика фанидан лекциялар ўқийди. Айниқса унинг ижтимоий-иқтисодий факультет студентлари олдидаги сиёсий масалалар юзасидан ўқиган лекциялар мароқли бўларди.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 36-том, 774-бет.

² «Наша газета», 1918, 28-апрель.

Университет очилган кунларда Тошкентда Улка Советларининг V съезди ишлаётган бўлиб, унда иштирок қилган П. А. Кобозев Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетига ранс қилиб сайланади. Съезд ишини яқунлаётиб:— «Биз ҳаяжон билан кечираётган бу дамлар,— деганди у,— икки даврнинг қирраси бўлиб, бирининг охири ва иккинчисининг бошланиши билан белгиланади... Умид қиламизки биз Марказий ҳукумат чақириғи ва шнорларига амал қилиб, уни охиригача бажарамиз...»¹.

Съезд тугаган кун эртасигаёқ кўп минг кишилик митингда Туркистонда автоном республика ташкил қилинганлиги муносабати билан П. А. Кобозев нутқ сўзлайди. Шундан сўнг Москвага В. И. Ленин ҳузурига жўнаб кетади.

П. А. Кобозев 1918 йил 14 июнида Шарқий фронт революцион Ҳарбий кенгашининг аъзоси этиб тасдиқланади ва Оренбург ҳамда Уфа шаҳарлари мудофааси бошлиғи сифатида фронтга юборилади. 1919 йил январда эса В. В. Куйбишев ва П. А. Кобозев бошчилигида Қизил Армия отрядлари Оренбургни озод қилиб, Туркистон билан Россия ўртасидаги алоқани тиклайдилар. Бунгача Тошкентда Совет ҳокимиятига қарши исён кўтарилган бўлиб, Туркистоннинг кўзга кўринган 14 та раҳбар арбоблари отиб ташланганди. Ана шунн ҳисобга олган ҳолда 1919 йил февралда РКП(б) Марказий Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлар Совети катта ваколатга эга бўлган вақтинча комиссия ташкил этди. 5 мартда эса П. А. Кобозев катта мардлик кўрсатиб, бутун хавф-хатарни бўйнига олиб, комиссия ранси Ш. З. Элиава ва комиссия аъзоси А. С. Кисилевни Оренбургда қолдириб ўзи Тошкентга етиб келади. Бу ерда у Совет ҳокимияти органларини мустаҳкамлаш билан биргаликда ўлка экономикасини тиклаш ишларига жуда кўп меҳнат сарф қилди. Ишга яроқли транспорт воситаларини изга тушириш, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва аҳолига етказиб бериш ишларига эътиборни кучайтирди, Қизил Армия қисмлари мустаҳкамланишига раҳбарлик қилди. Туркистон, Актюбинск ва Каспий орқаси фронтлари революцион-ҳарбий кенгашларининг сиёсий бўлимлари ташкил этилди. Ленинчи интернационалист Пётр Алексеевич шовинизм ва миллатчилик ҳаракатларига қарши қаттиқ ку-

¹ «Наша газета», 1918, 11-май.

раш олиб борди. Туркистон Компартияси ва Автоном республиканинг улар таъсирида иккиланган айрим раҳбарлари билан алоҳида ишлаб, уларнинг тўғри позицияга ўтишларига ёрдам берди. Миллатчиликка қарши кураш жараёнида П. А. Кобозев Ўлка Советларининг VII съездида раислик қилиб, съезднинг миллий масалалар секциясини бошқарди. Ленинча қатъиятlilik асосида у ўлка мусулмон коммунистларининг биринчи съездида ҳам интернационал руҳдаги ғояларни ҳимоя қилди.

1919 йил июлида П. А. Кобозев Туркистон Коммунистик партиясининг III съезди ишига раислик қилди. Съездда «Ҳозирги аҳвол» тўғрисида доклад қилиб, партия аъзоларининг масъулиятини оширишга эътиборни кучайтиришга чақирди. «Қимки ўзини коммунист деб ҳисоблар экан,— деганди у,— коммунизм тўғрисидаги мажбуриятни эсдан чиқармаслиги керак. Коммунист бўлиш — бу партияга ўзини тамоман бўйсундиришга тайёр ҳолатда ўзидан кечиш, бу жасорат учун кучга эга бўлиш, бу партия иши учун зарур бўлса ўлимга ҳам боришга тайёр бўлиш демакдир»¹.

Буюк миллатчилик руҳидаги «кекса коммунистлар» томонидан ленинча миллий сиёсатни амалга оширишга интилаётган П. А. Кобозев каби арбоблар шаънига ёғдирилаётган тўхмат ва бўҳтонларга қарамасдан улар қатъиятlilik билан ишлашни ва курашни давом эттирдилар. РКП(б) Марказий Комитетининг 1919 йил 10 июлида қабул қилинган маҳаллий миллат ва халқларнинг вакилларини ҳукумат органларига кенг жалб қилиш ҳақидаги қарорини П. А. Кобозев изчиллик билан амалга оширишга интилди². Бу борада унинг 17 сентябрда бўлган Туркистон Компартиясининг VI съездида сўзлаган нутқи алоҳида аҳамият касб этди. Унда миллатчилик ғояларини илгари суриб, меҳнаткашлар ўртасида низо чиқариш хавфини кучайтиришга ҳаракат қилаётганларни партия ва совет ҳукумати органларидан чиқариш тўғрисида кескин сўзлар айтилганди. Шу билан бирга П. А. Кобозев ички партиявий бирликни мустаҳкамлаш биринчи навбатда ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларни бартараф этишнинг мустаҳкам омили деб кўрсатганди.

¹ Қ. Ҳ. Ҳасанов. Петр Алексеевич Кобозев.— 109-бет.

² Раджапова Р. Я. Петр Алексеевич Кобозев // Революцией призванные. — Ташкент: Узбекистан, 1987. 97-бет.

1919 йил 7 октябрда П. А. Кобозев Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланади. У партия сафларидаги бирликни мустаҳкамлаш, идеология ишларини янги поғоналарга кўтариш, иқтидорли кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, маҳаллий халқ вакилларини раҳбарлик лавозимларига кўтариш ишида катта ташкилотчилик кўрсатди. Унинг таҳрири остида чиқаётган Туркистон Компартияси ва Ўлка Советлари Марказий Ижроия Комитети органи бўлган «Известия» (Ахборот) газетаси омма билан алоқаларни мустаҳкамлаш, уларнинг орзу-истакларини ва жойлардаги аҳволни тўлароқ тасаввур этиш имконини яратди.

1919 йил ноябрда П. А. Кобозев Москвага бориб Туркистондаги аҳволни РКП(б) Марказий Комитети ва ҳукумат раҳбарларига етказди. Натижада РСФСР Марказий Ижроия Комитети Туркистон ўлкасига қўшимча ёрдам бериш мақсадида қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналарининг янги бир қисмини жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

1920 йил январда РКП(б) Марказий Комитети П. А. Кобозевни Турккомиссия составига киритади. Уша вақтдаги шаронт Тошкентга қайтиб келишига тўсқинлик қилган бўлишига қарамасдан, у Туркистондаги ҳарбий иқтисодий ва бошқа масалаларни ҳал қилиш ишида фаол қатнашади. Республика раҳбарлари билан доимий мулоқотда бўлган Пётр Алексеевич ўлкадаги аҳволни яхши биларди.

Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарнати коллегияси аъзоси сифатида П. А. Кобозев 1920 йил февралда Украина республикасидаги темир ва сув йўллари транспортларидаги аҳвол билан танишади ва уларнинг ишларини яхшилашга қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқишига ёрдам беради.

1922 йил 23 августда РКП(б) Марказий Комитети П. А. Кобозевни Узоқ Шарқ бюроси составига киритади ва Узоқ Шарқ Республикаси (ДРВ) Министрлар Совети раиси лавозимига тавсия қилади. Қасаллиги ва соғлиги анчагина ёмон бўлишига қарамасдан П. А. Кобозев партия топшириғи билан Приморье ўлкасига келади ва ўзига топширилган вазифани муваффақиятли удрдайди. Ўлкага келгач таниқли арбоблардан П. П. Постишев, И. П. Уборевич, Я. Б. Гамарник ва бошқалар билан биргаликда япон интервентлари ва оқ гвардиячилардан Приморьени тозалаш ишларига бошчилик қила-

ди. 1922 йил 14 ноябрда ДРВ халқ мажлиси ўлкада Совет ҳокимиятини эълон қилади ва Марказий Комитетдан Узоқ Шарқни қардош халқлар оиласига қўшиб олишни сўрайди. Ўлкадаги бутун ҳокимият П. А. Кобозев бошчилигидаги Революцион комитетга топширилади.

1923 йилда соғлиги ёмонлашганлиги сабабли П. А. Кобозев Москвага қайтиб келади ва Ер хўжалиги институтида профессор бўлиб ишлаб боради. Унинг ташаббуси билан институтда янги фотогеодезия бўлими очилади ва аэрофотоснимка кафедралари ташкил этилади.

1927 йилда П. А. Кобозев Ленинград политехника институтига ректор қилиб сайланади. Коллектив аъзоларининг меҳнат фаолиятини яхшилаш, студент ёшлар ўртасида тарбиявий ва ташкилий ишларни кучайтириш, олимларнинг илмий излашлари учун зарур шароитларни яратишларига ҳам П. А. Кобозев кўп меҳнат сарфлади. Кейинчалик шу тарздаги фидокорона меҳнатни у Москвадаги геодезия институтининг ректори бўлиб ишлаган вақтида ҳам давом эттирди.

Соғлиги ёмонлашган П. А. Кобозев Совет ҳукумати-нинг қарори билан иттифоқ миқёсидаги пенсионер сифатида дам олишга ўтказилади. Аммо бу тиниб-тинчимас инсон Моссовет депутати сифатида кўплаб муаммоларни ҳал қилиш ишида иштирок этар, унинг маслаҳатлари асосида кўпгина йирик иш-ишотларни қуриш лойиҳаларига бир қатор ўзгартиришлар киритилганди.

Ленинчи большевик Пётр Алексеевичнинг ўтли юраги 1941 йил 3 январда уришдан тўхтади. У Москвадаги Новодевичье қабристонига дафи қилинган. Мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида бу азиз инсон номга кўчалар ва хиёбонлар қўйилган. Оренбург шаҳрида эса унга ҳайкал ўрнатилган. Халқ ишига фидойи коммунист, Октябрь инқилоби ташкилотчиларидан бири Пётр Алексеевич Кобозевнинг хотираси бутун совет халқ-қатори ўрта Осиё меҳнаткашлари қалбида ҳам мангу яшайди.

М. М. МАҲМУДОВ,

тарих фанлари номзоди, доцент

ИСААК АБРАМОВИЧ
ЗЕЛЕНСКИЙ

[1890—1938]

20-йилларда ва 30-йилларнинг биринчи ярмида бу ном республикамизда, Урта Осиёда анча машҳур эди. Посёлкалар, районлар, колхозлар унинг номи билан аталган.

Бу исм-шариф 1937 йилдан бошлаб узоқ давргача ҳеч қаерда тилга олинмади. Бу номнинг ғойибдан қайтиб, ўз ҳаётини революция ишига, мамлакатимизда социализм қурилиши ишига тиккан кишилар қаторидан муносиб ўрин эгаллашида XX съезднинг тарихий қарорлари муҳим ўрин эгаллади.

Исаак Абрамович Зеленский 1890 йил 3-июнда Саратовда дунёга келди. Унинг ҳаёти йигирманчи асрдаги энг асосий ғоявий ва сиёсий оқим ҳисобланган большевизмга астойдил беғараз хизмат қилишдан иборат бўлди. Бу ҳаёт йўли кураш ва хавф-хатар, муваффақият ва қувончлардан иборат бўлди. Энг даҳшатлиси эса — ўз даврига муносиб ҳаёт кечирган инсон фаолиятининг фожиаи яқунланиши бўлди.

У партияга биринчи рус революцияси даврида — 1906 йилда кирганида эндигина ўн олтига тўлган эди. Бу йўлни у онгли ва қонуний равишда танлаб олди. У ҳали суяги қотмаган болалик чоғиданоқ устахонада ишлай бошлади, кечалари эса китоб мутолаа қилди. У Саратовда сургундаги марксистлар ташкил этган революцион тўғарақларга қатнай бошлади.

И. А. Зеленскийнинг таржиман ҳоли 1917 йилга қадар большевиклар партияси профессионал революционерлари ҳаётига хос бўлган барча босқичларни ўз ичига олади. Яширин иш, ҳибелар, сургуилар ва қочишлар — мазкур умр мазмунини белгилайди.

Биринчи рус революцияси даврида у касаба союз иши ҳаракатида қатнашиб, партиявий иш олиб борди.

У 1908 йилда ҳибсга олиниб, Оренбург губернасига бадарга қилинади ва 1909 йилда у ердан қочади. Астраханда, Пензада ишлайди, сўнгра эса Оренбургга қайтиб келади.

1910 йилда у яна ҳибсга олиниб, сургун қилинди. Бу гал у Самарага жойлашди ва тез орада бу ердаги партия ташкилоти билан алоқа ўрнатиб, фаол иш бошлаб юборди. Зеленский 1912 йилда яна ҳибсга олиниб, уч йил муддатга Наримга сургун қилинади ва у ердан Царцинга қочиб, шу ерда ишлай бошлайди. Лекин тез орада яна ҳибсга олиниб, Наримга қайтарилади ва 1914 йилда Наримдан иккинчи бор қочишга муваффақ бўлди. Аввал Самарада, сўнгра Москвада ишлайди. У 1915 йилда Сормового кўчиб, касалхона кассасида котиблик қилади. Бироқ бир неча ҳафтадан сўнг ҳибсга олиниб, Иркутск губерниясининг Верхоленск уездига сургун қилинди. Исаак Абрамович 1916 йилнинг охирида бу ердан қочиб, февраль революцияси арафасида Москвага етиб келади.

Чоризм тузуми ағдарилди. Ғалаба яқинлашди, бироқ ҳали бу ғалабани қўлга киритиш лозим эди, чунки подшо ўрнига Муваққат ҳукумат келиб, ҳокимият ўша-ўша помешчик ва капиталистлар қўлида қолганди. Москвадаги Басман райони партия ташкилотининг раҳбари бўлган И. А. Зеленский ленинча социалистик революция гояларини тарғиб қилиш бўйича иш олиб борди.

Мамлакатда Улуғ Октябрь ғалаба қозонди, лекин эксплуататор синфлар қасос олиш ниятида гражданлар уруши оловини ёқдилар. Ёш Советлар республикасини, унинг пойтахти Москвани фронтлар халқаси ўраб олди. Фронтда аҳвол оғир эди, лекин мамлакат ичкарасида аҳвол бундан ҳам мушкул эди, чунки ҳаммаёқда очлик ҳукмрон эди.

Партия кўп коммунистларни мамлакатда юзага келган озиқ-овқат танқислигини ҳал этиш ишига сафарбар этди. Улар орасида И. А. Зеленский ҳам бўлиб, 1920 йилдан у яна партия ишида ишлай бошлайди. У Москва шаҳар партия комитети секретарлигига сайланади.

В. И. Ленин тириклигида пойтахт партия ташкилотига секретарликка сайланиш — бу И. А. Зеленскийнинг ташкилотчилик ва сиёсий хислатларига берилган юксак баҳо эди, албатта. Партиянинг X съездида уни Марказий Комитет аъзолигига номзод, XI съездида эса Марказий Комитет аъзоси этиб сайлайдилар.

Унинг зиммасига кенг доирадаги масалаларни ҳал этиш масъулияти юкланган эди. Исаак Абрамович бажарган иш кўп қиррали бўлиб, у буларнинг ҳаммасини сидқидилдан, берилиб қилар эди. Унинг иш услубида омма билан алоқа асосий ўрнида турарди. Зеленскийнинг И. В. Сталин билан дастлабки тўқнашувлари йиғирманчи йилларнинг бошларига тўғри келади. Уша даврда Сталин Бош секретарь вазифасини эгаллаб бўлган эди. Тажрибали партия ходими бўлган И. А. Зеленский И. В. Сталининг партиядо жорий этаётган раҳбарлик услубининг хатарли эканлигини бошқалардан кўра анча олдин сезди, бунга қойил қолиш керак, албатта. И. А. Зеленский 1924 йилнинг ёзидаёқ ўз мактубларининг бирида бўлажак «буюк доҳий»нинг кадрлар сиёсатига Москва шаҳар партия ташкилоти мисолида баҳо бериб, И. В. Сталининг раҳбарлик методларининг ярамаслиги ҳақида қатъий фикр билдирган, уларнинг хатарли эканлигини таъкидлаб, огоҳлантирган. Сталин мактубдан хабар топган бўлса ҳамки у кейинроқ, ўзининг ҳокимияти амалда назорат қилиб бўлмайдиган даражага етгандан сўнг И. А. Зеленскийга қарши иш юртди.

1924 йилнинг кузидан эътиборан И. А. Зеленский РКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё Бюросининг раиси бўлиб ишлай бошлади. Бу ташкилот мазкур регион ҳаётининг барча жабҳаларига партиявий раҳбарлик қилар эди. Партия Марказий Комитети Урта Осиё халқларининг капитализмни четлаб социализмга ўтишлари жараёнига раҳбарликни айнан Урта Осиё бюроси орқали амалга оширди. И. А. Зеленскийнинг фаолияти миллий-давлат чегараланишини ўтказишда мураккаб вазифани ҳал этишдан бошланди. Бу иш Ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш борасидаги амалий тадбирларнинг энг йириги бўлди. Ўлка сиёсий ва иқтисодий ривожининг бориши республика ва областларнинг ташкил этилиши учун замин яратди, бу тадбир ўлкада яшаётган жамики халқнинг миллий манфаатларига тўла-тўқис жавоб бериш керак эди.

Урта Осиё бюросининг бошқа раҳбарлари каби

И. А. Зеленскийнинг зиммасига ҳам миллий давлат чегараларини белгилаш ва янги маъмурий-территориал бўлинишни расмийлаштиришдек оғир вазифа тушди. Миллатларнинг бирлигини иқтисодий жиҳатдан мустақамлаш билан боғлиқ бўлган барча жиҳатларни ҳисобга олиши ҳам лозим эди. Чунки, республикаларнинг келажаги, улар ўртасидаги муносабатлар ана шунга боғлиқ эди, албатта. Айрим раҳбарлардаги эскича қарашларни, маҳаллийчилик кайфиятларини бартараф этишга, тушунтириш ишлари олиб боришга тўғри келди. Кўп йиллик тажриба қабул этилган қарорларнинг тўғричилигини исботлади. Бугунги кунда суверен давлатлар бўлиши Урта Осиё республикалари кўп миллатли ССР Иттифоқининг таркибий қисмидир.

Чиндан ҳам, баъзан Исаак Абрамовичнинг иш қобилиятига ҳайрон қоласан киши. У ер-сув ислоҳоти ва партия қурилиши, корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш, кооперацияни ва социалистик мусобақани авж олдириш билан боғлиқ бўлган энг мураккаб вазифаларни ҳал этишда қатнашади, ҳаминша сафарда юради, регионнинг энг узоқ бурчакларида бўлади.

Унинг қизиқиши ва билим доирасининг кенглиги, янги ишнинг моҳиятига тез суратда тушуниб етиш ва унинг истиқболини кўра билиш қобилияти у билан ёнма-ён ишлаганларни ҳайратга соларди. Зеленский омманинг ташаббускорлиги, онгини уйғотишни муваффақиятга эришишнинг асосий гарови деб билган. У минглаб партиясизларни ишга жалб қила билардики, улар белгиланган вазифаларни ҳал этишда коммунистларнинг фаол кўмакчилари ва ҳамфикрлари бўлиб қолардилар. Бугунги кунда, бир неча ўн йиллар ўтса ҳам, унинг мақолаларини, нутқларининг стенограммаларини ўқир экансиз, беихтиёр унинг фикрларининг нақадар муҳимлигига, инсон омилининг битмас-туганмас имкониятларга эга эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Зеленскийнинг доимо гапи билан иши бир бўлиб, сафдошлари уни ҳаммага баравар, камсуқум инсон сифатида ҳурмат қилар эдилар. Яна унинг иш услубига хос нарса шу эдики, у бирон масалани ҳал этишда одамлар билан маслаҳатлашишга, уларнинг мулоҳазаларини ҳисобга олишга ҳаракат қиларди. Урта Осиё бюроси сайлаб қўйиладиган орган эмасди, шу сабабли қарорлар қабул этишда Марказий Комитет томонидан бу лавозимга тайинлаб қўйилган Зеленскийнинг роли ғоят катта эди, албатта. Шунини қайд этиш керакки, Зеленский

кий туфайли Урта Осиё бюроси амалда коллегиял орган бўлиб қолганди. Бу ўринда қуйидаги далилни келтиришнинг ўзи кифоя: 1928 йилда Урта Осиё бюроси Исаак Абрамовичнинг таклифи билан Урта Осиё бюроси раҳбарини раис эмас, балки секретарь деб аташ ҳақида қарор қабул этилади.

И. В. Сталин шахсига сифинишнинг дастлабки белгилари намоян бўла бошлаган бир пайтда бундай қарорнинг қабул этилиши очиқдан-очиқ қарши чиқиш деб ҳисобланиши мумкин эди. И. А. Зеленский фаолиятининг яна айрим жиҳатлари хусусида, аввало унинг хотин-қизларни озод қилиш ишини ташкил этиш борасидаги фаолияти хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. 1925 йилдаёқ «Беш йил ичида» тўплами таҳрир ҳайъатининг саволларига берган жавобида Зеленский бундай деган эди: «Миллий чегараланиш — Урта Осиё республикалари ишчи ва деҳқонлари курашидаги тарихий маррадир. Бу тарихий марра мусулмон Шарқининг мазлума хотин-қизларини озод қилиш марраси ҳам бўлмоғи лозим»¹.

Эскилик қолдиқлари айнан аёлларга муносабат масаласида кучли эди. Давлат миқёсида ва динда аёлларга ҳақ-ҳуқуқсиз бир жонзот деб қараш узоқ муддат ҳукмрон бўлиб келганлигининг таъсири ҳануз сезилар эди. Октябрь социалистик революциясидан кейин аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли деб эълон қилинди. Бироқ ҳеч бир декрет кишилар онгига асрлар мобайнида ўрнашиб қолган хурофотни бирданига йўқ қила олмас эди, албатта. Хотин-қизлар озодлиги эски турмуш илдизига болта уришига кўзи етган бойлар ва руҳонийларгина эмас, балки бу ғояни нохуш кутиб олган оддий кишилар, деҳқонлар ҳам қаттиқ қаршилиқ кўрсатдилар. Қийинчиликлар жуда кўп эди, албатта. «Аёлларни озод қилиш масаласи,— деган эди И. А. Зеленский Урта Осиё хотин-қизлар орасида ишловчиларнинг VI ўлка кенгашида,— бизда синфий курашнинг энг муҳим ва энг мураккаб соҳаларидандир... Социализм учун, аёлларнинг озодлиги учун фаол курашувчиларнинг олдинги сафларида бораётганлар ҳеч қаерда биздагичалик қаттиқ қаршилиқка учрамаётирлар. Илғор аёллар ҳеч қаерда биздагичалик қаҳр-ғазабга, кулгига, таҳқирлашга ва хавф-хатарга учрамаётирлар. Совет Иттифоқи мизнинг айрим районларидаги хотин-қизларни озод қи-

¹ За пять лет. (Сборник) — М.: 1925, VIII-бет.

лиш фронтининг ғалабалар ва мағлубиятлар маълумотини таққослаб кўрмоқчи бўлсангиз, ҳеч қаерда биздагичалик ҳақиқий граждандар уруши элементларини учратмайсиз»¹. Ўрта Осиё бюроси ташаббуси билан бошланган ва «Хужум» шиори остида ўтаётган кампания барча қийинчиликларга қарамай кун сайин кучайиб борди. 1927 йилнинг биринчи беш ойида 100 мингга яқин хотин-қиз паранжи ташлади. Бу ишда И. А. Зеленскийнинг ҳиссаси катта бўлди.

Буржуа идеологияси формаларидан бири бўлмиш буюк рус шовинизмига қарши кураш ҳам Ўрта Осиё бюроси фаолиятида муҳим ўрин тутди. Шовинизм йигирманчи йилларда рус зиёлиларининг, шунингдек ишчиларининг бир қисми томонидан миллий кадрларга ишончсизлик, уларга илтифотсизлик, уларни юқори лавозимларга кўтаришга яширин ҳолда қаршилик қилиш ва ҳоказо кўринишларда намоён бўлганди. Европалик ва ерлик миллатлар меҳнаткашлари ўртасида ихтилоф туғдирган буюк рус шовинизмининг хатарли эканлигини И. А. Зеленский қайта-қайта таъкидлаганди. «Биз буюк давлатчилик шовинизми кўринишларига қарши курашнинг аҳамиятини зинҳор сусайтирмаслигимиз, хаспўшламаслигимиз ва пастга урмаслигимиз лозим,— деган эди у Ўрта Осиё бюросининг XII Пленумида (1927 йил) сўзлаган нутқида.— Модомики, бу шовинизм яширин ҳолда намоён бўлаётган экан, зимдан ҳаракат қилаётган экан, Советлар қобиғида иш кўрмоқчи экан, бу курашда алоҳида қатъият, сабот-матонат, вақти-вақти билан айёрлик кўрсатмоқ керак»². И. А. Зеленский буюк давлатчи шовинистларга қарши курашга шубҳасиз улкан ҳисса қўшди ва Ўрта Осиё бюроси асосан унинг куч-ғайрати туфайли буржуа идеологияси бу формасининг заррача бўлсада амалда намоён бўлишига қарши қатъий зарба берди.

Шуни қайд қилиш керакки, ўша йиллардаги бошқа кўпгина раҳбар ходимлар қатори Зеленский ҳам буржуа-миллатчи элементларнинг маълум даражада фаоллашганлигига сабаб буюк давлатчилик шовинизмининг кучайганлигидир, деб ҳисобларди. Уйлаймизки, бунга сабаб юқоридаги ҳолатга диққат-эътиборни қаратишига эмас, балки 20-йилларга Улуғ Октябрь социалистик

¹ Вайсман Д. Г. «Я говорю свое последнее слово...» // «Комсомолец Узбекистана», 1988. 15 апрель.

² МЛИ МПА, 62-фонд, 1-рўйхат, 1065-дело, 154-варақ.

революциясига қадар мавжуд бўлган шароитни қатъиян кўр-кўрона кўчириш эди, албатта. Чунки у даврда чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатига жавобан мазлум халқлар ўртасида миллатчилик кайфияти ҳақиқатан ҳам кучайиб кетган эди.

Ингирманчи йилларнинг охири мамлакатимиз тарихига коллективлаштиришнинг бошланиши даври бўлиб кирди. Партия жуда қийин бир шароитда СССРни аграр мамлакатдан индустриал мамлакатга айлантириш ишига қатъий киришди, бироқ бу вазифани қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қурмасдан туриб муваффақиятли ҳал қилиб бўлмас эди. Майда хусусий хўжаликларни колхозларга бирлаштириш меҳнат унумдорлигини тезда ошириш, экин майдонларини қўпайтириш, ерга ишлов беришни яхшилаш, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий ва маънавий даражасини ошириш имконини берди. Бу жараён жуда мураккаб кечди. Коллективлаштиришни ўтказишда жиддий камчиликларга йўл қўйилдики, бу энг аввало унинг суръатини зўрма-зўраки, сунъий равишда тезлаштиришда намоён бўлди. Ўрта Осиёда ҳам бу жараён жуда машаққатли кечди ва камчиликлардан ҳоли бўлмади, шубҳасиз. Шунини таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда ҳам Ўрта Осиё бюросининг, хусусан И. А. Зеленскийнинг коллективлаштиришни ўтказиш борасидаги фаолияти баъзан танқид қилинади. Исбот тариқасида эса унинг II Ўлка партия кенгашидаги (1929 йил) нутқи юзасидан қабул қилинган резолюция келтирилади. Хусусан унда: «Ўрта Осиёнинг пахтакор районларида табиий-тарихий ва иқтисодий шарт-шароитлар пахтачиликни (сугорма деҳқончилигини) техник жиҳатдан реконструкция қилиш учун кўпинча ўзига хос қийинчиликлар яратмоқдаки, улар Ўрта Осиё республикаларига умумлаштириш ва коллективлаштириш жараёнларини Иттифоқнинг бошқа республикаларига етиб олиш ва улардан ўтиб кетиш имконини берадиган суръатларда олиб бориш учун асос беради»¹, — дейилганди.

Бир қараганда келгусидаги барча мусибатларнинг негизи қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни бевосита жадаллаштиришга чақиришдай кўринади. Бироқ бу бизга туюлганидек оддий эмас. Шунини назарда тутиш керакки, гап фақат пахтакор районлар ҳақида бормоқ-

¹ Революция 2-го Среднеазиатского партийного совещания. — Москва — Ташкент, 1929, 11-б.

да ва бинобарин айнан ана шу жойларда товар муносабатлари деярли барча деҳқон хўжаликларини қамраб олган ҳолда ривожланаётган эди. Кўпчилик деҳқонлар бу вақтга келиб турли формадаги кооперацияларга уюшган, шу билан бирга Ўзбекистон ва Туркменистондаги хўжаликларнинг 80 процентдан кўпроги кооперацияларга бирлашганди. Айни вақтда Украинада бу кўрсаткич 60 процентни ташкил қилар эди. Бинобарин резолюциядаги фикр объектив шарт-шаронتلарни ҳисобга олган ҳолда илгари сурилганди.

Бироқ, қатор вазиятлар уни плани равишда амалга ошириш ишига халал берди. Булар орасидан, аввало, ўша йиллардаги юқори партия ва давлат раҳбариятининг ва биринчи навбатда И. В. Сталиннинг коллективлаштиришнинг дастлабки мақбул суръатларини жадаллаштириш фойдасига қайта кўриб чиқишга, яънисига коллективлаштириш ўтказишга муқасидан кетганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Ўша даврда республикаларнинг партия ташкилотлари юқоридагилар фикрига асосланиб, кўпинча Ўрта Осиё бюроси фикрини ҳисобга олмаган ҳолда коллективлаштиришнинг процент кўрсаткичи орқасидан зўр бериб қувдилар. Бу ўринда шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, колхоз қурилишининг ҳаддан зиёд «жонкуярларини» тўхтатишга ҳаракат қилган Ўрта Осиё бюросининг қарорлари эътиборга олинмаган. «Жойларга маъмуриятчиликка, ҳаддан ошишларга ва ҳоказоларга йўл қўймаслик ҳақида берган кўрсатмаларимиз тегишлича таъсир кўрсатмади», — деб ёзганди И. А. Зеленский¹. Чунинчи, 1930 йилнинг январидаёқ Ўрта Осиё бюроси республикаларнинг ёппасига коллективлаштиришни ўтказиш учун тайёргарлиги тамомила қониқарсиз эканлигини (ёппасига коллективлаштириш районлари деб эълон қилинган районларнинг ўрганилмаганлиги), уларни белгилашда жойлардаги сиёсий вазият, моддий ва ташкилий имкониятлар ва шу кабилар етарлича ҳисобга олинмаганлиги таъкидланганди. Бироқ аҳвол Ўрта Осиё бюроси ва унинг раҳбарияти назоратидан борган сайин чиқиб кета бошлади. 1930 йил 10 февралда эълон қилинган «Свердловсклик ўртоқларга жавоб»да И. В. Сталин қолюқ хўжаликларнинг ўз-ўзини тугатишига қарши курашиш мақсадида «ёппасига коллективлаштириш бормаётган

¹ МЛИ МПА, 62-фонд, 2-рўйхат, 1726-дело, 47-варақ.

районларда коллективлаштириш ишини кучайтириш»¹ ни талаб этди. Колхозлар тузиш ишини вазиятни оқилана ҳисобга олган ҳолда олиб боришга интиланларни эса ўнг оппортунизмда айблаб, ноҳақ таҳқирладилар. Юқоридан бўлаётган волюнтаристик тазйиқ қўйиш партия ташкилотларида ҳам ўз тарафдорларини топди. Коллективлаштиришга жалб этиш процентларини бўрттириб кўрсатиш орқасидан қувиш бошланди. Масалан, 1930 йилнинг бошларида умуман биронта ҳам колхоз бўлмаган кўпгина районлар бир ой ўтиши биланоқ хўжаликларнинг 100% коллективлаштирилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Кўпинча омма орасида тушунтириш ва ташкилотчилик ишлари олиб бориш ўрнига қўпол равишда тазйиқ ўтказилди, дўқ-пўнса қилинди, қуруқ ваъдалар берилди. Бой ва қулоқларинигина эмас, балки колхозга киришни вақтинча хоҳламай турган ўрта ҳол деҳқонлар ҳам қулоқ қилина бошланди. Ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириш чоғида ҳам қўпол бузишларга йўл қўйилди. Бу эса жуда кўпчилик учун фожиага айланди.

Кўпгина жойларда қулоқ ва бойлар ўрта ҳол деҳқонларнинг, баъзан эса камбағалларнинг норозилигидан фойдаланиб, деҳқонларни колхоз тузумига қарши чиқишга жалб эта олдилар. 1930 йил февраль ойининг бошидан 15 мартгача ўтган бир ярим ойнинг ўзида мана шу характердаги 131 та чиқиш бўлди. Кўпинча бу чиқишлар митинг, намойиш шаклида ўтди, бироқ баъзан партия ва совет раҳбарлари, қишлоқ фаоллари калтакланди. Аҳолининг бир қисми тоғларга чиқиб кета бошлади, молларни кўплаб сотиб юбориш ва сўйиш бошланди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг 1930 йил 14 мартда қабул қилинган «Колхозчилик ҳаракатида партия йўлини бузишларга қарши кураш тўғрисида»ги қароридан сўнг зўрма-зўраки тузилган кўп колхозлар тарқаб кета бошлади. 1930 йилнинг охирига келиб деҳқонларнинг 15% дан 18% гачаси колхозлардан чиқди. Ўрта Осиёда коллективлаштирилган хўжаликлар проценти 55% дан 28% га тушди. Юзага келган мушкул аҳволни бартараф этиш Ўрта Осиё бюроси ва шахсан И. А. Зеленскийдан жуда катта куч-ғайрат талаб этди. ВКП(б) Марказий Комитети 1930 йилда қабул қилган ва коллективлаштириш борасидаги бузилишларга чек қўйиш

¹ «Правда», 1930, 10 февраль.

ҳамда қишлоқдаги аҳволни нормаллаштиришга қаратилган жуда муҳим ҳужжатлар бу ишга катта ёрдам берди. 1931 йилнинг ўрталарига келиб Ўрта Осиё республикаларидаги колхозлар деҳқон хўжаликларининг ярмидан зиёдини бирлаштирди. Бу ҳол деҳқонларнинг аксар қисмининг мана шу даврга келиб ўз тақдирини колхоз тузуми билан боғланганлигидан, бу колхозларнинг мустаҳкамланиши ва тараққий этиши қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуришнинг ҳал этувчи омилли бўлиши мумкинлиги ва лозимлигидан далолат берди.

Маълумки, И. В. Сталин ўзининг «Ютуқлардан эсанкираш» деган мақоласида коллективлаштириш жараёнида йўл қўйилган хатолар учун жавобгарликни маҳаллий раҳбарлар зиммасига қўйди. Мақолада йўл қўйилган «бузилишлар», «амалдорларча қонун чиқариш», «деҳқонларга нисбатан қилинган ножўя дўқ-пўписалар»да айнан маҳаллий раҳбарлар айбдордирлар дейилади. Маҳаллий ходимлар «уқувсизликда», «ўзбошимчилик ва манманликда», социалистик қурилишнинг жамини масалаларини «кўз юмгунча» ҳал қилиб юборишдан иборат авантюристлик ҳаракатларда айбандилар.

Зеленский зиммасига ҳам бу борада оғир айблар қўйилди. 1938 йилда эса суд жараёнида Исаак Абрамовични партиянинг коллективлаштиришга қаратилган йўлини мунтазам бузиб келган киши қилиб кўрсатишга уриндилар.

Зеленский прокурор А. В. Вишинский қўйган тутуқсиз айбга жавобан айнан мана бу сўзларни айтади: «Мен биринчи беш йиллик учун таклиф қилган коллективлаштириш планида деҳқон хўжаликларининг 52 процентини коллективлаштириш кўзда тутилган эди. Марказий Комитет бу плани рад этиб, коллективлаштириш кўрсаткичининг 68 процент қилиб белгилади»¹. Бироқ, бошқа гаплар қатори бу гаплар ҳам эътиборга олинмади.

Исаак Абрамович 1931 йилнинг бошидан эътиборан Центросоюзнинг (СССР матлубот жамиятлари марказий союзининг) раиси бўлиб ишлайди. Матлубот кооперацияси шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, мамлакат районлари ва областлари, турли халқ хўжалик тармоқ-

¹ Вайсман Д. Г. «Я говорю свое последнее слово...» // «Комсомолец Узбекистана», 1988. 15 апрель.

лари ўртасидаги товар оборотининг ривожланишини таъминловчи муҳим бўғин эди. Зеленский Центросоюз раҳбари лавозимида совет матлубот кооперацияси ҳамда унинг умумий овқатланиш, тайёрлов каби тармоқларига ташкилий ва амалий раҳбарлик бўйича иш олиб боради: у колхоз савдоси, қишлоқ матлубот кооперацияси, шаҳар меҳнаткашларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари билан шуғулланади, савдо тармоқларини кенгайтириш учун кўп куч-гайрат сарфлайди. Фақатгина 1930—1934 йиллар мобайнида матлубот кооперацияси 80 мингдан зиёд дўкон ва магазин очди. И. А. Зеленский ҳамма ишда бўлгани каби бу ишда ҳам большевикчасига қатъият, партиявий ёндашиш, давлат нуқтан назаридан ёндашиш намунасини кўрсатади. У жуда мураккаб шароитларда ишлашга мажбур бўлди. Гап таъминотнинг техника базасини реконструкция қилиш учун маблағнинг етишмаслигидагина эмас, балки энг аввало кўпгина раҳбарларнинг Центросоюз шуғулланаётган ўта муҳим ишнинг қадрламаётганлигида эди. Жумладан, И. А. Зеленский иккинчи беш йиллик планлари лойиҳасининг камчиликларини таъкидлар экан, партия XVII съезди делегатларининг диққатини савдо-омбор бинолари қурилиши давр талабларини тамомила жавоб бермаслигига қаратди, бусиз эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ишини жиддий суратда яхшилаш мумкин эмасди.

И. А. Зеленскийнинг съезддаги нутқи бюрократия савдонини ривожлантириш учун тўғаноқ эканлигини, партия ташкилотлари бюрократияни барҳам топтирмасдан туриб товар оборотини яхшилаб бўлмаслигини яққол тушуниб етганлигини кўрсатади. «Унинг (кооперациянинг — муаллифлар) янада яхши ишлаши учун, — деган эди у, — мол тарқатувчи савдо шохобчаларининг ўзида мавжуд бўлган касалликларни, айниқса савдонинг бюрократлаштириб юборилганлигини, савдо қилишдаги ношудликни, раҳбарликка маҳкамачилик усулида ёндашишни бартараф этиш учун товар обороти ва совет савдоси масалаларига кўпчилик партия комитетлари томонидан тез-тез учраб турган тўраларча муносабатни ҳам енгмоқ лозим»¹.

Исаак Абрамович Центросоюзда 1937 йилгача, яъни ҳибсга олингунига қадар ишлади. Шундан сўнг бу иш

¹ XVII съезд Коммунистической партии (большевиков). Стенографический отчет. — М.: Партиздат, 1934, 504-бет.

соннинг ҳаётида сўнги, фожияли йил бошланди. Унинг қисмати шундай бўлдики, у 30-йиллардаги сўнги, энг йирик суд процесси тарихга Советларга қарши «ўн-троцкиччилар блоки» иши деган ном билан кирган иш юзасидан уюштирилган суд процессига тортилди. Судланувчилар курсида И. А. Зеленский билан биргаликда Н. И. Бухарин, А. И. Риков, Н. Н. Крестинский, В. И. Иванов, А. Икромов, Ф. Хўжаев каби кўзга кўринган партия ва давлат арбоблари бор эди.

Бошдан оёқ ёлгон, бўҳтон асосига қурилган, дастлабки терговда ҳам, ишни кўриб чиқишда ҳам қонуи кўпол равишда бузилган бу «суд»нинг 1938 йилда чиқарилган стенографик ҳисоботи бугунги кунда ноёб китоблар орасидан ўрин эгаллаган. Ўрта асрдаги «Айбланувчининг иқрори — исботлар шоҳидир» деган қонда унда тўла-тўқис намоён бўлган. «Айбланувчилардан бири бўлган Н. Н. Крестинскийни, — деб эслайди кейинчалик Лефортово турмасининг врачлари, — санитария бўлимига терговдан беҳуш ҳолда олиб келдилар. У қаттиқ калтакланган эди, бутун орқаси мўматалоқ бўлиб кетган ва бирон соғ жойи қолмаганди»¹.

Ноилож қолган айбланувчилар, шу жумладан И. А. Зеленский ҳам ўзига ва ўз ўртоқларига туҳмат қилардилар. Дастлабки терговда берган зўрма-зўраки «иқрорларини» судда рад этган ҳолларида улар ички ишлар комиссари Н. И. Ежовнинг буйруғи билан «ҳақиқатни» тиклаш учун яна терговга қайтарилар эди. Бу ишнинг қандай бўлганлиги Крестинский мисолида яққол кўриниб турипти.

Суд процесси кетаётган пайтда жамоатчилик фикрининг тегишли ишловдан ўтказилганлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Ҳали суд бошланмасдапоқ газеталарда: «Қутурган итларга ўлим!», «Қабиҳ ниятлар фош этилди», «Манфур айгоқчиларга лаънат», «Шонли НКВД ишларига тасанно» каби ва бошқа мақолалар тез-тез кўрина бошлади. Ҳатто «Қириб ташлансин» деб номланган ва шу қабилдаги шеърлар пайдо бўлди. Уларда Ежов ва унинг ҳомийлари осмонга кўтариб мақталганди. Кўкларга кўтариб мақталган «сергак», «сондиқ» Ежов кейинчалик 1940 йилда шахсан И. В. Сталиннинг буйруғига кўра отиб ташланди.

Ўша йилларнинг оғир хотираларини шунчалик эслашнинг, ўтмишни титкилай беришнинг нима ҳожати

¹ Возвращенные имена. — М.: АПН, 1989, 313-бет.

бор,— деган савол туғилиши мумкин. Уйлаймизки, ҳожати бор. В. И. Ленин тарих сабоқларини доимо ўрганиб бориш керак, деган эди. Тарихни билиш керак, қандай бўлса, шундайлигича, бўямасдан, сайқал бермасдан ўрганиш лозим. Ҳозирги авлод келажак авлод ҳаёти учунгина жавобгар эмаслар. Улар социализмни бунёд этганлар хотираси учун ҳам жавобгарлар, албатта. Етмиш йиллик тарихимизда фақат ғалабалар эмас, балки мағлубиятлар ҳам бўлди. Шундай экан бу тарихнинг ижобий саҳифаларинингина эмас, балки фожиали саҳифаларни ҳам кўрсатишимиз лозим, токи бу хатолар энди қайтарилмасин.

Зеленский суд процессида жуда кўп жиноятларда айбланди. Уни чор оҳранкасида хизмат қилганликда, айғоқчиликда, коллективлаштиришга қарши курашишда, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш ишини барбод қилишда айбландилар... Унга қўйилган айбларнинг ҳаммасини санаб улгурмайсиз. Бу айбларнинг рўйхати жуда узун, «Правда» газетасининг бош мақоласида бундай деб ёзилганди: «...Чор оҳранкачиси, айғоқчи, манфур Зеленский чет эл разведкасининг талабига кўра қўпоровчилик ишлари олиб борган, ёғга шиша синиқлари ва миҳлар солиб қўйган, ўнлаб вагондаги тухумларни саситиб юборган, шаҳарларни озиқ-овқатсиз қўйган»¹. Буларнинг ҳаммасини у алоҳида норозилик туғдириш учун қилган. Нима учун мана шунча айб қўйилган? Суд ташкилотчилари томонидан И. А. Зеленскийга қўйилаётган айбларнинг бемаъни эканлиги аён эди-ку, ахир. Уйлаймизки, Бош прокурор А. Я. Вишинскийнинг суддаги нутқида бу саволга жавоб берилган. Кўриниб турибдики, Сталин ва унинг гумашталари ўз айбларини ўзгаларга тўнкашга ҳаракат қилганлар. Қўйилаётган айбларнинг ишончлироқ бўлиши учун айбланувчиларни алоҳида норозилик туғдириш орқали Совет ҳокимиятини ичидан қўпоришга интилган чет эл разведкасининг агентлари қилиб кўрсатганлар. Фикримизнинг далили учун Вишинскийнинг нутқидан мисол келтирамиз: «Бизда ҳамма ерда узилишлар бўлаётганлигининг, бизда маҳсулотлар мўл-мўл бўлгани чоғда бирданига гоҳ у нарса гоҳ бу нарса йўқ бўлишининг сабаби эндиликда маълум. Шунинг учунки, бунда мана шу сотқинлар айбдор... бундай ҳол хўжалик бошқаруви системамизга қарши, бутун Совет ҳокимия-

¹ «Правда», 1938 йил, 7 март.

ти системасига қарши кайфиятлар туғдириш учун уларга шароит яратар эди. Аҳолининг зарурий эҳтиёжларига зарар етказиш — бу аслини айтганда очликнинг қоқ суяк қўли билан пролетар революциясини бўғиб ташламоқчи бўлган Рябушинскийнинг (Муваққат ҳукумат министри — муаллифлар) эски кўрсатмасини бажаришдир»¹. Чикмади! Стенографик ҳисобот Зеленскийнинг ўзига қўйилаётган айбларнинг бемаъни эканлигини кўрсатиш, ўзини чор атрофдан сиқиб келаётган бўҳтон чангалидан қутулиш йўлидаги ҳар қандай уринишлари қай тариқа бартараф этилганлигини кўриш имконини беради. Хужжат тили қуруқ, лекин ҳис-ҳаяжон тилидан адолатлироқ. И. А. Зеленскийнинг прокурор Л. Я. Вишинский билан суҳбатини ҳеч қандай ўзгартиришсиз келтирайлик. Унда гап Зеленскийга СССР Центросоюзи раиси сифатида қишлоқ жойлардаги савдо соҳасида зарарқунандалик сиёсати олиб борганликда айбланиб тўнкалаётган жинойтлар устида боради.

- Вишинский: Ёр хусусига келсак, сизнинг жинойткорона фаолиятингиз туфайли бу масалада аҳвол қандай эди?
- Зеленский: Мен бу хусусда тўхталаман. Бу масалани тушунтириб бераман демоқчиман.
- Вишинский: Ёр масаласи қандай бўлганлиги мени тергов жараёнида қизиқтиради. Сиз туз ҳақида, қанд ҳақида, бу маҳсулотларни аҳолига сотишни зарарқунандаларча пайсалга солганлигингиз ҳақида гапирдингиз. Ёр масаласи қандай бўлган эди.
- Зеленский: Қишлоқ жойларда ёр сотмаймиз.
- Вишинский: Мен нимани сотишингизни сўраётганим йўқ. Сиз энг аввало асосий нарсани — Ватанингизни сотгансиз. Мен эса ташкилотингиз товар оборотини барбод қилиш ва аҳолини энг асосий истеъмол молларидан маҳрум этиш учун қандай чоралар кўрганлигини айтяпман.
- Зеленский: Мен сизга айтдимку, кооперация қишлоқда ёр сотмайди, деб.
- Вишинский: Сиз кооператив эмас, балки фитначилар ташкилотининг аъзосиз².

¹ Судебный отчет по делу антисоветского «право-троцкистского блока». М.: НКЮ СССР, 1938, 327-бет.

² Уша жойда, 163-бет.

Ҳукм олдиндан чиқариб қўйилган эди ва бунинг И. А. Зеленский яхши биларди. Аммо энг мушкул вазиятларда ҳам Исаак Абрамович партия жангчиси бўлиб қолди.

Энг ёмони, даҳшатлиси Ватан хоини, сотқин сифатида ҳаётдан кўз юмиш эканлигини у тушунарди ва шу сабабли ўзининг сўнгги нутқида айнан мана шу айбни инкор этишга урғу берди. Ярим аср ўтгандан сўнг бу сўзларга қулоқ тутайлик. «Мен сўнгги сўзимни айтмоқдаман. Эҳтимол, бу ҳаётимдаги энг сўнгги сўзимдир. Сўзларимга ишониларингни сўраш ва кутиш мен учун оғир. Лекин мен судга шуларни маълум қилмоқчиман: тўнтариш, ҳарбий фитна уюштириш каби жиноятларда қатнашмаганман, бундай жиноятларни рад этаман, мен Марказнинг Кировни ўлдириб ҳақидаги жинояткорона қарорини билмаганман, айбончилик ишлари ва алоқалари ҳақида ҳеч нарса билмаганман, чет эл разведкаси билан муносабатда бўлмаганман, миллий республикалар ва ўлкаларни Иттифоқдан ажратиш олиш хусусида ажнабий давлатлар билан олиб борилган музокараларга ҳеч қандай алоқам йўқ, террорчилик хатти-ҳаракатларига даҳлим йўқ...»¹.

Ҳатто ўлим хавфи олдида ҳам бундай дейиш катта жасорат талаб қилганди. У ўзининг нисбатан қисқа умри бўйи ана шундай жасур бўлиб яшадди.

И. А. Зеленский 1938 йил 15 мартда отилган. Партиянинг содиқ фарзанди, ҳалол коммунист И. Н. Зеленскийнинг номи тиклангунча кўп йиллар ўтди.

Бир вақтлар, йигирманчи-ўттизинчи йилларда унинг номи анча машҳур эди. Унинг номи посёлкаларга, районларга берилган эди. Уйдирма, бўҳтонлар йўқ бўлиб кетди, бироқ эскича қарашлар қолди. Бундай қарашлар ҳануз мавжуд. Ҳозир Тошкентда Зеленский номига биронта ҳам кўча қўйилмаган, у партия зиммасига юклаган қийин вазифани бажариш учун бор куч-ғайратини сарфлаб, етти йил ишлаган ВКП(б) МК Урта Оснё бюросининг собиқ биносида мемориал тахта ўрнатилмаган. Ҳозирги кунда мамлакатимиз узра қайта қуриш шамоли эсмоқда. Тарихимиздаги «оқ» доғлар борган сайин юлиб ташланмоқда, ленинча партиянинг,

¹ Судебный отчет по делу антисоветского «право-троцкистского блока», 366-бет.

совет халқининг номлари ноҳақ бадном этилган ўғил-қизларининг номуси ва обрў-эътибори тикланмоқда.

Утмиш олдидаги бурчимиз, келажак олдидаги масъулиятимиз биздан И. А. Зеленский хотирасини абадийлаштиришни талаб қилади. Узининг бутун умри давомида содиқ ленинчи-большевик бўлган И. А. Зеленскийнинг номи шунга лойиқ.

Д. Г. ВАЙСМАН,

тарих фанлари номзоди

Т. М. ПОДЛИПСКАЯ,

тарих фанлари номзоди

ТУРАР РИСКУЛОВ

[1894—1937]

«Мен босиб ўтган йўл, бу эзилган қозоқ йўқсиллари орасидан чиққан большевик босиб ўтган йўлдир». — РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Раисининг ўринбосари Т. Р. Рисқуловнинг 1935 йил 21 майда Ўзбекистон Компартияси МКнинг секретари А. И. Икромовга ёзган хатидан.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси халқ орасидан омманинг бир талай ҳақиқий йўлбошчиларини, истеъдодли сиёсий ва давлат арбобларини етиштирдикки, улар социалистик қурилишнинг ленинча программасини амалга ошириш йўлида қаҳрамонларча шижоат кўрсатдилар. Улар ўзларининг бутун ҳаётларини Ватанга, партияга ва халққа бағишладилар. Отанинڭ большевик, қозоқ халқининг содиқ фарзанди Турар Рисқулович Рисқулов улар орасида алоҳида ўрин тутади.

Турар Рисқулов 1894 йилда Еттисувда камбағал чорвадор оиласида туғилди. У онасидан эрта айрилди ва отаси Рисқул халқ ёмон кўрадиган бўлиб бошлиғини ўлдириб қўйиб Олмаота турмасига тушгандан кейин, Турар қамоқхонани суғуриб юриб 11 ёшидан бошлаб мажбурий меҳнатнинг аламли ва таҳқирли мевасини татиб кўрди. Ишдан бўш вақтларида Турар рус маҳбусларидан хат ёзишни ва рус тилини ўрганди.

Отаси Сибирга сургун қилинганидан кейин кўп ўтмай (отаси сургундан қайтиб келмади) Турарни ишдан ҳайдаб юбордилар. У Авлиёота (Жамбул шаҳри) яқинидаги Марки деган жойда яшовчи узоқ қариндошлариникига кўчиб борди. 1907—1910 йилларда Т. Рисқулов рус-қозоқ мактабида таълим олди. 1915 йилда Пишпақдаги (ҳозирги Фрунзе шаҳри) қишлоқ хўжа-

лик билим юртини тугатди. Кейинчалик у Тошкент педагогика институтини тамомлади.

Т. Рисқулов 1915—1916 йилларда Тошкентда бог-бон бўлиб ишлайди. Ўлкадаги революцион ҳаракат марказида бўлиш унинг ижтимоий дунёқарашининг шаклланишида катта роль ўйнади. У марксистик адабиётлар билан, Марказий Россиядаги ва Ўрта Осиёдаги революцион ҳаракат билан танишди.

1916 йилда маҳаллий аҳоли вакилларини фронт орқасидаги ишларга сафарбар этиш тўғрисида подшо фармони чиққандан кейин Т. Рисқулов Маркига қайтади ва қозоқ меҳнаткашларининг чор самодержавиесига қарши кўтарган қўзғолонида фаол иштирок этади. Қўзғолон шафқатсиз суръатда бостирилади. Қўзғолоннинг кўпгина қатнашчилари, жумладан Т. Рисқулов ҳам қамоққа олинади. Т. Рисқулов қамоқдан озод қилингандан сўнг кекса большевик Н. Чернишев бошчилигида Авлиёота уездида революцион кайфиятдаги қозоқ ёшлари тўгарагини тузади.

Уездда Совет ҳокимиятини ўрнатish учун курашувчиларнинг раҳбарларидан бирига айланган Турар Рисқулов 1917 йил сентябрда большевиклар партияси сафига киради ва Муваққат ҳукуматнинг хоинликдан иборат сиёсатини фoш этиш, уезд меҳнаткашларини большевиклар атрофида тўплаш бўйича катта тарғибот ишини олиб боради.

Т. Рисқулов ўзига хос ғайрат, уюшқоқлик ва шижоат билан ўлкада Совет ҳокимияти ғалабасини таъминлашда революцион оммага етакчилик қилди.

У маҳаллий зиёлиларнинг истеъдодли, революция ишига садоқатли вакилларида бири сифатида раҳбар партия ва совет ишига кўтарилади. 1918 йилда у уезд большевиклари ташкилотига бошчилик қилади, сўнгра Авлиёота ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Совети ижроня комитетининг раиси қилиб сайланади. Т. Рисқулов буржуа-миллатчи «Алаш-орда» ва «Қўқон мухторияти» ташкилотлари, шунингдек сўл эсерларга қарши кескин кураш олиб боради.

Советларнинг V ўлка съездида (1918 йил 20 апрель—1 май) РСФСР составидаги Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси эълон қилинди. Т. Рисқулов Туркистон АССР МИКнинг аъзолигига сайланди, сўнгра ТАССР соғлиқни сақлаш халқ комиссари этиб тайинланди. 1918 йил 29 ноябрда Туркистон МИКнинг

буйруғи билан автоном республика Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) қошидаги очарчиликка қарши кураш Марказий комиссиясининг раиси сифатида очларга ёрдам кўрсатишни уюштириш соҳасида катта иш олиб борди.

Иккинчи ўлка партия конференцияси (1919 йил 14—31 март) ва 1918 йил ноябрда Москвада бўлиб ўтган Биринчи Бутун Россия коммунист-мусулмонларининг съезди қарорига мувофиқ, маҳаллий аҳоли меҳнаткашлари орасида тарғибот-ташвиқот ишини кучайтириш мақсадида Туркистон Коммунистик партияси ўлка комитети қошида Т. Рисқулов раислигида А. Муҳиддинов, Н. Хўжаев, Х. Иброҳимов, Ю. Алиевлардан иборат ўлка мусулмонлари бюроси (Ўлкамусбюро) ташкил этилди.

Ягона интернационал Туркистон Коммунистик партияси таркибида мусулмон коммунистик ташкилотлари ва секцияларини ҳамда ўлка комитетида мусулмон бюросининг ташкил этилиши партия қурилишининг ўткинчи формаларидан бири бўлиб, бу форма РКП(б) томонидан нокапиталистик ва ҳатто феодализмгача бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан социализмга ўтаётган ТАССРда ва мамлакатнинг бир қанча бошқа районларида қўлланган эди.

Бу партия қурилишида мазкур конкрет-тарихий вазиятда миллий, тил ва манший ҳамда диний ўзига хосликни ҳисобга олиш заруратидан келиб чиққан эди. Мусулмон бюросининг ташкил этилиши партия қурилишининг ленинча умумий принциплари ва қонуниятларини бузмаган ҳолда маҳаллий партия кучларини активлаштиришга ва уларнинг омма орасида олиб борадиган ишининг кучайишига ёрдам берди.

Туркистон Коммунистик партияси ўлка комитетининг Мусбюроси ва унинг партия комитетлари қошидаги маҳаллий органлари ерли миллатлар коммунистлари, туб аҳолининг кенг қатламлари орасида жуда катта оммавий-сиёсий ва ташкилий ишни амалга оширдилар. Мусбюро ерли аҳоли меҳнаткашлари орасида марксизм-ленинизм ғояларини, Коммунистик партия ва Совет давлатининг сиёсатини тарғиб этиб, уларни Совет ҳокимияти томонига жалб қилди, қишлоқ ва овулларда партия ячейкалари тузди, маҳаллий ишчиларни, ҳунармандларни, деҳқонларни Қизил Армия сафига жалб этди, миллий кадрлардан иборат совет ва партия ходимларини ҳамда маҳаллий аҳоли орасидан Қизил Армия учун командирлар тайёрлади. Мусбюро ўлка халқ оммаси

орасида катта маданий-маърифий ишни авж олдириб
зоборди.

Мусбюроннинг фаолияти маҳаллий аҳоли кенг қатла-
ми орасида партия таъсирининг кучайишига ёрдам
берди.

Т. Рисқулов кейинчалик ўзининг Туркистондаги фао-
лиятига баҳо бериб, шундай деб ёзган эди: «Мен боль-
шевиклар партиясига тасодифан кирган эмасман ва ўз
ишимда қатъий большевиклик йўлини тасодифан амалга
оширган эмасман. Бунининг ижтимоий келиб чиқи-
шим ва синфий душманларга нисбатан нафратим тақо-
зо этган эди. Аммо шу билан бирга... мен бир қанча
катта сиёсий хатоларга ҳам йўл қўйганман. Туркистон-
да ишлаган вақтимда йўл қўйган хатоларим нимадан
иборат? Бу хатоларга мен 1920—1921 йилларда йўл
қўйганман. Хатоларим асосан миллий оғмачиликдан
иборатдир... Биз миллатнинг йўлбошчилари бўлишни
истардик, интернационал вазифаларни унутиб қўйиб
миллий шпорларга берилиб кетган эдик».

Т. Рисқулов Туркистон Компартияси V ўлка конфе-
ренциясида (1920 йил 12—18 январь) қилган «Миллий
масала ва миллий коммунистик секциялар» деган док-
ладига Туркистон Компартиясига «Турк коммунистик
партияси» деб ном бериш ҳоисини илгари суради. Бу так-
лиф Коммунистик партия қурилишининг интернационал
асосларига бутунлай зид келар, «мусулмон партияси»ни
тузишга қарши чиққан Бутун Россия коммунист-мусул-
монлар I съездининг қарорларига ҳамда РКП(б) VIII
съезди ташкилий масалаларга доир қарорларига хилоф
бўлиб, бу қарорлар миллий-автоном коммунистик пар-
тиялар тузиш ҳоисини рад этарди. Т. Рисқуловнинг Тур-
кистон АССРни «Турк республикаси» деб аташ тўғри-
сидаги таклифи ҳам жуда чуқур хато бўлиб, у бу так-
лифни Туркистон Компартиясининг V ўлка конферен-
цияси арафасида ўтган Мусулмон коммунистик таш-
килотларининг III ўлка конференциясида сўзлаган
нутқида ўртага ташлаган эди.

Т. Рисқулов ва у бошчилик қилган гуруҳнинг ана шу
ва бошқа таклифлари миллатчилик характерида бўлиб,
бунини кейинчалик унинг ўзи ҳам тан олган эди. Т. Рис-
қулов ЎзКП(б) МКнинг секретари А. Икромовга 1935
йил 21 майда йўллаган хатида: «Менинг асосий хатоим
шундан иборатки, 1920 йилда мен илгариги синфий туй-
ғумни йўқотиб қўйдим ва миллий оғмачилик томонига
оғиб кетдим» деб ёзган эди.

Т. Рисқулов ва унинг тарафдорларининг юқоридә кўрсатиб ўтилган миллатчиликдан иборат таклифлари партия Марказий Комитети томонидан табиий равишда рад этилди. В. И. Ленин РКП(б)нинг Туркистондаги вазифалари тўғрисида МК қарори лойиҳасига 1920 йил 13 июнда билдирган мулоҳазасида менимча, Рисқулов лойиҳасини рад этиш... лозим, деб кўрсатган эди. Ўлка коммунистларини интернационал руҳда жипслаштиришда, миллатчи-оғмачиларга қарши курашда РКП(б) МК, Бутунроссия МИК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси катта роль ўйнади. Туркистон Компартиясининг V съезди (1920 йил 12—18 сентябрь) Т. Рисқулов гуруҳининг буржуа миллатчилик томон оғишини қоралади.

Коммунистик партиянинг миллий-оғмачиларга қарши олиб борган ғоявий курашининг асосий хусусияти шунда намоён бўладики, РКП(б) Марказий Комитети, шахсан В. И. Ленин, унинг ўша вақтда Туркистонда ишловчи сафдошлари М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, Ш. З. Элнава ва бошқалар миллий масалада хатога йўл қўйган Т. Рисқулов ва Туркистон Компартиясининг бошқа кадрларига жуда ҳушёрлик билан ҳеч қандай зўравонликка берилмаган ҳолда муносабатда бўлдилар, уларнинг камчиликларини пролетар интернационалиزمни руҳида, ўз вақтида тўғриладилар. Турккомиссиянинг аъзоси В. В. Куйбишев Т. Рисқуловнинг миллатчилик руҳидаги фикрлари учун ҳақли равишда танқид қилар экан, аини вақтда РКП(б) Марказий Комитетига ёзган хатида унга баҳо бериб: «Рисқулов—тенги йўқ шахедир ва Москвада зўр коммунистга айланиши мумкин» деган эди. Принципиал дўстона танқид ва 1920 йилнинг ўрталарида В. И. Ленин билан бўлган учрашув ва суҳбат таъсирида Т. Рисқулов ўз хатосини тушунди, ундан тўғри хулосалар чиқарди.

Т. Рисқулов ленинча гвардия раҳбарлиги остида партия ва совет ишида катта тажриба мактабини ўтиб социалистик қурилишнинг йирик ташкилотчиси ва раҳбари сифатида шаклланди.

Партия уни РСФСР Миллатлар ишлари Халқ Комиссарлигига ишга юборди. Тез орада Т. Рисқуловни коллегия аъзоси, 1922 йилда эса — Халқ Комиссарининг муовини қилиб тайинлади. «Миллат ишлари Халқ Комиссарлигида ишлар эканман,— деб ёзади кейинчалик Т. Рисқулов,— партия амалга ошираётган миллий сиёсатнинг моҳиятига эътибор бердим. Миллатлар ишлари.

халқ комиссарлигининг раҳбарлари билан мулоқот ва Мөсквадаги шарт-шаронтлар менинг кўзимни очди ва мен ўзимнинг илгариги нуқтан назаримни бошқатдан қараб чиқиб хатоларимни англадим ва ўз йўлимни тўғрилашга бел боғладим».

1922 йилнинг охирида у Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг раиси лавозимига кўтарилди ва бу лавозимда 1924 йилнинг бошига қадар ишлади. Т. Рисқулов тез орада РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг аъзоси ва Туркфронт Революцион ҳарбий Советининг аъзоси қилиб тасдиқланди.

Т. Рисқулов Совет Туркистони ҳукуматининг раҳбари лавозимида партиянинг ўлкада социалистик асосда қайта қуриш ишларини олиб бориш йўлини қатъий амалга ошира бошлади. Туркистон АССР ХКСининг XI Бутун Туркистон Советлар съезидига (1922 йил 2—6 декабрь) ҳисобот докладыда Т. Рисқулов олдимизда кўндаланг турган вазифалар ва масалаларнинг пайсалга солиб бўлмайдиган зарурийларини илгари суришимиз ва уларни биринчи галда амалий суратда ҳал этишимиз лозим, деб қайд қилган эди. У саноат, савдо-сотиқни ривожлантиришни, ер-сув ислоҳоти ўтказишни, кооператив қурилишни ташкил этишни, «Кўшчи» союзини мустаҳкамлашни, маданий-маърифий ишларни кучайтиришни биринчи галдаги вазифалар деб ҳисобларди.

Т. Рисқулов Туркистон АССРнинг бир қатор кўзга кўринган партия ва давлат арбоблари билан биргаликда СССРни қонуний-ҳуқуқий жиҳатдан шакллантириш ишини ҳам тийёрлаш ҳамда уни уюштиришда жуда актив иштирок этди. Т. Рисқулов СССР МИКнинг аъзолигига, шунингдек СССР Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш комиссияси таркибига сайланди.

Т. Рисқулов 1923 йил апрелда РКП(б)нинг XII съезидида вакил сифатида қатнашиб, унда нутқ сўзлади. У ўз нутқида совет тузумини янада мустаҳкамлаш учун кескин кураш олиб боришга чақирди. Бу соҳада янги иқтисодий сиёсат даврида ўзининг Советларга қарши фаолиятини яна кучайтирган бой-феодал унсурларга қарши шафқатсиз кураш олиб боришни Т. Рисқулов бу соҳадаги асосий вазифалардан бири деб билди.

Т. Рисқулов ўлка халқ хўжалигини тиклаш, социалистик маданиятнинг қарор топиши ва ривожланиши, аксининқилобий босмачиликни узил-кесил тор-мор этиш учун жуда кўп куч-қувват ва ғайрат сарфлади.

Т. Рисқуловнинг ана шу йилларда Туркистон рес-

публикаси ХКС Раиси лавозимидаги фаолиятига юқори баҳо берар экан, Туркистон Компартияси МКнинг секретари М. С. Эпштейн, у энг машҳур партия ходимларидан бири бўлиб, Туркистонда Совет ҳокимияти ва Коммунистик партия фаолияти тарихининг бутун бир даври унинг номи билан боғлангандир, деган эди.

1924 йил февралда Т. Рисқуловнинг Туркистондаги ҳаёти ва фаолияти ниҳоясига етади. 1924 йил 4 февралда РКП(б) Марказий Комитети уни Коминтерн Ижрокўмига ишга юборади, у бу ерда Урта Шарқ бўлимига бошчилик қилади, сўнгра Коминтерн Ижрокўмининг вакили сифатида Мўғулистонга командировка қилинади. Мўғулистонда у ёш Мўғул Халқ-Революцион партиясига мамлакатни демократизм асосида тараққий эттирувчи ислохотлар режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида катта ёрдам беради. СССР Ташқи ишлар Халқ Комиссари Г. В. Чичерин Т. Рисқуловнинг Мўғулистондаги фаолияти ҳақида у тутган сийёсий йўл умуман жуда тўғридир ва биз уни қўллаб-қувватлашимиз лозим деб ёзган эди.

1926 йил майда Т. Рисқулов ВКП(б) МКнинг таклифига мувофиқ РСФСР ХКС Раисининг ўринбосари қилиб тайинланади. У ана шу масъул лавозимда 1937 йилгача ишлади.

Ўзининг бутун куч-гайратини, ташкилотчилик талантини Т. Рисқулов партия ва халқ томонидан унинг олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қаратади. У социализмнинг моддий-техника базасига асос солган урушолди беш йилликларидаги энг йирик саноат қурилишларининг актив қатнашчисидир. Т. Рисқулов Қарағанда кўмир ҳавзаси, Балхаш мис эритиш комбинати, Чимкент қўрғошин заводи, Турксиб темир йўли қурилишида бевосита иштирок этди.

Т. Рисқулов коммунистлар ва меҳнаткашлар орасида муносиб обрўга эга эди. Уни партиянинг XII, XV, XVI ва XVII съездларига делегат қилиб сайлашган. У бир неча чақириқ СССР МИКнинг аъзоси бўлган.

Т. Рисқулов 30-йиллардаги Сталин шахси келтириб чиқарган асоссиз оммавий репрессияларнинг қурбони бўлди.

Т. Рисқулов В. И. Лениннинг таърифича кўҳна дунёни бузиш ва социализм асосларини барпо этиш ишини бошлаш бахтига муяссар бўлган революционерларнинг шонли авлодига мансуб эди.

У жиддий хатоларга ҳам йўл қўйди, лекин партия

МК, шахсан В. И. Ленин ва унинг сафдошлари ёрдамида хатолар ва муваффақиятсизликлардан керакли хулосалар чиқариб, дастлаб танлаган йўлининг афзал эканлигини тушуниб етди. «Туркистон давридан кейинги ўтган сўнгги 15 йил ўтар экан,— деб қайд қилади Т. Рисқулов,— партия мени ҳар томонлама синовдан ўтказди, бу даврда мен партия йўлидан бирон марта ҳам четга чиққанам йўқ. 1920—1921 йиллардаги хатоларим мени кундалик ишда собит большевик бўлишга ўргатди ва ўйлайманки, ана шу йўлдан ҳеч қачон адашмасам керак».

Т. Р. Рисқулов хотираси Совет Шарқи халқларининг энг буюк ўғлонларидан, социализм учун оташин курашчилардан бири сифатида халқ қалбидан ўрин топа билган.

Ш. С. ЗИЕМОВ,

тарих фанлар доктори, профессор

СУЛТОНБЕК ХҲЖАНОВ

[1894—1938]

1957 йил 5 июлда СССР Олий судининг Ҳарбий коллегияси 1937 йил 16 июлда ҳибсга олинган. С. Х. Хўжановнинг айблов ишини қайта кўриб чиқди. Ҳарбий коллегиянинг 1938 йил 8 февралдаги С. Х. Хўжанов хусусидаги ҳукми ишнинг янги томонлари очилганлиги сабабли бекор қилинди ва иш жиноят состави йўқлиги учун тўхтатилди. С. Х. Хўжанов ўлимидан кейин оқланди. Аммо ҳозирги кунда ҳам гарчи оқланганидан сўнг орадан 30 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам тарихий адабиётларда «хўжановчилик» деган ибора сақланиб қолган, аммо С. Хўжанов номи унутиб юборилган.

С. Хўжановнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти Совет Туркистони халқлари тарихида янги давр бошланиши билан боғлиқ. Бу давр V ўлка партия конференциясида (1920 йил январь) Туркистон Марказий Ижроня Комитетининг раиси Т. Рисқулов Туркистон Компартияси ни Туркий халқлар Компартияси деб, Туркистон АССР ни эса Турк Совет республикаси деб ўзгартириш фикрини ўртага ташлаши билан бошланган эди.

Мана шу назарий ва амалий жиҳатдан умуман нотўғри фикр атрофида конференциянинг ўзидаёқ авж олиб кетган мунозара партия ташкилотида жиддий ғоявий зиддиятларни юзага келтирди, ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётига ва ўлка ташқарисига кўчди. 1920 йил мар-

тидан шунга қадар Туркистон масаласи бир неча мартаба РКП(б) Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси мажлислари кун тартибига киритилди. Масалани муҳокама қилиш натижасида қарши кураш ташкилий масалалар борасидаги дастлабки зиддиятлар доирасидан анча четга чиқиб кетганлиги маълум бўлди. Диққат-эътибор Туркистонда совет автономиясининг моҳияти, асослари, ўлка ҳаётининг барча жабҳаларида мустамлакачилик сарқитларини батамом тугатиш, Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон Комиссияси билан Туркистон республикасининг раҳбар партия ва совет ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабати масалаларига қаратилган эди.

В. И. Ленин Туркистондан РКП(б) Марказий Комитетига, шахсан ўзига келаётган материалларни — Турккомиссия аъзоларининг, Т. Рисқулов гуруҳининг маълумотномаларини, Рисқулов гуруҳи ишлаб чиққан «Россия Социалистик Федерациясининг Туркистон автоном совет республикаси низоми лойиҳаси»ни диққат билан ўрганди ва авж олиб кетган мунозаранинг барча қийинчиликларини аниқ сезиб турди. Шунинг учун ҳам Г. В. Чичерин, Н. Н. Крестинский ва Турккомиссия раиси Ш. З. Элиавадан иборат РКП(б) Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси тайинлаган комиссия томонидан тайёрланган «РКП(б)нинг Туркистондаги вазифалари тўғрисидаги масала юзасидан РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси қарорининг лойиҳаси» муҳокама қилинаётганда В. И. Ленин жуда муҳим ва ижобий фикр-мулоҳазалар билдирган эди. Владимир Ильич Т. Рисқулов лойиҳасини рад этишни таклиф қилиш билан бирга Комиссия лойиҳасига ҳам ўзгартиш киритиш лозимлигини тан олди. Мана шу масала юзасидан қабул қилинган РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг қарорида Комиссия лойиҳасини қуйидаги тарзда тузатиш таклиф қилинган қарор лойиҳасини шахсан В. И. Лениннинг ўзи ёзган эди:

«(1) русларнинг ва бошқа ерлардан келганларнинг ер эгаллиги маҳаллий халқнинг ер эгаллиги билан барабарлаштирилсин;

(2) рус қулоқлари жуда жадал суръатда тор-мор қилинсин, кўчириб юборилсин ва бўйсундирилсин;

(3) Турккомиссияга декретларни Туркистон МИКнинг ва Туркистон ХКСнинг фикрини ва марказнинг фикрини сўрамасдан ўзгартиш ҳуқуқи берилмасин;

(4) ҳокимиятни ишончли коммунистлар назорати остида — аста-секин, лекин огишмай — меҳнаткашларнинг маҳаллий Советларига бера бориш мунтазам равишда пухта ўйлаиб, тайёрлаиб амалга оширилсин...»¹.

РКП(б) Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, 1920 йил 29 июнда «РКП(б)нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарор партиянинг миллий сиёсатини амалга ошириш учун янги истиқбол очиб бериб, ўлкадаги ижтимоий-сиёсий шароитни янада жонлантириб юборди. У Туркистон Компартияси сафларидаги интернационал кучларни янада жипслаштиришга, янги партия кадрлари отряди вужудга келишига ёрдам берди.

1920 йил июлда Султонбек Хўжанов Турккомиссиянинг қарорига биноан Туркистон Коммунистик партиясининг янгитдан тузилган вақтли Марказий Комитетига киритилди. Шу йилнинг сентябрида эса ўлка партия ташкилотининг V съезди делегатлари уни Туркистон Коммунистик партиясини Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайладилар.

Съездда Марказий Комитетга киритилган 17 кишининг 10 тасини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этар эди. Қайғисиз Отабоев, Санжар Асфандиёров, Очил Бобононов, Уроз Жондўсов, Султонхўжа Қосимхўжаев, Абдулла Раҳимбоев, Назир Тўрақулов, Тошпўлат Урозбоев ва бошқалар қатори Султонбек Хўжанов ҳам революция йилларида шаклланиб, Совет ҳокимиятининг уч йиллик тажрибаси билан бойинган партия ва совет ходимлари янги авлодининг вакили эди.

Султонбек Хўжанов 1894 йилда Сирдарё областининг Туркистон районида (ҳозирги Чимкент области) кўчманчи чорвадор оиласида туғилди. У Туркистон шаҳрида рус-тузем мактабини тугатди, шу ернинг ўзида уч йиллик шаҳар билим юртини битирди. 1913 йилдан 1917 йилга қадар Туркистон ўқитувчилар семинариясида таҳсил кўрди, революцион курашнинг илк сабоқларини шу ерда олди. Кейинчалик у ҳақда ёзишганидек, 1915—1917 йилларда маҳаллий миллатлар фарзандларидан иборат ўқувчиларнинг яширин ташкилотларидан бирининг аъзоси, «Кенгаш» номи яширин тўгаракнинг ташкилотчиларидан бири бўлганди.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 41-том, 170-бет.

Семинарияни тугатгандан сўнг Хўжанов қишлоқ мактабига ўқитувчи қилиб тайинланди. Аммо 1917 йил февралдан сўнг ўлкада авж олиб кетган революцион воқеалар уни ҳам жалб этди ва у қишлоқдан кетди. 1917 йил августидан бошлаб у Тошкентда «Бирлик туғи» газетасининг муҳаррири бўлди. Бу газета уламоларга қарши қаттиқ кураш бошлади. У газетада ишлаб турган вақтида Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонди.

Ўқиминшли кадрларга эҳтиёж сезаётган янги жамият Султонбек Хўжановдек ходимларни ўлкадаги совет қурилишининг турли участкаларига жалб этди. У дастлабки уч йил ичида қуйи совет ишларида ишлаб, яхши сабоқ олди. Туркистон шаҳрида халқ маорифи бўлимининг инспектори, очларга ёрдам уюштирувчи комиссия вакили бўлиб ишлади. 1918 йил охирида С. Хўжанов Тошкентдаги қозоқ педагогика билим юртига ўқитувчи бўлиб ўтди. Келгуси йили у яна Туркистон шаҳрига қайтиб келди ва уезд шаҳар ижроия Комитети раисининг муовини бўлиб ишлади. 1920 йилда эса С. Хўжанов Сирдарё область Революцион комитетининг раиси қилиб тайинланди.

1920 йил мартда Султонбек Хўжанов Коммунистик партия сафига кирди. Уша йиллар учун юқори ҳисобланган билим савияси, фаол ҳаёт йўли туфайли кўпчилик ҳурматига сазовор бўлди, обрў орттирди. 1920 йилдаёқ Сирдарё область партия конференцияси уни область партия комитетининг аъзоси қилиб сайлади.

Хўжановнинг бутун ҳаёти, камолоти йўлидаги барча босқичлар Турккомиссия унинг номзодини Туркистон Коммунистик партиясининг Марказий Комитети аъзолигига кўрсатиб тўғри қилганлигини исботлайди. Унинг ҳаётида 1920—1924 йиллар алоҳида ажралиб туради. Партия ташкилотлари ва ўлка меҳнаткашлар оммасининг юксак ишончига сазовор бўлган Султонбек Хўжанов шу йилларда бўлиб ўтган Туркистон Коммунистик партияси V—VIII съездларининг, Туркеспублика Советлари IX—XIII съездларининг делегати, мудом Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Туркистон Марказий Ижроия Комитети Президиумининг аъзоси, Туркистон МИК раисининг ўринбосари қилиб сайланди. У РКП(б) X, XIII, XIV съездларида делегат сифатида иштирок этади. Худди мана шу йилларда у расмий лавозимларда ҳам, яъни Туркистон совет республикасининг ички ишлар (1920—1921 йиллар), мао-

риф (1921—1922 йиллар), Ер ишлари халқ комиссари бўлиб ишлади.

Шу билан бирга у Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг топшириғига биноан ўз касби-кори доирасига кирмайдиган кўпдан-кўп топшириқларни ҳам адо этган. У турли-туман комиссиялар — Туркистон Компартиясининг ва Советларнинг съездларига ҳужжатлар тайёрлашдан тортиб, то республика ҳаётига оид долзарб масалаларни, яъни жойларда Совет ҳокимиятини тузиш, мамлакатнинг марказий идораларида бюджетни ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалик кооперацияси тузишнинг амалий йўллари, суд ва қозиларга ҳақ тўлаш тартиби, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли сийсий-ижтимоий тараққиётининг истиқболлари, туркман областининг ва айниқса ёвмутларнинг муаммолари, солиқ сийсати, Фарғонада ер масаласини ҳал қилишнинг навбатдаги вазифалари, бозорда нарх-навоми тартибга солиш, ер тузишнинг асосий қондалари ва кўпдан-кўп бошқа масалалар билан шуғулланувчи комиссиялар таржибига киритилди. У жуда муҳим топшириқлар билан Туркистоннинг турли областларига сафарга юбориларди: «Қўшчи» союзининг съездини чақириш билан боғлиқ тайёр-гарлик ишларини йўлга қўйиш учун Сирдарё областига, область партия конференциясини ўтказиш учун Еттисув областига, босмачилар тор-мор қилингандан кейин халқ хўжалигини қайтадан тиклаш учун Совет ҳокимияти кўраётган чора-тадбирлар билан кенг аҳоли оммасини таништириш мақсадида Фарғонага боради ва ҳоказо.

Султонбек Хўжанов Туркистондаги энг чалкаш масалалардан бири бўлган миллий масала билан жуда кўп шуғулланди. 1920 йилнинг биринчи ярмидаги воқеаларнинг аке садоси, мана шу йилларда партиянинг миллий программасини амалга ошириш борасида кўрилган чора-тадбирлар ҳаётбахш туртки бўлди: ўлкадаги илғор кишилар социалистик революциянинг байналмилал принципларига қатъий ишонч ҳосил қилдилар. Аммо Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун кураш, мустамлакачилик сарқитларидан қутилиш, ленинча миллий сийсат принципларини ҳаётга татбиқ этиш борасида эришилган шак-шубҳасиз ютуқларга баъзан миллий сийсат қўпол равишда бузилаётганлиги кўланка ташлар, бундай ҳоллар байналмилал муносабатларни қарор топтиришга жиддий путур етказарди. С. Хўжанов жамоат арбоби сифатида ўлка меҳнаткашлари ҳаётидаги ижтимоий, маданий масалаларни ҳал қилишда маълум даражада

сусткашликка йўл қўйилаётганидан, кўпмиллатли Туркистон халқлари ўртасидаги миллий муносабатларда мана шу масалалар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлаётган қийинчилик ва тўқнашувлардан айниқса ташвишда эди.

Советларнинг IX Бутун Россия съездида (1921 йил) делегат Султонбек Хўжанов сўзга чиққанидан сўнг таънаффус вақтида В. И. Ленин уни президиумга чақиртириб, у билан қисқача суҳбат қилди. Туркистоннинг туб аҳолисини ўқитиш, маҳаллий миллатлар вакилларида ўқитувчилар етиштириш учун мактаблар, институтлар очиш масалалари юзасидан сўзлаган нутқи учун уни Ленин «қизиққон қирғиз»* деб таърифлаган эди.

Маориф халқ комиссарлигида Хўжанов зиммасига қийин вазифалар тушди. Революциядан кейинги биринчи йиллар учун хос бўлган туб аҳоли яшайдиган жойларда жадал суръатлар билан бошланган мактаблар қуриш иши тегишли моддий замин йўқлиги туфайли бу вақтга келиб пасая бошлади. Янги иқтисодий сиёсатнинг биринчи йилларида эса аҳвол янада мураккаблашди. Туркистон республикаси 1922 йилда ҳам қийин иқтисодий аҳволда эди. Бунга кучайиб кетган молиявий танқислик, яъни қишлоқ хўжалиги, кон саноати, ҳунармандчилик суст ривожланганлиги, уй-жой муаммоси, шаҳарларни ободлаштириш масаласи ҳал қилинмаганлиги сабаб бўлганди.

Янги иқтисодий сиёсат жорий қилиниши муносабати билан мамлакат экономикасида ҳисоб-китобнинг, мабдағ билан таъминлаш ва хўжалик юритишнинг янгича усулига ўтилиши маълум даражада маориф соҳасига ҳам таъсир қилди. Халқ маорифи муассасаларининг кўпчилиги давлат бюджетидан маҳаллий бюджетга ўтказилди, бунинг натижасида областларда халқ маорифи муассасалари сони кескин камайиб кетди. Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси Турар Рисқулов ўлкада халқ маорифининг аҳволи ҳақида гапириб, «кундалик ҳаётимиздаги мушкул масала» деган эди.

1922 йил декабрда бўлиб ўтган Туркистон Советларининг XI съезди делегатлари эътиборига ҳавола қилинган халқ маорифини ривожлантириш программаси

* Инқилобгача ва ундан сўнг кўп йиллар давомида қозоқларни қирғиз, қирғизларни эса қора қирғиз деб келинганди. Шу боисдан ҳам В. И. Ленин бу иборани ишлатган. — Муҳаррир.

Маориф халқ комиссарлиги коллегиясининг Султонбек Хўжанов раҳбарлиги остида олиб борилган бир йиллик долзарб иш натижаси эди. Комиссарликнинг маъмурий аппарати бир неча маротаба қисқартирилди, кўпчилик областларда халқ маорифи муассасалари рўйхатга олинди, уларнинг аҳволи, мактаб ва ўқитувчиларга бўлган талаб аниқланди. Съездда туб аҳоли ўртасида халқ маорифини йўлга қўйиш соҳасида мушкул вазиятлар пайдо бўлганлиги ҳақида С. Хўжанов ташвишланиб гапирган эди. 1922 йилда ўтказилган сиёсий кампания, яъни маҳаллий урф-одатларга нисбатан илгари йўл қўйилган хатони тузатиш мақсадида қозилар судининг қайтадан тикланиши, вақф ерларини мусулмон жамоаларига қайтариб берилиши туб аҳолига сиёсий жиҳатдан катта таъсир қилди, уларнинг Совет ҳокимиятига муносабатини яхшилади. Айни замонда у эски диний мактаб янгича асосда қайта тикланиши учун шароит яратди. Шундай бир шароитда қишлоқларда дунёвий совет мактабини маҳаллий бюджетга ўтказилиши мана шундай мактабларнинг ҳаёт-мамотини хавф остида қолдирди, чунки у ҳали туб аҳоли орасида ўзининг мустаҳкам аъёналарига эга эмасди. Вужудга келган шароитда Султонбек Хўжанов «съезд ўз нуфуздан фойдаланиб, маориф эҳтиёжларига давлат бюджетидан катта маблағ ажратилишини талаб қилсин», деб қаттиқ туриб олди.

Ажратилаётган маблағ камлигини, ўқитувчи кадрлар таъқислигини ҳисобга олиб, ўлка Советларининг XI съезди Маориф халқ комиссарлигининг коллегияси амалга ошираётган йўлни бирдан-бир тўғри, мақсадга мувофиқ йўл сифатида маъқуллади. Маориф халқ комиссарлигининг бу йўли комиссарликнинг республика ва маҳаллий бошқарув аппаратини кескин қисқартиришни, давлат ва маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағга мувофиқ равишда областлар учун зарур бўлган турли даражадаги мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари тармоғини аниқлашни, халқ маорифига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағнинг миқдорини Туркистоннинг умумий бюджетдаги 14 процентдан 20 процентга етказишни назарда тутар эди.

Республика ер ишлари халқ комиссари лавозимида ишлаган вақтида ҳам Султонбек Хўжанов мана шундай қатъий ва муросасиз йўл тутди. Ҳал қилинмаганлиги оқибатида иқтисодий зиддиятларни кучайтириб юборётган, шу йилларда баъзан миллатлар ўртасидаги ўза-

ро муносабат соҳасида зиддиятлар келтириб чиқараётган ер-сув муносабатлари ўлкадаги раҳбар ташкилотларнинг диққатини доим ўзига жалб этиб келди. 1920 йилдан бошлаб Туркистон республикасининг барча партия съездлари ва конференциялари, Советларнинг съездлари ўлкада ер-сув муносабатларини тартибга солиш долзарб ва зарур масала эканлигини таъ олган эдилар. Туркистон Компартиясининг 1920 йил сентябрида бўлиб ўтган V съездидаёқ ер-сув сиёсатининг асоси «ер-сувга эгаллик қилишда туб аҳоли билан келгиндиларнинг ҳуқуқларини тенглаштириш ва маҳаллий камбағалларни ўрис қулоқлари, маҳаллий бойлар ва маънапларнинг қуллик-крепостнойлик зулмидан озод қилиш» эканлиги таъ олинган эди¹. Мана шу сиёсатга амал қилган ҳолда 1921 йилда Еттисувда ўтказилган ер-сув ислоҳоти маҳаллий миллатлар камбағаллари ўртасида сиёсий фаоллик юксалишига сабаб бўлган бўлса-да, умуман ушбу ислоҳот тўлиқ бўлмаганлиги вазидан ўлкадаги ер-сув муносабатидаги зиддиятларга узил-кесил чек қўймади.

Туркистон Коммунистик партиясининг 1922 йил октябрда бўлиб ўтган VII конференциясида ва 1923 йил мартда бўлган VII съездида ҳам белгиланган хўжалик плани амалда деярли бажарилмаганлиги ҳамда ер тузиш ишлари программаси ҳали ҳанузгача назарий мўлжаллигича қолиб келаётганлиги қайд қилинганди. Мана шу вазидан Султонбек Хўжанов Туркистон республикаси Советларининг 1924 йил январда бўлган XII съездида жуда кескин гапирганини тушуниш мумкин. Ер ишлари халқ комиссарлигининг фаолияти тўғрисида сўзлаган нутқида ўтроқ деҳқончилик вилоятлари бўлмиш Фарғона, Самарқанд, Сирдарё областларидаги ер-сув муносабатларини таҳлил қилиб, у бундай деб таъкидлаган эди: мана шу вақтгача «революция ер-сув муносабатларида ушбу районларда ҳеч қандай ўзгариш қилгани йўқ»². Туркистон республикасининг ер-сув қонунлари мажмуи эълон қилинганига гарчи бир йилдан ошган бўлса ҳам, ҳали ҳанузгача мана шу областларда ерга «васиқа» ҳуқуқи, ерни мерос қолдириш ҳуқуқи, олиш-

¹ Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях и решениях съездов и конференций. — Ташкент: Узбекистан, 1988, 149-бет.

² Известия XII Всетуркестанского съезда Советов рабочих и крестьянских депутатов. 1924, № 9, 167—168-бетлар.

сотни ҳуқуқи ҳукм суриб келаётганлигига эътиборни жалб қилар экан, Султонбек Хўжанов чорикорлар амалда меҳнат қилаётган ерларни уларга қонунлаштириб бериш масаласини қўйиш батамом адолатли эканлигини таъкидлади. Еттисувда ўтказилган ер-сув ислоҳоти ҳақида гапириб, бу ҳаракат у ерда асосан сиёсий тус олганлигини, иқтисодий натижа бермаганлигини, шу ваздан бу областда ер-сув муносабатларини тартибга солиш жуда ҳам зарур эканлигини қайд этди.

Ўлка Советларнинг XII съезди биринчи навбатда ер-сув масаласини ҳал қилишга киришиш лозимлиги хусусида махсус қарор қабул қилди, бирмунча вақт ўтгандан кейин эса Туркистон Коммунистик партиясининг 1924 йил майда бўлиб ўтган VIII съезди ер тузиш ишларини шу йил кузида ўтказишга қарор қилди. Аммо ер-сув ислоҳоти кейинроқ, 1926—1929 йилларда тўла ўтказилганлиги маълум.

Маҳаллий миллатлар меҳнаткашларининг тақдирини учун жуда ҳам муҳим бўлган социал масалаларни ҳал қилиш бунчалик кечикиб кетаётгани, поёнига етказилмаётганидан Султонбек Хўжанов қаттиқ хуноб бўлаётганига сабаб унинг қизиққонлиги, сабрсизлиги эмас, албатта, гарчи улар ҳам маълум даражада сабаб бўлсада, асосий сабаб у революцияга, халқларни ижтимоий жиҳатдан қайта тиклаш учун революциянинг имкониятлари чексизлигига, социалистик қайта қуриш ҳаракатини орқага буриб юбориш мумкин эмаслигига қатъий ишонганлигидир. Кенг қулоч отаётган мана шу жараённи янада тезлатиш, унга туртки бериш нияти мана шундан, бунда гарчи ҳақиқий имконият, омманинг ўзи унвтан олиб, қўллаб-қувватлашга қай даражада тайёрлиги ҳар доим ҳам ҳисобга олинмаса ҳам, В. И. Ленин Султонбек Хўжановнинг сиёсий эътиқоди поклигига, Совет ҳокимиятига содиқлигига у вақтда сафдошлари шубҳа қилмаган. Архивда «Султонбек Хўжановнинг Туркистон республикасининг маориф халқ комиссари сифатидаги ишига берилган баҳо» деган ҳужжат сақланяпти. Ушбу ҳужжатда биз қуйидагиларни ўқиймиз: «Ўртоқ Хўжанов мазкур лавозимда 1921 йил октябрдан эътиборан ишлаб келяпти. Мана шу вақт давомида у шу ишга раҳбарлик қилди. У жуда ғайратли ва ташаббускор ходим, ўз идораси ишини давлатнинг умумий вазифалари билан бирга қўшиб олиб боради, ходим ва раҳбар танлашга устаси фаранг, белгиланган ишни охирига етказмай

қўймайди. Туркистон шаронтида маориф халқ комиссари сифатида беназирдир. Ўзининг асосий вазифасидан ташқари ўртоқ Хўжанов ер ишлари халқ комиссари вазифасини ҳам бажаряпти, бу ишда ҳам Туркистондаги иш шаронтини биладиган яхши раҳбар эканлигини кўрсатди»¹.

Туркистон Коммунистик партиясининг съезд ва конференцияларида, Туркистон республикаси Советларининг съездларида халқ маорифи, ер-сув муносабати масалалари юзасидан нутқлар сўзлади, ушбу масалаларни у бутун мамлакат миқёсида бўлиб ўтган партия ва давлат анжуманлари минбарига олиб чиқди. РКП(б) Марказий Комитети 1923 йил 9—12 июнда миллий республика ва областларнинг масъул ходимлари билан ўтказган кенгашида Султонбек Хўжанов Туркистон халқларининг тақдири ҳақида зўр ташвиш билан гапирди. Акмал Икромов билан Султонбек Хўжанов нутқларида Туркистондаги ҳақиқий аҳволга берилаган ҳаққоний баҳо кенгаш иштирокчиларининг диққатини ўлкадаги ҳал қилинмай ётган муаммоларга, ўлкада социал ва маданий соҳада аҳвол ёмон ва хавфли эканлигига жалб қилди.

Бироқ ўлкада юзага келган аҳволнинг туб сабабларини аниқлашга уриниш, Марказий Комитет миллий чекка ўлкаларга ишбатан тутаётган сиёсатнинг айрим томонларининг танқид қилиниши И. В. Сталинга ёқмади. Султонбек Хўжановга, шунингдек Акмал Икромовга ҳам ўз фикрларини ўйлаб кўриш, «ўз хатосини тузатиш» таклиф қилинди. Султонбек Хўжанов мана шу кенгашда сиртдан қараганда жуда ҳам беозор икки энлик хат ҳам олган эди: «Ўртоқ Хўжанов! Сиз бугун яхши гап айтдингиз. Агар Сиз ўз иш жойингизда ҳам шундай яхши ишлаётган бўлсангиз (менинг ҳали бироз шубҳам бор), мен сиз билан дўст-ўртоқ бўлишга тайёрман. И. Сталин». Мана шу «дўстона илтифотнинг» «шарбат»ини Султонбек Хўжанов кейинроқ охириги томчисигача тотиб кўрди.

Бизнингча, Султонбек Хўжановга ўхшаш арбобларнинг сиёсий таржиман ҳолига баҳо берганда, улар яшаган, ишлаган муҳитни ҳисобга олиш керак. Янгича миллатлараро муносабатлар ўшанда эндигина шаклланганлигини, миллий жараёнларни бошқариш механизми эндигина созлана бошлаганини, ушбу механизмда

¹ МЛИ ЎзФ ПА, 60-фонд, 2-рўйхат, 296-дело, 17-варақ.

ҳамма нарса бирдай ишламай, турли-туман оғишларга сабаб бўлганлигини унутмаслик керак. Назарий жиҳатдан етарли даражада чинқилмаганлиги, сиёсий тажриба етишмаслиги ҳам таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз эди. Айниқса жиддий вазиятларда мана шу омилларнинг жами бирданига ҳаракатга келиб, миллийлик билан интeрнационаллик, миллийлик билан миллатчилик ўртасидаги фарқ шартли эканлигини очиқ-ойдин тасдиқламоқда эди, миллатлараро муносабатлар масаласи жуда чигил эканлигидан, бу масалага сезгирлик билан ва эҳтиёткорлик асосида алоҳида эътибор бериш кераклигидан далолат берарди.

Буларнинг ҳаммаси 1921—1922 йилларда Еттисувда ер-сув ислоҳотини ўтказиш вақтида очиқ-ойдин намён бўлди. Ер-сув ислоҳотини ўтказишдан кўзланган бутунлай адолатли мақсад, яъни қозоқлар ўртасидаги ер-сув муносабатларида мавжуд бўлган мустамлакачилик сарқитларини тугатиш биринчи галда амалда масъул ходимларнинг бир қисми ўрис ва украин деҳқонларини сўзсиз Еттисувдан ҳайдаб чиқариш талабига айланиб кетди. Миллий муносабатлар соҳасидаги байналмилал асосларга мутлақо зид бўлган бу ишга РКП(б) Марказий Комитети ўз вақтида чек қўйди: Султонбек Хўжановнинг ҳайдаб чиқариш комиссияси Еттисувдан чақириб олинди ва РКП(б)нинг Ўрта Осиё бюросига партия сиёсатини бузганларга партиявий жазо бериш таклиф қилинди¹. Аммо партия ва Совет ташкилотлари шунга қарамай С. Хўжановни мана шу масасаларни ҳал қилишдан узил-кесил четламадилар. 1922—1924 йилларда у ер-сув масалалари билан шуғуланидиган бир неча комиссияга киритилди: чунончи, 1922 йил декабрда кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли тўғрисидаги масала билан шуғулланувчи комиссияга, 1924 йилда ер тузишнинг асосий қонун-қондаларини кўриб чиқувчи комиссияга ва ҳоказо.

Султонбек Хўжанов таржиман ҳолининг бундан бўёнги қолган умрида фожияли из қолдирган ниҳоятда чигал саҳифалари ўлка халқлари ҳаётидаги энг муҳим воқеа, яъни Ўрта Осиёнинг миллий-давлат чегараланиши билан боғлиқдир. Регионда чиққан тарихий адаби-

¹ МЛИ МПА, 3-фонд, 1-рўйхат, 2399-дело, 1-варақ; Очерки истории Коммунистической партии Казахстана.— Алма-Ата, 1963, 211-бет.

ётларда Султонбек Хўжановнинг ўлка халқлари тарихидаги мана шу муҳим ишни амалга оширишдаги фаолияти аксарият ҳолларда салбий баҳоланади. С. Хўжанов илгари сурган Ўрта Осиё федерацияси ғояси миллатчилик-огмаччилик ҳаракатининг намоён бўлиши деб қабул қилинди, унинг ўзи эса ўлкада пантуркизм ғоясининг маддоҳи деб эълон этилди.

Мавжуд ҳужжатларга қараганда, Султонбек Хўжановнинг миллий-давлат чегараланишига онд фикрларини мана шундай бир маънода қатъий баҳолаш ўринли бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам ўша даврда унинг бу масаладаги фикри ривожини бирмунча кенгроқ очиб бериш керак.

1924 йил 10 мартда Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Туркистон Коммунистик партияси Марказий Контроль Комиссияси, РКП(б) Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюроси, Туркистон Марказий Ижроия Комитети Президиумининг аъзолари ва аъзоликка номзодлари ҳамда Тошкент шаҳрининг масъул ходимлари иштирокида ўтган биринчи кенгашда Туркистонни миллий-территориал чегаралаш масаласида кенгаш иштирокчиларининг фикри ҳар хил эканлиги маълум бўлиб қолди. А. Раҳимбоев ўз нутқида ўлкада сиёсий вазият мустаҳкамланганлигини, яъни Фарғонада босмачилар асосан тугатилганлигини ҳамда сиёсий ҳаётда осойишталик қарор топганлигини қайд этиб, айни замонда айрим жойларда (Олмаота, Туркистон области, Бухоро, Хоразм) халқлар ўртасида баъзан миллий низо чиқишига сабаб бўлаётган ўзаро даъво, бир-бирини тушунмаслик ҳоллари кўнаиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди. Унинг фикрича, бундай аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир йўли қуйидагича: «Агар биз Туркистон республикасида Совет ҳокимияти мустаҳкамланишини, Туркистон халқлари маданий камол топишини истасак, бу аҳволдан қутулишимиз керак. Ўрта Осиёда бир халқ вакилларидан тузилган ҳукуматга эга бўлган миллий республикалар тузиш билангина бу аҳволдан қутулиш мумкин... Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг бирдан-бир йўли Ўрта Осиёни миллатига қараб чегаралашдир»¹.

Мазкур нутқ юзасидан бўлган мунозараларда бу фикрга зид бошқа фикрлар айтилди. Султонбек Хўжановнинг фикри ана шундай фикрлардан бири эди. У ўз нутқида Ўрта Осиёни битта Федерацияга бирлашти-

¹ МЛИ УзФ ПА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3867-дело, 6-варақ.

риш, бирлаштирилганда фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки сиёсий-маъмурий жиҳатдан ҳам бирлаштириш масаласини ўртага ташлади. Урта Осие Федерацияси ғоясининг ўртага ташланишида ушбу масала хусусидаги И. Сталиннинг фикри ўз таъсирини ўтказган бўлса керак. Мана шу масала РКП(б)нинг XII съездида муҳокама қилиниши арафасида Закавказье халқларининг давлат тузилиши формалари ҳақида Марказий Комитет иккиланаяпти, деб уни танқид қилган Б. Мдиванига жавоб берар экан, И. Сталин қуйидагиларни бир неча маротаба таъкидлаган эди: бунда иккиланиш йўқ, балки миллий сиёсат системаси мавжуд, яъни мустақил республикалар аввал иқтисодий асосда бир-бирлари билан яқинлашадилар, сўнг навбатдаги қадам ташланади — федерация бўлиб бирлашадилар, сўнгра республикаларни бирлаштиришнинг сўнгги босқичи амалга оширилади — Республикалар Иттифоқи тузилади¹.

Ушбу фикрга тарафдор фақат Султонбек Хўжановгина эмас эди. Масалан, Н. А. Паскуцкий нутқида мана шу босқичма-босқич амалга ошириш фикри жуда яққол намоён бўлди. У Урта Осиедаги уч совет республикасини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш, сўнгра Урта Осие Федерациясини барпо этишни таклиф этганди².

Султонбек Хўжанов кенгашда ўз фикрининг исботи сифатида келтирган далиллари қизиқарлидир. Аввало у бутун Урта Осиени бирлаштириш ҳақидаги ўз таклифини исботлаш учун қуйидаги далилни келтиради, яъни у вақтда ҳали миллий таркибига қараб бўлинишига розилик бермаган кўп миллатли Хоразм республикасиз чинакам миллий-давлат чегараланишини ўтказиш ва миллий республикалар тузиш муаммосани ҳал этиб бўлмайди. Сўнгра унинг фикрича, энг муҳими мана шу, Федерациядаги барча чора-тадбирлар ўлкадаги ҳар бир миллатнинг талабларига, ҳаётига, турмуш тарзига мослашиши керак. У Туркистон учта миллий областга, яъни ўзбек, қирғиз (қозоқ) ва туркман областига бўлинишини аниқ кўрсатиб ўтади³. Хўжанов Урта Осиедаги миллат ва халқлар доирасини бундай торайтиргани учун уни танқид қилиш мумкин, албатта. Аммо бизнинг тарихий адабиётда Султонбек Хўжанов Туркистоннинг

¹ МЛН УзФ ПА. 60-фонд, 1-рўйхат, 3867-дело, 25-варақ.

² Сталин И. В. Сочинение. 5-том, 227—283-бетлар.

³ Уша жойда, 15—25-варақлар.

бирлиги ҳақида гапирар экан, айни замонда айрим миллатлар мавжудлигини инкор этди, бу билан пантуркизм гоясини ёқлади, деган тезис қандай пайдо бўлиб, мустақамланиб қолганлигига асло ақл бовар қилмайди.

Воқеаларнинг бундан буёғи ривожни мазкур фикрнинг ғайриқонунийлигидан далолат беради. Ўрта Осиё республикаларини чегаралаш юзасидан тузилган Территория Комиссиясининг 1924 йил 17 августда бўлиб ўтган Пленуми стенографик ҳисоботида янгидан тузилаётган миллий иттифоқдош Совет Социалистик Республикаларнинг манфаатини ҳимоя қилган ходимларнинг баҳси, территория даъвоси қанчалик қизғин бўлганлигидан гувоҳлик берувчи маълумотлар бор. Бинобарин, Султонбек Хўжанов «Ягона ва ажралмас Туркистон» фикрини ёқламаганлиги мана шу воқеалар нуқтаи назаридан шубҳасиздир. Унинг матбуотда босилган мақолалари ҳам шундан далолат беради. У чиндан ҳам қозоқларнинг манфаатини зўр бериб ҳимоя қилган. «Туркистон» газетасида босилган мақолада унинг фикри аниқ ифода қилинган. Мана шу мақоланинг газетада эълон қилиниши, шунингдек ўлкадаги бошқа масъул ходимларнинг мақолалари ҳам босилганлиги кўпмиллатли давлатнинг сиёсий системасини яратиб йўллари ва усуллари демократик муҳокама қилинганлигидан ишонадир. Унинг «Ўрта Осиёнинг миллий республикаларга бўлиниши хусусида суҳбат» деган мақоласи Туркистон Марказий Комитети раисининг муовини Султонбек Хўжанов деб ёзилган суврати билан бирга чоп этилиши бошланиб кетган мунозара қатнашчиларига бўлган ҳурмат рамзи эди. Ўрта Осиё миллий республикаларга бўлинишининг аҳамиятини тушунтирар экан, у диққатни Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда қозоқлар масаласи ҳал этилмаганлигига жалб қилади. Султонбек Хўжанов қозоқлар яшайдиган районларни Қозоғистон республикасига қўшиш тўғрисидаги О. Я. Карклин таклифини қўллаб-қувватлаш билан бир вақтда бу республиканинг Ўрта Осиёдаги аҳволини аниқлашни ундан ҳам муҳим деб билди. Тузилаётган миллий республикаларнинг келажакдаги тараққиёт йўлини белгилашда С. Хўжанов уларни жипслаштиришга, аввал иқтисодий бирлик яратиш асосида, сўнгра эса Федерация асосида жипслаштиришга алоҳида аҳамият берди. Унинг фикрича, бундай бирлаштириш жараёнлари миллий-территориал чегараланишнинг аҳамиятини камайтирмайди, боз устига улар янгитдан тузилаётган республикалар

тарихида маълум даражада ижобий аҳамиятга эга бўлади, яъни келажакда бу республикалар Совет республикалари иттифоқига тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб кирадилар. Бинобарин, бу нарса Советлар олиб бораётган миллий сиёсат ҳақиқатда амалга ошганлигидан далолат беради¹.

Бирмунча кейинроқ, 1924 йил 14 сентябрда Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, Туркистон Коммунистик партияси Марказий Контроль Комиссиясининг ва Туркистон Коммунистик партияси Тафтиш комиссиясининг қўшма Пленумида Туркистон Коммунистик партияси МК секретари И. М. Варейкис Урта Осиёни миллий-давлат чегаралаш тўғрисида қилган докладда Территория Комиссиясининг узоқ давом этган қийин ишига яқин ясади. Ушбу доклад бугунги кунда ҳам қизиқиш уйғотмоқда, чунки ҳали ҳам баъзи шундай кишилар борки, улар яқингача ушбу мавзу ёпиқлигидан фойдаланиб, ўша йилларда муҳокама қилинган масалаларга ғайритабиий қизиқиш уйғотишга уринмоқдалар. Ана шундай масалалардан бири Туркистон Коммунистик партиясининг Марказий Комитетидаги бир гуруҳ фаол ходимларнинг, жумладан Султонбек Хўжановнинг территория масаласидаги даъвоси эди.

И. М. Варейкис ўз докладда баён қилганидек, айрим кишилар асосан иқтисодий зарурат ва республикани мустақкамлаш мақсадида Тошкентни, Мирзачўл ва Тошкент уездларини Қозоғистон республикаси таркибига киритишни талаб қилган эдилар. Ушбу масалага доир мунозара Территория Комиссиясида натижа бермади, мана шу мунозарага тортилган РКП(б) Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ҳамда Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Ижроия бюроси барча далилларни солиштириб, аҳолисининг мутлақ кўпчилигини ўзбеклар ташкил этадиган Тошкент шаҳри Ўзбекистон ССР таркибига киритилиши шарт деган ҳулосага келди; Мирзачўл ва Тошкент уездларининг айрим бўлислари аҳолисининг таркибига қараб ва экономикасини ҳисобга олиб Ўзбекистон ССР билан Қозоғистон АССР ўртасида бўлинди². Бундай қарор адолатли эканлигини статистика маълумотлари ҳам тасдиқлаб турибди. Чунончи, Туркистон республикаси Марказий

¹ «Туркистон», 1924, 18 август.

МЛН УЗФ ПА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3866-дело, 23—24 варақлар.

статистика бошқармасининг ҳисоб-китобларига қараганда, 1922 йил 1 октябргача бўлган маълумотга кўра Тошкент аҳолисининг аксар кўпчилиги ўзбеклар бўлган шаҳарлар сирасига кирган¹. Тўғри, Мирзачўл шаҳри аҳолисининг таркибига кўра шаҳар тишидаги рус қишлоқлари сирасига кирган, лекин у юқорида таъкидлаб ўтилганидек, экономика нуқтан назаридан Ўзбекистон таркибига киритилган.

Докладда Султонбек Хўжановнинг Ўрта Осиё федерациясини ҳамда Ўрта Осиё иқтисодий уюшмасини тузиш тўғрисидаги фикрига ҳам баҳо берилган. Улар бизнинг тарихий адабиётда ёритилган, лекин шунинча яна бир мартаба эслатиб ўтиш ўринлики, И. М. Варейкис РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг федерация ҳақидаги фикрини баён қилиб, «...ҳозир ҳамма бирлашиш фикрида эмас, балки чегараланиш фикрида», деган эди².

Бинобарин, миллий-давлат чегараланишини тайёрлаш ишида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган мана шу Пленум ишини таҳлил қилишни яқунлар эканмиз, И. М. Варейкиснинг яна бир фикрига диққатни жалб қилишни истардик. Территория Комиссиясининг аҳамиятига тўхталиб, у қўйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: Комиссиянинг иши давомида намоён бўлган кўпгина зиддиятлар, «бундай шароитда учрайдиган оддий ва тушунарли зиддиятлардир».

Ҳа, Султонбек Хўжановнинг миллий-давлат чегараланишига тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш давридаги хатти-ҳаракатлари хусусида бирор-бир чора кўрилмаганлиги табиийдир. Устига-устак у РКП(б) Қозоғистон ўлка комитетининг секретари, Қозоғистон АССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми аъзоллигига сайланади. Аммо бир йил ўтмасданок гуруҳбозликда, миллатчи-оғмачиликда айбланиб, Қозоғистондан марказга чақириб олинади. Худди мана шу вақтдан бошлаб Қозоғистонда «хўжановчилик»ка қарши кураш авж олиб кетди.

Бундан кейинги йилларда Султонбек Хўжанов мунтазам равишда тобора кучайиб бораётган айбланиш ва тўғридан-тўғри таъқиб этишлардан ўзини ҳимоя қилиш-

¹ Туркистон республикаси Халқ Комиссарлар Совети билан Иқтисодий кенгашнинг 1922 йил 1 октябргача бўлган фаолияти тўғрисида ҳисобот. — Тошкент, 1922, 57-бет.

² МЛИ ЎзФ ПА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3866-дело, 25-варақ.

га ва ҳатто тавба-тазарру қилишга мажбур бўлди. Бу ўринда шу нарсани алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, 20-йилларнинг охирида авж олган «тавба-тазарру қилиш ва иқдор бўлиш» кампанияси миллий республикаларда анча бурун, яъни РКП(б) Марказий Комитети миллий республика ва областларнинг масъул ходимлари билан 1923 йил июнда И. В. Сталин бошчилигида ўтказган Тўртинчи кенгашидан бошланган эди. Кенгашда ленинча миллий сиёсат принципларига чинакам ҳужум бошлаган Бош секретарь миллий республикаларнинг мустақиллиги ўрнига ҳаддан ташқари марказлаштириш ғоясини қарор топтирмақчи эди. Бунда асосий зарба аввало Совет ҳокимияти йилларида етишиб чиққан миллий кадрларни борган сари кўпроқ қириб ташлашга қаратилганди. Унинг «Миллий республика ва областлардаги ўнглар ва «сўллар» ҳақида» деган нутқи, ушбу нутқда илгари сурилган «ўнг» ва «сўллар»ни савалаб туриш тактикаси¹ ҳар бир миллий республикада авж олиб кетган «миллий гуруҳлар»га қарши курашга «назарий» асос бўлди. Худди мана шу кенгашда амалий сабоқ берилди. «Султон Галиев иши» деб аталмиш масала юзасидан сўзлаган нутқда И. Сталин миллий республикаларнинг кўзга кўринган ходимларини, жумладан Т. Рисқуловни кенгаши аҳли олдида тавба-тазарру қилишга, «ўз хатоларини тан олишга», султон-галиевчиликдан «қайтишга» даъват этди. У Султонбек Хўжанов билан Акмал Икромовга ҳам шама қилганди.

«Айбдорлар» ўзларининг ташкилотларидаги коммунистлар олдида «тавба-тазарру қилдилар» ва «қуролини ташладилар», матбуот саҳифаларида «тавба-тазарру қилдилар», ўзлари қилган ва қилмаган жамки ишлардан «тавба-тазарру қилдилар» фракциячилик, гуруҳбозлик, миллатчилик қилганликларини тан олдилар. Мана шу кампанияларда қатнашганларнинг, барча замондошларнинг онгига оппозициянинг назарий хатоларини, фракцион курашни, айбдорларнинг душманлик руҳидаги кайфиятини тугатиш юзасидан бошланган кураш қонуний эди, деган фикр сингдирилган. Ҳали ҳанузгача Сталин замонасига хос бўлган фикр юритиш тарзи камдан-кам бўлса-да учраб қолади: фалончининг ўзи миллатчилигини тан олган, шунинг учун ҳам у миллатчи гуруҳлар курашида қатнашганига ишонмасликка асос йўқ дейдилар. Тўғри, Султонбек

¹ Сталин И. В. Сочинение. 5-том, 312-бет.

Хўжанов тавба-тазарру қилиб, маълумот берган, ҳатто матбуот саҳифаларида тавба-тазарру қилган, ammo ҳозирги кунда биз мана шундай тавба-тазаррулар ҳақида билган маълумотларимиз уларнинг ҳаммаси аслида мажбур этиш системаси маҳсули эканлигидан гувоҳлик беради. Бунга қандай эришилганини ҳужжатлар тасдиқлаб турибди.

Қозоғистонда «хўжановчиликка» қарши кампания давом этаётган пайтда Султонбек Хўжановга оппозиция билан ҳамкорлик қилган, деб айб қўйилган эди, бу вақтда у Москвада яшарди. Мана шу вақтда, 1927 йил мартда ВКП(б) Қозоғистон ўлка комитетининг секретари Ф. И. Голошчекин И. Сталиндан хат олди. У ўз хатида Хўжанов ҳақида бундай деб ёзади: «Уни ВКП(б) даги оппозицияда қатнашган ва айниқса ушбу оппозицияга мансуб деб айблаш учун қўлимда мутлақо ҳеч қандай асос йўқ. Ўртоқ Хўжанов миллатчилик дунёқарашини сарқитларидан ҳоли эмаслигини биламан... Мен билан суҳбат чоғида ўртоқ Хўжанов Қозоғистонда ишлаган вақтида миллатчилик руҳидаги оғмачиликка йўл қўйганлигини инкор этмаган эди. У ўз хатоларидан воз кечинишга тайёрлигини матбуотда баёнот бериш йўли билан ёки бошқа бирон-бир усулда изҳор қилишга тайёр эканлигини айтган эди. Ишончим комилки, Ўлка комитети талаб қилса, у ўзининг бу фикрини амалга оширади. Ўлка комитети бу ишда унга ёрдам бериши керак, деб ўйлайман»¹.

Ўлка комитети И. Сталиннинг С. Хўжановга «ёрдам бериш» ҳақидаги илтимосини бажаришга ошиқди. Қозоғистон ўлка комитетининг аъзоси У. Исаев С. Хўжановга хат ёзиб, бир қанча саволларга жавоб беришни таклиф қилди. Ушбу саволларга берилган жавоб 1928 йил октябрда матбуотда эълон қилинди. Султонбек Хўжанов тавба-тазарру қилиб, «хўжановчилик»нинг партияга қарши моҳияти тўғрисида, ўзининг аввалги нуқтаи назари хатоллигини тан олиб, ўз ғоясидан бутунлай воз кечганлиги ҳақида, Ўлка партия комитети Қозоғистонда амалга ошираётган сиёсий ва амалий йўлнинг тўла-тўқис қўллаб-қувватлаши ва бу йўл ВКП(б) Марказий Комитетининг йўлига мослиги тўғрисида берган маълумотида у бирон-бир синфий манфаатларга зид хатти-ҳаракат қилганидан ҳамда жамиятнинг сиёсий асосини ўзгартириш мақсадида бўлганлигидан далолат бера оладиган аниқ бир нарса йўқ эди.

¹ МЛИ УзФ ПА, 58-фонд, 3-рўйхат, 4672-дело, 6—7-варақлар.

Мана шу тавба-тазарру уни қамалишидан асради, у партия сафида қолди. Сиртдан Султонбек Хўжанов учун ҳеч нарса ўзгармагандай эди: Москвага чақириб олинганидан сўнг у ВКП(б) Марказий Комитетининг инструктори қилиб тайинланди, сўнгра марксизм-ленинизм курсига ўқишга юборилди, курсни тугатганидан кейин 1928—1929 йилларда ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг Ташвиқот-тарғибот бўлими мудирининг муовини вазифасида ишлади. Бундан кейин ҳам у масъул лавозимларда: Тошкентда Ўрта Осиё пахтачилик-ирригация политехника институтининг ректори (1929—1931 йиллар), «Ўрта Осиё пахтачилик маркази» бошқармасининг раиси (1931—1932 йиллар); Москвада «Союззаготхлоп» бошқарувчисининг ўринбосари (1932—1933 йиллар), Марказий Контроль Комиссияси — Ишчи-деҳқон назорати халқ комиссарлигидаги пахтачилик бўлими бошлиғининг муовини (1933—1934 йиллар), Совет назорати комитетида пахтачилик бўйича мутахассис (1934 йил); яна Тошкентда СССР Ер ишлари халқ комиссарлигининг Ўрта Осиёдаги ваколатхонаси раиси (1934 йил), «Ўзбекистон пахтачилик трести» директорининг биринчи ўринбосари (1934 йил) бўлиб ишлади.

Мана шу йилларда у фан, адабиёт, публицистика соҳаларида баракали ижод қилди. 1921 йилда тўлатган варақаларининг биридаги «Адабий ишда қатнашганмисиз» деган саволга Султонбек Хўжанов «Қозоқ тилида чиқадиган газетага муҳаррирлик қилганман ва қиялман»¹, деб жавоб берган. Ҳақиқатан ҳам у қозоқ тилида чиқадиган бир нечта газеталарга муҳаррирлик қилган: инқилобгача «Бирлик Туғи» газетасига ва «Кенгаш» журнаliga муҳаррирлик қилган, инқилобдан кейин 1920 йил ноябрда унга қозоқ тилида газета ташкил қилиш топширилди, у узоқ йиллар давомида қозоқ тилида чиқадиган «Ақ жол» газетасига муҳаррирлик қилган, қозоқ тилида чиқадиган «Шолпон» журнаliga фаол қатнашган. У шеърлар, бадний-публицистик мақолалар, тақризлар, қозоқ совет адабиёти масалаларига доир мақолалар ёзган. У кўпчилик мақолаларига «Тоқпоқ» деб имзо чеккан.

Турли-туман илмий комиссиялар иши юзасидан унинг зиммасига юкланган вазифалар Султонбек Хўжановнинг илмий фаолиятини кучайтириб юборди. Тур-

¹ МЛН УзоФ ПА, 60-фонд, 2-рўйхат, 296-дело, 14-варақ.

ли йилларда у Туркистон Компартияси тарихи тўпламини тузувчи комиссияда (1922 йил), Испарт бюроси коллегиясида (1924 йил), ВКП(б) Марказий Комитети Урта Оснё бюроси Истпартиянинг «Урта Оснёда инқилоб» журналининг таҳрир хайъатида (1929 йил), Урта Оснё инқилоб тарихи илмий-тадқиқот институти кенгашида (1930 йил), Маориф халқ комиссарлиги Бош илмий кенгаши президнумида (1931 йил) иш олиб борди. Аммо миллий муносабатларни ривожлантириш масалалари, партиянинг миллий сиёсатини ўлкада амалга ошириш тажрибаси унинг илмий қизиқишлари марказида қолаверди¹. 1928 йилда ВКП(б) Марказий Комитети Урта Оснё бюросининг Институти Султонбек Хўжановнинг «Туркистон Совет Автономиясининг ўн йиллиги»² деган китобини чоп этди.

Китобда кўтарилган масалалар, уларнинг аҳамияти жиҳатидан сарлавҳасида кўрсатилган мавзудан анча кенг ва тарафдор. Султонбек Хўжановнинг социалистик революция арафасидаги Туркистондаги барча аҳоли гуруҳларининг аҳволига, унинг ҳаракатлантирувчи кучларига, миллатлараро муносабатларнинг асосий жараёнларига, революцион ҳаракатдаги пролетар ва миллий ишбатга, Туркистонда миллий масалани ҳал этишнинг айрим босқичларининг ўрнига ва аҳамиятига, ўлкада миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ленинча ғоясини қарор топтиришдаги қийинчиликларга берган баҳоси, ушбу масалаларга онд хулосалари ҳозирги кунда ҳам ўзининг илмий қийматини йўқотган эмас. Партия миллий сиёсатининг ленинча принципларига қайтиш ҳамда тарих фани олдида кўндаланг бўлган Совет Туркистонда миллий масалаларнинг қуйилиши ва ривож тарихининг дастлабки дааврларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги ҳозирги кун талаблари нуқтаи назаридан Ўзбекистон тарихчилари Султонбек Хўжановнинг илмий асарларини чуқурроқ ўрганишлари, унинг умумий тарихшуносликдаги ўрнини ва аҳамиятини аниқлашлари лозим.

Султонбек Хўжанов миллий муносабатлар масаласини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишни социалистик қурилишнинг бевосита амалий эҳтиёжлари билан узвий боғлаб олиб борди. 1929 йилда вақтли матбуот саҳифа-

¹ МЛИ УзФ ПА, 60-фонд, 2-рўйхат, 296-дело, 14-варақ.

² Ходжанов С. 10 лет Туркестанской Советской автономии.— Ташкент: изд. Правда Востока, 1928.

ларида унинг майда миллатлар муаммоларига, маҳаллий миллатларнинг адабий тили тақдири масалаларига бағишланган мақолалари босилиб чиқди¹, улар ўзининг ўткирлиги мунозараталаблиги, ўқимишлилиги билан кишининг диққатини ўзига тортади.

Аммо 1929 йилдан бошлаб яна унга ҳужум бошланди, бунга сабаб унинг ўтмиши эди. Шу йилнинг август-тида Тошкентдаги Первомай район ячейкасида тузилган Текшириш комиссияси Султонбек Хўжановнинг партия ҳужжатларида «мунтазам, кўп йиллар давомида (1927 йилгача) партияга қарши (ўтмишда баъзан советларга қарши) гуруҳбозлик кураши олиб борганини (мансабпарастлик)» қайд қилиш зарур деб топади ҳамда область назорат комиссиясига С. Хўжанов бундан бунён масъул партия ишида, раҳбарлик ишида, гоёвий, тарбиявий ишда ишлаши мумкин ёки мумкин эмаслигини, бу мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслигини махсус кўриб чиқишни таклиф қилди. Ўзини ҳимоя қилишдан бошқа иложи қолмаган Султонбек Хўжанов партияни тозалаш комиссиясининг қароридан Ўзбекистон Компартиясининг Тошкент Округ Назорат Комиссиясига, Марказий Контроль Комиссиясининг Партия коллегиясига шикоят қилди. Аризаларида у ўзининг ҳаёт йўлини батафсил баён қилди, «Советларга қарши бўлмаганлигини, партияни алдамаганлигини, иккиюзламачилик қилмаганлигини» исботлашга уринди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Контроль Комиссиясининг Партия коллегияси Текшириш комиссиясининг қарорини бирмунча ўзгартириш мумкин деб топди: С. Хўжановнинг партия ҳужжатларида «ўтмишда партияга қарши фаол гуруҳбозлик кураши олиб борганинигина» қайд қилишга қарор қилинди.

Аммо таъқиб қилиш давом этаверди. Энди ҳужум Қозоғистонда бошланди. 1930 йилнинг бошида «Партия учун» деган журналда ВКП(б) Қозоғистон ўлка партия комитетининг секретари Ф. И. Голошчекинининг мақоласи босилиб чиқди. Унда Қозоғистонда миллий масалани ҳал қилишда Совет ҳокимияти эришган ютуқларга умуман юқори баҳо бериш билан бир вақтда муаллиф республиканинг дастлабки йилларига (1920—1925 йиллар) жуда салбий баҳо беради: «Бу давр учун хос бўлган

¹ Хўжанов С. Маҳаллий миллатчилик ва у билан муросасозлик қилинаётганлиги ҳақида // «Правда Востока», 1929, 15 февраль; Адабий тил ва атамалар ҳақида // «Правда Востока». 1929, 6 июнь.

нарса шуки,— деб ёзди муаллиф,— рус пролетариати билан бирлашишнинг синфий жиҳатларини, пролетариат раҳбарлиги ва интернационализм жиҳатларини умуман миллий жиҳатлар босиб кетди.

Айни замонда партиёга қозоқларни умуман уларнинг ижтимоий келиб чиқишига жиддий эътибор бермай қабул қилиш давом этди; совет идораларига қозоқларни ишга олишда уларнинг ижтимоий келиб чиқишига умуман жиддий эътибор берилмади; қозоқ тилида газета, китоб, дарсликлар уларнинг мазмунига умуман эътибор берилмай чоп этила берди... Бу давр учун партиё қурилиши эмас, балки гуруҳлар ҳукмронлиги, партиёга кирмаган олаш-орда идеологиясининг ҳукмронлиги, ўша вақтда партиа ичида олаш-орда идеологиясини ифода этган хўжановчилик, рискүловчилик ва сандвоқ-қосовчилик идеологиясининг ҳукмронлиги хосдир.

Бу давр раҳбарлик мана шу барча миллатчилар гуруҳлари қўлида бўлган давр эди... Мен шу нарсани таъкидлайманки, у вақтда бирон-бир гуруҳга мансуб бўлмаган коммунист қозоқни топши қийин эди...»¹. Сталинизмнинг маддоҳи бўлмиш Ф. И. Голошчекин миллий масалаларни синфий масалалардан ажратиш, синфий масалаларни деб миллий масалаларга эътиборни унуттиш, камайтириш тўғрисидаги И. В. Сталининг гоясини маъқуллаб, амалда республиканинг ва республика партиа ташкилотининг тарихини ўша вақтда сохталаштирди, шу билан республикадаги партиа ва совет ходимларининг, айрим коммунистларнинг фаолиятини шубҳа остига олди. Бинобарин, буларнинг жами изсиз ўтиши мумкин эмасди.

1937 йил 16 июлда Султонбек Хўжанов қамоққа олинди ва Ҳарбий коллегиянинг 1938 йил 8 февралдаги ҳукмига биноан отишга ҳукм этилди.

Султонбек Хўжановнинг хотини Гуландон Хўжанова 11 йил лагерма-лагер сарсон бўлди ва орадан 20 йил ўтгандан кейин кўплар қатори оқланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг 1957 йил 6 декабрдаги қарорига биноан Султонбек Хўжанов 1920 йил мартдан эътиборан Коммунистик партиа аъзолигига тикланди. Аммо унинг хотираси халқ қалбида тикла-

¹ Голошчекин Ф. И. Қайта тиклаш даврида маҳаллийлаштириш // «За партию», 1930, № 1—2, 36—37-бетлар.

ниши учун кўп вақт талаб этилди. Тарихий ҳақиқатга қизиқиш ниҳоятда кучайиб кетган қайта қуриш шароити тарихнинг яна бир унутилган саҳифаси — бутун умрини Урта Осиёда ва Қозоғистонда партиянинг ленинча ғояларини амалга оширишга сарф этган машҳур партия ва давлат арбоби Султонбек Хўжанович Хўжановнинг ҳаёти ва фаолияти тарихи қайтадан ёзилиши керак.

Р. Я. РАЖАБОВА,
тарих фанлари доктори

РУСТАМ ИСЛОМОВ

[1899—1938]

Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда социализм тузумини қуриш ишига муносиб ҳисса қўшган таниқли партия ва давлат арбоблари қаторида Рустам Исломов ҳам фаол иштирок этганди. У 1899 йил декабрда Тошкент уездида камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. Оиласи Скобелов (ҳозирги Фарғона) шаҳрига кўчиб боришга мажбур бўлгач, Рустам шу ердаги рус-тузем мактабига қатнай бошлади. Биринчи синфни тугатганида отаси вафот этганилиги сабабли уни бой хонадонига хизматкорликка берадилар. Оғир, машаққатли меҳнат фаолиятини шу тариқа бошлаган Рустам ўқишни давом эттиришни орзу қилар ва рус тилини ўрганишга ҳавас қўйганди.

1917 йил ёзида Скобелевдаги олти ойлик умумтаълим курсини тамомлагач, Рустам озиқ-овқат маҳкамасига ишга жойлашди. Орадан сал ўтгач касаба союзга аъзоликка қабул қилишиб, озиқ-овқат маҳкамаси касаба союзи фаолиятига жалб қилишди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси тўғрисидаги хабарни зўр қувонч билан кутиб олган Рустам инқилобнинг Туркистондаги ғалабасини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшди.

Ҳуррият таъсирида Туркистоннинг турли шаҳарларида бирлашган касаба союзлари вужудга кела бошлади. Скобелевдаги ишчиларнинг умумий йиғилишида тузилган касаба союзига биринчи кундаёқ 150 киши ёзилди.

Рустам Исломов учун касаба союздаги фаолияти гоявий-сиёсий етуқлик мактаби бўлди. У оммавий митинг ва йиғилишларни уюштириш чоғида оғир революцион кураш жараёнида тобланган ишчилар билан яқиндан мулоқатда бўларди. Улар таъсирида Р. Исломов ўзининг умумий ва сиёсий маълумотини ошириш устида мунтазам ишлади.

Рустамнинг революцион дунёқараши шаклланишига Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий кучли таъсир кўрсатди. Ҳамза уни маданий-оқартув тўғарагига олиб кирди. Тез вақт ичида музыка-драма труппасига айлантирилган бу тўғаракда мактаб ўқувчилари С. А. Асомиддинов, Ю. Эгамбердиев, И. Мамажонов, заргар У. Қурбонов, сартарош К. Соҳибов, касаба союз ходимлари Р. Исломов, Ҳ. Содиқов ва бошқалар бор эдилар. Уларнинг актив иштирокида саҳналаштирилган ва Ҳамза қаламига мансуб «Вой ила хизматчи» драмаси, «Тухматчилар жазоси», «Фарғона фожияси» пьесалари зўр муваффақиятга эришди.

Уша вақтда Фарғона водийси босмачилик ҳаракати пайдо бўлган ва авж олган асосий марказ эди. Чунки миллий ва рус буржуазиясининг, бойлар ва судхўрларнинг анчагина қисми шу ерга, жумладан Қўқонга жойлашганди.

1919 йил май ойида Р. Исломов Коммунистик партия сафига кирди. Шу йил июнида у сафарбарлик бўйича Қизил гвардияга кўнгилли бўлиб ёзилиб Фарғонадаги босмачилар тўдаларига қарши жангларда қатнашди. Чапдаст, довьорак Рустам дастлаб жангчи-разведкачи сифатида қўмондонликка катта ёрдам кўрсатди. У теварак-атрофни яхши билганлиги сабабли босмачилар тўдаси уяларини, уларнинг қурол-яроғ омборларини тез топишда, қўмондонлик учун қимматли маълумотларни қўлга туширишда яқиндан кўмаклашарди. Тез орада отряднинг сиёсий раҳбари қилиб тайинланган Р. Исломов маҳаллий аҳолини босмачиларга қарши курашга жалб этиш ишида фаол иштирок этди.

1919 йил сентябрида Рустам Исломов Туркистон fronti Сиёсий бошқармаси ихтиёрига чақириб олиниб, Закаспий frontiга кетаётган агитпоезднинг сиёсий раҳбари қилиб тайинланди. Инглиз интервентлар билан оқгвардиячилар ҳамда Закаспийда ташкил топган эсер-меньшевиклар ҳукумати областда Совет ҳокимиятининг тиклашга тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатардилар. Закаспий fronti қўшинлари шиддатли ҳужумдан

кейин 7 октябрда Кож станциясини эгаллаган Қизил Арват районида жанглар давом эттирилди.

Агитпоезд аъзолари Қизил Армия қисмлари кетидан бориб, фронт билан мамлакат ичкарасининг алоқасини мустаҳкамлашар, баъзида қўлга қурол олиб жангларда ҳам иштирок этдилар. Улар қаторида Ҳамза бошчилигидаги музыка-драма труппаси ҳам бор эди. Труппанинг чиқишлари деҳқонларда душманларга нисбатан ғазабнафрат туйғуларини, солдатларда мардлик ва жасурлик хислатларини уйғотарди. Томошалар ўқлар садоси билан бўлиниб турган, қўлга қурол олиб, душманларнинг ҳужумларини қайтаришга тўғри келган вақтлар ҳам кўп бўлган эди. Лекин барча қийинчиликларга қарамадан агитпоезд ўз вазифасини шараф билан бажарди.

Закаспий frontiдаги ғалабадан кейин Андижон уезд-шаҳар революцион комитетининг раиси этиб сайланган Р. Исломов бу ерга келган ажойиб саркарда М. В. Фрунзе билан яқиндан танишди, у билан бирга уездда босмачиларга қарши кураш режаларини ишлаб чиқди, босмачиларга оғиб кетган Охунжон полкини қуролсизлантирди. М. В. Фрунзе билан биргаликда Р. Исломов босмачиларни тугатиш ва тинч аҳolini совет қурилишига кенг жалб этишга қаратилган бир неча буйруқларга имзо ҳам чеккан эди.

Гражданлар урушидан сўнг тажрибали агитатор ва сиёсий ходим сифатида Туркистон Коммунистик партияси томонидан комсомол ишига юборилган Рустам Исломов 1920—1921 йилларда Тошкент Эски шаҳар район комсомол комитетининг секретари ва айни вақтда озиқ-овқат комитетида бўлим мудир вазифасини адо этди. Комсомол ташкилотларини тузиш ва мустаҳкамлаш, ўзбек ёшларини комсомол ишларига жалб қилиш юзасидан у катта ишлар олиб борди.

1920 йил октябрида Москвада РКСМнинг III Бутунроссия съезди бўлиб ўтди. Съездга келган 30 дан ортиқ Туркистон делегатлари орасида Рустам Исломов ҳам бор эди. Съездга В. И. Ленин ташриф буюрган бўлиб, у: «Уртоқлар, бугун мен Коммунистик Ёшлар Союзининг асосий вазифалари нимадан иборат ва шу муносабат билан — умуман социалистик республикада ёшлар ташкилотлари қандай бўлмоғи керак, деган мавзуда суҳбат қилмоқчиман, — деб ўз нутқини бошлаганди... Вазифа — ўқишдан иборат...»¹. Залдагилар доҳий-

¹ В. И. Ленин. Ёшлар союзининг вазифалари // Тўла асарлар тўплами. 41-том, 333-бет.

нинг фикри ўқини ҳақида бораётганидан таажжубда қолдилар. Халқ граждандар уруши тугамай, вайронлик, қашшоқлик, очарчилик давом этиб турган бир пайтда — ўқини! Рустамнинг фикри шиддат билан ишлар, ўзи эса эшигандарнинг эслаб қолишга интиларди. В. И. Лениннинг «Ёшлар союзининг вазифалари» номли бу нутқи инсон ақл-дрокига, илм-фанга, билимга мадҳия сифатида янгради. У ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш программаси бўлиб қолди.

1920 йил 29 декабрда ўз ишини бошлаган Туркистон комсомоли II съездининг 192 делегати қаторида Р. Исломов ҳам маърузаларда актив иштирок этди. Съезд барча комсомоллар ва ёшларнинг диққат-эътиборини омма орасида чуқур сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришга, озиқ-овқат развереткасини ўтказишда фаол кўрсатишга қаратди.

Граждандар уруши тугагач, Туркистонда халқ хўжалигини тиклаш ишлари босмачилар қолдиқларини тугатиш, синфий ёт унсурлар, шунингдек, шовинистик ва маҳаллий миллатчилик оғуси билан заҳарланган гуруҳларни тор-мор қилиш шароитида борарди. Бундай ҳолатда Туркистон ва РСФСРдаги турли миллат ва халқлар ўртасида дўстона муносабатлар ва яқин ҳамкорликни ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга эди.

1921 йил май ойида Р. Исломов тажрибали ходим сифатида озиқ-овқат халқ комиссарлигида ишлашга жалб этилгач, дастлаб Туркистон республикаси озиқ-овқат халқ комиссарлиги коллегиясининг аъзоси бўлди, кейин эса халқ комиссари ўринбосари ва кўп ўтмай комиссар қилиб тайинланди.

Туркистон республикаси аҳолисининг жуда кўпчилиги очарчилик шароитида яшаётган бир пайтда озиқ-овқат билан боғлиқ бўлган масъулиятли ва қийин соҳада ишлаётган Р. Исломов революция ишига садоқатли бошқа ходимлар билан биргаликда жуда оз миқдорда ғамланган озиқ-овқат маҳсулотларини адолатли тақсимлашга ҳаракат қилди.

1921 йилда Волга бўйи, Украина ва мамлакатнинг бошқа районларида қурғоқчилик бўлганлиги сабабли очарчилик рўй берди. Шу йил 12 июнида В. И. Лениннинг мактуби олинган бўлиб, унда Москвага, Озиқ-овқат халқ комиссарлиги ихтиёрига 250 минг пуд ғалла юборишдек шошилиш кўрсатма берилган эди. Шу муносабат билан Туркистон АССР Озиқ-овқат халқ комиссарлиги коллегиясининг мажлиси бўлиб, унда «В. И. Ле-

инининг жанговар топишигини бажариш тўғрисида»-ги масала муҳокама қилинди. Коллегияда Самарқанд, Етгисув, Закаспий областларида ғамланган озиқ-овқатдан марказ учун ажратилиши ҳақидаги тadbир маъқулланди.

Туркистон республикаси озиқ-овқат халқ комиссарининг ўринбосари Р. Исломов 1921 йил 24 июлда В. И. Ленинга озиқ-овқатларни марказга жўнатиш ва ўлкадаги ишлар тўғрисида телеграф орқали қуйидагича маълумотни юборди: «Сизнинг фармойишингизга биноан 250 минг пуд ғаллани жўнатишга киришилди. Деҳқонлар от-уловларининг эскириб қолганлиги ва етишмаслиги, масофаларнинг 150—300 чақиримлиги, аҳолининг ҳосилини сотиб олиш қизғин бораётганлиги, ғаллани темир йўл станциясига тез ташиб келтиришга кучли тўсиқ бўлмоқда. Кўрсатиб ўтилган тўсиқларга барҳам бериш ва ғаллани тез ташиб келтириш учун барча чоралар кўрилди... Озиқ-овқат солиғи йиғишни ўтказишга тайёргарлик кўриш иши 80% бажарилди. Туркистон РСФСРга икки миллион пудгача ғалла бериши мумкин»¹.

29 июлда марказга озиқ-овқат ортилган дастлабки эшелон жўнатилди. Туркистон меҳнаткашлари Петроград, Москва ва Марказий Россиянинг бошқа шаҳарлари аҳолиси бошдан кечираётган оғир аҳволни енгиллаштириш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилдилар.

1923 йилда Р. Исломов Туркистон республикаси Халқ Комиссарлар Совети Раисининг ўринбосари лавозимига кўтарилди ва айни вақтда республика иқтисодий кенгаши Раиси вазифасини ҳам бажариб турди. Шу йил мартада Тошкентда Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларининг биринчи иқтисодий конференцияси чақирилди. Кенгашда қабул қилинган қарорда, Ўрта Осиё республикалари «ҳозирдан эътиборан ўз иқтисодий сиёсати ва хўжалик планининг умумлиги асосида бирлашадилар ва ўз иқтисодий фаолиятларини мувофиқлаштирадилар», дейилганди. Ўлкадаги хўжалик қурилишига раҳбарлик Ўрта Осиё иқтисодий Кенгаши зиммасига юкланган бўлиб, унга раис қилиб Р. Исломов сайланди.

1924 йил май ойида бўлиб ўтган Туркистон Компартиясининг VIII съездида Р. Исломов Марказий Коми-

¹ Қим П. Г. Источниковедение истории Компартии Туркестана. — Ташкент: Узбекистан, 1982, 39-бет.

тет ва Секретариатининг аъзоси сифатида қатнашди. Бу даврга келиб у салкам бир йил мобайнида Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси лавозимини бажариб турган. Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва СССР Марказий Ижроия Комитети Президиумининг аъзоллигига сайланганди.

Урта Осиёда миллий-давлат чегараланишини ўтказиш ва янги совет республикаларини ташкил этишга имкон берадиган қулай шарт-шароитлар вужудга келганлиги учун 1924 йил июнида Марказий Территориал Комиссия тузилиб, унга 15 аъзо киритилганди. Улар орасида Н. Ойтоқов, Қ. Отабоев, И. М. Варейкис, Р. Исломов, Д. И. Манжара, А. Раҳимбоев, И. И. Межлаук, Ф. Хўжаев каби таниқли арбоблар бор эди. Марказий Комиссия ҳузурида ўзбек, туркман, қирғиз ва қозоқ бюрolari (комиссиялари), шунингдек, тожик ва қорақалпоқ кичик комиссиялари ташкил этилди. Жойларда меҳнаткашларнинг йиғилишларини ўтказиш, тушунтириш ишларини олиб бориш учун область марказларидан коммунист ва комсомоллар, «Қўшчи» союзи ва қасаба уюшмалари ходимлари юборилди.

Тошкент шаҳри партия ташкилоти аъзолари, «Қўшчи» союзи, комсомол ва қасаба союз аъзоларининг 3 минг киши қатнашган қўшма мажлисида Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси Р. Исломов нутқ сўзлади ва миллий давлат чегараланиш сабабларини тушунтириб берди. У чор ҳукумати томонидан ўриатилган эски маъмурий чегаралар миллий адоват манбаи бўлганлигини қайд қилиб, ноҳақликларнинг барҳам топиши, ўтмиш сарқитларини батамом тугатишга, мамлакатимиз бирлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб таъкидлади.

РКП(б) Марказий Комитетининг Ташкилий бюроси 1924 йил 30 октябрда Ўзбекистон Компартиясининг Муваққат ташкилий бюроси составини тасдиқлади. Ташкилий, бюронинг секретари қилиб тасдиқланган В. И. Иванов билан бирга Р. Исломов ва А. Раҳимбоев ўлка халқ хўжалиги ва маданий қурилишига раҳбарлик қилиш, маҳаллий партия ташкилотларини мустаҳкамлаш юзасидан жуда катта ишларни амалга оширдилар. Улар иштирокида тайёрланган Ўзбекистон Компартиясининг I съезди 1925 йил 6—12 февраль кунлари Бухорода бўлиб ўтди. Съездда Бутуниттифок Марказий Ижроия комитетининг раиси М. И. Калинин қатнашди.

Москвага Ўзбекистон ССРнинг доимий вакили сифа-

тида ишга юборилган Р. Исломов 1925 йил сентябрида Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетидан Я. М. Свердлов номли Коммунистик университетга ўқишга юборилган илтимос қилди. Р. Исломовнинг ижтимоий фанларга — тарих, философия, сиёсий иқтисодга чуқур қизиқиши билан қараши, К. Маркенинг «Капитал» асарини чуқур ўрганиб, экономикага оид билимларни эгаллашига йўл очди. Маркеча-ленинча назарияни яхши билиш Р. Исломовга кейинги амалий фаолиятида катта ёрдам берди.

1929 йилда ўқишни тамомлаб Тошкентга қайтгач Рустам Исломов ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросида ташкилий-тақсимот бўлими мудирининг ўринбосари, оммавий-агитация ва қишлоқ хўжалик бўлимлари мудир лавозимларида ишлади. Бу ерда у И. А. Зеленский, К. Я. Бауман сингари раҳбар арбоблар билан бирга ишлаш бахтига муяссар бўлди. Улар партиянинг чиниққан кадрлари бўлиб, меҳнаткашларни социалистик қурилишга жалб этибгина қолмасдан, шу билан бирга маҳаллий миллатлардан чиққан ёш ходимларни тарбиялаб камолга етказишга катта ҳисса қўшдилар.

Р. Исломов Ўрта Осиё бюросида ишлаган вақтида ўлкада қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсати қизғин олиб борилди. Бу эса СССРнинг пахта мустақиллигини қўлга киритишга қаратилган тadbирлардан бири эди. Бу соҳадаги қийинчилик шундан иборат эдики, мазкур вазифаларни гоаят қисқа муддатда ва жуда қаттиқ синфий кураш олиб борилаётган шароитда ҳал қилиш зарур эди. Бу мураккаб ва масъулиятли ишнинг актив қатнашчиларидан бири Р. Исломов бўлди. Р. Исломов кўпгина йиғилишларда, митингларда сўзга чиқиб, пахтачиликни ривожлантириш истиқболларини кўрсатиб берди, экинларни парвариш қилишни ташкил этиш, колхозчиларнинг бюджетидан тўғри фойдаланиш юзасидан маслаҳатлар берди. Афсуски бу яхши ният билан амалга оширилган ишда жуда қўпол хатоларга ҳам йўл қўйилганди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1931 йил 6 мартдаги қарорига мувофиқ, ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси билан келишилган ҳолда Р. Исломов собиқ Андижон округи районларида экинни ўтказиш юзасидан вакил қилиб тасдиқланди. Бу ерга келгач, у колхозчилар олдида сўзлаган нутқларида камчиликлар ва нуқсонларни принципиаллик билан очиб ташлаб, уларга барҳам бериш юзасидан шошилиш

қароми кўри. Тезорада ёшлар билан учрашиб, зарб-
лар ва гуруҳларини ташкил этди ва улар иштирокида
МТХ деҳқончаларига 28 бор экскурсия уюштирди. Ан-
дижон обхаста қолхозчилари унинг бевосита ташаббуси
ҳисобидан иштироки билан чигит экиладиган майдон-
ларини текширишни текшириш бўйича республика кў-
рсатма ҳўжасидилар. Андижон машина трактор станция-
си ходимлари тракторлар ремонтини муддатидан илгари
қилдириб қолхозлар билан ишлаб чиқариш шартнома-
сини тузини ишларини барвақт тамом қилдилар. Бу —
қолхозчиларига тезкорлик кўрсатишининг, экинни ўз
вақтида ўтказиш учун оммани сафарбар қилишнинг чи-
накам нолумаси эди. Андижон меҳнаткашлари бу муваф-
фақиятининг «сири» ишчилар, камбағал батрак ва ўрта-
ча деҳқонлар оммасини моҳирлик билан сафарбар қи-
ла олинди. ҳар қандай оппортунистик оғишларга қарши
муросасиз кураш олиб боришда, кучлардан тўғри фой-
даланишда»¹ деб ҳаққоний кўрсатиб ўтдилар.

Ўзбекистонда қолхоз тузумининг ғалабаси пахта
мустақиллиги учун курашда ҳал қилувчи роль ўйнади.
1931 йилдан бошлаб қолхозлар мамлакатда етиштири-
ладиган пахтанинг 72 процентини бера бошладилар.
Пахтакорлар, механизаторлар ва қишлоқ хўжалик му-
тахассисларининг фидокорона меҳнати тўғайли пахта-
чиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга
эришилди ва 1932 йилда СССРнинг пахта мустақилли-
ги таъминланди.

БҚП(6) Марказий Комитети Урта Осиё бюроси
қишлоқ хўжалик бўлимининг мудир лавозимида иш-
лаб турган Р. Исломов қишлоқ хўжалигини техникавий
жиҳатдан реконструкция қилиш, пахтачиликни ривожлан-
тиришнинг принципиал масалаларини, хусусан пахта-
корларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, трак-
торлар ва бошқа машиналар етказиб беришни кўпай-
тириш, МТСлар аҳволини яхшилаш масалаларини ҳал
қилишда бевосита иштирок этди.

Партия Р. Исломовни қаерга юбормасин, у ишга ўзи-
га хос ғайрат-шижоат билан киришар ва зиммасига юк-
ланган вазифаларни ниҳоятда ҳалоллик билан адо этар-
ди. 1934 йил 4 ноябрда Ўзбекистон ССР Марказий Иж-
роия Комитети Р. Исломовни республика Ер ишлари
далқ комиссари этиб тайинлади. Худди ана шу лаво-

¹ «Правда Востока», 1931, 15 март.

зимда унинг ажойиб қобилияти, ташкилотчилик ва улкан амалиётчилик истеъдоди ҳар томонлама яққол намоён бўлди.

Ер ишлари халқ комиссари лавозимида ишлашни бошлаган кунларда Р. Исломов ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлар Совети вакили бўлиб Ўзбекистонга келган В. В. Куйбишев билан республикада пахта тайёрлаш ишларининг суёт кетаётганлиги сабабларини ўрганиб чиқди. Бу ҳақда у 1934 йил 30 декабрида бўлган Андижон шаҳар жамоатчилигининг йиғилишида гапираркан, планини бажариш учун келгуси йилда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларга асосий эътиборни қаратди. У пахта ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим омиллари сифатида алмашлаб экиш, ўғитлардан фойдаланиш йўли билан тупроқ ҳосилдорлигини ошириш, ишлов бериш жараёнларини механизациялаш, уруғлар сифатини яхшилаш, суғориш режимини ва агротехникани такомиллаштириш, ниҳоят, ишлаб чиқаришни бошқариш системасини яхшилашни кўрсатганди.

1935 йил 19 июнда Тошкент шаҳар партия активининг йиғилиши бўлиб, унда ВКП(б) Марказий Комитети Пленумининг якунлари, ҳосилни йиғиб-териб олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш масаласи кўрилди. Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Икромовнинг нутқи юзасидан бўлган музокарада Р. Исломов сўзга чиқиб асосий камчиликлар ҳақида гапирди.

1936 йил январида Р. Исломовга Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг Раиси ўринбосари вазифаси юкланади. Февраль ойида Р. Исломов Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг сессиясида чорвачиликни ривожлантириш планининг бажарилиши тўғрисида нутқ сўзлади. Март ойида эса Тошкент атрофидаги районлардаги МТС директорларининг кенгашини ўтказди.

Ўзининг кўп йиллик иш фаолияти натижасида Р. Исломов республикамизнинг кўзга кўринган партия ва давлат арбобларидан бири бўлиб етишган, ишчанлиги ва ташаббускорлиги билан, республика меҳнаткашлари олдида турган социализм қуриш вазибаларини жуда яхши тушуниши билан кўпчилик орасида ажралиб турарди. 1936 йил майида Р. Исломов учинчи беш йиллик планини тузишга доир материалларни тайёрлаш комиссияси составига киритилди. Шу йил августида эса Ўз-

Бекнистон ССР ХКС ҳузуридаги фаилар комитети сoс-
тави аъзолигига тасдиқланади.

Шахсга сиғиниш даврида миллатчилик ва социализм тузумига хиёнат қилганликда айбланган Р. Исломов 1938 йилда — айни куч-ғайратга тўлган, ташкилотчилик қобилияти барқ урган бир пайтда ҳалок бўлди. Ушанда у эндигина 39 ёшга тўлган эди. Унинг бутун ҳаёти халққа, Коммунистик партиёга хизмат қилиш ва коммунист деган юксак номга содиқ бўлишга бағишланганди. Халқимиз Р. Исломовдек фарзанди билан фахрланади, унинг номи ва хотирасини ҳеч қачон унутмайди.

Т. П. ЕЖОВА,

илмий ходим

ИНОМЖОН ХИДИРАЛИЕВ

[1891—1928]

... Ярим тундан бери майдалаб ёғаётган ёмғир эрталлаб қорга айланди. Осмон элақдан ун элаётган, зарсимлар қия-қия томаётган янглиғ. Она Ватан тупроғи ортда қолди. Мана шу замин И. Хидиралиевни ўйга толдирарди. Юрган — дарё! Бош омон бўлса, неларни кўрмайди! Кўз — кўрқоқ, қўл ботир! Отаси бу фикрларни кўп бор уқтиргувчи эди. Машаққатли меҳнат унинг қўлини қабартирган, пешонасига эрта ажин туширган, белини букчайтириб қўйганди.

Поезд бир маромда олға елар, унинг гилдиракларидан чиқаётган товуш гўё аллалаётгандек туюларди. Аҳён-аҳён паровоз узун гудок бериб қўяди. Халқаро вагон купелардан бирининг эшиги очилиб, ундан баланд бўйли, чўзиқ юзли киши чиқди. У атрофни бир кўздан кечирди-да, кўзойнагининг бандини тўғриларкан, гап қотди:

— Э, ўзларими, ўртоқ Хидиралиев! Ҳар қалай шарқлисиз-да, кун чиқмай турасиз.

— Шунга одатланганмиз-да!

— Оёғингиз безовта қилмаяптими?

Иномжон ака чап оёғини базўр кўтариб, ерга оҳиста қўйди. Оёғидаги жароҳат босмачиларга қарши кураш йилларини ёдга тушириб турарди. Оғир яраланган Иномжонни Москвага олиб келганларидан сўнг, операция

қилиниб, оёғи кесиб ташланганди. Шундан бери у ясама оёқда юарди. Ҳамроҳи ҳозир шунга шама қилаётганди, чамаси.

— Ҳозирча йўқ,— деди Иномжон ака хиёл жилмайиб.

Бошини сарак-сарак қилганча узоқлашган бу киши делегация раҳбари Х. Раковский эди. Узоқларга тикилиб қолган И. Хидиралнез яна хаёл оғушига чўмди. Хаёл эса уни яна Ватанига, она тупроғига етаклади.

...Отасининг бир тутам ери бўларди. Очлик, қашшоқлик ҳукмини ўтказгач, охири уни ҳам уч тангага сотди. Натижада гарданига мардикорлик тўрваси илинди. Ҳали суюғи қотмаган Иномжон отаси билан бирга, бойлар ҳузурига иш сўраб боришарди, «Зинқарчадан иш чиқадими?», дегандай уларни қувиб солишарди. Эзилган, хўрланган ота кўзларидан милт-милт ёшларини оқизиб, фарзандига термулар, дилбандининг хоҳишларига ёрдам беролмаётганидан ўксинар, дард-аламини ичига ютиб, ҳақсиз кунларни лаънатларди. Куйинган билан дарднинг енгили бўлмайди. Ҳаммаси ҳам юракка санчилади, тилка-пора қилади. Лекин отаси дардини ичига ютди. «Ўқи болам, кўзим тиреклигида билим ол», деди ўғлига. Иномжон отасининг бу илтифотидан юраги ҳаққирарди-ю, лекин қаерда, қандай қилиб ўқиш мумкинлигини билмай боши қотарди. Қўл учида кун кўришларига қарамай, уни рус-тузем мактабига беришди.

Иномжон рус-тузем мактабида билим олиб, полопондай яйраб қанот чиқаришга ошиққанди. Аммо кўп ўтмай бошида калтак синди. Муаллимлар талабаларни ҳарф танитишдан кўра кўпроқ уйларида ишлатишар, аёвсиз қийнашарди. Бу бедодликни Иномжон шартта уларнинг юзига солди. Бундай бетга чопарликдан муаллимларнинг қаналаги учиб кетди. «Бу бола бошимизга бало бўлади», дейишиб, уни мактабдан қувишди. Ҳарфни энди таниб, қўлига тушган китобни қўймайдиган Иномжон шу бўлди-ю, боши оққан томонга ўзини урди. Шўроб кўмир қонига ишга кирди. Бу ерда рус-тузем мактабида ўқишни давом эттирди. 1907 йилнинг ўрталарида мактабни битириб, Гова қишлоғига йўл олди. Степанов деган бойнинг уйида хизматкорлик, кейинчалик Бозорқўрғон, Жалолобод, Қорасувда хат ташувчи, мирзалик, тилмочлик қилди. У қаерда ишламасин, бева-бечораларнинг машаққатли турмушига ачинар, ёрдам қўлни чўзмоқчи бўларди-ю, аммо ўзи ҳам ночор ва иложсиз эди.

Иномжон қўрғонтепалик катта мол-мулк эгаси Поляковнинг уйида мирзаллик қилган вақтда, 1917 йил февралда Россияда инқилоб бўлганлигини эшитди. Бу хабардан бой бир чўчиб тушган, деҳқонлар ора-сира «Бу нима дегани?», «Энди нима қиламиз» дегандай Иномжонга юзланишар, илдиз-илдизигача сўраб-суриштиришарди. У инқилоб сўзининг моҳиятини деҳқонларга тушунтирар экан, оддийгина қилиб, «Хуррият» деди. Бу зулмат қаъридан чиқиш, зиё сари талпиниш, деб уқтирди.

Бойнинг эшигидан кетган Иномжон Қўрғонтепа ва Султанободда участка комиссари бўлиб ишлади, лекин у ўйлаган хуррият ҳали пишиб етилгани йўқ эди. Ҳамон бойлар ҳукмрон эдилар. У чорикорларнинг маҳзун чеҳраларидан орзулари ҳали лиммо-лим эканлигини англади ва бу орзу-умидлар вақти келиб ушалишига ишонди.

... Поезд бир маромда елади. Чор атроф оппоқ қорга бурканган. У ойдин орзуларини эслатар, хаёлан узоқларга етаклар, Намангани, Андижонни қўмсатар, томларида лолалар уйғонувчи маконини ёдга соларди. Киндик қони тўкилган тупроқнинг меҳри ўзгача! Бу ҳозир — у илк бор олисларга йўл олган дамларда гоят билинар, соғинч билан бирга яқин орада бўладиган учрашувлар, суҳбатлар ва баҳсларга ҳам интиқлик билан тайёрланарди.

РКП(б) Марказий Комитетининг 1924 йил апрелида бўлиб ўтган пленуми Англия ҳукумати билан музокаралар олиб бориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Унда СССР ташқи ишлар халқ комиссари ўринбосари Х. Раковскийнинг маърузаси тингланиб, Совет-Англия музокаралари билан боғлиқ бўлган масалалар тўғрисида Марказқўм Снёсий бюроси қабул қилган қарорни маъқуллади. Лондонга юборилиши кўзланган 12 кишидан иборат совет делегациясида Х. Раковский (бошлиқ), М. М. Литвинов, М. Радченко, Н. Шверник, М. Преображенский, М. Томский, И. Хидиралиевлар бор эдилар.

Совет вакиллари 9 апрелда Лондонга етиб келишди. Уларни Англия расмий кишилари, ташқи ишлар министрилиги рус департаменти директори Грегори ва совет вакиллари Берзин, Гитнер кутиб олдилар. Москвадаги «РОСТА» агентлиги 10 апрелдаги воқеаларни шарҳлаб, шундай хабар тарқатганди: «Журналистларнинг катта қисми миллий кийимдаги Хидиралиевнинг келишган қомати билан қизиқиб қолди. Газеталар делегация кел-

газалиги ҳақида биринчи навбатда хабар қилдилар, аммо воқеани шарҳлашдан ўзларини тийиб туришибди»¹. Бу хабар кўпгина хорижий мамлакатларнинг газеталарида ҳам chop этилди.

11 апрелда совет ва чет эл матбуотида СССР делегацияси аъзоларининг суратлари эълон қилинди. Унда Имомжон Хидиралиев Туркистон АССР Марказий Ижроқўми аъзоси, РСФСР Ер ишлари федерал комитети президиуми аъзоси сифатида делегация составига киритилганлиги қайд этилганди.

Буюк Британиянинг йирик матбуот нашри — «Таймс» газетасининг 11 апрель сонисида «Англия-Совет конференцияси» ҳақида хабар эълон қилинди. Унда большевиклар партияси вакиллари Ланкастер-Гейт районидagi «Албания» меҳмонхонасида жойлашгани айтилиб, совет вакиллари И. Хидиралиев, М. Преображенский, М. Томский, М. Радченко ва Англия расмий кишиларининг биргаликда тушган сурати ҳам босилганди². Газетада инглиз-совет конференцияси эҳтимолга кўра, душанба кун ташқи ишлар министрлигида очилиши, вакиллари Бош министр Рамсей Макдональд жаноблари қабул қилиши ва биринчи мажлисидаги нутқларнинг қисқача баёни берилиши ҳам айтилганди.

«Таймс»нинг 14 апрелдаги номерида Буюк Британия билан Совет Россияси ўртасидаги муносабатларни яхшилашга уринишнинг реал иши конференциядир, Бош министр большевиклар билан келишишга астойдил уринмоқда, конференция ташқи ишлар министрлигида эрталаб очилади, деб хабар қилганди. Орадан бир кун ўтиб, газетада инглиз-совет конференциясининг биринчи мажлиси очилганлиги, Бош министр ва совет делегацияси бошлиғи Х. Раковский нутқ сўзлаганликлари, конференция йигирма минут кечикиб иш бошлаганлиги, совет вакиллари ўз вақтида етиб кела олмаганликлари ҳақида хабар берилди.

Совет-Англия музокараларида Буюк Британиянинг Шарқ мамлакатларига нисбатан тутаётган сиёсати, Англия ва Россия ўртасида аввал имзоланган шартномаларни қайта кўриб чиқиш, янгидан савдо битими тузиш, икки мамлакат ўртасидаги мавжуд келишмовчиликлар ва низоларни бартараф этиш масалалари кўрилди. Ғоят жиддий тусда ўтган музокараларни бутун

¹ «Роста», 1924, 10 апрель.

² «Таймс» (Лондон), 1924, 11 апрель.

мамлакат матбуоти, жаҳон жамоатчилиги, давлат ар-боблари кузатиб бордилар. Айрим газеталар музокара-ларнинг боришини сохталаштиришга, умидсизлик руҳи-даги фикрлар тарқатишга урингандилар.

Ғарбдаги матбуотда совет вакиллари таржимаи ҳоли тўғрисидаги материалларни ҳам босиб чиқаришди. «Таймс» газетаси И. Хидиралиевнинг совет делегацияси составига киритилиши большевикларнинг навбатдаги айёрлигидир, бу билан улар Англияда СССРдаги мил-лий масалани мақташни, тарғиб қилишни мақсад қил-ганлар, деб ёзди. Лондонда чиқадиغان маҳаллий консерватив газеталардан бири И. Хидиралиевнинг су-ратини ҳам чоп этиб, унинг Лондонга келиши яхшидир, аммо у Совет Иттифоқида Советлар ҳокимияти мусул-монларга ваҳшийларча муносабатда бўлаётганлигини ҳеч кимга айта олмаслиги ёмондир»¹, деб ёзган эди.

И. Хидиралиев бундай сохталаштиришларни ўз вақ-тида матбуот орқали рад этди. У журналистлар билан суҳбатда: «Мусулмон аҳолини мустамлакаларга қувғин қилишда жуда фаол иштирок этаётган ва «ранглилар-га» ўзининг ирқий улуғворлиги юксақлигидан қаровчи газеталарнинг мусулмонлар тўғрисидаги бу ўта муно-фиқона гамхўрлиги менда қандай таассурот қолдириши мумкин эди — бу ҳақда фикр юритишни ўқувчига ҳаво-ла қиламан»²,— деган эди.

Реакцион кучлар Англия-Совет конференциясини барбод қилишга ҳам урилиб кўрдилар, конференция ўз ишнини гоҳ тўхтатиб, гоҳ қайтадан бошлашга мажбур бўлди. «Правда», «Известия», «Таймс» газеталарининг апрель-август сонлари бундан гувоҳлик бериб турибди. Узоқ тортишувлардан сўнггина Совет делегацияси кўз-да тutilган натижаларга эришди, ҳар икки давлат ўр-тасида қатор шартномалар имзоланди. Совет-Англия муносабатларида маълум даражада уйғунлик ҳолати вужудга келди.

СССР Ташқи ишлар халқ комиссари Г. В. Чичерин 1924 йил 14 августда Совет-Англия шартномасини шарҳ-лаб шундай деган эди: «Англия ва совет ҳукуматлари томонидан бу шартноманинг имзоланиши фавқуллодда йирик воқеадир, ҳатто айтиш мумкинки, муносабатла-

¹ Хидиралиев И. Из Лондонских впечатлений // «Туркестанская правда», 1924, 12 август.

² Уша жойда.

римиз янги босқичи йўлидаги биринчи қадам, дарҳақиқат, жаҳоннинг янги муносабатлари йўлидаги биринчи қадамдир»¹.

Доҳий В. И. Лениннинг 1922 йилдаёқ Совет давлати билан Англия ҳукумати ўртасидаги шартнома тез орада бартараф этилажак, деган башорати воқеликка айланди. Бунда биринчи ўзбек дипломати — И. Хидиралиевнинг ҳам хизмати катта бўлди. У Буюк Британия қиролчилиги қабулида бўлган вақтида бир қанча хорижий давлатлар, турли хил ижтимоий гуруҳлар ва оқимлар вакиллари билан учрашди.

Лондон элчихонасида рўй берган бир воқеани кейинчалик И. Хидиралиев кекса коммунист Мирзахўжа Уришхўжаевга шундай ҳикоя қилиб берганди.

И. Хидиралиев билан инглиз дипломати ўртасида савол-жавоб бўлиб ўтади.

— Инглиз тилини биласизми? — дейди чет эллик дипломат мақтанчоқлик билан.

— Биламан.

— Мен олти тилда бемалол гаплаша оламан.

— Мендан оз биларкансиз, — дейди И. Хидиралиев.

— Сиздан-а? Ўзингиз нечта тилни биласиз!

— Ун битта тилни!

— Сиздан авф сўрайман. Ун бир тил билишнинг ўзи бўлмайди!!!

И. Хидиралиев ўзининг Лондондаги 1924 йил апрель-август ойларидаги фаолиятининг айрим қирраларини «Лондон таассуротлари» номли рус тилида эълон қилинган мақоласида баён этганди.

Мисрнинг «Нил водийси» газетаси вакили Муҳаммад Нажиб И. Хидиралиев билан суҳбат чоғида, энг аввало, СССРда яшовчи мусулмонлар этнографияси бўйича уни синаб кўради. Аммо шу билан М. Нажиб бу борада ўзининг ғоят даражада нодонлигини ҳам номайиш этади. У СССРда яшаётган халқлар ҳақида хира тасаввурга эга экан. Уни қарангки, шу пайтгача у Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил этилганлигини мутлақо билмасди.

Оксфорд университетида таҳсил кўрган М. Нажиб И. Хидиралиевга «Совет республикаси мусулмон Бухоро билан уруш ҳолатидалиги тўғрими!», «Шарқ мусулмонлари орасида Энвер пошшо шуҳратиининг улуглиги

¹ Горохов И., Замятин Л., Земков И. Г. В. Чичерин — дипломат ленинской школы. 2-нашри.— М.: Политиздат, 1973, 188-бет.

қандай ва унинг ютуқларичи!» сингари чалакам-чатти саволарни беради.

— Тўғри, деб ҳикоя қилганди И. Хидиралиев кейинроқ журналистларга, — мен кам зиё топган «маърифатли» журналистнинг зулмат қоплаган онгини бир оз бўлса-да равшанлаштириш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим. Совет Иттифоқининг Бухоро билан ўзаро муносабатларини бир неча сўз билан тасвирлаб бердим. Анвар пошшо жаннатмакон боғларда Қуръон ваъда қилган муваффақиятларни қозониш учун шарқий Бухорода қолганлиги ҳақидаги хабар билан суҳбатдошимни бир оз хижолатга солиб қўйдим (Туркия фуқароси Анвар пошшо 1922 йилда ҳалок бўлганди. — Р. Ш.).

Менинг Совет республикалари ҳаётини ва мусулмонлар аҳволини объектив тарзда тўлиқ тасвирлаб беришим Нажиб учун бутун бир кашфиёт бўлди. У Миср матбуоти Совет Иттифоқидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида мунтазам хабар бериб туриш имконига эга эмаслигидан хафа эканлигини изҳор этди. Суҳбатимизни «Нил водийси» газетасида ўзгартирмай босиш ниятида эканлигини айтди.

Мисрлик мухбирдан кейин И. Хидиралиев ҳузурига чекка қишлоқдаги мачит муфтиси ва имоми келишади. Қуръон билимдонлари ҳам «маърифатли» мисрлик сингари Совет ҳокимияти принциплари, унинг динга ва миллий масалага муносабати тўғрисида етарли тасаввурга эга эмас эдилар.

— Ўз ақли ва Оллоҳнинг каромати билан топилган ер бойликларига эга бўлиб, сўнгра Совет ҳокимияти туфайли булардан маҳрум бўлган кишиларнинг аҳволи не кечади? — сўрайди муфти.

— Ер меҳнат қилганники, — секин жавоб беради И. Хидиралиев. — Мамлакатимизда меҳнат эркинлиги мавжуд. Ҳар бир киши ўз меҳнати ва ҳаракати билан фаровон яшашни учун барча имкониятларга эга. Мана ўзимни мисолга ола қолай. Ерсиз, уловсиз, камбағал деҳқоннинг фарзанди эдим. Қора ишларда ишлардим. Уқидим. Тил ўргандим. Октябрь инқилоби туфайли бахт топдим. Дастлаб Андижон ЧКсида, мусулмонлар ҳарбий қисми штабида хизмат қилдим. 1919 йилнинг 7 февралда большевиклар партиясига кирдим. Уезд партия комитетида масъул котиб, Қўрғонтепа, Султонобод районларида Ревком ва партия комитетида ишладим.

— Сиз-а?! Яна оддий деҳқон ўғлиман, деяпсиз?

— Ҳа, мен!

Кейин-чи?
— Бир бошдан айтиб берайми? Марҳамат! 1920 йил Фарғона область партия комитети раиси, об-
ласт Революция масъула котиби, ер-сув, бошқарув бўлим-
лари муdiri, 1921 йил РКП(б) Марказий Комитети
раиси билан Туркистон республикаси Ер ишлари халқ
Комитети раиси, 1922 йил октябридан Туркистон АССР Марказий
Комитети раиси, 1924 йил январидан эса рес-
публиканинг Москвадаги мухтор вакили бўлиб иш-
лаганман.

— Хукумат аъзоси экансиз-да!
— Ҳа. Туркистон Компартияси, РКП(б) Марказий
Комитети Урта Осиё бюроси аъзоси, Туркистон Марка-
зий Ижроия Комитети раиси, РСФСР ва СССР Марка-
зий Ижроия Комитети президиуми аъзоси бўлганман.
Ижтом муфтига ўғринча қараб қўйди. Муфти енгил-
газдай бошини қуйн солиб турарди.

— Ленинни қурган экансиз-да!
— Бўлмасам-чи? — деди жавоб берди И. Хидира-
лов. — В. И. Ленин, унинг сафдошлари М. И. Калинин,
М. В. Фрунзе, Я. Э. Рудзутак, Г. К. Оржоникидзе,
И. В. Сталин билан кўп бор учрашганман. Ҳатто айрим-
лари билан биргаликда жанг қилганмиз.

— Наҳотки!
— Партия X съездида делегат эдим. Съездга келган
300 га яқин вакиллар билан Кронштадтдаги исёни
бостиришга сафарбар этилдим. Исёни бостириб қайт-
ганимиздан сўнг доҳий бизларни қабул қилди, қизғин
суҳбатлашдик.

— Қалбингизда оғир дард ҳам бордир?
— Бор. Бу ҳам бўлса яқиндагина доҳий В. И. Ле-
нинни бой бериб қўйганимиз. Бу ҳаммамиз учун оғир
ийфотини бўлди. Мен доҳийнинг мотам маросимида Тур-
кистон вакили сифатида қатнашдим, Ильич тобути ёни-
да фахрий қоровул бўлиб турдим, туркистонлик вакил-
лар билан ўлка меҳнаткашлари номидан доҳий қабрига
гулчамбар қўйдим. Сизлар «Правда» газетасининг 16
Февраль сонидagi «Улуғ ўртоғимиз Ленин» сарлавҳали
публицистик мақоламдан беҳабар бўлсаларингиз керак.
Бутун изтиробларимни ана шу мақоламда баён қил-
ганман.

Яна айтайми? 1922 йил декабрида СССР ташкил
этилди. Бу Урта Осиёда миллий совет республикалари
тузилишида қудратли омил бўлди. Мен М. И. Калинин,
И. В. Сталин, Г. К. Оржоникидзе, С. М. Киров, Ф. Э.

ержинский, М. В. Фрунзе, В. М. Молотов билан ҳам-
рликда СССРни тузиш тўғрисидаги декларация ва
артнома лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни имзолашда
атнашганман. Энди тушунгандирсиз?

— Совет ҳокимияти мачитларни ёпаётгани ҳақидаги
абарлар-чи? Бунга нима дейсиз?

— Елгон! Айрим мустабид кишилар зулмат қаърида
тириб, ўзларича ёругликка бўҳтон отмоқчи бўладилар.
Ўз кўзингиз билан кўрмагунча ишонманг бу гапларга!
Совет ҳокимияти мачитларни ёпаётгани ҳам йўқ, худо-
жўйликни таъқиқлаётгани ҳам йўқ! Диний эътиқод эр-
килигига риоя этиляпти. Ҳа, ҳа, бунга ишонаваринг!

Капиталистик матбуот ашаддий уйдирмаларининг
кучли таъсири остида қолган муфти ва имом учун Со-
вет ҳокимияти тўғрисидаги ҳақиқатни тушуниш ва ҳис
этиш мушкул эди.

Орадан бир неча кун ўтгач, совет делегациясининг
айрим аъзолари И. Хидиралиев бошчилигида ҳинд мил-
лионери Жеванжи таклифига кўра зиёфатда иштирок
этдилар. Жеванжи тўла маънодаги содиқ инглиз-ҳинд
граждани ва савдогарлар орасида гоят катта мартабага
эга эди. Зиёфатдан сўнг ҳинд савдогарларининг аҳволи
ва уларнинг инглиз капитали билан ўзаро муносабат-
лари ҳақида суҳбат қизиди. Мезбон ҳинд миллий сав-
досининг ривожига халақит бераётган ҳолатлардан го-
ят ташвишланаётганлигини ҳам яширмайди.

Суҳбатда Жеванжи ҳинд савдо-сотик дунёсининг
Туркистон билан боғлиқ масаласини кўтариб, ҳинд ка-
питалини СССРда қўллаш шарт-шароитларини қунт
билан ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги-
га совет вакиллари ишонтирди.

Бу гапларда ҳақиқат бор эди. Орадан кўп ўтмай Со-
вет делегацияси аъзолари Лондонга келган ҳинд деле-
гацияси билан дўстона суҳбатда бўлдилар. «Бу учрашув-
лардан таассурот шуки, — деганди И. Хидиралиев, — Со-
вет ҳокимияти ва республикалар Иттифоқи гоёси
Шарқдаги мустамлака халқлар орасида улугвор куч
билан тарқалмоқда»¹.

И. Хидиралиев Лондонда туриб, Урта Осиёда миллий
давлат чегараланишини ўтказиш ва янги миллий рес-
публикалар тузилиши ҳақида илмий, публицистик ма-
қолалар ёзди, уларни ўз вақтида жўнатиб турди. Ана
шундай мақолалардан бири — «Шарқда Совет қурили-

¹ МЛИ УзФ ПА, 60-фонд, 1-рўйхат, 637-дело, 1—3-варақлар.

ши муаммоси» — «Правда газетасининг 1924 йил 21 март сонида эълон қилинган эди. Бундан бир йил олдин эса 1923 йил 1 ноябрда яна шу газетада унинг «Совет Шарқидаги навбатдан ташқари вазибаларимиз» мақоласи босилиб чиққан эди.

Лондон. 1 май. Хайгет қабристонининг Биринчи май намойишидан қайтган ишчилар билан гавжум. Пролетариатнинг улуг доҳийси Карл Маркс қабрининг зиёрат қилиш учун бу ерда ҳозир бўлганлар орасида Совет Иттифоқи вакиллари ҳам бор. Улар катта гулчамбарни чуқур сукутда доҳий қабри томон олиб борардилар. Булар орасида қўлтиқ таёқ билан бораётган ва эндигина 33 баҳорни кўрган И. Хидиралиевни ҳам кўриш мумкин эди. Иномжон Хидиралиев бу ҳаяжонли дамларни умрининг охиригача унутмасдан фахр билан эслаб юрганди.

И. Хидиралиев Лондондан туриб 1924 йилнинг июнида Туркистонда нишонланаётган «Қўшчи» союзларининг 4 йиллиги байрам шодиёнасининг табриклади, ўлка деҳқонлари ишларига муваффақиятлар тилади.

Совет делегацияси 15 август кунини Лондондан «Дерулюфт» жамияти самолётида Смоленскга учди. Қўниш чоғида аэродромда ҳалокат рўй беришига оз қолди. Лекин учувчининг чаққонлиги ва сезгирлиги туфайли қурбонлар бўлмади. Делегация аъзолари бу ердан поездда Москвага ошиқдилар.

Иномжон Хидиралиев пойтахтда яна масъулиятли ишларни давом эттирди. Лекин шу йилларда мард, жасур ва толмас инқилобчилар қозонган обрў-эътиборига путур етказишга интилганлар ҳам кам эмас эди. Ана шундай бўҳтонлардан Иномжон Хидиралиев ҳам бенаиб қолмади.

РКП(б) Марказий Комитетининг Бош секретари И. В. Сталин 1924 йил 26 мартда Ўрта Оснё бюроси раиси ўринбосари О. Я. Карклин ва Туркистон Компартиясининг Марказий Комитетининг секретари И. М. Варейкнига йўллаган хатида жумладан қуйидагиларни ёзган эди: «Менинг эшитишимча, ходимларнинг бир қисми — «сўллар», партия ва совет ишида янги бузғунчилик уюштириб, ўртоқ И. Хидиралиев ва А. Раҳимбоевни бутунлай рад этишни ва умуман «революцион» сиёсат ўрнатишни ўйламоқдалар. Бу тўғрими? Агар тўғри бўлса, уларнинг ўта «сўллиги» огоҳлантирилсин. Менинг фикримча, Марказқўм «сўлларга» Хидиралиев ва Раҳимбоев ҳамда шуларга ўхшаш ўртоқларни «йўқотмоққа» йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам йўл қўймайдики, чунки бунинг

учун ҳеч қандай асос йўқ. Эндилликда Туркистонда ходимлар жуда зарур, маҳаллий кишилар эса шунчалик озки, ўртоқ Хидиралиевдек ходимларни менсимаслик жишояғ ҳисобланади. «Сўллар» буни тушунмайдилар...

... Хидиралиев сингари кадрларнинг Туркистон учун жуда беқиёс нафи тегиши мумкинлигига шубҳа билдириш мумкин эмас. Бундай ходимларни четлатишни мамлакатни бошқаришнинг бутун мураккаблиги, муҳимлигини тушунмайдиган кишиларгина қилиши мумкин... Ўртоқ Хидиралиевни сақлаб қолиш учун бутун чораларни кўришни илтимос қиламиз...»¹.

Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калинин ҳам И. Хидиралиевни яхши билар ва гоёт ҳурмат қилар эди. 1925 йил февралда Бухорода Ўзбекистон Компартияси ва Бутунўзбек Советларининг I қурултойида М. И. Калинин иштирок этди. Ушанда И. Хидиралиев ўзининг «Бизнинг қишлоқдаги вазифаларимиз» сарлавҳали катта мақоласини қуйидаги дастхат билан М. И. Калининга берганди:

«Михаил Иванович!

4 февраль куни маҳаллий газеталарда мен томонидан берилган мақоланинг бир нусхасини танишиш учун сизга бермоқдаман. Қабул қилишингизни сўрайман. Коммунистик салом билан Хидиралиев. 6 февраль 1925 йил»². Мақола «Правда Востока» газетасининг 12 февраль сониди ҳам эълон қилинди.

М. И. Калинин қурултойдаги нутқида икки бор И. Хидиралиевнинг номини тилга олиб, мен уни қишлоқдаги ишларнинг тажрибасини эгаллаган инсон сифатида баҳолайман, деганди.

РКП(б) МК Урта Осиё бюроси раиси И. А. Зеленский Ўзбекистон Коммунистик партиясининг биринчи съезди якуни ҳақида РКП(б) МКга ёзган хатида «Ўртоқ Хидиралиев Марказқўмга сайланди. Аммо бу фактнинг ижобий аҳамияти шундаки, ўртоқ Хидиралиев ҳали анча вақтгача Ўзбекистон партия ташкилотининг етакчиси бўлишдек мақсад сари интилишини ўзида сақлаб қолади»³, — деган фикрни таъкидлаганди.

Ўзбекистон ССР Ер ишлари нозирни этиб тасдиқланган И. Хидиралиев Москвада тез-тез бўлар, партия ва ҳукумат раҳбарлари билан учрашар, республика учун

¹ МЛИ МПА, 62-фонд, 2-рўйхат, 79-дело, 5-варақ.

² МЛИ МПА, 78-фонд, 1-рўйхат, 149-дело, 250—258-варақлар.

³ МЛИ МПА, 62-фонд, 2-рўйхат, 169-дело, 38—41-варақлар.

лияти билан боғлиқ бўлган ноёб ҳужжатлар, эсдаликлар, фотосуратлар Андижон область ички ишлар бўлимига топширилди. Чунки, уни шахсга сиғиниш йилларига келиб, инглиз жосуси сифатида «халқ душмани», деб қоралашгача бордилар. Бахтсизлик Иномжон Хидиралиев хотираси учун қўша келди. Уша вақтларда Андижон НКВДсида ёнғин чиқиб, у ҳақдаги ноёб ҳужжатларнинг кули кўкка совурилди.

Ҳақиқат букилади-ю, лекин синмайди. Мана, ёруғ кунлар ҳам етиб келди. Адолатсизлик қурбони, ўзбек халқи ичидан чиққан биринчи дипломат, мард ва фидойи инсон — Иномжон Хидиралиев ўз халқининг ардоғида мудом эъзозланаяпти...

Халқимиз ва Ватанимиз олдидаги беқиёс хизмати, революция ва граждандар уруши давридаги, социалистик жамият қуришдаги ажойиб, серқирра фаолияти эътиборга олиниб, бу эҳтиросли большевик, партия ва давлат арбоби, оташин публицистнинг хотираси абадийлаштирилган — унинг номи кўчалар, мактабларга қўйилган.

Р. Т. ШАМСУТДИНОВ,

тарих фанлари доктори

**МАНСУР ЗИЁЕВИЧ
МИРЗА-АҲМЕДОВ**

[1909—1971]

Мамлакатда қайта қуриш ва соғломлаштириш жараёни кенг қулоч ёйган ҳозирги даврда социалистик қурилиш ишларида жонбозлик кўрсатган арбобларнинг хизматлари алоҳида ҳурмат билан тилга олинмоқда. Ўзбек халқининг ҳурматга лойиқ, матонатли ва меҳнатсевар, кўп қиррали талант соҳиб бўлган фарзандлари орасида Мансур Зиёевич Мирза-Аҳмедовнинг алоҳида ўрни бор эди.

М. З. Мирза-Аҳмедов 1909 йилда Туркистон шаҳрида таниқли нонвой оиласида дунёга келди. Ёшлик ва ўспиринлик йиллари ўта нотинч даврда бўлишига қарамадан, отасига ёрдам бературиб Мансур эски тартибдаги мактабда ўқиш ва савод чиқаришга улгурди. Сўнгра эса ўзига ўхшаган ўнлаб ёшлар билан бирга у ҳам шаҳардаги йирик бойлардан бири — Носирбойнинг инқилоб натижасида мусодара қилинган чорбоғида ташкил этилган биринчи ўзбек совет мактабида ўқишни давом эттирди. М. И. Калинин номи билан аталмиш бу мактаб Ўзбекистон ва Қозоғистон республикаларида совет тузумини ўрнатиш, социалистик жамият асосларини мустаҳкамлашда фидойилик кўрсатган минглаб ёшларга йўлланма берди.

Мансурни комсомол сафига қабул қилганларида у бир олам қувончга тўлганди. Орадан сал вақт ўтмас-

даноқ уни мактаб комсомол ташкилотининг котиби этиб сайлашади. Ҳаёт тобора мураккаб ва ташвишли тус олаётган бир даврда комсомол ташкилоти раҳбари бўлиш ҳам ўта кучли масъулият талаб этар эди. Совет давлатининг амалга ошираётган тадбирларидан норози бўлган бир гуруҳ унсурлар партия, совет, комсомол фаолларини ўзларининг душманлари деб билар, кези келганда уларнинг жонларига ҳам қасд қилардилар.

1926 йилда Мансур отасининг розилиги билан Тошкентга жўнади ва у ердаги пахта тозалаш заводларидан бирига навбатчи слесарь бўлиб ишга кирди. Кечқурунлари «Ўзбекхлоптрест»га қарашли фабрика-завод билан юртида таълим олди. Илмга ташналиги ва ташкилотчилик қобилияти сезилиб турган бу йигитчани 1929 йилда ўқишни тугатгач, билим юртида инструкторлик вазифасида олиб қолдилар. Орадан ярим йил ўтгач эса у билим юрти директори ўринбосари этиб тайинланди.

1930 йилда шу билим юрти партия ячейкаси М. З. Мирза-Аҳмедовни Коммунистик партия сафига қабул қилди. 13 январда бўлиб ўтган бу воқеани Мансур ака ўзининг иккинчи таваллуди деб ҳисобларди. Орадан бироз вақт ўтгач, М. З. Мирза-Аҳмедовни Сталин район касаба союзлари комитетига масъул секретарь этиб сайладилар. Яна ярим йилдан сўнг у район партия комитети маданий-оқартув бўлимига, кейин эса оммавий-ташвиқот бўлимига мудирлик қилди.

1934 йил майида М. З. Мирза-Аҳмедов Тошкент шаҳар партия комитети агитация ва пропаганда бўлимига қисқа вақт мудирлик қилгач, Сталин район партия комитетига биринчи секретарь этиб сайланди. Йигирма бешга эндигина тўлган райком котиби тиним билмай ишлар, саноат корхоналарини қуриш, маориф, маданият соҳаларини ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор берарди. Бу борадаги муаммоларни ҳал қилишга интиларкан, Мансур Зиёевичнинг тинимсиз машаққатли меҳнат ва ҳаловатсиз турмуш натижасида соғлиғи ёмонлашган эди. Балки шу ҳолат ўз навбатида бахтли бир тасодиф сифатида сталинча қатағон авж олган вақтда жон сақлаб қолишига имкон туғдиргандир. Чунки қонунсизлик авжига чиқаётган ва навбат Ўзбекистон республикаси раҳбарларига ҳам етиб келган машъум 1937 йил августида касаллиги оғирлашганлиги сабабли М. З. Мирза-Аҳмедов Қримга даволаниш учун юборилди.

Даволаниш йўлланмаси билан бирга унга Ялтадаги «Ўзбекистон» санаториясига директорлик вазифаси ҳам юкланади. У ерга келгач Мансур Зиёевич санаториядаги аҳвол билан батафсил танишди ва биринчи навбатда зарур бўлган ишларни амалга оширишга бошчилиқ қилди. Улар орасида малакали врачларни ишга таклиф қилиш, дам олувчиларни даволаш учун зарур бўлган дори-дармон ва асбоб-ускуналарни келтириш, ходимларнинг интизомини мустаҳкамлаш ишларига эътибор берди. Санатория иши анча изга тушиб, ўз навбатида табиатнинг таъсири ва врачларнинг меҳнати туфайли Мансур ака ҳам ўз соғлигини бироз яхшилаб олди.

1938 йил ноябрида Ўзбекистонга чақирилган М. З. Мирза-Аҳмедов Тошкент бадний фильмлар студиясига директор этиб тайинланди. Студия раҳбарлари томонидан берилган таърифномада кўрсатилишича, у сиёсий ва ташкилий ишларни йўлга қўйган, ўзига ва бошқа ходимларга нисбатан талабчан, коллектив аъзоларига ғамхўр, илтифотли ва меҳрибон, студия планлари муваффақиятли бажарилишига ҳисса қўшганди. Шу даврда республикамизда саноатни индустрилаштириш воқеаларига бағишланган «Асал» номли овозли бадний фильм муддатидан олдинроқ яратилган ва экранларга чиқарилганди¹.

Тошкент шаҳар партия комитети учинчи секретари қилиб сайлангач, 1940 йил февралдан М. З. Мирза-Аҳмедов раҳбар ходимларни танлаш ва уларни зарур мансабларга тўғри жойлаштириш ишлари билан шугулланди². Бу борадаги тадбирлар айниқса ВКП(б) XVIII конференциясида (1941 йил) қўйилган талаблар асосида амалга ошириляётган вақтда анча яхши самара берганди.

Улуғ Ватан уруши бошланиши билан мамлакатда вазият янада оғирлашди, кескинлик кучайди. Тажрибали коммунист ва партиясиз раҳбарларнинг аксарияти фронтга сафарбар қилинганлиги сабабли қўплаб маъсулиятли топшириқлар жойлардаги ходимлар зиммасига юкланди. Жумладан, мамлакатнинг ғарбий районларидан кўчириб келтириляётган саноат корхоналари ва муассасаларини, минглаб одамларни Тошкентда жойлаштириш, шаҳарда мавжуд бўлган саноат корхона-

¹ МЛИ ЎзФ ПА, 58-фонд, 332-рўйхат, 392-дело, 7—8-варақлар.

² Уша жойда, 9-варақ.

ларини фронт эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштириш тадбирларида М. З. Мирза-Аҳмедов фаол қатнашди. Гарчи соғлиги ёмон бўлса ҳам, у мана шундай оғир кунларда кечани кундузга улаб тинмай ишлар, атрофидаги одамларда ғалабага бўлган ишончини оширишга интиларди.

1941 йил декабрида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари этиб сайланган М. З. Мирза-Аҳмедовга саноат соҳасига раҳбарлик қилишдек маъсулиятли вазифа юкланди¹. Марказий Комитетнинг секретарлари У. Юсупов, Ғ. Охунбобоев В. А. Билбас, Н. А. Ломакин, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети раиси А. Абдурахмоновлар билан биргаликда республикага кўчириб келтирилган юздан ортиқроқ корхоналарни тезроқ ишга тушириш, улардан кўпларида фронт эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда М. З. Мирза-Аҳмедовнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор эди. Саноат эҳтиёжлари учун зарур бўлган ёқилгиларни Ангрен, Оҳангарондаги кўмир ҳавзаларида, Фарғонадаги нефть конларида қазиб чиқариш ишларига, Бекободда қурилаётган металлургия заводига керакли электр энергияни шу ерда барпо этилаётган Фарҳод гидроэлектростанцияси ва бошқа манбалардан етказиб бериш муаммоларига ҳам Мансур Зиёевич жуда катта эътиборни қаратди.

Уруш анчагина оғир шароитларни вужудга келтирган бир вақтда, ярадор бўлган минглаб жангчиларни мамлакатнинг ичкари районларида ташкил этилган госпиталларга жўнатиш бошланганди. 1941 йил октябрида бу борадаги ишларга партиявий раҳбарликни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Компартияси қошида махсус комитет тузилиб, унга М. З. Мирза-Аҳмедов раис этиб тайинланди². Жуда катта ташкилотчилик ва тадбиркорлик ишлари натижасида қисқа муддатда республикада 113 та эвакогоспиталь ташкил этилди. Уларни жойлаштириш учун энг яхши бинолар — мактаблар, институтлар, маданият саройлари, дам олиш уйлари, ётоқхоналар ажратилди. Ярадорларни даволашга медицина соҳасининг тадқиқотчилари, врачлар жалб этилди. Олиб борилган ишлар самараси сифатида 160 мингдан ортиқ жангчиларнинг соғлиги тикланган бўлиб, улар-

¹ М.ЛН ҲзФ ПА, 58-фонд, 332-рўйхат, 392-дело, 4-варақ.

² Уша жойда, 981-дело, 1—22-варақлар.

нинг бешдан тўрт қисми фронтга қайтарилганди¹. Кейинчалик бу госпиталларнинг аксарияти фронт линияси яқинига кўчирилиб, уларнинг ходимлари жанг майдонларига яқин жойларда ярадор бўлганларга тез ёрдам кўрсатиб, ғалаба қозонишимизга ўзларининг ҳиссаларини қўшгандилар.

1943 йил сентябридан бошлаб М. З. Мирза-Аҳмедов Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари сифатида кадрлар билан ишлаш вазифасини бажара бошлади². Бу вақтда у зарур раҳбар ходимларни таниш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш билан бир қаторда ўз билимини ҳам оширишга ҳаракат қилди. Натижада 1944 йилда Москвада Олий партия мактабининг сиртқи бўлимига кирди. Аммо ўша вақтда вазиятнинг ўта мураккаблиги сабабли, ўқишни давом эттириш ва тугатиш имкони бўлмади.

Фронтда М. З. Мирза-Аҳмедовнинг акалари Муллабой ва Алихонлар Ватан учун жойларини фидо қилдилар. Унинг катта онаси барча совет кишилари каби ҳаётнинг аччиқ-чучугини биргаликда баҳам кўрди. Шу йилларда уларнинг хонадонида ғарбдан кўчириб келтирилган оиладан ташқари, Ваня исмли яна бир йигитча пайдо бўлди. Бу 11—12 ёшлардаги болакай ҳақиқий солдатларга ўхшаб, ҳарбий форма кийиб юрар ва Мансур аканинг ўғли Пўлатжон билан бирга шаҳардаги 50-мактабда таълим оларди. Бу йигитчани Мансур ака фронтдаги қисмлардан бирида полк ўғли сифатида юрганни кўриб, уни тарбиялаб, вояга етказиш учун оиласига қабул қилганди. Уруш тугагач, ўглининг соғ-саломат эканидан дарак топган Ванянинг онаси уни олиб кетганда, оиладагилар учун Ваня худди ўз туғишганларидек бўлиб қолганлиги сезилди, ўз навбатида Ваня ва унинг онаси ҳам бу меҳрибон оила аъзоларига чексиз миннатдорчилик билдирдилар.

Буюк ғалабадан сўнг миллионлар қатори М. З. Мирза-Аҳмедов хўжаликни тиклаш ва халқ турмушини тезроқ яхшилаш ишида фидокорлик кўрсатди. Саноат тармоқларини қайта ташкил этиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш каби ишлар билан бир қаторда, унинг диққат марказида аҳолининг ижтимоий турмушини яхшилаш масалалари ҳам алоҳида ўрин тутди.

1946 йилда М. З. Мирза-Аҳмедов СССР Олий Сове-

¹ МЛИ УэФ ПА, 58-фонд, 22-рўйхат, 981-дело, 4-варақ.

² Уша жойда, 332-рўйхат, 392-дело, 4-варақ.

тига ўтказилаётган сайловлар муносабати билан Республика марказий сайлов комиссиясига раҳбарлик қилди. Ўзининг ҳам СССР Олий Совети депутатлигига сайланиши унинг имкониятларини кенгайтirdи. Натижада 1948 йилда у Москва Олий партия мактабини яхши кўрсаткичлар билан тамомлади.

Тажрибали партия ходими сифатида танилган М. З. Мирза-Аҳмедов 1949 йил 27 январда Андижон область партия комитетига биринчи секретарь этиб сайланди¹. Ишни область шароитини ўрганишдан бошлаган Мансур Зиёевич, вазият кутилганидан кўра мураккаб эканлигининг шоҳиди бўлди. Узоқ қишлоқлардан бирида бўлган вақтида унинг эътиборини ночоргина бир кулба ўзига тортди. Эшик қоқиб ичкарига киргач, сандалда ўтирган кексагина бир аёлга кўзи тушди. Аёлнинг ғарибона кулбасидаги аҳволни кўриб, у билан суҳбатлаган Мансур ака аҳолининг турмуши мушкул эканлигига тўла ишонч ҳосил қилди. Меҳнаткаш халқининг яхши ва фаровон турмуш кечиришларига эришиш раҳбар ходимларнинг муҳим вазифаси ва бурчи эканлигини у яққол ҳис этди.

М. З. Мирза-Аҳмедов Андижон область партия комитетига етти йил давомида бошчилик қилди. Шу давр ичида шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли учун зарур бўлган меҳнат ва дам олиш шароитларини вужудга келтириш, саноат корхоналарининг ишларини яхшилаш ва транспорт муаммоларини ҳал қилиш, маданият ва маориф соҳаларини ривожлантириш ишлари унинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббускорлиги натижасида амалга оширилди. 50-йиллар бошларида М. З. Мирза-Аҳмедов қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаси — пахтачиликни ривожлантириш ишига кўп эътибор берди. Унинг бевосита мадади натижасида олимлар томонидан тавсия қилинган пахтанинг 108—Ф нави синовдан ўтказилиб, кейинчалик Ўрта Осиёнинг деярли барча районларида шу нав экила бошланди.

Пахтачиликка кучли эътибор берилган бу даврда муҳим ҳисобланган муаммолардан яна бири — меҳнат жараёнларини ёппасига механизациялаштириш эди. Бу соҳадаги ютуқларни оммалаштириш тарафдори бўлган М. З. Мирза-Аҳмедов ўзининг тадбиркорлиги ва меҳнати эвазига Социалистик Меҳнат қаҳрамони уивонига сазовор бўлган В. Н. Куликовга пахтани ма-

¹ МЛН ЎзФ ПА, 58-фонд, 332-рўйхат, 392-дело, 2-варақ.

шиналар ёрдамида териб олиш соҳасидаги таклифларини қишлоқ хўжалиги ходимлари ичида кенг ёйиш учун зарур шароитларни яратишга кўмаклашди.

Андижон областидаги қўриқ ва бўз ерлардаги янги ҳосилдор майдонларни пахтачилик, чорва, боғдорчилик соҳалари учун мослаштириш, ўзлаштирилган ерларда ўнлаб янги совхозлар ташкил этиш ишларида ҳам М. З. Мирза-Аҳмедовнинг ташаббускорлиги катта роль ўйнади. 1955 йилда Бўз районидаги Мингбулоқ қишлоғи вакиллари билан йиғилиш ўтказган Мансур Зиёевич уларни янги ерларни ўзлаштириш ва янги совхоз ташкил этишга ундаганди. Янги таклифларга шубҳа билан қарашга ўрганиб қолган кўпгина кексалар ҳам область партия комитети котибининг дилдан чиқариб айтган сўзларидан руҳланган ҳолда халққа бош бўлиб, хайрли ишларни амалга оширишга киришиб кетгандилар. Орадан сал ўтмай янги ерларда бепоён пахтазорлар ва боғ-роғлар бунёд этилди.

1956 йил февралда М. З. Мирза-Аҳмедов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди. Шу муносабат билан унга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Р. Мельников имзоси билан берилган характеристикада жумладан қуйидагилар кўрсатилганди: «...Партия раҳбарлик ишларида кўп йиллик фаолияти давомида катта тажриба орттирган, республикадаги қишлоқ хўжалиги ва кадрлар масаласини яхши биладиган, ташкилотчилик қобилиятига эга, олдига қўйган мақсадини амалга оширишга изчил, матонатли, ўзига ва қўл остидаги ходимларга нисбатан ўта талабчан, танқиддан тўғри хулоса чиқаришга қодир, партия ва совет активи орасида катта обрўга эга»¹.

КПСС XX съезидан зўр таассуротлар билан қайтган М. З. Мирза-Аҳмедовга республика қишлоқ хўжалигига партиявий раҳбарликни таъминлаш вазифаси юкланди. Бу борада у ўзининг кўп вақти ва меҳнатини пахта ва чорвачилик соҳаларини ривожлантиришга сарфлади. Шу вақтда ўзбек, тожик, қozoқ биродарларнинг ҳамкорлигида ва барча совет халқларининг мадади билан ўзлаштирилаётган бепоён Мирзачўлда жуда катта имкониятлар борлигини яхши билган М. З. Мирза-Аҳмедов, бу ерда каналлар қуриш, янги пахтачилик совхоз-

¹ МЛИ УзФ ПА, 58-фонд, 332-рўйхат, 392-дело, 25-варақ.

ларини ташкил этиш, уларни техника ва раҳбар ходимлар билан таъминлаш ишларида бевосита қатнашди.

Мансур ака кабинетда ўтириб ишлашга қараганда жонли амалий ишни хуш кўрар, тез-тез республиканинг турли бурчакларидаги районларга бориб, кундалик муаммоларни партия ва совет раҳбарлари, колхоз ва совхоз деҳқонлари билан бамаслаҳат ҳал қилишга интиларди. Ўз навбатида мавжуд вазиятни билиш эса зарур тадбирларни белгилашда, хато ва камчиликларни тезроқ тугатишда муҳим аҳамиятга эга эди.

Шаҳсга сифиниш оқибатларини тугатиш ишлари бошланган даврда М. З. Мирза-Аҳмедов республикада яшаётган миллатлар, халқ ва элатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшди.

Ўлуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллигини нишонлаш ишларини ташкил этиш комиссияга раҳбарлик қилиш вазифаси ҳам М. З. Мирза-Аҳмедов зиммасига юкланганди. Бу иш муваффақиятли амалга оширилгач, 1957 йил 28 декабрида у Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинланди¹. Янги лавозим жуда масъулиятли бўлиши билан биргаликда, Мансур Зиёевичдан янгича куч ва ғайрат билан ишлашнинг талаб этарди. Унинг омилкорлик билан раҳбарлик қилиши натижасида Бухоро—Самарқанд—Тошкент шаҳарлари орасида газ қувурлари ётқизиш, Фарғонада нефтни қайта ишлаш заводи, Чирчиқ, Ангрен шаҳарларини электр қуввати билан таъминлаш, қатор шаҳарларда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ўғит ишлаб чиқишга мўлжалланган заводлар қуриш ишлари жадаллаштирилди. Бундан ташқари 1958 йилда республика пахтакорлари давлатга 3 миллион тонна пахта топширганликлари ҳам унинг ютуқлари сирасига кирар эди.

Аmmo кутилмаган воқеаларнинг содир бўлиши унинг жўшқин фаолиятига таъсир этмай қолмади. 1959 йил 13 мартида бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро мажлисида биринчи секретарь С. Қ. Камолов ишдан олинган бўлиб, бу тўғридаги қарорда М. З. Мирза-Аҳмедовни ҳам ўз лавозимидан четлатиш ҳақида кўрсатма бор эди. Шу сабабли ҳам у Министр-

¹ МЛН ЎзФ ПА, 58-фонд, 182-рўйхат, 101-дело, 55-варақ.

лар Совети Раиси вазифасидан озод этилиб, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрига ўринбосар этиб тайинланади¹. Бу ноҳақ жазо, маънавий жиҳатдан Мансур Зиёевич учун кучли зарба бўлсада, унинг мустаҳкам продаси бунга дош берди. Янги лавозимда ҳам у ғайрат ва шижоат билан ишлашни давом эттирди. У пахтачилик соҳасида кўпдан бери кўнглига тугиб юрган орзуларини рўёбга чиқаришга, механизацияни кенг жорий қилиш эвазига деҳқонлар меҳнатини енгиллаштириш тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор берди.

Орадан икки йил ўтгач М. З. Мирза-Аҳмедовга Ўзбекистон ССР коммунал хўжалик министри лавозими юкланди². Эндиликда унинг куч ва ғайрати республикадаги шаҳар ва қишлоқлар, саноат корхоналари, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларини газ, иссиқлик ва сув билан таъминлаш, аҳолининг турмуш маданиятини кўтариш ишлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки Мансур Зиёевич мамлакатимизнинг марказий районларига тортилаётган газ қувурлари ўтган жойлардаги аҳолига ҳам бу арзон ва тоза ёқилғидан берилиши зарурлигини асослаб, СССР газ саноати министри номига бир неча мурожаатномаларни юборганди. Кейинчалик бу борадаги ўзи тўплаган билим ва тажрибалар асосида у «Ўзбекистонни газлаштириш муаммолари» деган китобчани ёзганди.

1966 йил апрелидаги Тошкентда рўй берган даҳшатли зилзила оқибатларини тугатиш юзасидан тузилган ҳукумат комиссияси составига киритилган М. З. Мирза-Аҳмедов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тавсияси билан республика Министрлар Совети Раисига ўринбосар қилиб тайинланди³. Умрининг охиригача шу лавозимда ишлаган М. З. Мирза-Аҳмедов саломатлигининг ёмон бўлишига қарамасдан, бор куч ва ғайратини пойтахтни тиклаш, республика иқтисодини кўтариш, социал муаммоларни ҳал қилиш ишларига сарфлади. Унинг фидойилигини Чорвоқдаги тўғоннинг бузилиб кетиши хавфи кучайган вақтда, Аму дарёдаги тошқин натижасида Хоразм области ва Қорақалпоғистон автоном республикасининг аҳоли яшайдиган жойларини сув босиши хавфи кучайган вақтда минглаб кишилар кўрган ва ўта

¹ М.ЛН УзФ ПА, 58-фонд, 332-рўйхат, 392-дело, 33-варақ.

² Уша жойда, 213-рўйхат, 78-дело, 55-варақ.

³ Уша жойда, 332-рўйхат, 392-дело, 50-варақ.

фидоий, халқ иши учун ҳаётини ҳам аямайдиган инсон эканлигининг гувоҳи бўлган эдилар.

Мансур ака ва унинг умр йўлдоши Азиза опа ўзлари-га муносиб фарзандларни тарбиялаб, вояга етказдилар. Тўйғич фарзандлари Пўлатжон отасининг орзусини амалга ошириб Москвадаги Бауман номидаги олий техника билим юртини битказган ва ҳозирги кунда пахтачилик учун зарур бўлган машиналарни ишлаб чиқариш бюросида Бош конструктор бўлиб ишляпти. Катта қизлари — Фаризахон — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим, кичиги — Қларахон эса Тошкент политехника институти-нинг архитектура факультети доценти. Улар элга хизмат қилишни ўзларининг олий бурчлари деб биладилар.

М. З. Мирза-Аҳмедовнинг тиним билмас юраги 1971 йил 3 майда уришдан тўхтади. «Партия уни қайси ишга сафарбар қилмасин, — дейилганди, партия ва ҳукумат раҳбарларининг таъзияномасида, — у ўзининг барча куч ва ғайратини сарфлаб сидқидилдан меҳнат қилди. У ҳаддан ташқари меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги, партиявий қатъиятлилиги ва ғоявий жиҳатдан етуклиги натижасида топширилган ишларга ўта масъулиятлилиги билан қарайдиган, ўзига ва бошқаларга нисбатан жуда талабчан инсон бўлганди. Коммунистларга хос оддийлик, камтаринлик, илтифотлилиги, самимиятлиги, инсонларга ғамхўрлик хусусиятлари унга жуда хос эди»¹.

М. З. Мирза-Аҳмедовнинг партия ва совет ҳукумати олдидаги хизматлари муносиб тақдирланиб уч марта Ленин ордени (1944, 1950, 1957), икки марта Меҳнат Қизил байроқ ордени (1945, 1946), «Меҳнатдаги шижоати учун» (1966), В.И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан чиқарилган юбилей медаллари билан тақдирланганди. У 2—3, 5—7 чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети, 2—5 чақириқ СССР Олий Совети депутатлари, КПСС XIX—XXI съездлари, Ўзбекистон Компартиясининг IV—VII, IX—XVIII съездларининг делегатлари бўлган ва кўп мартаба партия Марказий органларига сайланганди.

Ўзбек халқининг севимли фарзанди, атоқли партия ва совет арбоби, ватанпарвар ва интернационалист М. З. Мирза-Аҳмедовнинг Чигатойдаги қабри устида до-

¹ «Правда Востока», 1971, 5 май.

«Имо гуллар туради. Унинг номи Андижон область Комсомолобод районидаги «Мингбулоқ» совхозига, Тошкентнинг Пушкин кўчасида жойлашган 4-хунар-техника билим юртига берилган¹. Эл учун фидойилик қилган бу ажойиб инсоннинг хотираси авлодлар қалбида абадий сақланиб қолади.

М. М. МАҲМУДОВ,

тарих фанлари номзоди, доцент

¹ МЛИ УзФ ПА, 58-фонд, 280-рўйхат, 107-дело, 16-варақ.

УСМОНХОН
ЭШОНХЎЖАЕВ

[1899—1937]

Шахсга сиғиниш йилларида айбсиз айбдор бўлиб, репрессия қилинганлардан бири Усмонхон Эшонхўжаевдир. У 1899 йил 4 октябрда Андижон шаҳрида дунёга келган. У мусулмон мактабида савод чиқаргандан сўнг мадрасада 2 йил таҳсил кўрди. Аммо эски мактаб усули ўсмирни қаноатлантирмайди. Шу билан 1909—1913 йиллар ичида Усмонхон Андижондаги рус-тузем мактабида ўқиб, уни муваффақиятли битиради; сўнгра олий бошланғич билим юртида ўқий бошлади. Уни тугатгач, эрлар гимназиясида ўқиди. 1915 йилдан у бошланғич мактабда муаллимлик қилди ва Андижонда, Туркистонда танилган социалист-революционер В. Чайкин муҳаррирлигида чиқаётган «Туркестанский голос» ўлка газетаси редакциясида ишлади. «Бу газета,— деб элаган эди у кейинчалик, бутун Туркистонда ўзининг инқилобий йўналиши жиҳатдан ягона газета эди»¹.

«Туркестанский голос» ўлка газетаси биринчи саҳифасида: «У. Эшонхўжаевга. Сизнинг мақолангизда илгари сурилган масала айниқса маҳаллий киши овози сифатида бизни гоятда қизиқтирди. Мазкур масала юзасидан сиз билан гаплашиш иштиёқида сиз учун қулай

¹ УзССР МДА, Р—86-фонд, 1-рўйхат, 810-дело, 17-варақ.

вақтда редакцияга киришингизни илтимос қиламиз»¹, — деган сатрлар чоп этилганди. Бу таклифга мувофиқ редакцияга келган У. Эшонхўжаев тез орада штатли ходим бўлиб ишлай бошлади. Уша йилларда унинг кўз ўнгиди, дунёқарашиди даврнинг ҳақсизлик ва адолатсизликлари, меҳнаткаш инсоннинг аянчли қисмати, хўрланиш ва камситишлар, қашшоқлик ва қолақлик даҳшатлари, диний жаҳолат ва уламоларнинг жирканч иллатлари намён бўлди. Айни чоғда у бутун мустамлака Туркистони узра инқилобий ҳаракатлар куртак отаётганини кўриб, эрк учун курашга отланди.

У. Эшонхўжаев ўз инқилобий фаолиятининг илк босқичи ҳақида тўхталиб 1923 йил 11 ноябрда шундай ёзган эди: «Меннинг жамоатчилик фаолиятим февраль революцияси давридан бошланди ва инқилобий жамоат ишларида фаол қатнашишга жазм этдим. Кўпчилик манфаатларига хизмат қилувчи ва янгидан вужудга келган турли жамоат органларида хизмат қилдим. Масалан, «Маориф ҳаваскорлари» жамиятини биринчи бўлиб ташкил этишда фаол қатнашдим ва унга бошчилик қилдим»².

«Аврора»дан отилган тўп садоси эски дунёни ларзата келтирганида кеч куз эди. Аммо Октябрь инқилоби башарият тарихига гўё баҳор бўлиб кирди. Октябрь мазлум халқларга озодлик йўлини кўрсатди. Узоқ Анджоннинг жабрдийда заҳматкашлари ҳам Советларнинг кураш байроғи остига жипслашдилар. Рус пролетариати, шонли большевиклар партияси раҳбарлигида бу ерда Октябрнинг музаффар байроғи кўтарилди. Усмонхон ҳам Октябрни зўр шодлик билан кутиб олди. Революциянинг дастлабки кунлариданоқ большевиклар Д. С. Урюпин, А. П. Салаев, И. Ф. Шадиरो ҳамда инқилобий фаолиятини анча аввал бошлаган Ҳаққул Хусанбоев, Акбар Урозалев, Олимжон Юсупов, Санжарбек Қосимбеков, Қамбар Алиев, Султонмаъсуд Холботировлар кўмағида Усмонхон Эшонхўжаев Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишига астойдил киришиб кетди. Унинг бевосита бошчилигидаги очларга ёрдам берувчи «Қизил ярим ой» жамияти тузилди. Бу жамият моддий жиҳатдан муҳтож ва инқилобий курашларда ҳалок бўлганлар оилаларига, етим-есирларга ёрдам бериш учун инқилоб душманлари — бой-феодалларнинг мулкини мусодара этиб, уларни очларга улашиб берар-

¹ «Туркестанский Голос», 1917. 14 февраль.

² УзССР МДА, Р—86-фонд, 1-рўйхат, 810-дело, 1-варақ.

ди ва етим-есирларни болалар уйига жалб этиш ишларини олиб борарди.

Усмонхон Эшонхўжаев партия ва совет ташкилотлари топшириғи билан 1920 йил бошларига қадар Андижон уезд-шаҳар ижроия комитети халқ маорифи бўлимига бошчилик қилди. Унинг раҳбарлигида Андижоннинг шаҳар ва қишлоқларида дастлабки маърифат ўчоқлари очилиб турли миллат болалари учун совет мактаблари ташкил қилинди. Андижон шаҳрида П. Г. Полторацкий номидаги политехника ўқув юрти, темир йўл билим юрти, халқ университети ташкил этилиб, ўша даврдаги фавқулодда оғир шароитларда ўқитувчилар тайёрланди. Совет мактаби илк бор ташкил этилаётган даврда У. Эшонхўжаев ижроқўм аъзоси сифатида маориф душманларига қарши кураш олиб борди.

1920 йил январидан У. Эшонхўжаев Москвадаги Я. М. Свердлов номидаги Коммунистик университетга ўқишга юборилади. Шу йил апрель ойида эса шонли Коммунистик партия сафига қабул қилинади. Шу пайтда у эндигина 21 ёшга тўлган эди. Университетда партия ва ҳукуматнинг кўзга кўринган арбоблари ҳам тез-тез маъруза ва чиқишлар қилиб турар, шахсан В. И. Лениннинг ўзи уч марта давлат тўғрисида лекция ўқиганди. Улардан гоят чуқур таъсирланган У. Эшонхўжаевнинг марксча-ленинча назарий билимлари орта боради.

У. Эшонхўжаев 1920 йил июлидан 1921 йил августига қадар РСФСР Ташқи ишлар Халқ Комиссарлигининг Ўрта Осиё ваколатхонасида шарқ тиллари бўйича таржимонлик қилди. Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари билан РСФСР ўртасидаги алоқаларнинг ўрнатилишида сиёсий ходим сифатида катта ишлар олиб борди. 1921 йил сентябрида бўлиб ўтган Туркистон Советларнинг X ўлка съездида У. Эшонхўжаев Туркистон АССР Марказий ижроқўми аъзоси қилиб сайланди. Унга республика халқ маорифи комиссарлигида раҳбарлик лавозими топширилди. У ўлкада маориф системасининг дастлабки ташкилотчиларидан бири сифатида кўплаб янги совет мактаблари очилишида фаоллик кўрсатди, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқувчилар учун тавсияномалар яратди. Бу соҳада Усмонхон биринчи халқ ўқитувчиси, сиёсий ва жамоат арбоби, маърифатпарвар Абдулла Авлоний билан яқиндан ҳамкорлик қилганди. Туркистон АССР Халқ маорифи комиссарлигининг илмий Совети ранис сифатида ҳам анчагина ишларни амалга оширган эди.

1922 йил 31 июлда У. Эшонхўжаев Туркистон Компартияси Марказий Комитети матбуот сектори бошлиғи, пропаганда ва агитация бўлими мудирини ўринбосарини вазифасига сайланади. Айни вақтда у ўзбек тилидаги «Туркистон» номли газетасига ҳам муҳаррирлик қилди. 1922 йил августидан унга Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг органи бўлган «Инқилоб» номли адабий, сиёсий, оммавий ойлик журналга, ўлка халқ маорифи комиссарлигининг ойлик ижтимоий-сиёсий, таълим-тарбиявий ва адабий журнали «Билим ўчоғи»га (ҳозирги «Совет мактаби») муҳаррирлик вазифасини юкланади.

1922 йил ноябрда Туркистон АССР область Советлари съездлари ўтказилди. Ўз навбатида У. Эшонхўжаев партия топшириғи билан Закаспий области Советининг съездини ўтказишга бошчилик қилди ва Туркистон республикаси Советларининг XI съездида делегат қилиб сайланди.

Шу съездда У. Эшонхўжаев АССР Марказий Ижроқўми аъзолиғига киритилди. Съездда РСФСР Советларининг X съездида 70 делегат сайланган бўлиб, улар орасида У. Эшонхўжаев ҳам бор эди. РСФСР Советларининг X съезди шунингдек, Украина, Белоруссия республикалари Советларининг съездларида Совет Социалистик Республикалар Иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатлар муҳокама қилиниб маъқулланади.

1922 йил 30 декабрь Совет халқлари тарихида унутилмас кун бўлди. Шу кун СССР Советларининг I съездида СССР ташкил этилганлиғи тўғрисидаги Декларация ва Шартномани қабул қилиш учун овоз берган 2215 делегат орасида У. Эшонхўжаев ҳам бор эди. СССР ташкил этилганлиғи ленинизм ғояларининг, Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг зўр таътанаси бўлди. Бундан чексиз қувонган У. Эшонхўжаев Москвадан қайтгач, ўзининг публицистик мақолаларида, оташин нутқларида ленинча миллий сиёсат таътанасини кенг тарғибот қилди.

1923 йил 11—16 мартда Туркистон Компартиясининг VII съезди бўлди. Унинг ишида У. Эшонхўжаев фаол қатнашди. Съезд президиумида у Я. Э. Рудзутак, Д. И. Манжара, И. Хидиралиев, Т. Рисқулов билан бирга бўлади. Съезд иши давомида У. Эшонхўжаев Марказқўм секретари М. С. Эпштейн маърузасини ўзбекчага таржима қилиб беради, съезднинг динга қарши пропаганда олиб бориш секциясини бошқаради ва бу ма-

сала юзасидан резолюцияни съезд вакилларига ўқиб беради.

Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Ижроия бюроси 1923 йилда У. Эшонхўжаевни босмачиларга қарши курашиш учун қизил қисмлар тузиш комиссияси составига киритди. У жойларда бўлиб, маҳаллий меҳнаткашлардан ҳарбий қисмлар тузишда қатнашди. Шу билан бир қаторда Тошкентдаги В. И. Ленин номидаги Коммунистик университетда ўқитувчилик қилди. Унинг ўзбек ва рус тилларида нашр қилинган «Коммунизм алифбоси» китоби партия маорифи соҳасида машҳур бўлиб, социалистик қурилиш ҳақида зарур билим бера оладиган қўлланма эди. Бу асар нафақат Туркистонда, балки Бухоро ва Хоразм республикаларида ҳам кенг тарқалган эди.

1923 йил январида Сирдарё область партия комитети конференциясида У. Эшонхўжаев обкомнинг масъул котиби этиб сайланди. 11—16 мартда бўлиб ўтган Туркистон Компартиясининг VII съездида у Марказқўм аъзоллигига киритилди. 1923 йил 3 январда унга Туркистон Компартияси Марказқўми секретари Ф. Ю. Светлов томонидан берилган характеристикада у маҳаллий ходимлар ичида эҳтиросли, назарий соҳага ғоятда қизиққан, қобилиятли, вазиятга қараб мустақил иш кўрадиган, сиёсий-маърифий ва адабий ишларда катта тажрибага эга, сиёсий етук, марксистик тайёргарлиги яхши, тиришқоқ ходим сифатида таърифланади¹.

РКП(б) Ташкилий бюроси 1923 йил 16 ноябрда Эшонхўжаевнинг «Область партия ташкилотининг аҳволи ҳақида»ги докладини тинглади. Бу масала юзасидан қабул қилинган қарорда область партия ташкилоти партия сафларини мустаҳкамлашда, ташкилий-партиявий, партиявий-сиёсий ишлар шакли ва услубларини такомиллаштиришда катта ютуқларга эришганлиги қайд этилганди. 1924 йил январь ойи бошларида Туркистон АССР Советларининг XII съезди бўлди ва унда У. Эшонхўжаев Марказий Ижроия Комитет составига киритилди. 9 январда эса Туркистон маориф комиссари сифатида республика ҳукумати аъзоси бўлди.

1924 йил январида доҳий В. И. Ленин вафот этганлиги тўғрисидаги машъум хабар ер курраси узра яшин тезлигида тарқалди ва у Ўрта Осиё халқларини ҳам чексиз қайғуга солди. Ўша оғир кунларда Советлар-

¹ УзССР МДА, Р—86-фонд, 1-рўйхат, 810-дело, 17-варақ.

нинг II Бутуниттифоқ съезди ишида иштирок этган Туркистоннинг партия ва совет органлари раҳбарлари В. И. Ленин тобути ёнида фахрий қоровулликда турдилар ва дафн маросимларида қатнашадилар.

22 январда Туркистон Марказий Ижроқўми Президиуми СССР Бутуниттифоқ МИКнинг В. И. Ленин вафоти ҳақида телеграммасини кўриб чиқиб, мотам намойишлари ва митинглар ўтказиш бўйича комиссия тузди. Комиссия аъзоси бўлган У. Эшонхўжаев меҳнаткашлар олдида жўшқин нутқлар сўзлади, партия ва совет ташкилотлари кенгашларида докладлар қилди, доҳий ҳақида публицистик мақолалар эълон қилди.

23 январь куни Тошкент эски шаҳар коммунистларининг В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган умумшаҳар йиғилиши бўлди. Унда У. Эшонхўжаев, Низомиддин Хўжаев, Маннон Рамзи нутқ сўзладилар. Шу куни Свердлов номидаги театрда ўтказилган йиғилиш қатнашчилари XI Бутунроссия Советлар съезидига телеграмма юбориб, унда «Туркистон Совет ҳукумати, Туркистон коммунистлари доҳиймиз ва йўлбошчимиз Владимир Ильич вафот этганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб чуқур ларзага тушдилар. У ўзининг ҳаёт чоғида қўйган масалалар съезд кун тартибида аввалгидек турибди... Пролетариат билан деҳқонлар иттифоқи биринчи ўринда...», — деган сўзларни ёзишганди.

1924 йил 17 февралда Тошкентдаги Советлар уйида Туркесублика «Қўшчи» союзлари II съезди бўлиб ўтди. Унда У. Эшонхўжаев аёлларни «Қўшчи» союзи ишларига жалб қилиш ҳақида доклад қилди. Қўл ўтмай у Туркистон Компартияси МК пропаганда ва агитация бўлимининг мудирини лавозимига тайинланди.

Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш Туркистонда ҳам буржуа миллатчилик идеологияси, буюк давлатчилик шовинизми ва маҳаллий миллатчиликни жонлантирганди. У ёки бу томонга миллий оғмачиликнинг мавжудлиги Туркистон Компартиясидан маҳаллий буржуа миллатчиларига қарши, шунингдек буюк давлатчи шовинистларга қарши кескин кураш олиб боришни талаб қилди.

Оппозициячи гуруҳ ва оғмачиларга қарши курашни кучайтириш, партияни беқарор унсурлардан тозалашдек энг зарур вазифани бажаришда Сирдарё область партия комитетининг масъул котиби, Туркистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси Усмонхон Эшонхўжаевнинг ҳам хизматлари катта бўлди. Бу вақтда Тошкент

Жаъ шаҳар Совети ижроқўми раиси Маллабоев бошчи-
лигидаги Ғуруҳ Туркистон Компартияси Марказқўми ва
Самарқанд вилояти партия комитетининг сиёсий йўлига
қаршиликда Ғуруҳ бошлиқлари У. Эшонхўжаев раҳбар-
лигидаги вилоят партия комитети ижроия бюроси аъзо-
лигидаги «худоёвчиликда», «ислом динидан қайтишда»
вақфидан бу оқилан Тошкент эски шаҳар аҳолисининг ай-
рим қаватларида партия ва совет давлати сиёсатига
қарши норозилик уйғотмоқчи бўлгандилар. Шу билан
бирга улар РКП(б) Марказий Комитетининг ваколат-
ли қўмиталарига ва уларнинг Туркистонда ўтказайтган
сиёсатига қарши кайфиятда бўлдилар. РКП(б) XII съез-
данинг миллий масаладаги тўтган йўлини бузиб нотўғ-
ри юққудаган Маллабоев ва унинг тарафдарлари партия
ва совет органлари муассасаларини миллий кадрлар
ёқдан таъминлаш ва мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақи-
даги съезд қабул қилган қарор билан ниқобланиб, бу
сўрашларни «уа» одамлари билан тўлдириш ва улар
орқали миллий оғмачилик йўлини олиб боришга ҳара-
кат қилдилар. Шу мақсадда улар диний сарқитлар ва
маҳаллийчилик кайфиятида бўлган аҳолининг алоҳи-
да қисмини партия ва совет органларига ҳамда улар-
нинг раҳбарларига, хусусан Низомиддин Хўжаев,
Маймон Рамзи, Усмонхон Эшонхўжаевга қарши қў-
йишга иштирок қилдилар. У. Эшонхўжаев бундай миллий
оғмачи гурӯҳга нарши курашда тўғри сиёсий йўл
тутди¹.

Аmmo ғоявий кураш кескин бўлган бу вақтда У Эшон-
хўжаев баъзан «сўл» томонга оғиб ҳам кетди. Бу вақт-
да «сўл» коммунистлар эски турмуш сарқитларига қар-
ши энг шиддатли кураш олиб бориш ширини илгари
сурган, миллий зиёлиларнинг лоқайд вакилларини совет
муассасаларига жалб этишга қарши чиқар, аксарият
камбағал ва батрақларгагина таянмоқликни таклиф қи-
лар эдилар.

Туркистон Компартиясининг 1924 йил 4—9 мартда
бўлиб ўтган пленумида «сўл» коммунистлар, жумладан
У. Эшонхўжаевнинг хато қарашлари С. Сегизбоев,
Д. И. Манжара, В. С. Ляпин, И. И. Межлаук, И. М.
Варейкислар томонидан танқид остига олинди. Уша йи-
ли 26 мартда РКП(б) Марказий Комитети Бош секре-
тари И. В. Сталин Урта Осиё бюроси раисининг ўрин-

¹Қаранг: Новиков М. П., Гурсунов К. Идеологическо-организацион-
ное управление Компартии Туркестана (1921—1924). Ташкент, «Ўз-
бекистан» 1972, 127-бет.

босари О. Я. Карклин, Туркистон Компартияси МК масъул секретари И. М. Варейкис ва У. Эшонхўжаевга йўллаган хатида «сўллар» И. Хидиралиев ва А. Раҳимбоевдек ходимларни раҳбарлик лавозимидан маҳрум этишга уринмоқдалар, РКП Марказий Комитети бундай қилишга йўл қўймайди. Туркистонда ходимлар жуда кам, шу боседан Хидиралиевдек ходимдан фойдаланмаслик жинойтдир. Уртоқ Эшонхўжаев ва унинг яқин дўстларига бўлган бутун симпатиямизга қарамасдан Марказқўм бу ишга аралашиншга мажбурдир. Мавжуд бўлган группалар ва группачалар ўртасидаги курашга чек қўйилмоғи лозимдир¹, деб кўрсатган эди. Бундай танқидлардан тегишли хулоса чиқариб олган принципиал коммунист У. Эшонхўжаев йўл қўйган хато ва камчиликларни амалий ишда тугатишга астойдил ҳаракат қилганди.

Моҳир раҳбар, пухта назарий билим эгаси бўлган У. Эшонхўжаев доимо меҳнаткашлар орасида бўларди. У жойлардаги партия ва совет органларининг кучли ва заиф томонларини пайқар, уларга зарур маслаҳатлар ва амалий ишлар билан кўмаклашарди. Унинг оташин большевистик сўзлари меҳнаткашлар оmmasини янги ҳаёт учун курашга отлантирди. У ишдаги камчиликлар ҳақида очиқ гапирар, танқиддан қўрқмасликка даъват этар, большевикларча қатъиятлиликини Россия коммунистларидан ўрганишга чақирарди.

1924 йил 4 майда Туркистон Компартиясининг VIII съезди очилди. Вакиллар В. И. Ленин хотирасини ёдга олдидлар. Съездда У. Эшонхўжаев доклади асосида қабул қилинган партия қурилиши тўғрисидаги резолюцияда Ленин чақирғига мувофиқ партия сафига ўтганлар, ёшлар ва хотин-қизлар орасида олиб борилаётган ишларни кучайтириш, кадрларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш ва ўстириш, эскилик сарқитларига қарши кураш олиб бориш, ҳар қандай гуруҳбозликка чек қўйиш каби вазифалар партия ташкилотлари зиммасига юклатилди.

Туркистон Компартияси Марказқўми аъзоси У. Эшонхўжаев резолюция лойиҳасига «Йўқолсин саводсизлик» жамияти ишини қўшимча маблағлар билан таъминлаш зарурлиги, олий ўқув юртлари ҳамда коммунистик университетлар ишига, айниқса студентларни партиявий, касаба союз ва бошқа оммавий ишлар билан алоқасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилиши кераклиги-

¹ МЛИ МПА, 62-фонд, 2-рўйхат, 79-дело, 7-варақ.

дан иборат қўшимчаларни таклиф қилганди. Унинг томонидан киритилган бу таклифлар бир овоздан қабул қилинди. Съездда У. Эшонхўжаев яна Туркистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси этиб сайланди.

РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси 1924 йил 23 ноябрда У. Эшонхўжаевга деҳқонлар учун маҳаллий тилда ҳафталик газета ташкил этиш ва уни молиявий жиҳатдан асослаш, қишлоқ мухбирлари институтини жорий қилиш вазифасини юкледи. Шунингдек ўрта ҳол партиялилар учун журнал ташкил қилиш бўйича У. Эшонхўжаев бошчилигида комиссия тузилди. Бундан ташқари у «Туркистон» номли ўзбек тилидаги газетага редактор этиб ҳам тайинланади.

1924 йилда Ўрта Осиё халқари ҳаётида ғоят катта ва муҳим тарихий аҳамиятга эга воқеа содир бўлди. 1924 йил 23—24 мартда Туркистон Компартияси МК нинг Пленуми бўлиб, унда У. Эшонхўжаев «Туркистонни миллий территориал чегаралаш тўғрисида»ги масала юзасидан доклад қилди. РКП(б) МК Ўрта Осиё партия ташкилотлари ва меҳнаткашлар оммасининг ўлкада миллий-давлат чегараланиши ўтказиш ҳақидаги таклифини маъқуллади. Бу ишни амалга оширишга тайёргарлик кўриш учун 15 кишидан иборат Марказий территориал комиссия тузилиб, унинг составига Ўрта Осиё партия ташкилотларининг кўзга кўринган арбоблари Н. Ойтоқов, Қ. Отабоев, О. Я. Қарқлин, А. Раҳимбоев, И. М. Варейкис, Р. И. Исломов, Д. И. Манжара, Файзулла Хўжаев, И. И. Межлаук, А. Муҳитдинов, Усмонхон Эшонхўжаев ва бошқалар кирдилар. 5 майда бу комиссия қошида Ўрта Осиё республикаларини чегаралаш юзасидан ўзбек, туркман қирғиз ва қора қирғиз муваққат миллий бюролар (комиссиялар) ташкил этилди. Ўзбек бюросига—Абдулла Раҳимбоев, (ранс), Рустам Исломов, Усмонхон Эшонхўжаев, Абдуқодир Муҳитдинов ва Қори Йўлдош Пўлатовлар кирдилар. 10 майда миллий-давлат чегараланиши бўйича Ўзбекистон бюросининг кенгаши бўлиб, унда А. Раҳимбоев, Р. Исломов, Файзулла Хўжаев, А. Муҳитдинов, Қори Йўлдош Пўлатов, Усмонхон Эшонхўжаев ва бошқалар қатнашдилар. Кенгашда «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини тузиш тўғрисида»ги масала муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

30 май кунин РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси миллий

чегаралаш бўйича ўзбек, қирғиз ва туркман миллий бюролари докладларини эшитди.

Миллий масала юзасидан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан анча тайёргарлиги бўлган Усмонхон Эшонхўжаев Урта Осиеда миллий-давлат чегараланишини ўтказишида фаол қатнашди, бу борада ўзининг бутун кучини аямади. Айни вақтда у Ўзбекистон ССРнинг тузилишида ва Ўзбекистон Компартиясининг ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилишида фаол қатнашди. РКП (б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1924 йил 30 октябрдаги қарорига биноан У. Эшонхўжаев Ўзбекистон Компартиясини тузиш бўйича муваққат ташкилий бюросининг аъзоси қилиб тасдиқланди. Унинг фаол иштирокида янги маъмурий бўлиниш муносабати билан партия ташкилотлари расмийлаштирилди, партия ташкилотларида кадрларни жой-жойинга қўйиш ва мустаҳкамлаш соҳасида самарали ишлар олиб борилди. 18 ноябрда Файзулла Хўжаев раислигида 15 аъзодан иборат Ўзбекистон ССР Революцион комитети ташкил этилди. Унинг аъзоларидан бири У. Эшонхўжаев эди.

1925 йил февралда қадимий Бухорода Ўзбекистон Советлари ва партия ташкилотларининг биринчи тарихий съездлари М. И. Калинин иштирокида бўлиб ўтди. Ҳар иккала съездга У. Эшонхўжаев делегат эди. Съездларда у докладлар қилди, вакиллар сўзларини рус ва ўзбек тилларига таржима қилиб турди. Шу вақтда Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши воқеасига бағишлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 12 бетли махсус сони чиққан бўлиб, унинг биринчи саҳифасидан қўйидаги алангали сўзлар жой олганди: «Яшасин бахтли турмушга қадам қўйган Ўзбекистонга ибрат кўзи билан боқувчи Шарқ». Бош мақола сифатида берилган материалда «Биз оғир ва катта ишга бел боғладик, аммо йўлимиздаги ҳар қандай қора тўсиқлар ғалабага эришувимизга ғов бўлолмайди. Уз бахтимизнинг чирогини ёқаётган ўзбек меҳнаткашларининг ғолиб юришида эса «Қизил Ўзбекистон бел боғлаб хизмат қилади...»¹,— деган улугвор кўтаринкилик, самимият, оммани катта курашга чорловчи, даъваткор бу сўзлар Усмонхон Эшонхўжаев қаламига мансуб эди. Муаллиф Октябр инқилобидан кейинги вақтда республика қиёфасида, меҳнаткашлар ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар ҳақида тўхталиб, бу ўзгаришлар партия томонидан амалга

¹ «Қизил Ўзбекистон», 1925, 6 февраль.

оширилайётган ленинча миллий сиёсатнинг натижасидир, деб хулоса чиқаради.

Усмонхон Эшонхўжаев миллий масала ҳақидаги фикрларни шарҳлаб:

«Урта Осиё Жумҳуриятларининг миллий ва мамлакат чегараланишларидан туғилган Ўзбекистон Жумҳурияти фирқамиз миллий сиёсатининг меваси бўлиб, бу тарихий воқеа бир турли фикрларга қарши шубҳасиз олдинга боришдан иборатдир. Ўзбекистон ижтимоий шўролар жумҳурияти Шарқ мазлумларининг ибрат курашларига буюк ўрнак бўла олади...»¹, — деб ёзганди.

Газетанинг ана шу сонида «Ўзбекистон Коммунистлар фирқасининг галдаги вазифалари», «Миллий чегараланиш ҳақида Ленин таълимоти», «Ўзбекистон инқилоб қўмитасининг фаолияти», «Янги жумҳуриятда ўзбек хотин-қизлари ўртасида ишлаш йўллари», «Фирқа тузилиши тўғрисида», «Ишчилар билан деҳқонлар ва шаҳар билан қишлоқ бирлигини мустаҳкамлаш — энг муҳим вазифа», «Ўзбекистон жумҳуриятида маориф ишлари» сарлавҳали ва бошқа мақолалар, шеърлар халқаро аҳвол ҳақидаги хабарлар ҳам босилган эди.

У. Эшонхўжаев «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1925 йил 3 августига қадар чиққан сонларига муҳаррирлик қилди. Бу газета партия миллий сиёсатини, коммунизмнинг ҳаётбахш ғояларини, Совет ҳокимиятининг қарор, декрет ва тadbирларини тарғибот этишда муҳим роль ўйнади. У диний фанатизмга қарши аёвсиз курашиб ўзбек халқи ҳаётини ёритиб борди, буржуа миллатчилари ва социализмнинг бошқа душманларини фoш этди. У. Эшонхўжаев муҳаррирликдан ташқари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимига мудирлик ҳам қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва ЎзССР ҳукумати составига кирган У. Эшонхўжаев 1925 йил май ойида бўлиб ўтган Советларнинг III Бутуниттифок съездига делегат қилиб сайланган эди. Съездда ЎзССР СССР составига киритилди. У. Эшонхўжаев СССР Марказий Инқолиб комитетига аъзо этиб сайланди².

Андижонлик большевик У. Эшонхўжаев В. И. Ленин юборган вакиллар — Я. Э. Рудзутак, С. И. Гусев, Г. К.

¹ «Қизил Ўзбекистон», 1925, 6 февраль.

² СССР Октябрь революцияси М.Д.А. 3316-фонд, 27-руйхат, 146-ҳисса, 57—58-варақлар, 147-ҳисса, 3-варақ.

Оржоникидзе ва бошқаларнинг таъсирида ҳар томонлама ўсди. У И. М. Варейкис, И. И. Межлаук, Н. А. Зеленский, О. Я. Қарклин, Ю. Ф. Светлов каби большевиклар билан бирга ишлади, улардан катта ҳаётий тажриба орттирди. Уни М. И. Калинин, И. В. Сталин яхши танирдилар.

1930 йилда У. Эшонхўжаев Қизил профессура институтини тугатиб, маҳаллий миллатлар вакиллари ичида биринчи профессор-философ унвонига муяссар бўлди. У Қ. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларини алоҳида қизиқиш билан ўрганиб, пухта назарий билим олишга эришди. ВКП(б) Марказий Комитети Спёсий бюросининг аъзолари, етук партия ходимлари ва олимлардан катта сабоқ олди. Бунда унинг рус тилини яхши билганлиги қўл келди. Москвада ўқиб туриб у бир қанча назарий, публицистик мақолалар эълон қилди.

У. Эшонхўжаев Москвадаги СССР халқлари Марказий нашриёти правлениесининг раиси лавозимида хизмат қилди.

Москвадан қайтгач У. Эшонхўжаев Ўрта Осиё Коммунистик университети (САКУ)да марксизм-ленинизмдан дарс бера бошлади. Кейинчалик Коммунистик партия топшириғига мувофиқ Горький шаҳар партия комитетида, Шимолий Кавказ ўлка партия комитетларида партиявий-ташкилий бўлим мудури лавозимларида ишлади.

1933 йил 16 октябрда У. Эшонхўжаев ВКП(б) Чечен обкомининг секретари қилиб тасдиқланди ва бюро аъзолиғига сайланди¹. Ўрта Осиёда миллий-давлат қурилишида катта тажриба орттирган У. Эшонхўжаев ўз мақолаларида, меҳнаткашлар олдида сўзлаган нутқларида Чечения ва Ингушиянинг ягона область бўлиб бирлашиши мақсадга мувофиқ эканлигини асослаб берди. Бу ҳол икки миллатнинг қон-қардошлиғи, территорияси, тили, турмуш тарзи, шунингдек, ҳар иккала миллатнинг социалистик фронтдаги ҳужум вазибалари ўртасидаги муштарақлик билан изоҳланар эди. Бироқ қулоқлар ва муллалар бу областларнинг қўшилишига жон-жаҳдлари билан қарши ташвиқот олиб бордилар. Улар бундай бирлашиш совет ҳокимияти кучларининг социализм учун курашини янада мустаҳкамлашни билар эдилар².

¹ Чечен-Ингуш область партия комитети партия архиви томонидан 1975 йил 2 декабрда берилган 388-сонли справка.

² «Грозненский рабочий». 1934. 13—15-январь.

1935—1937 йилларда У. Эшонхўжаев Красноуфимск темир йўли сиёсий бўлим бошлиғи, Қозон темир йўли сиёсий бўлим бошлиғи, Қозон темир йўли сиёсий бўлими қошидаги партия курси мудирлари лавозимларида ишлаб социалистик қурилиш ишига бутун кучини сарфлади. Мустаҳкам ва букилмас продалди партиянинг содиқ фарзанди У. Эшонхўжаев унинг йўлданмаси билан кўп жойларда хизмат қилди, раҳбарлик лавозимларида ишлади. 1937 йилда фожияли равишда ҳаётдан кўз юмганида у эндигина 38 ёшда эди. Академик ёзувчи Комил Яшин, кекса коммунистлар — Мухтор Олимов Асқар Акбаров, марҳум Олимжон Саркаров билан Усмонхон Эшонхўжаев фаолияти ҳақида суҳбатлашганда кўз ўнгимизда ўзбек совет матбуотига асос солувчилардан бири, истеъдодли ташкилотчи, партия ва халқнинг содиқ фарзанди, ишда принципиал, ажойиб нотик, рус тилини мукаммал эгаллаган марксист-кучли публицист, эҳтиросли маърифатпарвар, ажойиб дўст сифатида гавдаланади.

У партиянинг кўп қиррали жанговар фаолиятдан катта сабоқ олди. Ҳаётнинг мураккаб соҳаларига кўз-қулоқ бўлиб, ўз малакаси ва балиминини такомиллаштирди, душман кучлар билан астойдил курашди, баъзида эса хатоларга ҳам йўл қўйди.

Усмонхон Эшонхўжаев партия қаерга юбормасин, ўзига билдирилган юксак ишончини оқлади, Ленин ғояларини ҳимоя қилди. У ўзбек совет матбуотининг асосчиларидан бири, партия ва халқнинг содиқ фарзанди, ажойиб дўст, букилмас продалди инсон эди.

У Эшонхўжаевнинг қисқа, аммо ёрқин ҳаёти халқ манфаатлари учун, социализмнинг юксак ғоялари тантанаси учун фидокорона курашнинг илҳомбахш намунаси.

Ўзбекистон меҳнаткашлари социализм манфаатлари йўлида астойдил курашган асл фарзандининг номини катта ҳурмат ва фахр билан тилга олади.

Ҳозир у оқланган, унинг номи абадийлаштирилган: Андижондаги область ўқитувчилар малакасини ошириш институти, шаҳар пионерлар саройи (уйи) У. Эшонхўжаев номидадир. Шаҳримизнинг катта бир кўчаси ҳам унинг номи билан аталган.

Р. Т. ШАМСУТДИНОВ,

тарих фанлари доктори

ҲАҚҚУЛ ҲУСАНБОЕВ

[1887—1947]

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг йўл-бошчиси В. И. Ленин шундай деган эди: «Пролетариатга тирик сиёсий арбоблар тўғрисида ҳам, марҳум сиёсий арбоблар тўғрисида ҳам ҳақиқат керак, чунки сиёсий арбоб деган номга муносиб бўлган киши жисман ўлган бўлса ҳам сиёсат учун ўлик деб ҳисобланмайди»¹. Шу бонсдан ҳам ўлкамизда Советларнинг муқаддас байроғини ўрнатишда, янги ҳаёт учун курашда заҳмат чекиб, сабот ва чидам билан курашган, оммани ўз орқасидан эргаштира олган, партия иши учун жонини фидо қилган, сиёсий ва давлат арбоблари кўп бўлиб, улар орасида доҳий Ленинни бир неча бор кўрган, гаплашган, ундан бир умрга катта сабоқ олганлардан Ҳаққул Ҳусанбоев ҳам бор эди.

1887 йили Андижонда камбағал қосиб оиласида туғилди, рус-тузем мактабида бир оз таҳсил кўрди, янги шаҳар нотариал конторасида тилмочлик ва ёзув ишлари билан шуғулланди.

Социалистик революция назариясига амал қилган

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 20-том, 9-бет.

Андижон большевиклари вақтли ҳукуматга ва унинг малайлари — эсерлар, меньшевиклар, буржуа миллатчиларига қарши кескин кураш бошладилар, меҳнаткашларни большевиклар партияси теварагига жипслаштирдилар. Гарчи Андижон большевиклари «бирлашган социал-демократик группа»да қолган бўлсаларда, улар кўпгина масалалар юзасидан мустақил революцион йўл тутдилар. И. Ф. Бородавкин, С. С. Карпов, Е. Матвеевко, Ф. А. Юдин, С. Шалаев ва бошқалар айниқса шаҳар меҳнаткашлари ўртасида актив иш олиб бордилар. Маҳаллий миллатларининг революцион кайфиятдаги вакиллари Ҳаққул Хусанбоев, Акбар Ҳуралиев, М. Бонитбеков, Қамбар Алиев, Абубакир Қунашев, Олимжон Юсупов, Мухтор Алимов, Жумабек Парпибоев ва бошқалар рус большевиклари атрофида бирлашдилар. Андижон большевиклари маҳаллий меҳнаткаш оммани инқилоб ишларига жалб қилишга интилдилар. Яхши революцион мактаб тарбиясини олган ва биринчи жаҳон уруши вақтида «орқа томонда хизмат қилганлар» — мардикорликда бўлганлар, меҳнаткаш омманинг олдинги сафларида бордилар. Уларнинг кўплари Андижонга қайтиб келгач, большевиклар сафига кўшилдилар. 14 июнда «орқа томонда хизмат қилган» мусулмон ишчиларнинг митингида мусулмон ишчи-деҳқонларининг Совети сайланди. Эртаси куни эса совет президиуми сайланиб, унга мардикорликдан қайтган М. Орипов раис ва Акбар Ҳуралиев ўринбосар қилиб сайланди. Президиум аъзолари орасида Ҳ. Хусанбоев ҳам бор эди. Совет фақат ишчилар ва камбағалларининггина эмас, балки шаҳардаги майда буржуа элементларини ҳам бирлаштиргани учун, унинг сафига Советларни ўз таъсирига бўйсундиришга интилган бой, буржуа миллатчи унсурлар ҳам суқулиб кириб олган эдилар. Шунга қарамай, Совет ишчиларнинг меҳнат шаронтини яхшилаш масаласи билан шуғулланди, маҳаллий аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишларни қизитиб юборди. Унинг миллий-революцион-демократик йўналишда бўлган фаолиятида ишчи ва солдат депутатлари Совети билан ҳамкорликдаги ҳаракатга қаратилган сиёсий йўл аниқ ифодаланди. Бу масала Андижон муссовдепининг («Мусулмон депутатлари-совети», қисқартириб шундай юритилади) 17 июндаги мажлисида муҳокама қилинди. Қабул қилинган қарорда шундай дейилган эди: «Ишчи ва солдат депутатлари Советидан халқ учун

зарарли бўлган қатор ташкилот ва жамиятларни тугатишда ёрдам бериш сўралсин»¹.

1917 йил август ойида большевикларнинг таклифи билан ишчи ва солдат депутатлари Совети Ҳ. Хусанбоев бошлиқ бўлган муссовдепга мурожаат қилиб, ўз вакилларини Советга юборишни сўради. Унга кўра Советга сайловлар ёниқ ҳолда ўтказилиши, ҳар бир қасаба союз ва жамият 100 киши ҳисобидан 1 та депутат сайлаши, ишчи ва солдат депутатлари Совети мусулмон меҳнаткашлари Советининг эътиборини бу сайловларга ўта хушёрлик билан муносабатда бўлишга қаратиш, ишга фойда келтирадиган яхши кишиларни сайлашлари лозим эди.

Советларнинг яқинлашуви миллий фронтнинг рус пролетариатининг революцион кураши билан қўшилишга бўлган мойиллиги ривожланиб бораётгандан далолат бериб турарди. Андижон большевиклари муссовдеп орқали маҳаллий миллатлар меҳнаткашлари билан алоқани мустаҳкамлаб бордилар, миллий-озодлик ҳаракатини умумий революцион изга солдилар.

Меҳнаткашлар мусулмон депутатлари Совети туб аҳолининг синфий табақаланувиغا ёрдам берди. Шўро исломчилар, бойлар ва муллалар худди шундай бўлишдан ҳадиксирар эдилар. Кейинчалик шу Советдан буржуазия ҳокимиятига қарши кураш олиб борган, коммунист номини олган ходимлар етишиб чиқди. Улар орасида Акбар Уразалиев, Ҳаққул Хусанбоев, Мухтор Алимов, Олимжон Юсупов ва бошқалар бор эди. Шундай қилиб, мусулмон депутатлари меҳнаткашлар Совети большевиклар таянчи бўлиб, Андижонда социалистик революцияга тайёргарлик кўриш ва уни амалга оширишда ғоят муҳим роль ўйнади.

Фарғона область Советларининг 1917 йил 6—7 декабрда Скобелев шаҳрида бўлиб ўтган VI съезди Фарғона водийсида, жумладан Андижон уездида Совет ҳокимияти ўрнатилишида муҳим роль ўйнади. Съездда 80 га яқин делегат қаторида большевик Ҳ. Хусанбоев Андижон мусулмон Совети вакили сифатида қатнашди. Съезддаги нутқида у эсер ва меньшевикларга, «Қўқон мухториятчи»ларига қарши гапириб, большевик-вакиллар тарафида мустаҳкам турди. Съезд бутун Фарғона

¹ Шамсутдинов Р. Т. Создание и деятельность Советов трудящихся мусульман (по материалам Андижанского муссовдела) // Советские Архивы, 1986. № 6. 55—56-бетлар.

водийсида ҳокимият Советлар қўлига ўтиши зарурлиги тўғрисидаги большевистик резолюцияни қабул қилди.

20 декабрь куни Андижон Советининг умумий йиғилишида жойлардаги ҳокимият тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, уларни Советлар қўлига топшириш ҳақида қарор қабул қилинди. Ана шу революцион ишни амалга оширишда Ҳ. Ҳусанбоев фаол қатнашди.

Фарғона областида миллатлар иши бўйича комиссар бўлиб ишлаган Ҳ. Ҳусанбоев 1918 йил сентябрдан бошлаб республика фавқулодда текшириш комиссияси коллегияси аъзоси сифатида аксилинқилобий кучларни фош этиш, кафандўзликка, саботажчиликка қарши астойдил курашди. Шу йил 28 сентябрда унга берилган гувоҳномада: «Ушбунини кўрсатувчи гражданин Ҳусанбоев Республика Марказий Комитети таъсислаган контрреволюционерлар, чайқовчилар ва кафандўзларга қарши курашиш бўйича Фавқулодда текширув комиссиясининг аъзосидир.

Комиссия аъзосига жамоат ва хусусий муассасаларда ҳамда айрим шахсларни тинтув қилиш, ҳужжатларини кўриш, қамоққа олиш учун чекланмаган ҳуқуқлар берилган...»¹, — дейилганди. ТуркЧКнинг масъул ходими Н. К. Юденич шундай хотирлайди: «Ҳозирда ҳаёт бўлмаган дўстлардан яна бир киши бўлган. Бу Ҳаққул Ҳусанбоев эди. Мен у билан 1919 йили терговчи бўлиб ишлаётганимда танишгандим, шунда у ТуркЧК коллегияси аъзоси эди... Бизга Чиноз бойларининг аксилинқилобий иши тушиб қолди. Бойлар... ўша дамларда жойлардаги ҳокимиятнинг заифлигидан фойдаланиб, камбағалларни талар, жабр-зулм ўтказардилар. Ҳусанбоев бу чигал ишни ҳал қилишга астойдил, виждонан ва ҳалол ёрдам қилди. У эпчил чекист сифатида бойларни қайноқлик билан, қаттиқ кўраолмасди... Ҳусанбоев кўпинча менга қандайдир ҳужжатларни расмийлаштириш учун мурожаат этарди. Мен уни хурсандлик билан бажарардим.

Уз навбатида у ҳам маҳаллий контрреволюциянинг бутун ички сирларини билгани ҳолда менга бажонидил ёрдам қиларди. Биз уни Совет ҳокимиятига содиқлиги учун севардик»². Худди шундай илиқ сўзларни Ҳ. Ҳусанбоев шаънига 1917 йилдан КПСС аъзоси И. И. Ива-

¹ Арипов Р., Мильштейн Н. Из истории органов госбезопасности Узбекистана. — Ташкент, 1967, 57-бет.

² За Советский Туркестан. — Ташкент, Госиздат УзССР, 1963, 589-бет.

нов, 1918 йилдан партия аъзоси В. Д. Богомоловлар ҳам айтгандилар.

1919 йил январида Тошкентда хоин Осипов бошчилигида кўтарилган исёни даф қилишда Ҳ. Ҳусанбсев қўлда қуроқ билан қатнашди. У оқгвардиячилар қўлига вақтинчалик тушиб қаттиқ азоб-қийновларни бошдан кечирган бўлсада, аммо у революция ишига содиқлигича қолиб душман олдида тиз чўкмади, тез орада большевик дўстлари томонидан душманининг аёвсиз сиртмодан озод этилди.

1919 йил бошида мусулмон коммунистлар фракцияси Андижондаги аҳвол тўғрисида марказга ахборот бериш учун А. Урозалиев, М. Олимов, М. Бонтбеков, М. Шарифхўжаев, Ё. Исақуловлардан иборат ўз вакиллари Тошкентга юборди. ТКП ўлка комитети ва РКП(б) ўлка мусулмонлар бюроси уларнинг ахборотини муҳокама қилиб, мусулмон камбағалларни босмачи тўдалардан ажратиб олиб, уларни Совет ҳокимияти томонига жалб этиш йўли билангина Фарғона фронтини тугатиш мумкин, деган хулосага келдилар. Бунинг учун Эргаш, Мадамнибек, Холхўжа қўрбошиларнинг босмачи тўдаларида бўлган барча мусулмон меҳнаткашларига умумий авф эълон қилиш, уларни ихтиёрий равишда Советлар томонига ўтиш, тинч меҳнат билан шугулланишга чақириш, уларга тўла хавфсизликни кафолатлаб бериш ва вайрон бўлган хўжаликларини тиклашда уларга моддий ёрдам бериш каби тадбирлар кўзланган эди. Шунингдек, Советларни, Қизил Армия сафларини бегона элементлардан, провакаторлардан тозалаш, «дашноқ-цютюн»чиларни Фарғона водийсидан ҳайдаш лозим эди.

Бу тадбирларни амалга ошириш учун Туркистон АССР Халқ комиссарлари Советининг раиси К. Е. Сорокин, миллатлар иши бўйича халқ комиссари С. Турсунхўжаев, маориф бўйича халқ комиссари В. И. Билик, РКП(б) Ўлка мусулмон бюроси раиси Т. Рисқулов, Туркистон АССР Марказий Ижроия комитетининг аъзоси Ҳ. Ҳусанбоевлардан иборат комиссия тузилади.

Комиссия Андижонга келгач, ўз фаолиятини бошлаб юборди. 12 майда К. Е. Сорокин раислигида коммунист-мусулмонларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтиб, унда янги шаҳар фракциясидан 164 киши қатнашди. Йиғилишда марказий ҳокимият вакилларининг доклади, мусулмон депутатлари Совети партия дружинасини ташкил қилиш, босмачиларни тугатиш юзасидан белгиланган тадбирлар, область конференциясига делегатлар

сайлаш каби масалалар муҳокама қилинди. Коммунистлар олдида сўзга чиққан К. Е. Сорокин, С. Турсунхўжаев Т. Рисқулов, Ҳ. Хусанбоевлар Андижон уездида юзага келган ҳарбий-сиёсий ҳолатни чуқур таҳлил қилиб партиянинг миллий сиёсатини амалга ошириш, партия ва совет қурилиши соҳаларидаги вазифалар тўғрисида гапирдилар¹.

Комиссиянинг ташаббуси билан 14 май куни эски шаҳар меҳнаткашларининг ўн минг кишилик митинги бўлиб ўтди. Унда ревком президиумига Ҳ. Хусанбоев (ранс), К. Алиев, А. Урозалив, М. Олимов, С. Холботировлар сайланишди. Бу ўз моҳияти билан маҳаллий миллат меҳнаткашлари давлат ҳокимиятининг Андижондаги фавқулодда органи вазифасини бажарувчи миллий ревком эди.

23 май куни К. Е. Сорокин, С. Турсунхўжаев, Ҳ. Хусанбоевлар иштирокидаги мажлисида 160 депутатдан иборат янги сайланган Андижон Советининг состави тасдиқланди. Аъзоларнинг аксарияти туб аҳолининг вакиллари эди. Ижроия комитет ранси этиб И. Г. Смирнов, ранс ўринбосарлари М. Алимов, ижроия комитет аъзолари этиб М. Шанин, В. Ҳасанов, О. Ёқубсаркаров ва бошқалар сайландилар.

Шундай қилиб Андижонда ўша вақтда ўзига хос икки давлат органи — эски шаҳарда ревком, янги шаҳарда Советлар ижроия комитети вужудга келди. Бу ҳолат 1919 йилнинг сентябригача давом этди. К. Е. Сорокин бошчилигидаги комиссия партия сафларини мустаҳкамлаш, босмачиларга қарши кураш, контрреволюцион «дашнакцүтюн» миллий партиясини тор-мор қилишда катта роль ўйнади.

Туркистон фавқулодда комиссияси 1919 йил 16 майда Ҳ. Хусанбоев ранс бўлган Андижон эски шаҳар ревкомининг партия дружинасини қуроллантириш ҳақидаги қарорини кўриб, «ревком ранси Хусанбоев кўрсатмасига мувофиқ 100 кишилик партия дружинасини қуроллантириш ҳарбий бўлим мудирига топширилсин, қуролланганлар сони ҳақида ўртоқ Коноваловга хабар қиллинсин»², деган мазмунда қарор қабул қилди.

Бу масалани 24 майда ҳам ревком қараб чиқади ва ревком ранси Ҳ. Хусанбоев Андижон ижроқўми ҳузу-

¹ Андижон область Давлат архиви, 196-фонд, 2-рўйхат, 180-дело, 189—191-варақлар.

² Уша жойда, 17-варақ.

ридаги ҳарбий бўлимдан 100 кишилик дружина учун қурол-аслаҳа олишга муваффақ бўлади¹.

Қуйида келтирилувчи бир қатор лавҳалар унинг ташкилотчилик фаолиятини кўз ўнгимизда жонли тарзда гавдалантира олади. Мана ревком раиси Ҳ. Ҳусанбоев 13 май куни Жоме масжидида 10 минг кишилик митинг-да қизғин нутқ сўзламоқда. У ўз нутқида партия ва ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсати, миллий сиёсати, босмачилар, дашноқларни тугатиш, аҳоли аҳволини яхшилаш, уларга ҳуррият ва озодлик бахш этиш ҳақида гапирмоқда. Тақдирига қуллик муҳри босилган минглаб қадоқ қўлларнинг тунд чехраларида жилмайиш пайдо бўлиб, шўролар ҳокимиятини чин қалбдан қувватлаш учун қўлларини кўтармоқдалар. Митингда тергов комиссияси ва инқилобий трибунал тузилди, Қамбарали Алиев командирлигида 100 коммунистдан иборат партия дружинаси ташкил этилди.

18 май. Ревком мажлисига Ҳ. Ҳусанбоев раислик қилмоқда. Кун тартибида эски шаҳарни қўриқлаш, партия дружинасига қурол-аслаҳалар топиш, Рўзнохун бойнинг боғини мусодара этиш, эски шаҳардаги муҳтож аҳолига моддий ёрдам кўрсатиш, халқ маорифи бўлимини очиш масалалари. Барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

24 май. Ҳ. Ҳусанбоев ревком мажлисини ўтказиб, партия дружинасини қуроллантириш, босмачилар тўдаларини тугатиш ва лойиҳасини тасдиқлаш, эски шаҳардаги ҳарбий ҳолатни бекор қилиш, эски шаҳарни маъмурий бошқариш тўғрисида, милиция участкалари бошлиқлари, маблағ масаласи, мусулмон клуби учун 2000 сўм ажратиш, Бозорқўрғон қишлоқ Советига Бўтабой Юсуповни раисликка тавсия этиш масалалари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилишга муваффақ бўлади.

Ихтиёримизда Андижон ревкомининг 23, 30 май, 6—12 июнь, 2 июль, 10 август кунларида Ҳ. Ҳусанбоев раислигида ўтказилган мажлис протоколлари. Вақт ўтишидан сарғайиб кетган бу тарихий ҳужжатларда Ҳ. Ҳусанбоевнинг Андижон уездида босмачиларга қарши курашиш, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, аҳолининг иқтисодий аҳволини яхшилаш, партия ва ҳукуматнинг кўрсатмаларини ҳаётга тадбиқ этиш, меҳнаткаш халқни Советлар байроғи остида жипслаштиришдаги ажон-

¹ Уша жойда, 12-варақ.

йиб инқилобий фаолияти гавдаланган. Уларда ўша даврнинг ёрқин манзараси, жўшқин нафаси, кишилар кураши, ҳаёт руҳи яққол тасвирланган.

1919 йилнинг 22 ноябри. Москва. Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг Бутуироссия II съездида ҳал қилувчи овоз билан 71, маслаҳат овоз билан 11 вакил қатнашмоқда. Х. Иброҳимов бошлиқ Туркистон делегацияси составида П. Қобозев, Ф. Отарбоев, Бисеров, Ҳ. Ҳусанбоев, Г. Иванов, Абдуқодир Муҳитдиновлар бор. Минбарга В. И. Ленин кўтарилиб, ҳозирги аҳвол тўғрисида маъруза қила бошлайди. У Шарқ коммунистларига мурожаат қилиб, шундай дейди: «Бу соҳада сизнинг олдингизда бир вазифа, илгари бутун дунё коммунистлари олдида турмаган вазифа туради, бу вазифа шундан иборат: сиз, Европа мамлакатларида бўлмаган алоҳида шаронтга мувофиқ тарзда, умумкоммунистик назарияга ва амалиётга таяниб, бу назария ва амалиётни асосий омма деҳқонлардан иборат бўлган шаронтга, капиталга қарши кураш вазифасини эмас, балки ўрта асрчилик қолдиқларига қарши кураш вазифасини ҳал қилиш керак бўлган шаронтга татбиқ эта билишингиз лозим. Бу вазифа оғир ва алоҳида вазифа бўлса ҳам, лекин жуда ҳам олижаноб вазифадир, чунки ҳали курашда қатнашмаган омма курашга тортилади, иккинчи томондан эса, шарқда коммунистик ячейкалар ташкил қилиниши орқасида, сиз III Интернационал билан мустаҳкам алоқада бўлиш имконига эга бўласиз»¹.

Ленин Шарқ коммунистлари олдига вазифа қилиб: «... ҳар бир мамлакат ичида халқ тушунадиган тилда коммунистик пропаганда юргизиш...», «бошқа мамлакатлардаги барча меҳнаткашларнинг авангарди билан мустаҳкам иттифоқда бўлиш...», «Шарқ халқлари билан алоқа қила билиш...»ни қўяди.

В. И. Лениннинг «Совет» сўзини ҳозир ҳамма тушунади — деган гапи айниқса Ҳ. Ҳусанбоевга кучли таъсир қилди, шунда у хаёлан 1917 йил июнида Андижонда мусулмон меҳнаткаш депутатлари Совети ташкил қилгани, уни башқарганини бир эсга олиб ўтди.

Мазкур съезд ҳақида кейинчалик Ҳ. Ҳусанбоев шундай эслаганди: «... Ҳаётимда унутилмас муҳим воқеа содир бўлди. Мени Совет Шарқи халқларининг коммунистик ташкилотлари II съезидига делегат қилиб сай-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 39-том, 380-бет.

лашди. Делегатлар 1919 йилнинг октябрида Москвага йўл олдилар.

Съездда мен биринчи марта В. И. Ленинни кўришга муяссар бўлдим. Ильич мажлис залига съезд бошлангунча келган эди. Тўпланиб турган делегатлар уни бир зумда ўраб олишди. Мазмунли ва мароқли суҳбат бошланди. Владимир Ильич ҳамма делегатларга алоҳида эътибор бериб, уларнинг ҳар бири билан бирмабир сўрашиб чиқди. У делегатлар сўзини мароқ билан тинглади. Ильич делегатларнинг мамлакат маркази Москвадан олган таассуротларини сўради.

Бу менинг биринчи марта учрашувим бўлса-да, Ильич менда энг қадрдон таниш кишидай самимий таассурот қолдирди. Ҳаммадан ҳам Лениннинг самимий суҳбати, дўстона муомаласи, буюк камтарлиги бизни ҳайратда қолдирди.

Кўнгироқ чалинди. Владимир Ильич дарҳол суҳбатни тўхтатиб президиумга чиқди.

Лениннинг суҳбат давомидаги сўзлари делегатлар руҳини кўтарди. Бир неча нутқдан сўнг сўз Ленинга берилди. У, тахминан, бир соат чамаси гапирди. Ильич, аввало, большевиклар партиясининг Марказий Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети номидан съездда кўриб чиқилиши зарур бўлган масалалар ҳақида батафсил гапирди. Лениннинг нутқи аниқ, равшан ва барча делегатлар учун тушунарли эди.

Ҳамма делегатлар Ленин нутқини зўр эътибор билан тинглашди. Залда жимжитлик ҳукм суларди, ҳатто делегатларнинг нафас олишлари ҳам эшитилиб турарди. Ильич дона-дона қилиб ёқимли сўзларди. Съезд тамом бўлгач, Ильич деярли ҳамма делегатлар билан хайрлашиб чиқди¹.

Туркистон вакилларининг республика партия ва ҳукуматига съезд тўғрисида 1920 йил 28 февралда ёзган ҳисоботида мана бу сатрлар бор: «Съезднинг ишга доир қисми ўртоқ Лениннинг ҳозирги аҳвол ҳақидаги маърузаси билан бошланди. Совет Россиясининг Антантага қарши курашидаги мустаҳкам аҳволини умумий тарзда тасвирлаб, фронтлардаги галабаларни ва Россия ичкарисидаги коммунистик асосда олиб борилаётган совет қурилишининг ижобий томонларини кўрсатиб, ўртоқ Ленин ўз номидан жаҳон уруши майдонида Шарқнинг тутган ролини аниқлаб берди. Шарқ — бу ҳали-

¹ Ҳ. Ҳусанбоев. Тошкентда ва Москвада // «Шарқ Юлдузи», 1960, № 3. 3—17-бетлар.

гача фойдаланилмаган, ўзида туганмас кучни мужас-самлаштирган резервдаги кучдир. Ана шу кучни уйғотиш ва уни империализмга қарши, инглиз капиталига қарши йўналтириш — Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг асосий вазифаларидандир. Ўртоқ Ленин нутқидан сўнг съезд Шарқ коммунистик ташкилотлари Марказий Бюроси ҳисоботини эшитишга киришди»¹.

Қаршимизда Тошкентдан Москвага юборилган мана бу телеграмма тексти: «Москва. Большая Димитровка, 9. Турккомиссия бюросига. Россия Коммунистик партияси Туркистон ўлка комитети хабар қиладики, Бисеров, Иванов, Секиль, Муҳитдинов ва Ҳусанбоев ўртоқлар Россия Коммунистик партияси Бутунроссия конференцияси ва Советларнинг Бутунроссия съезидига вакил қилиб сайландилар»².

Архивда Бутунроссия Советларининг VII съезди делегати Ҳаққул Ҳусанбоевнинг мандат комиссиясига ёзган аризаси ва съезд вакили сифатида тўлдирган анкета қоғози сақланиб қолган.

«РСФСР Советларининг 7 съезди Мандат комиссиясига Туркистон республикаси вакили Ҳаққул Ҳусанбоевдан ариза.

Туркистон республикаси МИК раиси ўртоқ Аппининг 2 декабрдаги радио орқали юборган кўрсатмасига биноан менга ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи билан делегатлик мандатини беришингизни сўрайман.

Москва шаҳри. 1919 йил 4 декабрь Ҳ. Ҳусанбоев»³.

Унга 763 сонли вакиллик билети топширилди. Уша кунни у анкета қоғозини ҳам тўлдирди. Ҳ. Ҳусанбоевнинг ёши 32 да, миллати ўзбек, коммунист-большевик, Туркистон АССР Марказий ижроия комитети номидан вакил қилингани, Тошкент шаҳрида яшаётгани, 12 миллионли Туркистон аҳолиси сайловчиларидан сайлангани ҳамда сайлов Туркистон Конституцияси асосида ўтказилгани, оиласи, икки ўғли ва қизи борлиги, уйда саводини чиқаргани, Туркистон МИК аъзоси ва Туркистон ЧК аъзоси, большевиклар партиясига 1917 йил октябрда Андижонда ўтгани, Андижонда маҳаллий Совет аъзоси бўлгани, 1918 йил Қўқонда контрреволюцион «мухториятчиларга» қарши жангларда иштирок этиб, калтаклангани, 1919 йил январда Тошкентда

¹ МЛН УзФ ПА, 60-фонд, 1-рўйхат, 776-дело, 5-варақ.

² Уша жойда, 83-дело, 14-варақ.

³ СССР Октябрь революцияси МДА, 1235-фонд, 6-рўйхат, 76-дело, 101-варақ.

Осипов исёнини бостиришда қатнашгани, оқ гвардиячилар томонидан бир сутка қамалгани анкетада кўрсатилган.

Советларнинг Бутунроссия VII съезди 5—9 декабрь кунлари бўлиб ўтди. Унинг ишида 1366 делегат ва шу жумладан Туркистондан 17 вакил қатнашди.

Съезд ҳақида вакил Ҳ. Ҳусанбоев шундай эслайди: «... Лениннинг Советларнинг VII съездида сўзлаган нутқи бизда унутилмас таассурот қолдирди. Бутун съезд кучли ҳаяжон билан Ильичнинг пайдо бўлишини кутиб турарди. Уни узоқ давом этган гулдурас қарсақлар, табриклар билан кутиб олдик. Ильичнинг нутқи шундай ўткир ва таъсирли эдики, бизнинг ҳар биримиз ўрни- миздан туриб, жойларда, ўзимизнинг шаҳар ва қишлоқ- ларимизда олиб борилаётган курашлардан сўзлаб бе- ришни, Ленин сўзларининг тўғрилигини жонли мисол- лар билан тасдиқлашни хоҳлар эдик. Ильич нутқини тамомлагач, съезд делегатлари тик туриб уни табрик- лашди.

Замонамизнинг ақл-идроки Коммунистик партиёга асос солган ва уни вояга етказган доҳиймиз В. И. Ле- ниннинг қуёшдек порлоқ чеҳраси, унинг Совет Шарқи меҳнаткашлари манфаати учун олиб борган буюк иш- лари абадий ва унутилмасдир»¹.

В. И. Лениннинг биографик хроникасида 1919 йил 4 декабрь куни В. И. Ленин Туркистон республикаси делегацияси вакилларини қабул қилгани, вакиллар- нинг Туркистоннинг ҳарбий, сиёсий ва хўжалик аҳволи тўғрисида ахборотини эшитгани, Туркистон аҳолиси- нинг миллий состави билан қизикқанлиги, маҳаллий аҳоли—меҳнаткашлар оммаси вакилларида партиёга қабул қилиш тўғрисида маълумот сўрагани, маҳаллий партиа кадрлари тайёрлаш, пахтачиликни ривожланти- риш зарурлигини таъкидлагани айтилган. Суҳбатда дин ҳақидаги масалага ҳам тўхталганди, суҳбат охири- да Ленин барча муҳокама этилган масалалар юзаси- дан докладнома ёзиб беришни илтимос қилгани айтил- ган.

Ана шу учрашув тафсилотини Ҳ. Ҳусанбоев шундай ҳикоя қилганди: «Ильичнинг кабинети, ундаги оддий стол, уйнинг деворларига яқин қилиб қўйилган қатор стуллар ҳамон кўз ўнгимда. Шу пайт рўпарадаги уй- нинг ярим очик эшигига кўзим тушди. Мен бу эшик

¹ Ҳ. Ҳусанбоев. Тошкентда ва Москвада // «Шарқ юлдузи», 1960, № 3. 3—17-бетлар.

орқали Ленин турадиган уйга борилса керак, деб ўйладим. Одеяс билан ёпилган ярим очиқ эшикдан оддий каравот кўриниб турарди. Шу чоқ, Ильич эшикни очди-да, бизни ёзув столи атрофига таклиф этди. Стол атрофидаги стулларга ҳамма ўтира бошлади. Менга стул етмай қолди. Владимир Ильич буни дарҳол пайқади. Ҳаяжонга тушиб қолибман шекилли, ён-веримга қарашга ҳам улгуролмай турган эдим:

— Марҳамат, ўтиринг,—деди Ленин менга стул келтириб қўяр экан.

Кун тартибига ҳарбий масалани қўйган эдик.

Уша пайтда Туркистонда, Фарғона водийсида босмачилар, дашноқларнинг талончилик ҳаракатлари авж олган эди. Улар ўз отрядлари билан қишлоқма-қишлоқ бостириб бориб, деҳқонларни талар ва ўлдираб эдилар. Дашноқлар эса мунофиқлик билан ўзларини «Кизил гвардиячилар» деб аташарди. Уларнинг бу хийланайрангларига баъзи деҳқонлар ишонарди. Дашноқлар босмачилик ҳаракатининг кучайишига ҳам таъсир этган эди. Уларни тамомила қуролсизлантириш муҳим вазифа ҳисобланарди. Биз Москвага жўнашимиз олди-дан дашноқлар ҳаракати асосан тугатилган бўлсада, у яна қайта қўзғалиши мумкинлиги хавфи бор эди. Туркистон ва Фарғонадаги аҳвол билан Ильични хабардор қилишдан мақсад дашноқларга, босмачиларга қарши курашда Марказдан ёрдам сўраш эди. Ленин биздан Туркистондаги коммунистлар ҳақида маълумот беришни сўради ва бизга йўл-йўриқ кўрсатди:

— Сиз коммунистлар дашноқларга нисбатан кучли бўлибгина қолмай, балки барча кураш воситаларига ҳам эгасизлар. Дашноқларни ўзингиз тор-мор келтиришингиз мумкин.

Ильич маҳаллий халқдан қўшин тузишга киришганимизни маъқуллади ва бу қўшинни дашноқ ва босмачиларга қарши курашда зўр куч, деб баҳолади.

Сухбатимизда марказий ўрinni миллий масала эгаллади. Бу масалага В. И. Ленин алоҳида эътибор берган эди. Туркистондаги маҳаллий аҳолининг сон қанча, уларнинг неча проценти партияга кирганлиги, маҳаллий халқнинг социалистик қурилишда қатнашуви ва бошқа масалалар Ильични жиддий қизиқтириб, у биздан бу саволларга тўлиқ маълумот беришни сўради. Биз Туркистонда партия ва совет кадрлари жуда кам эканлигини айтиб, Ильичдан янги ходимлар юборишни илтимос қилдик. Ильич Бутунроссия Марказий ижроия

Комитети Туркистон ишлари бўйича комиссиянинг яқиндагина Туркистонга жўнатилганини айтиб, яна ёрдам беришга ваъда берди. Шу билан бирга Туркистон ишчи-деҳқонлари орасидан маҳаллий партия, совет кадрларини тарбиялаб етиштириш зарурлигини айтиб, бу энг муҳим иш, деб таъкидлади.

Суҳбат давомида Ильич Туркистон давлат университетини ташкил этиш ғоясини илгари сурди. Бизнинг суҳбатимиздан кейин Москвада бу биринчи университетнинг муваққат бошқармаси тузилди. Бизнинг ўлкамизга бир гуруҳ профессорлар юборилди. 1920 йилда Тошкент давлат университети ташкил этилди. Бу В. И. Лениннинг бизга кўрсатган оталарча ғамхўрлиги эди.

Худди шу суҳбатда Ильич Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказиш тўғрисидаги фикрини кун тартибига қўйди. Биз яқин йилларда миллий чегараланиш ўтказиш зарурлиги тўғрисида келишиб олдик. Ленин партиянинг миллий сиёсатини тўғри тушуниш ва оғишмай амалга ошириш кераклигини уқтирди.

Ленин билан қилинган суҳбатда ўртага ташланган навбатдаги масалалар Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг хўжалик ҳаётига доир масалалар эди. Биз Владимир Ильичга империалистик уруш, ҳарбий интервенция, гражданлар уруши оқибатида Туркистон хўжалигида юз берган тушкунлик ҳақида гапириб бердик. Айниқса пахтачилик соҳасидаги қийинчиликлар, ҳосилнинг камайиб кетганлиги ҳақида гапириб, Ильичдан ғалла ва мануфактура ёрдами беришни сўрадик.

— Сизлар, — деди Ильич, — Марказий районларга қараганда ионга бойсиз, мануфактура масаласида, мен талабингизни бажаришга ҳаракат қилиб, зарур тadbирларни кўриб чиқаман. Ленин ваъдасига амал қилди. Делегациямиз икки қисмга бўлиниб, бир қисми Туркистон АССРга жўнаб кетишди, иккинчи қисми Москвада қолиб, пул ва мануфактура ортилган поезд билан Туркистонга йўл олишди. Аммо бахтга қарши, нарсаларни Туркистонга етказиб келаолмадик. Чунки Оренбургда ўғрилар нарсалар ортилган вагонни поезддан ажратиб олиб, уни талон-тарож қилган эдилар.

Ильич Туркистон саноатини тиклаш ҳақидаги ваъдасини ҳам бажарди. Туркистоннинг иккинчи делегацияси 1920 йилнинг июль ойида Москвага бориб, Фарғонадаги ипак-йигирув фабрикасини тиклаш ва кенгайтириш бўйича лойиҳа тузиб қайтдилар. Ленин биз-

га тўқимачилик фабрикаси учун пахта запасларидан фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб берди. Шунда Туркистон бўйлаб йўлларда, қишлоқларда тўп-тўп бўлиб фойдаланилмасдан ётган пахталар эсимизга тушди... Биз Москвага пахта етказиб беришдаги қийинчиликлар ҳақида Ильичга сўзлаб бердик. Ильич ҳар қандай қийинчиликларга қарамай хом ашёсиз тўхтаб қолган Москва тўқимачилик фабрикаларини пахта билан таъминлаб туришни илтимос қилди. Шундан кейин биз бу бесаранжом ҳолда ётган, ероф бўлаётган пахталарни тўплаш ва пахтачиликни ривожлантириш ишига зўраҳамият бериб киришдик.

Биз бу суҳбатда бошқа қатор масалалар ҳақида ҳам фикр олишдик. Жумладан, диннинг зарари хусусида ҳам суҳбатимиз қизиқ кетган эди. Ильич динга қарши пропаганда олиб бориш усулларини бизга ўргатганди.

Бутун суҳбат давомида Ильич ўзи оз сўзлаб, кўпроқ бизларнинг сўзларимизни тинглади. Суҳбат охирида у биздан кўрилган барча масалалар бўйича доклад ёзиб топширишни сўради.

— Оғзингиздан чиққан гапни тутолмайсан киши,— у ҳавога шамолдай ўчиб кетиши мумкин,— деди Ленин, — агар ҳозир меннинг қўлимда ёзиб тайёрланган доклад бўлганда эди, у ҳолда мен бу доклад орқали сизнинг талабингизни Халқ Коммисарлари Советига тақдим этиб, уни муҳокамадан ўтказиб, менга боғлиқ бўлган ёрдамни сизга тезроқ беришим мумкин эди, чунки доклад ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Сўнгра, биз докладни ёзиб, иккинчи марта, агар янглишмасам, Советларнинг VII съезидан кейин Ленин ҳузурига келиб, бу қоғозни унга топширдик.

Ҳозир докладнинг нусхаси қўлимда бўлмаганлиги сабабли унда қайд этилган масалаларни аниқ айтиб бераолмасам-да доклад тахминан Ленин билан биринчи марта учрашганимиздаги суҳбатимизда кўтарилган масалаларни ўз ичига олганини эслайман. Менинча, бизнинг докладимиз Москва архивларида сақланаётган бўлиши керак.

Владимир Ильич докладимизда кўтарилган масалалар ва қўйилган талабларни Совнаркомга топшираман, натижасини бир неча кундан кейин билишга ҳаракат қилинг, деб ваъда берди.

Ленин берган директиваларни ҳаётга татбиқ этиш, Туркистон комсомюсига ёрдам бериш учун Москвада

Бутунроссия Марказий ижроия Комитетининг Туркистон ишлари бўйича Москва бюроси ташкил этилди...»¹.

В. И. Ленин асарлари тўла тўпламида 1919 йил 23 декабрда Туркистон республикаси вакилларини қабул қилганлиги айтилган². Ҳ. Ҳусанбоев ўз эсдалигида 1936 йили шундай ёзган эди: «... 23 декабрь куни биз охириги марта Ленин қабулхонасида бўлдик. Владимир Ильич биздан Москвада вақтин бекорга ўтказиб юриш мумкин эмаслигини, тезда, кечикмай Туркистонга қайтиш кераклигини талаб қилди.

Ильич йўлнинг бекилиб қолиши хавфи бор, деди. Бу сўзни эшитишимиз билан юзларимизда ташвишли ҳаяжон пайдо бўлди. Ленин буни дарров сезиб, бизни кўнглимизни кўтариб, ҳеч қандай хавф-хатар кўзда тутилаётгани йўқ, деди кулимсираб. Ильич қишда Оренбург районидан изғирин аралаш кўчма қалин қор темир йўл ҳаракатини тўхтатиб қўйиши мумкинлигини кўзда тутган эди»³.

Ҳ. Ҳусанбоев эслagan ана шу докладни биз СССР Улуғ Октябрь революцияси Марказий Давлат архивидан топдик. В. И. Ленин, РКП(б) МК номига ёзилган хат 6 варақ бўлиб, унинг тагида: «Туркистон республикаси вакиллари, Бутунроссия Советлари VII съезди делегатлари: П. Кобозев, Х. Иброҳимов, Отарбоев, Бисеров, Ҳусанбоев, Г. Иванов, Муҳитдинов, делегация секретари А. Қинги. 1919 йил 15 декабрь. Москва», — деган сўзлар бор.

Мазкур хатда Туркистоннинг ҳарбий-хўжалик аҳволи ва унга зарур бўлган ёрдам масалаларидан ташқари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг Ўрта Осиёда олиб бораётган миллий сиёсати ҳам қисқача айтиб ўтилган. Хатда халқаро аҳвол, Англиянинг Шарқда ўз таъсирини кенгайтириш, Ўрта Осиёни ҳам забт этишга уринаётган бир шароитда, унга қарши тураолдиган, бутун Ўрта Осиё халқларини бирлаштирган — Туркистоннинг қудратли марказга айланиши, ўз навбатида у Марказий Россия билан мустаҳкам бир бутун халққада бўлиши зарурлигини талаб этмоқда, дейилганди. Бунга эришишда Ленин бошлиқ РКП(б) МК миллатлар-

¹ Ҳ. Ҳусанбоев. Тошкентда ва Москвада // «Шарқ юлдузи», 1960, № 3. 15-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 40-том, 461—462-бетлар.

³ Ҳ. Ҳусанбоев. Тошкентда ва Москвада // «Шарқ юлдузи», 1960, № 3. 13-бет.

ни федерация орқали тўла автономия асосида марказлаштириш, чегараларни секин-аста тугатиш, қўшиб юбориш йўлини белгилаб, Туркистондаги миллатларга нисбатан юмшоқ ва ихчам сиёсат юргизаётгани мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Хатда туркистонликлар Троцкийнинг миллий республикаларда ҳарбий диктатура ўрнатиш йўлини қатъий қоралаб, Шарққа коммунистик ғояни сингдириш ҳақидаги Ленин нуқтаи назарини ёқлаб чиқдилар. Вакиллар, 1918 йилда Туркистон АССР тuzилганлиги ва «Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқлар ҳуқуқлари декларация»си ҳамда РСФСР Конституцияси асосида Туркистон республикаси Конституцияси қабул этилганлиги ва бу тарихий воқеаларнинг маҳаллий аҳоли учун аҳамияти катта бўлганлигини тасвирлайдилар, сепаратчилар билан курашда Туркистон Коммунистлари меҳнаткашлар оммасининг РКП(б) шиори остида, РСФСР ҳукуматининг марказлаштириш ғоялари таянмаси асосида бирлашганлигини баён этдилар. Бу галабага РКП(б)нинг VIII съездида қабул қилинган программасига риоя қилиш туфайлигина эришилди. Программа ғояларини ҳаётга тадбиқ этиб, РКП(б) Туркистон ўлка Комитети ва Марқазий ижроқўми шунга эришдиларки, маҳаллий аҳоли Советлар ва ижроия комитетларга сайланди, бу билан улар ўзларини тўла тенг ҳуқуқли граждандар эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Совет ҳокимиятининг дўсти бўлиб қолдилар. Хатда Туркистонда ҳали амалга оширилиши зарур бўлган масалалар, партия ва совет ташкилотларини маҳаллий аҳолига янада яқинлаштириш, Туркистон ҳукуматининг РСФСР билан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган таклифлар ҳам ўз аксини топганди. Турккомиссиянинг Тошкентда қизғин кутиб олинishi ва унинг партия ва совет қурилишидаги дастлабки қадамлари ҳам баён этилганди. Шу билан бир қаторда шароитни ҳисобга олиш, республикага хўжалик ёрдами кўрсатиш масалалари қўйилганди. «В. И. Ленин докладда баён этилган барча пунктларнинг бажарилишига қўмаклашишга ваъда қилди...» — деб ёзишган эди Туркистон вакиллари республика партия ва ҳукуматига берган ҳисоботларида¹.

¹ МЛН УзФ ПА, 60-фонд, 1-рўйхат, 776-дело, 3-4-варақлар.

Ана шу ҳисоботда Ҳ. Иброҳимов билан П. Кобозев ВСНХдан республика учун қишлоқ хўжалик асбоблари, мануфактура, матбаа жиҳозлари, кўчманчи қирғиз аҳолисига ёрдам бериш учун маблағ олганликлари, буларнинг ҳаммаси билан А. Муҳитдинов поездда Тошкентга жўнатилганлиги ҳам айтилган эди.

Туркистон вакиллари 1920 йилнинг 8 январида поезд билан Тошкент томон йўлга чиқдилар. Улар билан бирга бир группа партия ва совет ходимлари, мутахассис кадрлар ҳам бор эди. 20 январь куни поезд Самарага келганда, кучли қор ва бўрон натижасида темир йўл ишдан чиққанди. Тошкентга келиш мушкуллашган бир вақтда вакиллардан. Ҳ. Ҳусанбоев, Д. Оғарбоевлар Самарадан қўшилган Файзулла Хўжаев билан бирга Туркфронт қўмондонининг поездида 23 январь куни йўлга тушадилар.

Самарада қолганларнинг айримлари тепкили терлама касалига учрайдилар. Улар помидан Ҳ. Иброҳимов 4 февраль куни Тошкентга телеграмма йўллаб, тезлик билан бизни Самарадан олиб кетиш чорасини Турккомиссия орқали кўришлар деб сўради. Шошилиш равишида кўрилган тадбирлар натижасида тез орада вакиллар эсон-омон Тошкентга етиб келдилар.

Ҳ. Ҳусанбоев Туркистон Марказий ижрокоми аъзо-си сифатида ҳукуматнинг 1921 йил июлидаги қарорига мувофиқ Помирга жўнатилди. У бу ерда Советлар ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда фаол иштирок этди. Тез орада Ҳ. Ҳусанбоев Шарқий Помир ревкомига раис этиб сайлангач, қишлоқларда 3 кишидан иборат ревкомлар тузиш, волость ревкомларини сайлаш ишларига бошчилик қилди.

Большевик Ҳ. Ҳусанбоев Ўзбекистон Компартиясининг I съезди, Бутун ўзбек Советларининг I қурултойида делегат сифатида қатнашди ва нутқлар сўзлади. Партия съездида И. А. Зеленский маърузаси юзасидан сўзга чиқиб у партиянинг қишлоқ билан алоқасини мустаҳкамлаш, уни деҳқон оммасига яқинлаштириш, батракларни партия сафига кўплаб қабул қилишни таклиф этди. Шу билан бирга Ҳ. Ҳусанбоев партия ичидаги гуруҳбозларни танқид қилиб, ўз ичида келиша олмаган, ягона фикрга келаолмаган бирон бир партия ғалабага эришаолмайди, шунинг учун ҳам биз гуруҳбозликка қарши курашмоғимиз зарур, деганди. Партия аъзолари ўртасида интизомни яхшилашни гапириб, айрим коммунистлар узоқ жойларга командировкага ёки ишга юбо-

рилганида, бош тортганликлари ҳақидаги фактини келтириб, эндиликда ҳам республиканинг айрим қолоқ районларига кадрлар юбориш пайтида бундай ҳол билан ҳеч бир келишмасликини Ҳ. Ҳусанбоев алоҳида таъкидлайди.

Бутун ўзбек Советларининг I таъсис қурултойида Фарғона хотин-қизлар бўлими номидан сўзга чиққан вакили Алиевага жавоб нутқи айтиб ва ундан байроқни қабул қила туриб Ҳ. Ҳусанбоев шундай деган эди: «Уртоқлар! Советларнинг умумўзбек биринчи қурултойи тарихий воқеадир. Айниқса унинг тарихий аҳамияти яна шунда ифодаланмоқдаки, бугундан эътиборан Шарқ хотин-қизларининг бир қисми бизга ўзларининг талабларини қўймоқдалар. Бугунги кун шунинг учун ҳам саодатлики, эндиликда хотин-қизлар учун маориф ва маданият истиқболига катта йўл очилмоқда.

Бизнинг қурултойимиз хотин-қизларни озод қилишга қаратилган барча тадбир-чораларни олқишлаши ва қувонч билан кутиб олиши зарур. Уртоқлар! Қурултой Шарқнинг барча хотин-қизларининг озод бўлишига умид боғласин...»¹.

Ҳ. Ҳусанбоев Ўзбекистон Компартиясининг II съездида ҳам делегат бўлган ва унда оташин нутқ сўзлаган эди. У съездда 68 кишидан иборат бўлган «кооперация қурилиши бўйича» секция составига киритилганди.

Қаршимизда 1927 йил 11 январда партия рўйхати анкетасига Ҳ. Ҳусанбоевнинг ёзган жавоби. Бу ҳужжатда у Қашқадарё областининг Беҳбудий шаҳрида яшаётгани, 1923—1924 йилларда Еттисув области ишчи деҳқон инспекцияси бошқарувчиси бўлиб, сўнгра Тошкент области кооператив органларида, 1925 йил декабридач Ғузор район қишлоқ хўжалиги союзи раиси бўлиб ишлаётгани ҳақида ёзган².

Ҳ. Ҳусанбоев 1928—1930 йилларда Тошкент областида партия ва совет ташкилотларида масъул лавозимларда ишлади, ер-сув ислоҳоти, коллективлаштиришни ўтказишда фаол қатнашди. 1932 йилдан 1947 йилгача, яъни репрессия қилингунга қадар, ҳозирги Ўзбекистон

¹ Первый съезд Коммунистической партии Узбекистана. Стенографический отчет (6—12 февраля 1925 г.). 131—132-бетлар.

² МЛИ МПА, 17-фонд, 9-рўйхат, 3393-дело, 203-варақ.

халқлари тарихи музейи директори бўлиб ишлади. У 1947 йили қамоқда оғир касалликдан вафот этди. Сталин шахсига сиғиниш қоралангач Х. Хусанбоев ҳам партия томонидан оқланди. Тошкент кўчаларидан бирининг номига қўйилган. Большевик Ҳаққул Хусанбоевнинг порлоқ хотираен янгидан-янги авлодлар қалбида ҳамиша барҳаёт бўлиб қолади.

Р. Т. ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори

**РАҲИМЖОН
РАҲИМБОБОВ**

[1889—1935]

Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳрининг Октябрь массивидаги энг катта кўча — пролетариат доҳийси улуғ Ильич номи билан аталади. Унинг шундоққина ёнидаги кўча эса Р. Раҳимбобов номига қўйилган. Хўш, Р. Раҳимбобов ким ва унга бундай ҳурмат ва эъзоз кўрсатилишининг сабаби нимада?

Раҳимжон Раҳимбобов Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақамлашда фидокорлик кўрсатган, бор билими, кучи ва бутун умрини большевиклар партияси иши учун бағишлаган маҳаллий кадрлардан бири эди. У 1889 йилда Андижон уездининг Хонобод қишлоғида (ҳозирги Советобод шаҳри) туғилди. Пўқсил деҳқон Раҳимбобо отанинг фарзанди Раҳимжон ёшлигиданоқ зийраклиги ва синчковлиги билан ажралиб турарди. У ўтмишда чор-очор деҳқонларнинг мудҳиш аҳволини, муҳтожликларини ўз кўзи билан кўрди. Оилага ёрдам бериш мақсадида чойхонада дастёрлик қилди. Дастлаб эски мактабда ўқиган Раҳимжон 17 ёшида Андижондаги рус-тузем мактабини ҳам битирди.

Хонободдаги пахта тозалаш заводида ишлаётган рус ишчилари билан яқиндан танишганлиги ва тез-тез ҳам-суҳбат бўлиб турганлиги Раҳимжоннинг келажак ҳаёт йўлини белгилаб олишига катта таъсир кўрсатди. Рос-

енияда ва Туркистон ўлкасида бўлаётган революцион воқеалар тўғрисидаги хабарлар унинг ижтимоий-сиёсий активлигини оширишга ёрдам берди.

Ёшлигиданоқ ҳукмрон синф вакилларига қаҳр-ғазаби ортган Раҳимжон чоризмининг ағдариб ташлаанлиги тўғрисидаги хабарни мамнуният билан кутиб олди. У бу вақтда қозихонада ишлар ва камбағаллар аҳволининг ночор эканлигини яхши биларди. Шу сабабли Раҳимжон жойларда бойларга қарши заҳматкаш халқни қўзғатишда ажойиб ишларни амалга оширди. Унинг фаол раҳбарлигида 1917 йили Жалолободда пристав ва унинг атрофидаги эски чор ҳукуматининг барча амалдорлари ишдан бўшатилади. Аҳолининг тинчлиги ва озоқчилигини муҳофаза қилиш учун жамоат хавфсизлиги комитети ташкилотчиларидан бири ҳам Раҳимжон бўлганди.

Туркистондаги кўпгина фидокорлар, каби Раҳимжон ҳам Улуг Октябрь инқилобининг амалга оширишда иштирок этди ва унинг ҳаётбахш гояларини қўлига қурол олиб ҳимоя қилди. Хонобод меҳнаткашлари Раҳимжонни революцион комитет раислигига сайладилар.

Октябрь қуёши ва Ленин партияси зиёсидан баҳра олган ўзбек меҳнаткаш деҳқонлари большевиклар партияси сафига ёзила бошладилар. Раҳимжон ҳам 1918 йил ёзида Андижон уезидан большевиклар партияси сафига аъзо бўлиб кирган 80 кишининг бири эди. Ленин партиясига аъзо бўлиш унинг революция ишига эътиқодини янада мустаҳкамлади, куч-гайратини оширди.

1918 йили буржуазия, руҳонийлар ва бойларнинг «Қўқон мухторияти» тор-мор этилишига қарамай, Фарғона водийсида вазият кескинлашиб борар эди. Ана шундай муракаб шароитда ёш коммунист Раҳимжоннинг ташкилотчилик маҳорати кўзга яққол ташланади. Халқ оmmasига бўлган муомаласи, одамлар қалбига йўл топа билиши унинг шахсий обрўсини оширди. Бу эса Хонободда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда ва большевиклар обрўсини оширишда муҳим омил бўлди. Натижада унинг ташаббуси билан қишлоқ активларидан катта группаси коммунистик партия сафига кирадилар.

Хонобод Совети ижроия комитетининг биринчи раиси этиб сайланган тиниб-тинчимас, толмас курашчи Раҳимжон Раҳимбобоев меҳнаткаш оммани Советлар байроғи остида Октябрь кўрсатган йўлдан етаклади. Бу

ишда унинг ташкилотчилик қобилияти ва раҳбарлик таланти намоён бўлди.

Партия даъватини амалга оширишга астойдил киришган Раҳимжон социалистик революция галабасини кенгайтириш, камбағал деҳқонларни партия ва Совет ҳокимияти теварагига уюштириш, аҳолини очарчиликдан қутқазиб, бойлар қўлидаги ортиқча галлани давлат ихтиёрига олиш, деҳқонларни ер билан таъминлаш каби масалалар билан шугулланди.

1919 йилнинг ёзида партия Раҳимжон Раҳимбобоевни Андижон уезд-шаҳар революцион трибунали аъзоллигига тавсия қилди. Бу вақтга келиб водийда сиёсий ва ҳарбий вазият бениҳоя кескинлашганди. Таҳликали дамлар бошланди. Жалолободда рус қулоқлари ва чор офицерларидан иборат полковник К. Монстров ва генерал Муханов бошчилигида «Деҳқонлар армияси» билан бир ярим мингдан ортиқ йиғити бўлган Мадаминбек бошлиқ босмачилар ҳамда Маҳкам ҳожи ва Холхўжа каби каллакесарлар бирлашиб Фарғона водийсида Совет ҳокимиятига қарши иттифоқ туздилар. Бу эксплуататорлар синфларининг чет эл империализми ёрдамида Совет ҳокимиятига қарши чираниб кўрсатган қуролли ҳуружи эди. Қўп ўтмай аксил-инқилобчиларнинг бирлашган кучлари Фарғона водийсининг анчагина жойларини босиб олдилар. Улар озик-овқат монополиясини бекор қилиб, революцион комитетни, ҳамда унинг бўлим ва трибунални тарқатиб юборишни талаб қилдилар. Улар Жалолобод ва Уш шаҳрини босиб олиб у ерларда Совет ҳокимиятини вақтинча ағдаришга муваффақ бўлдилар.

Контрреволюционерлар ўз олдиларига Андижон уездини қўлга олиб, Тошкентга кириш ва Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини бутунлай барбод қилиш, сўнгра Шарқий фронтдаги Колчак армияси билан қўшилишни мақсад қилиб қўйган бир вақтда Андижон шаҳри Фарғона водийсида совет ҳокимиятининг энг муҳим таянч пункти ва қўргошига айланади. 1919 йил сентябрида Раҳимжон Раҳимбобоев Г. М. Бильдин, М. Олимов, И. Хидиралиев, К. Алиев, А. Шиллер, С. Қосимбеков, А. Исроилов ва бошқа жасур большевиклар билан биргаликда Андижон уезди мудофаасида актив қатнашди. Шаҳар мудофаасига раҳбарлик қилган уезд-шаҳар партия комитетининг раиси Г. М. Бильдин жанглардан бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Уша таҳликали кунларда жасорат ва намуна кўрсатган Революцион трибунал аъзоси

Раҳимжон Раҳимбобоев шаҳар ҳимоячиларини руҳлантириб турди. Туркистон fronti қўшинларининг жанговар қисмлари, ишчилар отрядлари, Закаспий фронтдаги келган Қозоқ терма полки жангчиларининг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида душман тор-мор этилди.

1920 йил баҳорида жойларда совет ҳокимиятининг аппаратларини тузиш ва мустаҳкамлаш учун Раҳимжон Раҳимбобоев Жалолободга юборилади. Бу ерда у ўзбек, қирғиз, рус ва тожик меҳнаткашларини Совет ташкилотлари атрофига жипслаштирди. Айниқса, маҳаллий аҳолидан Қизил Армия сафига аскар олиш ишида жонбозлик кўрсатди. Митинг ва йиғилишларда оташин коммунист кенг тушунтириш ишларини олиб бора, коммунистик партия ва Совет давлатини олқишловчи ажойиб нутқлар сўзларди. Унинг «Совет ҳокимияти ва деҳқонлар»; «Қизил Армия ва меҳнаткаш аҳоли», «Босмачилар кимлар?»,— деган мавзулардаги суҳбатлари ерли аҳоли ўртасида мароқ билан тингланарди.

Р. Раҳимбобоев Андижон революцион комитетининг вакили сифатида Жалолободдаги оқ гвардиячилар қўшинлари бошлиғи полковник Монстровни қўлга тушириш ва қуролсизлантиришда иштирок этди.

1920 йилнинг 15 апрелида Жалолободда Советларнинг съезди бўлиб, Р. Раҳимбобоев Советга раис этиб сайланади. Кейинчалик у Андижон уезд-шаҳар революцион комитетининг бошқарув бўлимига раҳбарлик қилди ва шу Ревком раисига ўринбосар бўлиб ишлади. У шу вақтда Совет ташкилотлари, ревкомлар, коммунистик ячейкалар тузиш, уларни маҳаллий коммунист ходимлар билан мустаҳкамлаш учун жон куйдирди. Жойлардаги ревкомлар фаолиятига раҳбарлик қилди. Бу вақтда Андижон уезди ихтиёридаги 6 район, 13 волость ва 109 қишлоқда ревкомлар актив фаолият кўрсатаётган эди¹. Уларнинг асосий вазифаси халқ оммасини Совет ҳокимияти атрофига жипслаштириш ва босмачиларга қарши курашга сафарбар этишдан иборат эди.

В. И. Лениннинг шахсий кўрсатмасига биноан 1920 йили Туркистонга Қозонда тузилган татар ҳарбий бригадаси юборилади. Бу эса ерлик аҳоли орасида сиёсий ва тарбиявий ишларни активлаштириш имконини оширганди. Бригада штаби Андижонда бўлиб, қўшинлар Фарғона область территориясида гарнизон-гарнизон бў-

¹ Р. Шамсутдинов. Фарғона область революцион комитетлари фаолиятидан // «Коммунист» (Андижон), 1967. 24 октябрь.

либ жойлашган эди. Туркистон фронтининг Революцион-ҳарбий кенгаши ва РКП(б) Турккомиссияси бригада Ҳарбий Советини тузди. Советга босмачиларга қарши курашда кенг ваколатлар берилди. Бригаданинг ҳарбий комиссари Ёқуб Чанишев Совет раиси қилиб тайинланди. Андижон Революцион комитетининг раиси Раҳимжон Раҳимбобоев ҳам Совет составига киритилди. Ушадаврда босмачиларга қарши ҳарбий ва сиёсий тадбирлар олиб боришда Раҳимжон Раҳимбобоев ўзининг ташиқлотчилик қобилияти ва жасурлиги билан эл орасида танилганди.

Генерал-лейтенант Ёқуб Чанишев Раҳимбобоевнинг хотини Омилахон аяга ёзган хатида унинг мардлиги ҳақида шундай ҳикоя қилганди: «Шу оғир кунларда мен Андижон революцион комитетининг раиси Раҳимбобоев билан биргаликда, ҳар кунни ўз ҳаётимизни хавф остига қўйиб, Фарғона областининг энг хавфли ва энг ёвуз кўрбошилари Кўршермат, Холхўжа, Охунжон, Омонлолвон, Акбарали, Қувонбой ва бошқалар билан курашдим. Бригадамиз келганидан кейин уч ой мобайнида Р. Раҳимбобоев босмачиларнинг ўнлаб отрядларини, жумладан Холхўжа, Маҳкамхўжа, Акбарали, Қувонбой ва бошқаларнинг қароргоҳларига бориб, шахсий музқоралар олиб боргандан кейин уларни Совет ҳокимияти томонига олиб ўтди»¹.

Туркфронт қўмондони атоқли Совет саркардаси Михаил Васильевич Фрунзе Р. Раҳимбобоевнинг мана шу жасоратига юқори баҳо берган эди. Р. Раҳимбобоевнинг шахсий архивида 1920 йил 25 май санасида ёзилган мандат сақланиб қолган. Унда фронт қўмондони М. В. Фрунзенинг фармойишига биноан Раҳимжон Раҳимбобоев Охунжон шайқасини дарҳол қуролсизлантириш учун Қорасув, Қўрғонтепа ва Жалолободга юборилаётганлиги кўрсатилган.

Раҳимжон Раҳимбобоев Туркистон ўлкаси Советларининг 1920 йили бўлиб ўтган IX съездида делегат бўлиб қатнашди ва Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетига аъзо этиб сайланди. 1921 йил март ойида Андижон уездида Советларга сайлов компанияси ўтказилиб унда Раҳимжон Раҳимбобоев уезд шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси лавозимига сайланади.

1921 йил сентябрь ойида босмачиларнинг ёвуз ҳара-

¹ Мангу барҳаёт сиймолар. Тошкент: Ўзбекистон, 1968, 439—440-бетлар.

катлари нйҳоят даражада кучайиб кетганлиги сабабли Советлар ҳамда уларнинг ижроня комитетлари учун осойишта ишлашга имкон бўлмай қолади. Шунинг учун ҳам яна ревкомлар тузилиб, Раҳимжон Раҳимбобоев Андижон уезд-шаҳар революцион комитетига раис этиб тайинланди. Ревком составига Ш. Бадриддинов, А. Исроилов ва бошқалар киритилганди.

Ревкомларнинг жанговар фаолияти янада қизгин тус олаётган бу даврда, яъни 1921 йил 11 ноябрда Фаргона область революцион комитетига йўллаган хатида Р. Раҳимбобоев уезднинг барча районларида коммунистлар бошчилигида босмачи галаларига қарши мардонавор кураш олиб борилаётганлигини ёзганди. Раҳимбобоев уезд-шаҳар ревкомига бош булиб, Совет ҳокимияти душманларига қарши курашни уюштириш, маҳаллий меҳнаткашларни Қизил Армия сафига жалб қилиш, хўжалик ва меҳнат ресурсларини сафарбар этиш ишларида қатнашди. Унинг Туркистон Марказий Ижроня Комитетига ёзган ҳисоботномасида кўрсатилишича, кейинги олти ой ичида уездда босмачиларга қарши 124 операция ўтказилиб, каллакесарлардан 706 та милтиқ, 3798 патрон, 166 револьвер, 69 қилич, 269 от тортиб олинди, 32 қўрбоши ва 603 босмачи «йигитлар» қўлга олинганди¹.

1921 йилнинг декабрида Раҳимжон Раҳимбобоевнинг ҳаётида ҳаяжонли воқеа юз берди. У ишчи-деҳқон ва Қизил Аскар депутатлари Советларининг IX Бутунроссия съездида ҳал қилувчи овоз билан делегат бўлиб иштирок этди, ҳамда буюк Ленинни кўрди ва унинг сўзларини тинглади. Владимир Ильичнинг съездидаги оташин нутқи ҳамма ҳамма делегатлар қатори Раҳимжонга ҳам янги куч ва фаоллик бағишлади. Лениннинг «...хушёр бўлингиз, мамлакатимизнинг ва Қизил Армиямизнинг мудофаа қобилиятини кўз қорачиғидек сақлангиз...» деган сўзлари Раҳимбобоевнинг кейинги иш фаолияти асосини ташкил этди.

Биринчи татар бригадасининг комиссари Ё. Чанишевнинг хотирлашича ўша йилларда революцион комитетнинг раиси большевик Р. Раҳимбобоев жуда актив иш олиб борган. У маҳаллий халқ ҳаётини, миллий урф-одатларни, деҳқонларнинг кайфиятини босмачиларнинг аҳволини яхши билган. Муҳим сиёсий масалаларни жа-

¹ Андижон область Давлат архиви, 90-фонд, 1-рўйхат, 140-дело, 22—25-варақлар.

вобгарликни ҳис қилган ҳолда бошқа арбоблар билан бамаслаҳат ҳал этган.

1922—1923 йилларда Фарғона водийсида, жумладан Андижон уездида ҳам босмачиларга қарши кураш ва уларни тугатишда маҳаллий кишилардан тузилган кўнгилли жанговар отрядлар билан бир қаторда милиция отрядларининг мардонавор кураши муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам жойларда уларга маҳаллий аҳоли вакилларида кўпроқ жалб этишга эътибор кучайтирилган эди. Р. Раҳимбобоев халқ милицияси сафини ўстиришда ва уни сиёсий ҳамда ҳарбий жиҳатдан чиқиштиришда кенг миқёсда ташкилий ва тарбиявий ишларни олиб борди.

Р. Раҳимбобоев тез орада бутун Фарғона водийсига босмачилик ҳаракатини тугатиш ташаббускорларидан бири сифатида танилди. У кейинчалик Фарғона область революцион комитетининг масъул котиби ва бошқарув бўлимининг мудирин бўлиб ишлади. У бу даврда Ўш, Наманган, Қўқон, Хўжаид, Андижон ва бошқа жойларда тез-тез бўлиб, у ерлардаги Совет ҳокимиятининг маҳаллий органларини тиклаш ва мустаҳкамлашга катта ёрдам берганди.

Фарғона область партия комитетининг 1923 йил 14 январдаги тавсиясига биноан Р. Раҳимбобоев Марғилон уезд шаҳар революцион комитетига раис қилиб тайинланади. Шу йилнинг эрта баҳорида эса партия уни Қўқон шаҳрига юборди. У бу ерда ҳам революцион комитетнинг раиси сифатида босмачиларга қарши кураш, Совет ҳокимиятининг маҳаллий органларини тузиш ва мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни янги замон ғояларини амалга оширишга сафарбар этиш каби ўша даврнинг энг муҳим вазифаларини большевикларга хос тадбиркорлик билан бажарди.

Раҳимжон Раҳимбобоевнинг 1923 йил март ойининг бошларида Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг масъул секретари М. С. Эпштейн ва Туркистон Марказий Ижрокоми раиси И. Хидиралиева ёзган ахборотномасида ўша даврнинг мураккаб вазиятлари ўз аксини топган. Унинг ёзишича Қўқон уездида 5 район, 23 волост ва 112 қишлоқ бўлиб, буларнинг барчасида Советлар ва ревкомлар қизғин инқилобий ишларни олиб борган. Уезд шаҳар революцион комитети эса уларга яқиндан раҳбарлик қилиб, кундалик фаолиятини кучайтириб борган. Қўқон уездида сон жиҳатдан жуда кўп бўлган Ислом ва Қорабой қўрбошилар

бошлиқ босмачилар тўдаси Совет ҳокимиятига қарши ёвузликларни авж олдирган. Қўқон революцион комитети Қўқон меҳнаткашларини бу каллакесарларга қарши оммавий оёққа тургазган ва бу курашда дастлабки самараларни қўлга киритган эди.

«Аҳолининг Коммунистик ячейка ҳамда фирқа аъзоларига нисбатан муносабати кейинги пайтларда гоятда яхшиланди,— дейилади ахборотномада.— Босмачиларга қарши жангдан кейин меҳнаткашлар коммунистик ячейкаларга моддий ёрдам кўрсатдилар. Энг асосий камчилик маҳаллий тилдаги адабиётларнинг бўлмаслигидир. Барча қишлоқ партия ячейкаларига саводсизликни тугатиш тўғрисида махсус топшириқлар берилди. Партия ячейкаларининг сони 10 тага етди, партия аъзолари 110, кандидатлар сони 110, шулардан 175 киши маълумотли, 47 киши маълумотсиз, 34 киши ишчилар, 121 киши деҳқонлар, 24 киши хизматчилар ва бошқалардир»¹.

Большевик Раҳимжон Раҳимбобоевнинг оловли йиллардаги кўрсатган ажойиб жасоратлари, зўр ташкилотчилик қобилияти ва халқ орасидаги обрў-эътибори жуда улкан эди. Фарғона область партия комитетининг раиси Х. Бурнашев ўз ҳисобот докладыда коммунист Раҳимбобоевни халқ жуда ҳурмат қилганлиги ҳақида тўхталиб, гоят ибратли бир воқеани келтиради. Айрим тушунмовчиликларга кўра ўша оловли йилларда Раҳимжон Раҳимбобоев партия сафидан чиқарилади. Бундан хабар топган Андижон шаҳридаги барча маҳаллаларнинг аҳолиси оммавий норозилик билдириб уезд шаҳар партия комитетига келган ва уни партия сафидан чиқармаслигини талаб қилган эди. Халқнинг талабига асосан принципал большевик Раҳимжон Раҳимбобоев зудлик билан партиёга тикланади.

Бутуниттифоқ оқсоқоли Михаил Иванович Калинин томонидан имзоланган яна бир ҳужжат ҳам гоятда характерлидир. «Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети Президиуми ўртоқ Р. Раҳимбобоевни Туркистонда босмачиларга қарши курашда кўрсатган қаҳрамонлиги учун тақдирлаб, 1923 йил 8 октябрдаги мажлисида унга Бутуниттифоқ Советларининг Марказий Ижроия Коми-

¹ Шамсутдинов Р., Турсунов Н. К вопросу создания партийных организаций в селах, кишлаках и посёлках Ферганской области (1918—1923 гг. // Тезисы докладов IX научно-теоретической конференции профессорско-преподавательского коллектива АГПИ, посвященной 50-летию Советского государства. Андижан, 1967, 9—11-варақлар.

тети номидан ташаккур билдиришга қарор қилди»,¹— дейилади унда.

Фаргона область қўшинлар қўмондонлигининг 1924 йил 29 февралда Р. Раҳимбобоевга берган гувоҳнома-сида ушбу сўзларни ўқиймиз: «Фаргона область босмачиларини тугатиш ишида 5 йил узлуксиз фидокорона ишлаганлиги ва бу иш тўла ғалаба билан яқунланган-лиги учун Р. Раҳимбобоев 1922 йил кузида Ҳаққулобод районида Наманган қўрбошиси Мақсуд пенсотдан тор-тиб олинган ва ҳозирги вақтда унинг қўлида бўлган 20903 сонли маузер тўппончаси 100 дона ўқи билан унинг хизматлари эвазига мукофот тариқасида умрбод фойдаланиш учун берилади»².

Бутуниттифоқ Марказий Ижроня Комитети 1925 йил 25 январда Р. Раҳимбобоевни жанговар Қизил байроқ ордени билан мукофотлаш масаласини қараб чиқди. Мазкур масала Революцион ҳарбий кенгаш муҳокама-сига киритилади. 1925 йил 2 февралда революцион ҳар-бий кенгаш раиси М. В. Фрунзе Раҳимжон Раҳимбобо-евга қўйидаги мазмундаги хатин йўллайди: «Революци-он ҳарбий кенгаш Бутуниттифоқ Марказий Ижроня Комитетининг ваколатига биноан ишчи-деҳқон Қизил Ар-миясининг жангчиси, Қўқон уезд шаҳар ижрокомининг раиси Р. Раҳимбобоевни унинг Фаргона областидаги босмачилар ҳаракатини тугатиш вақтида социалистик Ватан душманларига қарши олиб борилган жангларда жасорат кўрсатганлиги учун жаҳон социалистик рево-люциясининг тимсоли бўлган Қизил Байроқ ордени би-лан мукофотлашга қарор қилди»³.

1925 йил 5 апрелида Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитети ва республика ҳукуматининг аъзоси Раҳимжон Раҳимбобоев Совет ҳокимиятини мустаҳкам-лаш ва босмачилар қолдиқларини тугатиш учун тузил-ган ва Бухорога юборилаётган комиссияга раис қилиб тайинланади. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроня Коми-тетининг раиси Йўлдош Охунбобоев имзолаган мандат-да: «Ушбун кўрсатувчи Р. Раҳимбобоев Зарафшон об-ласть Вобкент районига шу районда Совет ишини йўл-га қўйиш ва жойларда Совет аппаратидаги барча нуқ-сон ва камчиликларни бартараф қилиш тадбирларини кўрувчи комиссиянинг раиси қилиб юборилмоқда. Совет ҳокимиятининг барча органларига ўртоқ Раҳимбобоев

¹ Мангу барҳаёт сиймолар, 445-бет.

² Ҷша жойда.

³ Мангу барҳаёт сиймолар, 445-бет.

ўз зиммасидаги вазифаларни бажараётган вақтида унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш таклиф қилинади»¹ деган сўзлар ёзилганди.

Вобкентлик нуроний қарияларнинг хотирлашларича Раҳимжон Раҳимбобоев Ўзбекистон партия-ҳукумати томонидан ўзига топширилган вазифаларни бажаришда большевикларга хос принципиаллик ва хушмуомалалик намуналарини кўрсатган. У меҳнаткашлар билан тез тил топган ва уларнинг талаб ва истакларига катта эътибор билан қараган.

Раҳимжон Раҳимбобоев 1924—1928 йилларда Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги коллегияси аъзоси ва маъмурий бўлим бошлиғи, сўнгра комиссар ўринбосари бўлиб ишлайди. Бу масъул лавозимда ишлаш билан бирга у 1926 йили Тошкент областида ер-сув ислоҳоти ўтказиш комиссиясига, 1927 йили эса собиқ Зарафшон область ер-сув ислоҳоти ўтказиш комиссиясига раислик қилиб, деҳқонларни ер ва сув билан таъминлашга бош бўлди ва халқ орасида янада катта обрў-эътибор қозонди.

Раҳимжон Раҳимбобоев 1928 йили СССР Марказий Ижроия Комитети қарорига биноан Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Шунингдек, у партия томонидан юкланган вазифаларни аъло даражада бажарганлиги учун бир неча бор Фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди.

Ленинча кооператив планини амалга оширишга киришган партия бу вазифани бажаришга кўпгина ҳаётий тажрибага эга бўлган, сиёсий жиҳатдан чиниққан, революцион кураш оловларида тобланган партия кадрларини жалб этди. Раҳимжон Раҳимбобоев ҳам ер ишлари халқ комиссариати коллегияси аъзолигига киришди. У умрининг охиригача социалистик хўжаликни тиклаш, колхоз тузилишини ташкилий ва хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш ишларида астойдил меҳнат қилди. У республика ички ишлар министрлигининг ва унинг жойлардаги органларининг фаолиятини кучайтириш, кадрларини тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшди.

Раҳимжон Раҳимбобоев 1923—1930 йилларда сурункасига аввал Туркистон, кейин Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитетининг аъзоси бўлиб сайланди. Республикада улкан партиявий-ташкилий ва сиёсий ишларни олиб борди.

¹ Мангу барҳаёт сиймолар, 445-бет.

Бутун куч-гайратини, ақл-заковатини Совет ҳокимия-
тини қуриш, мустақкамлаш ва унинг мудофаа қудратини
оширишга, Ўзбекистонда социализм таанасига бағиш-
лаган фидокор ва жасур большевик, қўш орден нишон-
дори Раҳимжон Раҳимбобоев 1935 йилда 46 ёшида ва-
фот этди. Унинг ўлими ўзбек халқи, республика партия
ташкилоти учун огир жудалик бўлди. 17 июнь куни Ўз-
бекистон ҳукумати аъзолари томонидан марказий газе-
таларда эълон қилинган таъзияларда букилмас прода
эгаси, қатъиятли коммунист Раҳимжон Раҳимбобоев-
нинг партия ва халқ олдидаги улкан хизматларига му-
носиб баҳо берилган. «Ўртоқ Раҳимбобоев партия
топширигини ҳаминша шараф билан бажарди. У ҳормай-
толмай, ўз кучини аямай Совет Ўзбекистонини мустақ-
камлаш ишига, социалистик қишлоқ хўжалигининг рав-
нақи ва ривожлантириш ишига бағишлади. Ўртоқ
Раҳимбобоев Раҳимжон социализм ишига содиқ, инти-
зомли, ҳушёр, самимий ўртоқ эди. У ўз орқасидан омма-
ни эргаштира олар эди»¹.

Доҳий Ленинни кўриш ва унинг оташин нутқини
эшитиш бахтига муяссар бўлган андижонлик ленинчи
большевик Раҳимжон Раҳимбобоевнинг шонли кураш
ва жанговар ҳаёт йўли ана шундай ўтганди. Унинг иб-
ратли ҳаёти қайта қуриш тобора актив амалга ошири-
лаётган бугунги кунда ёш авлодни пролетар интернаци-
онализи ва революцион жанговарлик руҳида тарбия-
лашда муҳим роль ўйнайди.

Унинг турмуш ўртоғи Омилахон Раҳимбобоева Тош-
кент шаҳридаги пойабзал фабрикасида узоқ йиллар да-
вомида фидокорона меҳнат қилди. У 1971 йили вафот
этди. Уларнинг тўртта фарзандлари бўлиб, катта қизи
Зухра узоқ йиллар партия ва Совет органларида раҳ-
барлик лавозимларида, сўнгра дипломатия ишларида
меҳнат қилди. Кичиги Тоҳира Ўзбекистон ССР Фанлар
академияси тарих институтида, тўнғич ўғиллари Ёдгор
Москвадаги атом энергияси институтида, кичиги — Пўлат
отаси нздан бориб ҳарбий лавозимда хизмат қил-
моқда.

Андижон шаҳридаги янги кўчалардан бири Раҳим-
жон Раҳимбобоев номи билан аталган.

Р. Т. ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори

¹ «Қизил Ўзбекистон», 1935, 17 июль.

**ДМИТРИЙ СЕМЕНОВИЧ
УРЮПИН**

[1883—1937]

Ўзининг фидокорлиги, партия ишига содиқлиги билан мамлакатимиз тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин олган большевистик арбоблардан бири Дмитрий Семенович Урюпин эди. Айниқса Андижон области меҳнат-кашлари учун бу ном мўътабар ва азиздир. Чунки у биринчи бўлиб Андижонда большевиклар группасига асос солган ва унинг раиси бўлган, бу ерда Советлар ҳокимиятини ўрнатиш чоғида эса Андижон ишчи, солдат ва мусулмон депутатлари Советининг раиси ҳам эди.

Бутун Фарғона водийси каби Андижонда ҳам Совет ҳокимиятини ўрнатиш Фарғона область Советларининг 1917 йил 6—7 декабрда бўлиб ўтган съезди билан бевосита боғлиқ бўлди. Съездда большевикларнинг меньшевиклар, эсерлар билан шиддатли олишувлари натижасида ҳокимиятнинг Советлар қўлига ўтиши ҳақида қарор қабул қилинганди. Андижондан борган вакиллар съездда ғоят фаоллик кўрсатиб, большевиклар ғалабасини таъминлашда муҳим роль ўйнадилар.

Улар орасида ишчи ва солдат депутатлари Советидан Поляк, Казак, Бризгайлов, Данешевский, Бородавкин, Урюпин, «Беш-бош» заводидан Кондураков, Бистров, Андижон мусулмон ишчи ва чорикорлар депутатлари Советидан Хаққул Ҳусанбоев, Турғунбой Мавлонхожиев, Алибобо Хўжаев, Раҳимбек Тўланбоев, Мирзатилла Исматуллабоев, Муҳаммадjon Ниёзохуновлар бор эди. Делегат большевиклардан Д. С. Урюпин, Хаққул Ҳусанбоев, Бородавкинлар съезднинг бутун иши давомида актив қатнашдилар.

Съездда большевистик позицияда қатъий туриб, бутун ҳокимиятнинг Советлар қўлига ўтиши учун матонат кўрсатганлардан бири Андижон вакили Д. С. Урюпин эди. У 1883 йили Тамбов губернаси Новотомников во-

лостида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Шароит оғир бўлишига қарамай қишлоқ мактабининг 3 синфини битказди. 12 ёшидан дурадгорлик, 17 ёшидан эса капитлистлар корхоналарида ёлланма ишчи бўлиб меҳнат қилган, Д. С. Урюпин 9 йил махфий, яширин ўзига хос сиёсий, маърифий ишда, 6 йил марксистик тўғарақда қатнашган эди.

1922 йилда ўтказилган РКП(б) аъзоларини Бутуироссия рўйхатига олиш варақасида Д. С. Урюпин 1906 йилдан большевик, 3 марта сиёсий стачкаларда, 3 марта сиёсий намоёнлиқларда, 5 марта нолегал маёвқа ва митингларда, 1 марта қуролли қўзғолонда қатнашганлиги, яширин партиявий иш учун қамоқ жазосига ҳукм этилиб, 3,5 йил қамоқда бўлгани, 1 марта турмадан қочган деб кўрсатилган.

Биринчи рус революцияси мағлубиятидан сўнг авж олган реакция йилларида ҳам Д. С. Урюпин революцион ҳаракатни давом эттирганди. У 1908 йилда Владивостокда бўлган матрос ва ишчиларнинг қўзғолонида қатнашиб Манжуриядаги революцион ҳаракатда иштирок этганди. Полиция таъқибидан Тамбов губернасига қочган ва бу ерда ҳам революцион ҳаракатда қатнашгани учун ҳибсга олиниб 2 йил қамоқ жазосини ўтаганди. 1915 йилда Д. С. Урюпин чор армияси сафига қақирлади ва 218-полкда оддий аскар сифатида Туркия frontiда жангларда қатнашди. 1917 йил июнь-ноябрида Д. С. Урюпин Тифлис шаҳрида жойлашган запасдаги полк ротасида большевистик ячейка тузгач олдин полк комитетига сайланган ва сўнгра район комитети аъзоси бўлганди. Тифлис шаҳридаги ҳарбий қисмларда большевикларнинг таъсири анча кучли эди. Айниқса Д. С. Урюпин хизмат қилган 218-запасдаги пиёдалар полки шаҳардаги ҳарбий қисмлар орасида ўзининг инқилобий, большевистик руҳи билан ажралиб турарди.

1917 йил декабрида Д. С. Урюпин Андижонга келиб большевистик ташкилот ишини изга солади. Коллектив раҳбарликни таъминлаш учун бюро ташкил этилган бўлиб, ташкилот аъзолари империалистик урушни тугатиш учун агитация ишларини кучайтириб юбордилар. Шундай қилиб, Андижон партия ташкилоти Совет ҳокимиятини ўрнатиш арафасида кўзга кўринган профессионал-революционер, яширин иш олиб бориш ва ташкилий ишда катта тажрибага эга бўлган, синфий жангларда чиниққан Д. С. Урюпиндек раҳбарига эга

эди. Бу ҳолат шаҳарда қон тўқмасдан Совет ҳокимиятини ўрнатишни таъминловчи муҳим омиллардан бири бўлди. Ғалабадан сўнг Д. С. Урюпин Андижон Советининг раиси қилиб сайланади.

Революциядан кейин Андижонда большевиклардан ташқари, эсерлар, меньшевиклар, «Дашноқутюн» номи арман буржуа-миллатчи ташкилотлари мавжуд эди. Шаҳарда айниқса ўтакетган мутаассиб М. Н. Орда бошлиқ эсерлар группаси катта таъсирга эга бўлиб, большевиклар билан гоҳ яширин, гоҳ ошкора кескин кураш олиб борарди. Д. С. Урюпин раислик қилган Андижон Совети президиуми составида ўша оғир йилларда большевик Романовдан ташқари сўл эсерлардан Бризгайлов, Гросман, С. Тўхтабеков, меньшевик Измайлов, большевиклар партиясига нопок йўл билан кириб, кейинчалик сотқинлик йўлига ўтган Зарубинскийлар бор эдилар.

Шаҳарда мавжуд бўлган кўплаб буржуа миллатчи, диний ташкилотлар ҳали тўла мустақамланмаган Совет ҳокимиятига қарши бузғунчилик ишларини олиб бораётган мураккаб вазиятда Д. С. Урюпин бошлиқ Андижон Совети социалистик ўзгаришларга, революцион тартиб ўрнатишга, меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя этишга бевосита бошчилик қилганди.

1918 йил баҳорида Туркистонда кенг ёйилган очарчилик Андижонда ҳам ҳукм сурарди. Д. С. Урюпиннинг 26 мартда Тошкентга йўллаган телеграммасида: «Андижон шаҳрида очарчилик, ҳар куни юзлаб киши очликдан ҳалок бўлмоқда, очлик оқибатида тепкили терлама ва бошқа эпидемик касалликлар авж олмоқда.

Ишсизлар оқими катта, иш йўқ. Гражданларни юз берган аҳвол билан кенгроқ таништирмақ керак. Газеталарда, мажлисларда, союзларда бу ҳақда хабар беришингизни илтимос қиламиз»¹,— деган сўзлар бор эди.

Андижон Совети очларни озиқ-овқат билан таъминлашда кескин чоралар кўрди. Бу ишни амалга ошириш учун махсус комитет тузилиб, ғалла тайёрлаш учун ўз вакилларини ўлка ва уезд районларига юборди. Савдогарлар ва чайқовчиларнинг маҳсулотларини тортиб олиб, бой ва капиталистларга контрибуция солди, ҳамда очлар учун бепул ошхоналар очди.

Туркистон халқ Комиссарлар Советининг раиси

¹ Шамсутдинов Р. Человек негибемой воли // «Андижанская правда». 1986, 16 апрель.

Ф. Колесов ва Д. С. Урюпини кўрсатмаларига мувофиқ Андижон миллионери Миркомил Мирмўминбоев очлар учун 3 вагон ғаллани беришдан қатъиян бош тортди, яширин равишда чиритиб юборгани учун 1918 йил мартда отиб ташланди. Андижоннинг бошқа бир миллионери Аҳмадбек Ҳожи Темирбеков қилган жиноятдан қўрқиб Қашқарга қочиб кетди.

Бу сингари революцион тadbирлар синфий душман дидига ёқмасди. Ёт унсурлар Советларга қарши курашда Д. С. Урюпиннинг обрўйини тўкишга жон-жаҳди билан интилардилар. Фитналар натижасида реакцион кучлар 1918 йил апрели охирида Д. С. Урюпинни шаҳар партия комитети ва Совет составидан чиқаришга эришдилар. Бироқ у озиқ-овқат комитетининг раиси бўлиб ишлагач, тез орада адолат тантана қилди ва у большевиклар партияси Андижон комитетига яна сайланди.

1918 йил кузида Қизил Армия сафига коммунистларнинг 25 проценти сафарбар қилиниши муносабати билан Д. С. Урюпин ҳам душманга қарши курашиш учун фронтга отланди. У партия дружинаси сафида бўлиб, сиёсий ходим сифатида босмачиларга қарши жангларда фаол қатнашди.

РКП(б) Андижон группасининг 1918 йил декабрда бўлиб ўтган кенгашида Д. С. Урюпин Туркистон Компартияси II съезидига делегат қилиб сайланди. 17—29 декабрда ўтказилган бу съезд Туркистон Компартиясини ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш бўйича конкрет программа билан қуроллантириб, республика мудрофаасини кучайтириш, меҳнаткаш омма орасида партиявий-сиёсий ишларни яхшилаш йўлларини кўрсатиб берди. Делегат Д. С. Урюпин Андижонга қайтгач съезд кўрсатмаларини амалга ошириш борасида катта ташкилотчилик ишларини бошлаб юборди.

Фарғона водийсида босмачилар ҳаракати ҳали ҳам давом этаётган бўлиб, уларга қарши Д. С. Урюпин матонат кўрсатиб жанг қилди. Ярадор бўлишига, ревматизм касали билан оғриб, кўричаги операция қилинишига ва кўзи вақтинча кўрмай қолишига қарамасдан у Советлар ҳокимияти учун фидойилик билан астойдил курашди.

1919 йил майида у Андижон уезд-шаҳар Советига сайланди, аини вақтда уезд-шаҳар ишчи ва мастеровойлари касаба союзлари аъзоси ҳам бўлди. 21 майда эса уни коммунистларнинг умумий йиғилишида уезд-шаҳар революцион трибунал раиси қилиб сайлайдилар.

Андижон уезд-шаҳар революцион трибунали раиси сифатида ишлаш билан бирга Д. С. Урюпин кенг омма орасида моҳир пропагандист, лектор, В. И. Ленин ғояларининг эҳтиросли тарғиботчиси сифатида ҳам танилганди. Унинг 1920 йил 23 январида Андижон эски шаҳар коппон бозорида 700 дан ортиқ киши қатнашган митингдаги Шарқ халқларининг озодлиги учун курашда Совет Шарқининг аҳамияти таъкидланган В. И. Лениннинг Шарқ халқлари тарихий тақдирида социалистик революциянинг ўйнаган роли ҳақидаги сўзлари келтирилган нутқи тингловчилар қалбида чуқур из қолдирганди. 27 февралда эса у ана шундай эҳтиросли сўзларни Андижон тўқимачилик фабрикасида Қизил Армия ҳақида лекция ўқиганда ҳам айтганди.

1920 йил охиридан Д. С. Урюпин Андижон уезд-шаҳар революцион комитетида инструкторлик бўлимини бошқарди. Сўнгра 1921 йил августидан 1922 йил мартгача уезд-шаҳар халқ хўжалиги раиси бўлиб хизмат қилди.

1922 йил сентябрида Д. С. Урюпин РКП(б) Марказий Комитети ихтиёрига чақириб олинади. Шу муносабат билан унга Андижон уезд-шаҳар комитети масъул котиби Чураков имзоси билан берилган характеристикада, у кекса коммунист, партия ва совет ишини биладиган, айниқса иқтисодий-молиявий органларда фойдаланиладиган ходим сифатида таърифланган. Марказий Комитет топшириғи билан Тамбов губерния комитетига ишга юборилган Д. С. Урюпин 1923—1925 йилларда Моршанск шаҳрида ишлади.

1926 йил ноябрдан Андижонга қайтиб келган Д. С. Урюпин шаҳарда уй-жой қуриш кооперацияси раиси лавозимида хизмат қилди ва уезд-шаҳар партия комитети аъзоси, Андижон Советига депутат этиб сайланди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, Андижон уезди округга айлангач, 1927 йил мартада ўтказилган биринчи партия конференцияси делегатлари рўйхатининг бошида Д. С. Урюпин кўрсатилган¹. Бу эса унинг обрўси шаҳар коммунистлари орасида баланд бўлганлигидан дарак берарди.

1927 йил сентябрида у қаттиқ бетоблиги сабабли она юрти Тамбов губернаси Новотомник волостидаги Кня-

¹ Андижон область партия архиви, 93-фонд, 1-рўйхат, 129-дело, 175-варақ.

жево қишлоғига кетди. Соғлиги бироз яхшилангач у Кубан округи Брюховец районидан хизмат қилди.

Д. С. Урюпиннинг кейинги йиллардаги фаолияти ҳақида тўлароқ маълумотлар йўқ. Новотомник ва Княжево қишлоғидаги қарияларнинг эслашича унинг 7 ака-укаси бўлган. Аммо уларнинг биронтаси ўз қишлоғида яшамаган. Охири марта Д. С. Урюпин ўз қишлоғига ота-оналарини дафи этиш учун келган экан.

Д. С. Урюпин ҳаёти фожиали тугалланди. Андижон шаҳар партия комитетининг 1937 йилги бюро қарорларидан аниқланишича у Брюховецкий районидан Андижонга чақриб олиниб репрессия қилинган. Шу йил 1 октябрида шаҳар партия комитети бўлими мудирини Л. З. Дашинская, 31 октябрда эса пахта тозалаш заводи партия ташкилоти секретари Филатовлар партиядан ўчирилган бўлиб, уларга троцкийчи Урюпин, Лобанов, Шадьяковская ва бошқалар билан алоқаси бўлган деган айблар қўйилганди.

Д. С. Урюпин билан бирга хизматда бўлган, ундан таҳсил, тажриба ўрганган 1918 йилдан КПСС аъзоси, ҳозирда ҳам ҳаёт, Андижоннинг фахрий граждани Мухтор Олимов, 1919 йилдан партия аъзоси Асқар Акбаров, 1919 йилдан партия аъзоси, марҳум П. В. Дамин-Зубовлар уни Андижон большевикларининг сардори эди, тўла маънода коммунист-интернационалист деб баҳолагандилар. Ҳа, у чиндан ҳам 1917—1918 йилларда Андижонда большевиклар сардори эди. Унинг барҳаёт сиймоси авлодлар хотирасида мангу сақланиб қолади.

Р. Т. ШАМСУТДИНОВ,

тарих фанлари доктори

НАЖИБ ҲУСАИНОВ

(1885—1937)

Туркистон ўлкасида Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташкил топишида фаол қатнашган инқилобчилардан бири Нажиб Ҳусайновдир. У ўз ҳаётини революция ишига ва халқлар озодлиги учун курашга бағишлади.

Нажиб Ҳусайнов 1885 йилда Қозон губернасининг Мамадиш уездидаги Сартик қишлоғида, деҳқон оиласида дунёга келди. У ёшлигиданоқ революцион ҳаракатга қўшилиб, 1905—1907 йилларда Қозон губернасида бўлган революцион воқеаларда фаол қатнашди. Ана шу қизғин кунларда у халқни озодлик учун курашга чорловчи варақаларни чоп этиш ва тарқатиш ишларини бажарди.

1907 йилда Нажиб Ҳусайнов Қозондаги мусулмон олий мактабини тугатди. 1910 йилда у Ўрта Осиёга келиб Янги Бухородаги заводлардан бирида хизматчи бўлиб ишлай бошлади. 1911—1914 йилларда эса, шу ердаги темир йўл станциясида ишчи бўлиб ишлади. Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан, Нажиб Ҳусайнов фронтга жўнатилади. У Шарқий фронтдаги ҳарбий ҳаракатларда қатнашиб, айни вақтда жангчилар орасида революцион ташвиқот олиб борди.

1916 йилда фронтдан қайтиб келган Н. Ҳусайнов Когон темир йўлида ишлашни давом эттиради. Февраль

революцияси галабасидан сўнг, Нажиб Хусаинов большевиклар партияси сафига қабул қилинади. Темир йўл ишчилари унга катта ишонч билдириб Янги Бухоро ишчи-солдат депутатлари Советининг Муваққат ижроия Комитетига аъзо қилиб сайлашади. Н. Хусаинов, П. Г. Полторацкий ва бошқалар бу Советда большевиклар фракциясини ташкил қилишди. Бироқ Россия сиёсий агентлиги сақланиб қолган, Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитетидаги меньшевик ва эсерларга таянган ҳолда иш кўраётган Бухородаги аксилниқилобчи кучлар большевиклар таъсирини йўққа чиқаришга жонжаҳди билан ҳаракат қилардилар. Шу туфайли, жадидлар ва большевиклар томонидан амир салтанатига қарши уюштирилган ҳаракатлар тез орада кутилган натижани бермади. Бу борада, амирнинг айёрлиги билан эълон қилинган манифест ҳам революцион ҳаракатларни анчагина сусайтириб юборди.

Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг галабаси ва Туркистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши революцион ҳаракатларнинг Бухоро амирлиги қайтадан авж олишига ҳамда тарқалишига кенг имконият яратиб берди.

Феодал муносабатлар ҳукмрон бўлган амирликда, энди шаклланиб келаётган буржуазия вакиллари ва жадид маърифатчилари бўлган «Еш бухороликлар» партияси 1917 йилнинг 6 декабрида Тошкентга ўз вакилларини юбориб, халқ номидан Туркистон Халқ Комиссарлари Советига мурожаат қилди ва амир зулмига қарши курашда ёрдам беришларини сўради.

Орадан сал кам уч ой ўтгач, Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси Ф. И. Колесов кичик бир қўшин билан Янги Бухорога келди ва ёш бухороликлар билан бирга 1918 йилнинг 18 мартда Эски Бухорога ҳужум қилди. Амирликдаги сиёсий аҳволни яхши ўрганмай туриб қилинган бу ҳаракат мағлубиятга учради ва Бухорода реакциянинг кучайиб кетишига сабаб бўлди. Натижада «ёш бухороликлар», большевиклар ва барча революцион руҳдаги кишилар Совет Туркистонига қочиб кетишди.

Тошкентга келган муҳожир инқилобчилар орасида Нажиб Хусаинов ҳам бор эди. Бу ерда у бир гуруҳ бухоролик революционерлар — Азимжон Ёқубов, Абдурашид Миркомиллов, Аваз Абдусаматов, Ёдгор Абдурахмонов, Қора Овулов, Ҳасан Алиевлар билан биргаликда барча революционер ва демократларни Бухоро ком-

мунистларининг ягона партиясига бирлаштиришга киришади. Натижада, 1918 йилнинг 25 сентябрида Тошкентда ўтказилган умумий йиғилишда Бухоро коммунистик партиясига асос солинди. Унинг Марказий Комитетига Нажиб Ҳусайнов ҳам сайланди.

Бухоро коммунистик партиясининг ташкил топиши Бухоро амирлигида феодал тузумга қарши курашнинг кучайишида катта аҳамиятга эга бўлди. Тез орада Марказий Комитет Нажиб Ҳусайновни Янги Бухорога ишга юборади. У амир лашкарлари ва кенг омма орасида яширин ҳолатда революцион ташвиқот олиб борди.

1919 йилнинг 26—27 июлида Тошкентда Бухоро коммунистик партиясининг II съезди бўлиб ўтди. Унда Нажиб Ҳусайнов партия Марказий Комитети фаолияти ва ташкилий масала юзасидан нутқлар сўзлади. У ўзининг биринчи нутқида Марказий Комитет ишига баҳо бераётиб, партиядagi А. Бурхонов бошчилигидаги ўнг буржуа-реформистик группанинг фаолиятини кескин қоралади. Съездда асосан профессионал революционер-коммунистлардан иборат Марказий Комитетнинг янги состави ташкил этилиб Нажиб Ҳусайнов эса унга раис этиб сайланди¹.

Съезддан сўнг, коммунистлар Бухорода халқ оммаси орасида ўз фаолиятини янада фаоллаштириб юборишди. Революцион ишни янада кучайтириш мақсадида 1919 йилнинг охирида Марказий Комитетнинг «Тоғ» журнали чоп этила бошланди. Унинг редколлегия аъзолари орасида Нажиб Ҳусайнов ҳам бўлиб, газета ишида актив иштирок этди.

Бухоро Компартияси фаолиятида амирликка қарашли, аммо рус ҳарбий қўшинлари турган шаҳарлардаги аҳоли орасида сиёсий ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор берилганди.

1919 йилнинг 29 июлида Туркистон Компартиясининг Марказий Комитети ўзининг мажлисида Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитетининг масъул котиби Нажиб Ҳусайновнинг «Бухородаги революцион ҳаракат» ва «Ёш бухороликлар» коммунистик ташкилотининг революцион фаолияти тўғрисида ахборотини тинглади ва муҳокама қилди. Ахборотда қайд этилганидек, Бухоро коммунистларининг революцион фаолияти кучайиши туфайли, меҳнаткашларнинг барча қатлам-

¹ Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. — Ташкент: Узбекистан, 1974, 119-бет.

лари ва амир лашкарлари орасида революцион кайфият ўсиб бораётган эди. Шунинг ҳисобига олган ҳолда, Туркистон Компартияси Марказий Комитети Бухоро Коммунистик партиясининг фаолияти РКП(б) программаси вазибаларига мос тушишини таъкидлади ва унга тегишли ёрдам кўрсатишга ваъда берди.

1919 йилнинг декабрь ойида Тошкентда Бухоро Коммунистик партиясининг III съезди бўлиб ўтди. Унда Нажиб Хусанов Марказий Комитетнинг иши тўғрисида ҳисобот берди. Партиянинг омма орасидаги революцион ишларида сезиларли ўзгаришлар мавжудлиги билан бир қаторда, баъзи жойларда тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳали ҳам суст олиб борилаётганлиги таъкидланди. Бу камчиликларни йўқотиш мақсадида ҳар бир маҳаллий партия ташкилотида тарғибот ва ташвиқот бўлинмаларини ташкил қилиш лозим деб топилди. Бошқа муҳим муаммоларни ҳал қилиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилгач, съезд Марказий Комитетнинг Нажиб Хусанов бошчилигидаги янги составини сайлади.

Съезд қарори билан партиянинг кенг оммага таъсирини кучайтириш мақсадида маҳаллий аҳоли тилида «Қутулиш» газетаси чоп этила бошлади. Газетанинг масъул муҳаррири бўлган Нажиб Хусанов, ўзининг мақолалари билан халқ оммаси орасида революцион кайфиятни кучайтиришга ўз ҳиссасини қўшди.

Марказий Комитет раҳбари сифатида амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Н. Хусанов Бухоро амирлигининг кўпгина шаҳарларини кезиб чиқди. Бу сафари ҳақида у 1920 йилнинг 26 апрелида Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитетининг мажлисида батафсил ҳисобот берди.

Бухорода революцион вазият етилиб келаётганлиги муносабати билан амир салтанатига қарши халқ оммасининг ҳаракатига раҳбарлик қилмоқ учун 1920 йил 24 июнда махсус ҳарбий революцион бюро тузилган эди. Унга РКП(б) Туркистон комиссиясининг аъзолари В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе, Бухоро Коммунистик партиясининг масъул котиби Н. Хусанов, «Ёш бухоролик инқилобчилар» партияси Марказий бюросининг раиси Ф. Хўжаев, Шарқда интернационал пропаганда Советининг раиси К. Ф. Геллер ва Туркистон Компартияси Муваққат Марказий Комитети масъул котиби Н. Тўрақуловлар киритилган эди. Бюро аъзолари томонидан сиёсий ташвиқот ва тарғибот ишлари билан бир

қаторда, амир ҳукмронлигига қарши қуроли қўзғолонни тайёрлаш учун бир қанча тadbирлар амалга оширилди.

Революцион ҳаракатнинг ҳал қилувчи босқичида — 1920 йилнинг 16 августида Чоржўйда Бухоро Компартияси IV съездининг очилиши муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Съездда Нажиб Ҳусайнов Марказий Комитетнинг иши тўғрисида ҳисобот берди ва Бухорода революцион вазиятнинг етилганлигини таъкидлади. Съезд барча демократик ва революцион кучларнинг манфаатини қўзлаган ҳолда Бухоро Коммунистик партияси ҳамда ёш бухороликлар революцион партиясининг бирлаштирилиши мақсадга мувофиқ деб топилди. Шунингдек, съезд, қуроли қўзғолонни тайёрлашнинг программаси сифатида «Бухородаги революция тўғрисида» деб номланган резолюция қабул қилди. Съездда 11 кишидан иборат Марказий Комитетга яна Нажиб Ҳусайнов маъсул котиб этиб сайланди.

Революция арафасида бўлиб ўтган бу съезд Бухоро халқининг озодлик ҳаракатида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг охири мажлисида меҳнаткаш халқнинг революцион активлиги кун сайин ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, қуроли қўзғолонни амалга ошириш учун партия маркази тузилди. Унга В. В. Қуйбишев, Ф. Ҳўжаев ва Н. Ҳусайновлар киритилди.

Съезддан сўнг Файзулла Ҳўжаев ва Нажиб Ҳусайнов бошчилигидаги Бухоро инқилобчилари делегацияси Тошкентга келди ва РКП(б) МҚ Туркистон комиссияси, Туркистон Компартиясидан биродарлик ёрдамни кўрсатишни сўради. Ҳал қилувчи шароитда бу мадад беқийёс даражада муҳим аҳамият касб этарди.

1920 йилнинг 28 августида Бухоро революционер-коммунистларининг кўнгилли отрядлари, қўзғолон кўтарган халқ билан бирга Чоржўйнинг эски шаҳар қисмини эгалладилар. Нажиб Ҳусайнов қўлига қурол олиб революцион жангларда фаол қатнашди. Қўзғолонга раҳбарлик қилиш билан бир қаторда, у Бухоро революционерларидан ташкил топган Шарқий полкда комиссарлик вазифасини ҳам бажарди.

Революцион кучларнинг бирлашган ҳаракатлари натижасида Эски Бухоро қалъаси эгалланиб, амир ҳокимияти ағдариб ташланди. Бу ғалабани таъминлашда Туркфронт қўшинларининг мадади, революцион марказ раҳбарлари, жумладан, Нажиб Ҳусайновнинг хизматлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1920 йилнинг 14 сентябрида бўлиб ўтган Бутунбухоро меҳнаткашларининг қурултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил этилганлиги эълон қилиниб, Файзулла Хўжаев бошчилигида Халқ Нозирлар Совети ташкил қилинди. Янги ҳукумат составига кирган Нажиб Хусановга Давлат Контроли Нозирлигига раислик вазифаси юкланди.

Бухородаги революция халқ-демократик босқичида эkanлигини тушунмаган Нажиб Хусанов «революцияни чуқурлаштириш» борасидаги хато йўлни тутиб, дарҳол уни социалистик босқичга ўтказишни таклиф қилди. Бухоро Компартияси Марказий Комитети ва Турккомиссия аъзоларининг тушунтиришларидан сўнг ва амалга оширилаётган тадбирлар таъсирида Нажиб Хусанов ўз хатосини англади. 1920 йилнинг октябрида Бухоро Коммунистик партияси ва ёш бухоролик революционерлар партияси Марказий Комитетининг масъул котиблигидан ўз хоҳиши билан бўшайди.

Шунга қарамадан, Нажиб Хусанов партия ва ҳукумат ташкилотларида фаол ишлашни давом эттирди. У Шарқий Бухорода босмачилик ҳаракатига қарши курашда мардлик намуналарини кўрсатди. Туркистон fronti Ҳарбий Революцион Советининг топшириғига биноан, Нажиб Хусанов 1921 йилда Шарқий Бухородаги босмачилар орасида яширин ташвиқот олиб боради ва қатор босмачи тўдаларининг тарқатиб юборилишига эришади. Айниқса, қўрбоши Мақсуд Хўжанинг 150 йингити Совет ҳокимияти томонига ўтишида унинг хизмати катта бўлди¹.

Кейинги йилларда Нажиб Хусанов Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРнинг партия ва ҳукумат ташкилотларида фаол иш олиб борди. Жумладан, у Сирдарё область партия комитетида агитация ва пропаганда бўлими бошлиғининг муовини, Тошкент эски шаҳар райони партия комитетида агитация ва пропаганда бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилди. 1925—1926 йилларда Нажиб Хусанов «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида партия ҳаёти бўлимига мудирлик қилди. Ҳаётни яхши билгани ва журналист сифатида юксак қобилиятга эга бўлганлиги туфайли, унинг газета саҳифаларида босилиб чиққан мақолалари аҳоли орасида катта қизиқиш уйғотган эди.

¹ МЛН ЎзФ ПА, 60-фонд, 2-рўйхат, 297-дело, 233-варақ.

1927—1928 йилларда Н. Хусанов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида инструктор, 1928—1930 йилларда эса Ўзбекистон давлат нашриётида ижтимоий-иқтисодий адабиёт бўлимининг муҳаррири лавозимларида ишлади.

1930 йилда у ўз Ватанига қайтиб, 1932 йилгача Татаристон АССР Сарман районида партия Назорат комиссияси ва Ишчи-Деҳқон инспекцияси раиси вазифаларини бажарди.

Оташнинг революционер, жўшқин коммунист, омманинг моҳир ташкилотчиси — Нажиб Хусанов шахсга сиғиниш қурбони бўлди. У ўзининг бутун куч ва ғайратини партия, халқ ишига бағишлаган фидойи инсонлардан эди.

Ленинча-большевик ва интернационалист — Нажиб Хусановнинг номи Урта Осиё халқлари тарихида ўчмас из қолдирди.

Р. И. УМУРЗОҚОВА,

ТошДавМИ ўқитувчиси

КАРИМ ҲАКИМОВ

[1892—1938]

30-йилларнинг охирида ҳалок бўлган революционерлар авлодиниинг бахтиёр онларини ва фожиали тақдирларини акс эттирувчи бу олижаноб инсоннинг ҳаёт йўли жуда ажойиб, сермазмун ва ибратли эди. Карим Ҳакимов салкам қирқ олти йил яшаб, даҳшатли 1938 йилда орамиздан мангуликка кетди. Ҳозирда Сталин шахсига сиғиниш йиллари деб аталаётган даврда номлари партия ва мамлакатимиз тарихи ва варақларидан ўчириб ташланган кўпдан-кўп кишилар сингари унинг номи исиз йўқолиб кетиши мумкин эди. Аммо ҳайриятки, унинг ташқи қиёфаси, ички дунёсини тушунишга имкон берадиган хотиралар, хатлар, ҳужжатлар, фотосуратлар сақланиб қолган.

СССР Ташқи ишлар министрлиги архивида сақланаётган таржимаи ҳолида у бундай деб ёзади:

«Мен Уфа губернаси Белебеевск уездидаги Дюсянево қишлоғида 1892 йил 28 ноябрда камбағал деҳқон оиласида туғилганман»¹. Унинг болалик йиллари қийинчиликда ўтди: оиладаги саккиз жоннинг атиги уч десятина ери, битта сигири ва битта оти бор эди. Ўзлари етиш-

¹ К. Ҳакимовнинг таржимаи ҳоли ва фаолиятига оид асосий маълумотлар СССР Ташқи ишлар министрлиги архивида сақланган шахсий делосидан олинган.

тирган галла кўпга етмас эди, уни сотиб олишга, кўпинча эса ёзда ишлаб бериш шарти билан қарзга олишга тўғри келар эди. Кўплаб камбағаллар болалари сингари Карим ҳам тириклик учун қўшни қишлоқларда батраклик қилиб юрди. Айни чоғда қишлоқ мактабига қатнаб ўқиш-ёзишни ўрганиб олди.

Каримнинг болалик йиллари биринчи рус революциясининг бошланишига тўғри келди. Революция аксайдоси узоқ Дюсянево қишлоғигача етиб борди. Дехқонлар оқсоқолга, полицияга итоат этишдан тобора кўпроқ бош торта бошладилар. Зийрак бола ҳаётга диққат-этибор билан қарайди, теварак-атрофда содир бўлаётган воқеалар устида ўйлайди. Оиласида тирикчилик тобора қийинлашади. Қурғоқчилик бўлиб очлик ҳукм сурган 1906 йил август кунларидан бирида эрта билан Карим қишлоқни тарк этиб Оренбургга йўл олади.

Қ. Ҳакимовнинг таржиман ҳолидан «...биз яшаб турган районда ҳосилсизлик юз берганлиги сабабли мен қишлоқни тарк этдим ва иш ахтариб пиёда Оренбургга етиб келдим. Шу пайтдан этиборан қишлоқ хўжалигидан тортиб то кон саноатигача хўжалик ҳаётининг турли соҳаларида ёлланиб ишлай бошладим. Бутун 1906 йил бўйи Оренбургда қоровуллик қилдим».

Карим ярим оч ҳолда тирикчилик ўтказиб, кечқурунлари мустақил ўқишга, рус тилини чуқур ўрганишга ҳаракат қилди.

Карим пул йиғиб, 1907 йил кузда мадрасага ўқишга кирди. Тез орада пули тугаб, бой ўқувчиларга хизматкор бўлиб ёлланади: уларга самовар қўяр, идиш-товоғи ва кирларини ювиб берар эди. Бунинг эвазига уларнинг дастурхонида қолган овқатлар билан тамадди қилишига рухсат этилганди. Бироқ, мадрасадаги ўқитиш системаси уни тобора камроқ қаноатлантиради. Карим чуқурроқ билим олишни истарди, ваҳоланки унга асосан тушунарсиз оятларни қуруқ ёдлаб олишга тўғри келарди.

1911 йил баҳорда у Ўрта Осиёга жўнаб кетади. Қуёшли ўлка уни нохуш кутиб олди. Бу ернинг табиати иссиқ бўлгани билан энг муҳим нарса — иш йўқ эди. Аҳвол эса худди ўз юртидагидек: халқ қашшоқликда яшайди, бир ҳовуч бой ва амалдорлар эса унинг ҳисобидан майшат қилади. Карим ўзини ташвишлантирган — нима учун дунё шу қадар адолатсиз тузилган? — деган саволга жавоб ахтарди, лекин топа олмади. Узоқ вақт сарсон-саргардонликдан кейин у Конибодом кўмир ко-

нига қора ишчи бўлиб жойлашишга муваффақ бўлди. Бу ерда кўпгина сиёсий сургун қилинганлар ишлар эди. Улардан бири бўлиши ишчи Ковалевскийдан Карим синфий тенгензликнинг сабаблари ва синфий кураш олиб бориш зарурлиги тўғрисидаги фикрларни биринчи марта эшитади. Тез орада улар қалин дўст бўлиб қоладилар ва Ковалевский Карим Ҳакимовга ўзи билан бирга ишчилар орасида тарғибот олиб боришни таклиф қилади. Бироқ, у суҳбатдан нарига ўтмайди. Ковалевский изчил революционер эмас, К. Ҳакимов эса на назарий билимларга, на революцион кураш тажрибасига эга эди. Шунга қарамай, унинг фаолияти пинҳон қолмади, тез орада уни ишдан бўшатиб юбордилар. Унинг мадрасада олган билими қўл келиб қолди: кўмир кони яқинидаги қишлоқлардан бирида хонаки ўқитувчи бўлиб ёлланади. Бироқ бир неча ойдан кейин шахта маъмуриятининг талабига биноан Каримни революцион пропаганда олиб борганликда айблаб ҳибсга оладилар ва қишлоқда яшаш ҳуқуқидан маҳрум этиб, Қўқонга сургун қиладилар.

1918 йил баҳорида Каримни армияга чақирадилар. Ўзи билан бир полкда хизмат қилаётганлар орасидан у шахтада ишлаб турган вақтда танишган кишиларини учратиб қолади. Ҳакимов дўстлари билан биргаликда солдатлар орасида ташвиқот олиб бориш учун тўғарак ташкил қилишга ҳаракат қилади. Аммо айтулик муваффақиятга эришолмайди. Тўғарак узоқ вақт ишламайди.

К. Ҳакимов ўз хотираларида ҳарбий хизматда таниш шахтёрлардан тўғарак ташкил қилдик, бу тўғарак урушга қарши қарашларни тарғиб қилди ва тегишли ташвиқот олиб боришга интилди. Тўғарак тузилганлиги қўмондонликка маълум бўлиб қолди: рота командирининг оиласи орқали менга маълум бўлишича, полк командирининг буйруғи билан менинг устимдан яширни назорат ўрнатилган экан, деб ёзганди.

1914 йил. Империалистик уруш бошланди. Карим қўрқоқлардан эмасди. У фронтдан қўрқмасди, лекин бемаъни урушда подшо учун ўзини қурбон қилиб беҳуда ўлиб кетишни сира ҳам истамасди. Ўзини бедаво сил касали қилиб кўрсатиб, ҳарбий хизматдан озод бўлишга муваффақ бўлади. Ҳатто «касал» йўлда ўлиб қоғудай бўлса, унга қараш учун кузатиб борувчи ҳам тайинлайдилар. Карим дилида врачлар устидан кулиб, сентябрь ойида Тошкентни тарк этади ва уйига қайтиб келади. У темир йўл қурилишига ишчи бўлиб жойлашади,

лекин тез орада иш ташлашнинг ташаббускорларидан бири сифатида уни қамоққа оладидлар ва Сибирга, Томскка сургун қиладилар.

Узоқ вақтлардан бери сиёсий маҳбусларнинг сургун жойи бўлиб қолган Томскда революцион ҳаракатда сезиларли роль ўйнаган кўнгина кишилар бор эди. К. Ҳакимовнинг автобиографиясидан: «Менинг ёшлигимда ҳам, кейинроқ ҳам босиб ўтган йўлим шундай бўлдики, мен Россиянинг йирик ишчи марказларида бўлолмадим, зарур сиёсий тарбия ололмадим, шу сабабли сиёсий ишни мақсадга мувофиқ олиб бориш имкониятидан маҳрум бўлиб қолдим. Бундай имконият фақат 1915 йилда Томскка келиб, социал-демократлар билан танишганимдан кейин пайдо бўлди».

Томскда у ўзининг бошқа азалий орзусини ҳам амалга оширишга муваффақ бўлди: гимназияга экстери тарзда имтиҳон топширди. Томск университетининг революционер студентлари таъсири остида К. Ҳакимов сиёсий адабиёт ўқий бошлади.

1917 йил февралда Чор самодержавияси ағдарилди. РСДРП Томск комитети очиқ ишлашга ўтади. Большевиклар К. Ҳакимовга татар ишчилар ва студентлар орасида тарғибот олиб боришни топширадилар. У оммага Муваққат ҳукуматнинг реакцион сиёсатини тушунтиради, халққа қарши босқинчилик урушини давом эттираётганлигини ишонарли қилиб фош этади. Дастлабки сиёсий тажрибани орттиргач, К. Ҳакимов май ойида Оренбург губернасига қайтиб келади. У революцион кураш олиб бориш учун она юртига қайтади.

1917 йил октябрда Муваққат ҳукумат ағдарилди. Бироқ, ҳали ҳамма ерда Совет ҳокимияти ўрнатилмаган эди. Мамлакатнинг чекка ўлкаларида шиддатли синфий жанглар борарди. Оренбург губернасида ҳам шундай жанглар бўлаётган эди. Бу ерда ҳокимиятни атаман Дутов эгаллаб олиб, уни Оренбург ва Урал оқ казакларининг марказига айлантирган эди. У Туркистонни Совет Россиясидан ажратиб қўйиб, марказни пахтадан, ёш республикани ҳарбий ва сиёсий ёрдамдан маҳрум қилиб қўйган эди. Дутов ўз мавқеини маҳкамлаб олиш мақсадида мусулмон миллатчиларни Совет ҳокимиятига қарши курашга мойил қилиш учун ҳийла-найранг ишлатиш йўлига ўтади.

Меҳнаткаш мусулмонлар оммаси учун кураш Оренбург большевикларининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолган эди.

1917 йил ноябрда татар буржуазиясининг миллатчи туруқларидан бири кўпгина солдат ва граждандар шахслар иштирокида митинг ташкил қилади. Нотиқлар биринкетин минбарга чиқиб, мусулмонларни Совет ҳокимиятини тан олмасликка даъват этадилар. Митинг миллатчиларга гўё жуда қўл келгандек туюларди: уларга қарши чиқишга ҳеч ким журъат этолмаётганди. Лекин тўсатдан уларнинг режаларини остин-устун қилиб юборган воқеа юз берди. К. Ҳакимов ҳақидаги хотираларида бу воқеа хусусида шундай ҳикоя қилинади: «...Олдинги қатордан кенг яғринли, юзлари бироз чўтир, қора кўзлари чақнаб турган солдат шинелидаги бир ёш йигит минбарга кўтарилди. Унинг нутқи мазмунини жиҳатидан ҳам одатдагидек эмас эди. Аввало у нутқини «Ўртоқлар!», деган сўз билан бошлади. Бу сўз ўша маҳалда эндигина ишлатила бошлаган эди. У ўзигача сўзга чиққан нотиқлар ишлатган диний сўзларни ишлатмади ва худога мурожаат этмади. Митингда ҳозир бўлган муллалар, офицерлар, буржуа зиёлиларининг вакиллари ҳайрон бўлиб қолдилар. Номаълум ёш йигит большевиклар империалистик урушга, миллий зулмга қарши эканликлари тўғрисида, улар ерни деҳқонларга ва меҳнаткаш казакларга, завод ва фабрикаларни ишчиларга бериш тарафдори эканликлари тўғрисида гапирган эди. Нотиқ нутқини Совет ҳокимиятини тан олишга ва Оренбург губернасида Совет ҳокимияти ўрнатишга чақирик билан тугатди. У йигит Карим Ҳакимов эди». Кейинчалик бу менинг кўпчиликлари олдида биринчи чиқишим эди, деб хотирлайди унинг ўзи. Митингдан кейин дарҳол К. Ҳакимов нолегал ишлашга ўтишга мажбур бўлди. У ўша пайтда маҳаллий аҳолининг тили ва урф-одатларини биладиган кадрларга айниқса қаттиқ муҳтож бўлган большевик ташкилотда ишлашга киришди. Уни Дутов армиясидаги мусулмон солдатлар орасида тушунтириш ишлари олиб боришга юбордилар. Оғир шароитда ишлашга тўғри келади. Атаманинг контрразведкаси солдатларни қаттиқ кузатиб борарди. Бироқ бу ёрдам бермади. Агитаторлар олиб борган ташвиқот таъсирида солдатларнинг бир қисми ҳал қилувчи жанглар пайтида ўз овулларига тарқаб кетдилар, қолганлари эса Совет ҳокимияти томонига ўтдилар. 1918 йил январда Дутов исёни бостирилди, Оренбургда Ҳарбий-революцион комитет ва губернани бошқариш учун 11 та комиссарлик тузилди. Халқ маорифи билан шуғулланувчи комиссарликка Карим Ҳакимов бошчилик қилди. Ҳамма

нарсани бошдан бошлашга тўғри келди — чунки илгари шунга ўхшаш ишлар бўлмаган эди. Ҳақимов комиссарлик ашаратини тузиш билан фаол шуғулланди, ҳужжатларни ишлаб чиқди. У динни давлатдан, мактабни черков ва мачитдан ажратиш тўғрисидаги декретни амалга оширишга ҳаракат қилди. Бу иш осон эмас эди. Мактабларнинг аксар кўпчилиги руҳонийлар назорати остида эди. Шунинг учун Карим Ҳақимов янги ўқитувчилар тайёрлаш, программа ва дарсликлар ишлаб чиқиш, педагогик курслар очишга ҳаракат қилди. У босмаҳоналар, газеталар ташкил қилишда иштирок этади. «Безработный», «Богатырь», «Молодой» деган тахаллуслар билан матбуотда фаол қатнашди.

1918 йил апрель. К. Ҳақимов большевиклар партияси сафига киради. Бу қадам унинг аввалги жами онгли ҳаётининг маънавий натижаси эди. К. Ҳақимов автобиографиясидан: «1915 йилдан бери партия ташкилоти билан белгиланган социал-демократик тўгаракнинг аъзоси бўлиб, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан фаол ишга тайёрланиб, февраль революцияси бошидан буён большевикларга хайрихоҳ бўлиб, мен фақат 1918 йил апрель ойида РКП(б) сафига киришга муваффақ бўлдим».

Бу вақтда Оренбург ўлкасида вазият ниҳоятда мураккаб эди. Тез-тез турли исёнлар кўтарилиб турарди. Оқ казаклар Оренбургга тез-тез ҳужум қилиб турардилар. Уртоқлар ҳалок бўларди ва кўпинча ҳамма нарсани ташлаб, қўлга қурол олиб курашишга тўғри келарди. Июннинг охирида Дутовнинг казак полклари оқ чехлар мадади билан Оренбургга ҳужум бошлайдилар. Кучлар тенг эмасди. Қизил армия қўмондонлиги шаҳарни жангсиз ташлаб чиқишга қарор қилди. Оқлар чекиниш йўлини кесиб қўйиш мақсадида, аҳволни яна ҳам мушкуллаштириб қўйган эдилар. Темир йўл кўприги мудофаанинг энг муҳим нуқтаси бўлиб қолганди. К. Ҳақимов қисми зиммасига кўприкни ҳамма эшелонлар ўтиб кетмагунча қўлда сақлаб туриш вазифаси юкланди. Оқ казакларнинг қутуриб қилган бир қанча ҳужумлари қайтарилди. К. Ҳақимов хотираларидан: «1918 йил 2 июлда биз Туркистон томонга чекиндик. Оренбургдан 120 эшелон олиб чиқилди. Армияда 30 минг киши бор эди. Хавф Оренбургдан 3 чақирим наридаги Самара кўпригида эди. Мусулмонлар легионига шу кўприкни қўриқлашни ўз зиммасига олишга тўғри келди. Биз уни сўнгги дақиқагача қўриқладик. Эшелонлар ўтиб бўлгач, кўприкни портлатиб юбордик».

Чекиниб Актюбинскка келган қисмлардан армия тузилди. Унинг составида К. Ҳақимов Мартуқ, Қора тўрғай, Яйсан станцияларидаги жангларда иштирок этади. Айниқса оқ гвардиячилар офицерлар қисмларини атакага ташлаган Яйсанда жанглар шиддатли бўлди.

К. Ҳақимов ҳақидаги хотиралардан: «Армия қўмондонлиги оқларнинг тазйиқини заифлаштириш ва қарши ҳужумни ташкил этиш учун нафасни ростлаб олиш мақсадида оқларга ҳужум қилишга қарор қилди. Оқларни Яйсан станциясида қарши олишга қарор қилинди. Қизил аскарлар группасига қўмондонлик қилиш Ҳақимовга топширилди. Улар ойнаван хоналарни қолдириб, чеккадаги уйларнинг чордоқларига жойлашдилар. Қарим Ҳақимов... ўз ўртоқларига далда беришга ҳаракат қилди, қизикқонларни бостириб турди. Ойнаван уйларнинг олдидадан ўтган оқлар қизилларнинг қисмлари станцияни жангсиз ташлаб кетишга қарор қилибдилар, деб ўйлаб, яқинлашиб кела бошладилар. Оқларни яқинроқ келтириб, қизил аскарлар пулемётлар ва милицялардан қаттиқ ўққа тутдилар. Зарба қутилмаган ва кучли эди... «Жангларда кўрсатган жасорати учун К. Ҳақимов Интернационал полк батальонининг командири этиб тайинланди. У 1919 йил январда Дутов шайқаларига узил-кесил зарба берилган Оренбург остонасидаги жангларда иштирок этади. Шаҳар озод қилинганидан кейин уни яна маориф бўйича губерна комитетининг комиссари этиб тайинлайдилар. Қарим Ҳақимов саводсизликни тутатиш, етим болалар учун болалар уйи ташкил қилиш ишларини бошлаб юборади, чунки шу оғир йилларда етим болалар сони тобора ошиб бораётган эди. Бироқ, у узок вақт ишлай олмади. Шарқий фронтдаги аҳвол кескин ёмонлашди. Қолчак ҳужуми бошланди. Оренбург губерна комитети ўзининг яхши ходимларини фронтга юборишга қарор қилди. Булар орасида К. Ҳақимов ҳам бор эди. У Қизил Армиянинг янги қисмларини тузишга фаол киришиб кетди. К. Ҳақимов таржимаи ҳолидан: «12 апрелда Қозонга жўнаб кетдим, бу ерда ўртоқ Усмонов билан алоҳида Волгабўйи татар ўқчи бригадаси қисмлари фронтда жанг қила бошлади». Бригада комиссарининг ўринбосари Қарим Ҳақимов эди.

1920 йилнинг боши. Туркистонда вазият жуда мураккаблашиб кетади. Урушда вайрон бўлган ёш республика шошилинич ёрдамга муҳтож эди. В. И. Лениннинг ташаббуси билан тузилган Бутунроссия МИК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича комиссия-

си (Турккомиссия) ҳарбий, совет, партия ва хўжалик қурилишига ёрдам бериш учун қизгин иш бошлаб юборди.

Турккомиссиянинг ўша маҳалда Самарада бўлган аъзоларидан бири М. В. Фрунзе томонидан чиқарилган партия аъзоларига қарата хитобномада Туркистон халқлари тилини, турмушини билувчи коммунистлар у ердан ишлаш учун боришга чақирилган эди.

Бу чақириққа лаббай деб жавоб берганлар орасида К. Ҳакимов ҳам бор эди. У Туркистон fronti қўмондонини М. В. Фрунзе поездидан янги иш жойига жўнаб кетди. У М. Фрунзени Қозонда бригада тузилган 1919 йил апрель ойидан буён билар эди.

Ўша пайтда Туркистондаги сиёсий вазият мураккаб эди. Миллатчи оғмачилар РКП(б) Марказий Комитетининг республика автономияси тўғрисидаги қарорига рози бўлмасдан, Москвага ўзларининг давлат тузилиши тўғрисидаги лойиҳасини ҳимоя қилиш учун Т. Рисқулов бошчилигида бир қанча талабларни: Турккомиссияни бешор қилиш, Туркфронти ҳарбий — революцион кенгаши ҳуқуқларини чеклаш, Қизил Армиянинг руслардан ташкил топган қисмларини Туркистондан чиқариб юбориш ёки қуролсизлантириш, нуқул мусулмонлардан ҳарбий қисмлар тузиш ва ҳоказо талабларни ўз ичига олар эди. Бу лойиҳани РКП(б) Марказий Комитети рад этади. Унинг ўрнига РКП(б) Марказий Комитетининг лойиҳаси В. И. Ленин киритган бир қанча тузатишлар билан қабул қилинади. Бироқ, Туркистон Компартияси ўлка комитетида кўпчиликка эга бўлган Т. Рисқулов тарафдорлари бу лойиҳани амалга оширишга тўсқинлик қиладилар.

Бундай шароитда Турккомиссия ўлка комитетини тарқатиб юбориш ва Туркистон Компартиясининг муваққат Марказий Комитетини тузиш ҳақида қарор қабул қилади. Карим Ҳакимов Муваққат Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланади. Янги партия органи олдида сиёсий-оммавий ишларни жонлантириб юбориш, партия ташкилотларини шовинистлар ва миллатчилардан тозалаш, съездни тайёрлаш вазифаси турар эди. Дастлабки кунларданоқ қурғоқчиликка қарши кураш бўйича ва ер масаласи юзасидан тезислар ишлаб чиқилди. К. Ҳакимов зиммасидаги юмушлар жуда катта эди. Унинг укасига ёзган хатида: «Ҳозирча эскича яшайпман. Суткасига 18 соатлаб ишлайман». Дарҳақиқат, унинг учун бу революционернинг оддий ҳаёти эди.

К. Ҳақимов доим омма орасида бўлди. У маҳаллий миллат меҳнаткашлари олдида уларнинг ўз тилида сўзлаб, уларга партиянинг ленинча сиёсати моҳиятини тушунтирарди. У ташкилотчилик ишига ҳам кўп вақт сарфлайди. Дастлабки мажлислардан бирида ўлка комитетининг илгариги состави иши тўғрисида доклад қилар экан, Ҳақимов унда бўлимлар иши яхши ташкил қилинмаганлигига, улар ўртасида алоқа боғланмаганлигига эътиборни жалб этади. Шу муносабат билан К. Ҳақимов бир қанча тадбирларни таклиф қилиб «бутуи ўлкада, барча обкомлар ва область революцион комитетларда аъзолар составини қайта кўриб чиқилсин, токи янгилари меҳнаткаш омма билан алоқани йўлга қўя олсин, уларни Совет ҳокимияти томонига жалб эта олсин», дейди. Шунингдек, у маҳаллий аҳоли орасида пропагандани кучайтириш, уни Марказий Комитет сиёсати билан таништириш зарурлигини таъкидлаб кўрсатади. Бу таклифларни мажлисда иштирок этган В. В. Куйбисhev тўла қўллаб-қувватлайди.

Давом этаётган граждaнлар уруши Туркистонда социалистик қурилиш ишини муваффақиятли амалга оширишга жиддий ҳалал берарди: босмачилар аҳолини террор қилардилар, хўжаликларни вайрон этардилар, фаолларни ўлдирардилар. Лекин республикага энг кўп хавф солиб турган куч — Бухоро амирлиги эди. Инглизларнинг қутқуси билан амир доимий равишда фитна уюштириб турди. У Бухорони Совет Туркистонига қарши кураш майдонига айлантирди. Амирликнинг аҳолиси жуда оғир шаронгда, зулм, ўзбошимчилик, ҳуқуқсизлик шаронтида яшар эди. Халқ оммаси тобора кўпроқ, тез-тез қўзғалиб турарди. Уларнинг чиқишларини хатто амир жаллодларининг ваҳшийликлари ҳам тўхтата олмади. Коммунистлар қатъий махфий иш олиб бориб, оммани қуроли қўзғолонга тайёрладилар. 1920 йил август охирида қўзғолон кўтарилди. Туркистон республикаси Бухоро революционерларига қардошларча ёрдам қўлини чўзди. Туркистон Компартияси уларга ёрдам учун 500 коммунистни юборди. Булар амир қўшинларига қарши курашаётган жангчилар сафига қўшилдилар. Улар орасида Қарим Ҳақимов ҳам бор эди. 2 сентябрда Туркистон фронтининг қўшинлари қўзғолон кўтарган халқ билан биргаликда амирнинг таянчи бўлган эски Бухоро қалъасини штурм билан эгаллаб олдилар. Жангда кўрсатган жасорати учун К. Ҳақимов Бу-

хоро Халқ Совет Республикасининг ордени билан мукофотланди.

У жанг майдонларида жасорат кўрсатибгина қолмасдан, балки ўлкадаги мураккаб сиёсий вазиятни тўғри баҳолай олар, кишиларни тушунар, талабчанликни сезгирлик, яъни ҳар доим ёрдам беришга тайёр туриш билан уйғунлаштира оларди. Миллатчилик қарашлари Ҳакимовга ёт эди. Бу фазилатларининг шаклланишида унинг партия ва давлатнинг атоқли арбоблари М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев билан узоқ вақт мулоқотда бўлиши катта роль ўйнади. Кейинчалик, 1923 йил февралда Куйбишев Марказий Контроль Комиссиясининг Карим Ҳакимов ҳақидаги сўровига қуйидаги сўзлар билан жавоб беради: «Ўртоқ Ҳакимовни 1919—1920 йилларда Туркистонда бўлган вақтимдан бери биламан. Мусулмон ходимлар орасида у энг саботли коммунист ва миллатчилик, оғмачиликлар унга ёт эди. Дастлаб фронт сиёсий бўлимида ишлаган, сўнгра Туркистон Компартияси Марказий Комитетида секретарлик қилган, сўнгра Бухорода РСФСРнинг мухтор вакили сифатида, менинг муовиним бўлган. Ўртоқ Ҳакимовни софдил партия аъзоси деб ҳисоблайман...»

1920 йил октябрь. Жиддий кризис Бухоро Компартияси Марказий Комитетида вазиятни кескинлаштириб юборади. Комитет аъзоларининг бир қисми социалистик ўзгаришларни бемавруд амалга ошириш Совет ҳокимиятидан омманинг ихлосини қайтариб қўйиши мумкинлигини ҳисобга олмай, революцияни «чуқурлаштириш» йўлини тутишга қарор қилади. Ажралиш юз беради. Бундай шароитда Туркбюро БКПни қайта қуришни ва муваққат Марказий Комитет тузиш таклифи билан чиқади. В. В. Куйбишевнинг таклифига биноан Карим Ҳакимов Марказий Комитет секретари бўлади.

Аслида ишни янгидан бошлашга, нафақат оддий партия аъзолари ўртасида, балки Марказий Комитетда ҳам интизомни мустаҳкамлашга, анархистик кайфиятларга қарши курашишга ва партия сафларини тозалашга тўғри келди.

Шундай вақтларда Қ. Ҳакимов ухлаш ва овқатланиш нима эканлигини билмай ишлади. Қисқа вақт ичида у раҳбарлик қилаётган БКП Марказий Комитети партия ишларини изга солиб юборишга, омма билан алоқани мустаҳкамлашга муваффақ бўлди.

1920 йил декабрда бўлиб ўтган партия конференцияси бунни тасдиқлади. Қ. Ҳакимовнинг сиёсий жиҳатдан

«стуклигига, унинг ташкилотчилик қобилиятига ишонч ҳосил қилган В. В. Куйбишев БКП Марказий Комитетига мурожаат этиб, уни секретарлик лавозимидан озод этишларини сўрайди. 6 декабрда уни эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу куни у РСФСРнинг Бухородаги мухтор вакили В. В. Куйбишевнинг ўринбосари этиб тайинланди, 1921 йил январдан, яъни Куйбишев Москвага чақириб олингандан кейин К. Ҳакимов РСФСРнинг Бухоро Халқ Совет Республикасидаги мухтор вакили бўлиб қолди. Лекин шу лавозимда ишлаб турган вақтида ҳам у амалда Бухоро Компартияси Марказий Комитетидаги ишидан бўшамайди, кўпгина масалаларни ҳал этишда бевосита иштирок этади. К. Ҳакимов автобиографиясидан: «Мен Бухоро Компартияси Марказий Комитетининг секретари этиб тайинландим. Менга Бухоро Компартияси съездини ва Бутун Бухоро Советлар съездини тайёрлаш ишига раҳбарлик қилишга тўғри келди. 1920 йил ноябрда РСФСРнинг Бухородаги мухтор вакили ўртоқ Куйбишев Москвага кетади ва мени мухтор вакилликка унинг ўринбосари қилиб юбордилар. Бу кейинги иш мени Бухоро Компартияси Марказий Комитетининг раҳбари ролидан озод этмадигина эмас, балки зиммамга янги масъулият юкладди».

Мухтор вакилликнинг асосий вазифаси маҳаллий аҳоли ҳамда партия ва совет органлари билан ўзаро муносабатни тўғри йўлга қўя билиш эди. Масалан, у чиқарган декретлардан бирида бундай дейилган: «Туркфронтининг Бухоро территориясидаги барча алоҳида бўлимларига Бухоро республикасининг гражданлик ишларига мутлақо аралашмасликни буюраман. Республиканинг мустақиллигини ҳар қандай бузиш ва унинг ички ишига аралашини мен РСФСР принципларини қасдан бузиш деб биламан ва айбдорлар революцион қонунга биноан аёвсиз жазоланади. РСФСРнинг Бухородаги мухтор вакили ва Революцион Ҳарбий Кенгаш вакили К. Ҳакимов»¹.

1921 йил баҳорда К. Ҳакимов партиянинг X конференциясига ва Коминтерннинг III конгрессига делегат этиб сайланди. У бутун вужуди қулоқ бўлиб Владимир Ильич фикрларини тинглайди. У Бухорога қайтгач янги куч билан ишга киришиб кетади. Бироқ, тез орада уни

¹ Известия Центрального Ревкома Бухарской Народной Советской республики, 1921, № 9, 31-бет.

Москвага чақирадилар ва у Урта Осиёни бутун умрга тарқ этади. К. Ҳакимовни Ташқи ишлар халқ комиссарлиги ишга олади.

Гражданилар уруши тугайди. Вайрон бўлган мамлакат тинч ҳаёт йўлига қадам қўяди. Ташқи сиёсатда ҳам янги босқич бошланади. Давлатни яккалик ҳолатидан олиб чиқиш, тинч социалистик қурилиш учун шароит яратиш, савдони ривожлантириш зарур эди. Совет давлати дипломатик муносабатлар ўрнатишга чақириб, Шарқ мамлакатларига муурожаат қилади. Биринчи бўлиб Эрон жавоб беради. 1921 йил февралда Москвада Совет — Эрон шартномасига имзо чекилади. Эроннинг йирик шаҳарларида бош консулхоналар очиш масаласи пайдо бўлади. Совет ҳокимиятига садоқатли бўлган, Шарқ халқлари ҳаёти ва урф-одатларини яхши биладиган кишилар керак эди. В. В. Куйбишев бош консуллик лавозимига К. Ҳакимов номзодини таклиф қилади, унинг қобилиятини таъкидлаб, Ҳакимов унча кўп бўлмаса-да, Бухорода дипломатик иш тажрибаси орттирганлигини эслатиб ўтади.

Уни Машҳадга юборадилар. Гарчи шароит оғир бўлишига қарамадан социализм ишини ҳимоя қилишга қанчалик уринганлигидан унинг укасига ёзган хати далолат беради. Хат чет элга кетиши олдидан ёзилган эди: «Укажон! Биз сен билан революцион воқеалар туфайли турли шароитларда ва турли вазиятда учрашганмиз. Лекин орамизда умрбод бузилмайдиган ва бизни маҳкам боғлаб турадиган муштараклик бор: биринчидан, бизнинг қон-қариндошликка асосланган биродарлик муносабатларимиз; иккинчидан, бу муҳими, биз иккаламиз бир ғоя ва бир иш учун, меҳнаткашлар ҳокимияти учун курашмоқдамиз. Мен Эронга жўнаб кетар эканман, чуқур ишонаманки, орамиздаги шу икки муштараклик нафақат сақланиб қолади, балки яна ҳам кўпроқ мустаҳкамланади».

1921 йил октябрда Карим Абдурауфович Машҳадга етиб келади. Унинг вазифасига савдо муносабатлари билан боғлиқ масалалар, шунингдек маҳаллий маъмурларнинг Совет-Эрон Шартномасини бажариш соҳасидаги фаолиятини кузатиб бориш кирар эди. К. Ҳакимовнинг форс тилини билмаслиги жиддий қийинчилик туғдирган эди. Бу тилни ўрганиб олишни ўзининг асосий вазифаларидан бири қилиб қўйиб, у бир неча ой ичида форс тилида бемалол гаплаша оладиган бўлади. Ўзининг бу тилни соф талаффуз этиши билан Эрон вакил-

ларини ҳайратда қолдиради. Қийин шароитда ишлашга тўғри келади. Инглизларнинг тазйиқи остида Эрон ҳукумати алоқаларни кенгайтириш йўлини тутмади, фойдали туюлган таклифларни ҳам совуққонлик билан қарши олди. К. Ҳакимов Совет Россияси билан алоқа боғлашдан манфаатдор бўлган, жамоатчилик доираларидан таянч топиши учун жуда кўп машаққат чекишига тўғри келди.

Албатта, унга дипломат бўлиб ишлаш осон бўлмади. Унинг маълумотидаги камчилик дастлабки кезларда унинг туғма ақли, киришимлилиги билан қопланиб кетди. Ҳакимовнинг хотираларига қараб фикр юритиладиган бўлса, у камдан-кам учрайдиган чиқшимли инсон эди. Паст бўйли, юзида чечакнинг қорамтир излари қолган, нигоҳи ўткир Ҳакимов ҳар қандай улфатчиликнинг азиз меҳмони эди, яхши куйларди, оғир вазиятларда эса ҳазил-ҳузулни ҳам қанда қилмасди. Лекин К. Ҳакимовнинг мустамлакачилик босқинчиликлари йўлини рад этган давлатнинг вакили эканлиги ҳам унга ишда ёрдам берди, албатта. Буни у ишлашга тўғри келган барча мамлакатларда ҳаққоний равишда қадрладилар.

1923 йил майда К. Ҳакимовни Рештга бош консуль қилиб юборадилар. 1924 йил апрелда эса у Хижосга — ҳозирги Саудия Арабистони территориясидаги қиролликларнинг бирига — СССРнинг мухтор вакили қилиб тайинланади. Сиёсий вазият жуда чалкаш эди. Хижос билан бошқа феодал давлатлар, биринчи навбатда Неж ўртасида доимий урушлар давом этмоқда эди. Уларнинг мақсади Арабистонни сиёсий жиҳатдан бирлаштириш эди. Тўқнашувларни рағбатлантирувчи инглизлар зиддиятлардан усталик билан фойдаланардилар. Саудлар сулоласи бошқараётган Неж бир қанча давлатларни бирлаштиришга муваффақ бўлди, лекин Хижос мустақил бўлиб қола олди.

К. Ҳакимов шу ерга юборилган эди. Тез орада миссия Хижоснинг асосий шаҳари Жиддага етиб келди. Дастлабки кунларда 80° даражага кўтарилган иссиқлик элчихона ходимларини ҳолдан тойдириб қўйди. Безгак ҳукм суларди. Фақат бирмунча вақт ўтгандан кейин одамлар иқлимга кўникиб, ишга кириша олдилар. К. Ҳакимов ўша кунлари қариндошларига бундай деб ёзган эди: «Чамаси биз, 10—15 кунлаб безгак жабрини тортиб, бир оз тин олдик...»¹. Ишлаш осон эмасди. Бевосита

¹ «Вокруг света» журнали, 1927, № 31, 6-бет.

телефон алоқаси йўқ, хат-хабарлар уч-тўрт ойда етиб келарди. Кўрсатмалар жуда кечикиб келарди. Шу сабабли кўпинча аҳамиятини йўқотарди. Кўп масалаларни ўзимиз ҳал қилишимга тўғри келарди. Ишнинг хусусияти яна шундан иборат эдики, Совет миссияси келган пайтда Хижос билан Неж ўртасидаги ихтилофлар яна кучайган эди. 1925 йил декабрда йил бўйи давом этган қамалдан кейин Жидда таслим бўлди. Тез орада Неж билан Хижос расман бирлашди. Саудия Арабистони Қироллиги тузилди. К. Ҳакимов бошчилик қилаётган Совет ваколатхонаси қийин аҳволда қолган эди, чунки у амалда ғолиб чиққан сулола рақиби территориясидаги ваколатхона эди. СССР билан Араб Шарқи мамлакатлари ўртасидаги алоқаларнинг мустақамланишига душманлик билан қаровчи кўпгина ғанимлар бундан фойдаланиб қолишга интилдилар. Бироқ уларнинг кирдикорлари барбод этилди. Совет Иттифоқи дастлабкилар қатори янги давлатни таниди, унинг раҳбарлари билан алоқа боғлади. У ерда бу ишни К. Ҳакимов ва ваколатхона ходимлари олиб бордилар.

Дипломатнинг иши анча хавф-хатар билан боғлиқдир. 1926 йил февралда, яъни К. Ҳакимов бўлғуси Саудия Арабистонининг қироли, урушда эндигина ғалаба қозонган Ибн Саудга унинг давлатини Совет Иттифоқи таниганлиги тўғрисидаги хабарни етказиши лозим бўлган пайтда қизиқ бир воқеа содир бўлди. Саҳронинг ҳамма ерида ҳали уруш излари кўриниб турарди. Ҳакимов капотига Совет байроғи тикилган машинани ўзи бошқариб борар эди, лекин бу байроқ Ибн Сауд қўшинларига ҳеч нимани англатмас эди. Уқ товушлари эшитилди. Уқ моторни тешиб ўтиб автомобилни тўхтатиб қўйди. Қабинадан чиқиб отишма тўхтагунча машина тагида ётишга тўғри келди.

Бадавийлар ҳузурига дўст кетаётганлигини англатиш учун нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлай бошладилар. Шунда Бош консуль «Варшавянка»ни ва бошқа революцион қўшиқларни айта бошлади. Уни танидилар — бу қўшиқларни ундан бошқа ҳеч ким айтмас эди. Ҳукумат топшириғи бажарилди.

Аста-секин вазият нормаллаша бошлади. К. Ҳакимов ҳам араблар тарихини, араб ва француз тилларини ўрганиш учун бўш вақт ажрата бошлади. Бир неча ой ичида у арабча ўқиш ва ёзишни ўрганиб олди. Бу эса унга мамлакат аҳолисининг турли қатламлари билан алоқа боғлаш имконини берди. У мамлакат бўйлаб кўп

юрар, ҳатто кўчманчи бадавийлар ҳузурида ҳам бўлар эди.

К. Ҳақимовнинг таклифига биноан маҳаллий аҳолини ўзига мойил қилиб олиш учун Совет элчихонасининг ходимлари арабча кийинна бошладилар. Ҳақимовнинг ўзи эса ўзининг арабларга ишонишини кўрсатиш ниятида соқчисиз юрарди.

Мамлакат раҳбарлари билан ҳам яхши алоқалар йўлга қўйилди. Характерли бир мисол келтирамиз. 1932 йилда СССРга Саудия Арабистонидан ҳукумат делегацияси келади. Делегация бошлиғи қиролнинг ўғли, Ташқи ишлар министри вазифасини бажарувчи Амир Пайсал эди.

Уша вақтда Москвада бўлган К. Ҳақимов халқ комиссарининг топшириғига биноан дипломатия ходимлари группаси билан Амирни кутиб олишга жўнаб кетади. Учрашув Совет—Польша чегарасида бўлади. Ҳадича Ҳақимованинг хотираларидан: «Шахзода Пайсал вагондан чиқиб, эски таниши Ҳақимовни кўриб, шундай қувониб кетдики, унинг олдига келиб, қучоқлаб ўпишиб кўришди. Большевик билан бундай илиқ учрашувни кўрган поляк амалдорлари шу қадар ҳанг-манг бўлиб қолдиларки, ҳаммалари қаддини ростлаб шахзода билан Ҳақимов олдида сергак тортиб турдилар».

1929 йил майда Қарим Ҳақимов Яманга элчи қилиб тайинланади. У бу ерда ҳам элчихона ташкил этиши керак эди. Бироқ энди уни янги лавозим бу қадар безовта қилмас эди. Керакли тажриба орттирилган, тил ва урф-одатлар ўрганиб олинган эди.

Худди Саудия Арабистонидаги сингари Ҳақимов қаерда бўлмасин, маҳаллий аҳоли унга эътибор билан қараётганлигини ҳис этиб турар эди. Маҳаллий аҳоли биринчи марта совет ходимини кўраётган эди.

Ҳадича Ҳақимова хотираларидан: «Дастлаб эримга худди бегона сайёрадан келган кишига қарагандек қарадилар. Оломон унинг орқасидан юрар, кўплар гаплашар, сон-саноқсиз саволлар берар эди». Дарвоқе, граждандлар уруши замонининг комиссари Қарим Ҳақимовга оддий одам ўз ҳукмдорини кўриш учун уч марта таъзим қилиб, боланинг бўйига мўлжалланган дарвозадан ўтиши лозим бўлган мамлакатнинг раҳбари билан алоқада бўлиш нақадар мураккаб эканлигини бир ўйлаб кўрайлик. Шунга қарамай у имом ва унинг теварак-атрофидагилар билан алоқа ўрната олди. Элчихонанинг киномеханиги саройда кўпинча кинофильмлар кўрсатар-

ди, бу эса ўша вақт учун жуда ғалати туюларди. Агар, масалан, электр бузилиб қолса, имомнинг қариндошлари ёрдам сўраб совет ваколатхонасига мурожаат қилардилар. Элчининг хотини имом хонадонидаги аёлларнинг азиз меҳмони бўлиб қолган эди, қизи Флора эса имомнинг йиғирма тўртинчи хотини, ҳали жуда ёш қиз билан дўстлашган эди. Ҳадича Ҳакимованинг хотираларидан: «Ваколатхонанинг уч қаватли уйининг эшиклари фақат зодагонлар учунгина эмас, балки руҳонийлар, савдогарлар, тугилиб келаётган зиёлилар учун ҳам очиқ эди. Одатда ямаликларни анъанага кўра дераза ўрнатилмаган иккинчи қаватда қабул қилишарди. У ерга гилам тўшалган, дастурхонга чой, кофе ва албатта обинон қўйилган бўларди, ямаликлар қўлдан-қўлга ўтиб турадиган чилимларни чекиб, бафуржа суҳбатлашардилар. Бундай қабул маросимларига аввалдан тайёргарлик кўриларди. Эрталабданоқ мен челақ кўтариб қудуққа борардим. У ерда буқа айлантирадиган чархпалак сув кўтариб берарди. Кейин тўр тутилган шляпани кийиб (ҳатто чет эллик аёл ҳам кўчада очиқ юз билан юриши тавсия этилмасди) бозорга борардим. Ноз-неъматларни ўзим тайёрлардим — эрим, гарчи дипломатнинг хотини статусини сақлаш учун зарур бўлса-да, хизматкор ёллашни ёқтирмасди».

У оғир вазифани — савдо-сотиқни йўлга қўйишни уддалай олди. К. Ҳакимовнинг таклифига биноан Яманинг пойтахти Санода учта совет врач ишлайдиган амбулатория очилди, шаҳарнинг асосий порт шаҳри бўлган Ходайдида касалхона очилди. Қарим Ҳакимов томонидан 30-йилларда Яманда сочилган яхши қўшничилик уруғи ўсиб, ҳозир ҳам яхши ҳосил бермоқда.

1937 йил. К. Ҳакимов Ташқи ишлар халқ комиссарлигининг СССРга қайтиш тўғрисидаги кўрсатмасини олади. Уни Ватанда нима кутмоқда? Флора Ҳакимованинг хотираларидан: «Биз Ташқи ишлар министрлигининг Маркс ва Энгельс кўчасидаги уйда яшардик. Кўчада болалар Ежов-Ежов ўйнашарди. Отам чегарадан телеграмма юборди ва биз кутиб олиш учун вокзалга жўнаб кетдик. Бироқ, кутиб ололмадик. Тўрт соатдан кейин у уйга келди. Бундан хабардор бўлиб, уйимизга элчихоналаримизнинг илгари отам билан бирга ишлаган ходимлари келишди. Нималар содир бўлаётганлигини тушунмасдан, отамдан тушунтириб беришни сўрадилар... Бир неча кун ўтгач, мактабдан қайтиб келиб қарасам,

бир хонанинг эшигига оқ қоғоз ёпиштириб қўйилибди. Отамни бошқа ҳеч кўрмаганман.

Қоровул Гавруша ҳовлида мени тўхтатиб, бизникида яша энди, ойингни ҳам олиб кетишади, деди. Тез орада шундай ҳам бўлди». Флора ойисини фақат ўн йилдан кейин кўрди...

Энг яхши коммунистлар ва партиясизларни йўқ қилиш партия ва мамлакат учун фожиага айланди. Қурбонлар ўрнини тўлдириб бўлмаслиги орадан кўп йиллар ўтгандан кейин, яъни бугун ҳам сезилиб турибди. Биз ўша йиллар воқеалари жараёнини ўзгартира олмаймиз, у кишиларни қутқара олмаймиз, лекин улар қилган ишларни ортиқча ҳис-туйғуларсиз ва муболағаларсиз хотиржамлик билан, замон руҳида қадрлай оламиз. Уларнинг маънавий ва руҳий мероси ҳамиша биз билан қолади. У — жамиятимиз ҳаётидаги қайта қуриш деб аталган чуқур ўзгаришларнинг йўлчи юлдузидир.

- **Д. Г. ВАЙСМАН,**

тарих фанлари номзоди

Т. М. ПОДЛИПСКАЯ,

тарих фанлари номзоди

МУНДАРИЖА

Сўз боши (Шамсутдинов Р. Т.)	3
Файзулла Хўжаев (Нуруллин Р. А.)	7
Петр Алексеевич Кобозев (Маҳмудов М. М.)	19
Исаак Абрамович Зеленский (Вайсман Д. Г., Подлип- ская Т. М.)	28
Турар Рисқулов (Зиёмов С. Ш.)	44
Султонбек Хўжанов (Ражабова Р. Я.)	52
Рустам Исломов (Ежова Т. П.)	75
Иномжон Хидиралиев (Шамсутдинов Р. Т.)	85
Мансур Зиёевич Мирза-Аҳмедов (Маҳмудов М. М.)	99
Усмоиҳон Эшонхўжаев (Шамсутдинов Р. Т.)	110
Хаққул Хусанбоев (Шамсутдинов Р. Т.)	123
Раҳимжон Раҳимбобоев (Шамсутдинов Р. Т.)	142
Дмитрий Семенович Урюпин (Шамсутдинов Р. Т.)	153
Нажиб Хусаннов (Умурзоқова Р. Н.)	159
Карим Ҳакимов (Вайсман Д. Г., Подлипская Т. М.)	166

Научно-популярное издание

СОЛДАТЫ РЕВОЛЮЦИИ

На узбекском языке

Издательство «УЗБЕКИСТОН» — 700129, Ташкент, Навои, 30.

Бадий муҳаррир *А. Дехқонхўжаев*
Тех. муҳаррир *Т. Ҳаритонов*
Корректор *С. Тоҳирова*

ИБ № 5013

Теринга берилди 15. 05. 90. Босинга рухсат этилди 07. 12. 90. Формати 84×108^{1/2}.
№ 2 Сосма қозоғига «Литературная» гарнитурала юқори 26-босма усулида 60 илди.
Шарҳи бос. л. 9,66. Шарҳи кр. огт. 9,87. Нашр л. 9,93. Тиражи 10.000. Заказ 120.
Баҳоси 65 т.

«Узбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий 30. Нашр № 31—90.

Узбекистон ССР Матбуот Давлат комитети, Тошкент «Матбуот» полиграфия
ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-босмаҳонасида босилди. 700002, Тошкент.
Ҳамза кўчаси, 21.

65т.